



+

УДК 9(73)(075)
217

Қ. Ражабов
М. Хайдаров

Туркистон ТАРИХИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қ. Ражабов, М. Ҳайдаров

ТУРКИСТОН ТАРИХИ

(1917–1924 йиллар)

(Университетлар ва педагогика институтлари учун
ўқув қўлланмаси)

Telegram adress:

@turkiston_kutubxonasi

Тошкент
"Университет"
2002


Мазкур ўқув қўлланмасида Ўзбекистон янги тарихининг энг мураккаб ва зиддиятли даврларидан бири ёритилади. Ватанимиз тарихининг атиги 8 йилини қамраб олган бу даврда Туркистон мишқаида муҳим воқеалар юз берди. Айнан ушбу воқеалар Ўзбекистоннинг XX асрдаги совет даври тарихини олдиндан ҳал қилди. Қўлланма 5 та бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобда алоҳида мавзу махсус таҳлил қилинади. Хусусан, жадидалар ва истиқлолчилар томонидан илгари сурилган миллий истиқлол ғояси асарда яхши очиб берилган.

Мазкур ўқув қўлланмаси олий ўқув юртлиари ўқитув – чилари ва талабаларига, шунингдек, Ватанимиз тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори,
профессор **Р.Ҳ. Муртазаева**

Тақризчи: тарих фанлари доктори
Р.М. Абдуллаев

Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси тавсия этган



© «Университет» нашриёти – 2002

МУҚАДДИМА

XX аср ҳам поёнига етди. Инсоният милодий ҳисобда иккинчи минг йиллик билан хайрлашиб, янги XXI асрга қадам қўйди. Жаҳон цивилизацияси тарихида эндигина яқунланган XX аср катта роль ўйнади. Шунингдек, XX аср Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи ҳаётида ҳам, шубҳасиз, чуқур из қолдириди. Халқимиз бу асрда бир — биридан фарқли бўлган уч хил тузумни бошдан кечирди. Чор ва совет Россиясининг мустамлакачилик асоратлари ортда қолди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши эса ўзбек халқининг XX асрда эришган энг катта ютуғи бўлди.

Бугунги кунда миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини халқимиз қалби ва шуурига сингдириш буюк мақсадимиздир. Тарих фани миллий истиқлол мафқурасини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутди. Юртимизнинг қадимий ва бой тарихи — миллий истиқлол ғоясининг муҳим асосларидан биридир. Халқнинг ақл — заковати ва эзгуликка интилиш анъаналари, ватаншарварлик, ўз киндак қоши тўкилган тупроққа муҳаббат ҳисси асрлар давомида яшаб келмоқда. Ватан туйғуси тарихий хотира ва тарихий онгга асосланади. Шунинг учун ҳам мазкур ўқув қўлланмасини яратишга эҳтиёж туғилди.

Қўлланмада архив ҳужжатлари, ўша давр миллий матбуоти материаллари ва адабиётлар таҳлили асосида Туркистонда мухторият учун ҳаракат, жадидларнинг серқирра фаолияти ва қисмати, Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти, Туркистонда мустабид совет режимининг марказлаштириш сиёсати ва унинг оқибатлари ёритилган. Шунингдек, иқтисодиётнинг зиддиятли ривожланиши, ўлка иқтисодиётининг Марказ маффаатларига бўйсундирилиши ва минтақадан хом ашё бойликларини Россияга ташиб кетилиши, Туркистондаги даҳшатли очарчилик, миллий зиёлиларнинг совет режимига қарши кураши, минтақада амалга оширилган миллий — ҳудудий чегараланиш ишончли маълумотлар асосида кўрсатилган. Айниқса, совет режими ва боқинчи қизил армияга қарши кўтарилган истиқлолчилик ҳаракати, Туркистон кўрбоши — ларининг жанговар ҳаёти ва фаолияти, Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги истиқлол жанглари китобда кенг тасвирланган.

Қўлланманинг назарий – концептуал асослари 90 – йиллар бошида Ўзбекистон ФА Тарих институтида таниқли олима **Р.Ё.Ражапова** томонидан ишлаб чиқилган Туркистоннинг 1917 – 1924 йиллардаги совет даври тарихини ёритиш ҳақидаги янгича методологик концепция бўйича ёзилди. Бу концепция сўнгги йилларда **Д.А.Алимова**, **С.С.Аъзамхўжаев**, **Р.М.Абдуллаев**, **Қ.К.Ражабов**, **Д.Ҳ.Зиёева** томонидан янада ривожлантирилади. Муаллифлар мазкур ўқув қўлланмасини яратиш жараёнида ўз қимматли маслаҳатларини аямаган Ўзбекистон ФА Тарих институти директори, тарих фанлари доктори, профессор **Д.А.Алимова** ва Ўзбекистон Миллий университети проректори, тарих фанлари доктори, профессор **Р.Ҳ.Муртазаева**га, шунингдек, тарих фанлари доктори **Р.М.Абдуллаев**га ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

Муҳтарам ҳамкасбларимиз ва талабаларнинг мазкур асар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини самимият билан қабул қиламиз.

I БОБ. ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ВА МУХТОРИЯТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ. ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ

I.1. 1917 йил феврал – октябр оралиғида Туркистон

Туркистон 1917 йилда муҳим сиёсий ўзгаришлар арафасида турарди. Минтақа халқлари Россиянинг 50 йиллик мустамлака – чилик зулмига қарши тинимсиз равишда миллий – озодлик курашини олиб бордилар. Дастлаб маърифатпарварлик ҳаракати сифатида вужудга келган **жадидчилик** Туркистон тақдири ҳал қилинаётган бу паллада ўзбек халқини ғоявий жиҳатдан бирлаштирувчи куч сифатида майдонга чиқди.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси Россиянинг чекка мустамлакасига айлантирилиб, чоризм уни иқтисодий жиҳатдан ҳам тўла ўзига қарам қилиб олган эди. Мустамлакачиликнинг русча моделига кўра, туб ерли халқлар жаҳолат, саводсизлик ва қашшоқликда ушлаб турилиши лозим эди. Бироқ Туркистон ўлкаси капиталистик бозор муносабатларига тортилгани учун бу ерда ўзбек миллий буржуазияси – савдо – саноат эгалари ҳам шакллана борди. Чоризм маҳаллий буржуазиянинг пайдо бўлишини асло истамасди. Шунинг учун рус чоризми ва буржуазияси ўсиб келаётган ўзбек миллий буржуазиясининг иқтисодий – сиёсий ҳуқуқларини чеклаб, унинг ривожига тўсиқ қўйган эди. Миллий буржуазия бу камситишдан норози бўлган. Ислом дини арбоблари ўртасида халқнинг маърифатли бўлишини астойдил истовчи гуруҳ ҳам мавжуд бўлиб, бу тараққийпарвар зиёлилар чоризм ва жоҳил руҳонийларга қарши эдилар. Миллат тараққиётини ўйловчи ушбу тараққийпарвар кучлар ўзбек халқининг ҳунармандлари, деҳқонлари, савдогарлари, йирик мулкдорлари, ислом уламолари – халқнинг деярли барча табақалари орасида мавжуд эди. Зиёлилар чоризмга қарши курашши халқни асрий қолоқликдан уйғотиш ва маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди. Орадан 20 йил ўтгач, 1917 йилга келиб жадидлар Туркистондаги сиёсий жараёнларнинг қоқ марказида туришди.

1917 йил бошларида Петроградда бўлиб ўтган воқеалар таъсири остида Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун қизғин ҳаракат бошланиб кетди. Туркистон ижтимоий – сиёсий ҳаётида ўлка мухторияти масаласи асосий

масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият мақомини бериш гоёси нафақат демократик зиёлилар орасида, ҳатто оддий одамлар ўртасида ҳам анча оммалашган эди.

1917 йилнинг март—апрел ойлари ўлканинг сиёсий уй—ғонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жадиidlари, миллий зиёлилар ва ислом уламоларининг етакчилари бўлган Маҳ—мудхўжа Беҳбудий (1875—1919), Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли (1878—1931), Убайдулла Хўжаев (1882—1938), Абдурауф Фитрат (1886—1938), Файзулла Хўжаев (1896—1938), Садриддин Айний (1878—1954), Мустафо Чўқай (1886—1941), Муҳам—маджон Типишбоев (1879—1939), Шерали Лапин (1868—1919), Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890—1970), Обиджон Маҳмудов (1858—1936), Тошпўлатбек Норбўтабековлар ўлкада янги таш—кил қилинган “Шўрои Исломия” (1917 йил март), “Шўрои Ула—мо” (1917 йил июн), “Турон” жамиятлари ва “Турк адами Мар—казият (федералистлар) фирқаси” (1917 йил июл), “Иттифоқи муслимин” (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг ташкил топишида муҳим рол ўйнадилар.

Жадиdчилик 1917 йили маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига алақачон кўтарилган эди. Ўша 1917 йилнинг ўзида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари қу—рултойи ўтказилди. 1917 йил 16—23 апрелда Тошкентда бўлган I қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухто—риятини ташкил этиш гоёси олға сурилди. Бу гоё Туркистон халқларининг ўз миллий демократик давлатчилигини тиклаш йўлидаги дастлабки қадами эди.

Бутунтуркистон мусулмонлари I қурултойининг сўнги мажлисида марказий раҳбар орган — Туркистон ўлка му—сулмонлари Шўроси (Краймуссовет) ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Уни тузишдан асосий мақсад — миллий—озодлик ҳаракатига ташкилий ва марказлаштирилган характер касб этиш учун бир—бири билан тарқоқ алоқада бўлган жамият, кўмита ва иттифоқларни бирлаштириш эди. Туркистон мусулмонлари Марказий Шўросига Мустафо Чўқай раис, Закий Валидий бош котиб, Мунаввар Қори, Беҳбудий, О.Маҳмудов, У.Хўжаев, Т.Норбўтабеков, Ислом Шоаҳмедов ва бошқалар аъзо қилиб сайланди. Мунаввар Қори ва Садриддинхон Шарифхўжа қози ўғли бошчилигида Тошкент кўмитаси тузилди. Шунингдек, Беҳбудий раҳбарлигида Самарқанд ва Носирхон тўра етакчилигида Фарғона бўлими ҳам ташкил топди. Марказий Шўронинг органи сифатида “Нажот” (муҳаррири Мунаввар

Қори), кейинчалик "Кенгаш" (муҳаррири Валидий) газеталари чиқа бошлади.

Шундай қилиб, Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам қўйилди. Тарихда илк марта Бутунтуркистон ми – қеёсида мусулмонлар қурултойи чақирилиб, унда туб халқ – ларнинг мухторият томон қатъий интилиши, ўз анъаналари, урф – одатлари ва турмуш тарзини изчил туриб ҳимоя қилиши айтилди. Бу манфаатларнинг ифодачиси бўлган МИЛЛИЙ МАРКАЗ – Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси ташкил этилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Аср бошидан буён давом этаётган "жадид – қадим" низолари демократик ҳаракат сафида парчаланиш юз беришига олиб келди. Маълумки, 1917 йил 14 мартда Тошкентда "Шўрои Исломия" ташкил топган эди. Аксарияти жадидлардан иборат бу ташкилот аъзолари Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. 1917 йил июн ойида Мунаввар Қори бошчилигидаги "Шўрои Исломия" ташкилотидан "Шўрои Уламо" ажралиб чиқди. Шерали Лапин унинг Тошкент шўъбасига асос солди. 1917 йил 28 августда Қўқон шаҳридаги Жомеъ мадрасасида "Шўрои Уламо" жамиятининг йигини бўлди. "Шўрои Уламо" ташкилоти аъзоларининг 1917 йил 1 сентябрда қабул қилинган баённомасига асосан Қўқонда ҳам "Шўрои Уламо" жамияти тузилди (раиси Мулла Муҳиддинхон Мулла Улуғхон Тўраев, котиби Имом Назар Эрназар Мирзаев). "Шўрои Уламо" жамияти ўз дастурида ислом динининг анъанавий асослари бўйича иш кўришини маълум қилсада, аслида Шерали Лапин бошчилигидаги Тошкент уламолари аввал рус монархияси, сўнгра большевизм ғоялари билан ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришга беҳуда равишда уриндилар. Ўз мақсадлари тарғиботи учун "Шўрои Уламо" жамияти "Ал – Изоҳ" журналинини чиқара бошлади (муҳаррири – Абдумалик Ҳожи Набиев). Ҳар икки жамият ўртасидаги ғоявий курашни ўша давр воқеаларининг шоҳиди бўлган Мустафо Чўқай кейинчалик шундай хотирлайди: "Уламо жамияти" ва "Шўрои Исломия" ўртасидаги келишмовчилик бизнинг умумий кура – шимизни заифлаштирмоқда ва ишларимизни чувалаштирмоқда эди. Иккинчи тарафдан, "Уламо жамияти"нинг сиёсий прог – раммаси миллий ҳаракатимизнинг очиқ душманларига бизга қарши қурол бермоқда эди".

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусул – монларининг II қурултойи очилди. "Шўрои Исломия" ташаббуси

билан чақирилган ушбу қурултой ҳокимиятни ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советларига беришга қарши чиқди. Ушбу қурултойда қабул қилинган резолюцияларда миллий демократия ўзи тутадиган йўлининг принципиал асосларини биринчи марта қатъий қилиб айтди: ҳукумат демократик сиёсат юргизадиган бўлса, ана шундагина мусулмонлар бу ҳукуматда иштирок этадилар. Иккинчи қурултойда фақат Миллий Марказ — Туркистон мусулмонлари Марказий Шўроси минтақадаги мусулмон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин, деган фикр қатъий қилиб қўйилди.

1917 йил 17—20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойи "уламочилар" билан "шўрои исломчилар" ўртасидаги узоқ ва қизғин баҳсларга қарамай, ниҳоят, келишиш ва муроса йўлини топди. Тарихчи Раъно Ражапованинг ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтганидек, қурултойда "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон минтақаси учун умумий бўлган **"Иттифоқи мусулмин"** деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

Қурултой ишидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлажак сиёсий тузумини белгилаш эди. Ўша пайтда Тошкентда нашр қилинган "Улуғ Туркистон" газетасида ёзилишича, "Қурултой Мулла Муҳаммадхўжа эшон ва Мулла Сиддиқхўжа эшонларнинг бошқарув шакли ҳақидаги нутқларини тинглаб, дуою ижобат ила Туркистон Мухториятини тайин этишга жазм қилди". Қурултой мухториятга "Туркистон Федератив Республикаси" деган номни қўйиб, парламент республикаси асосида тузилажак бўлғуси давлат тузумининг бош тамойил ва меъёрларини белгилаб берди. ✓

Туркистон мусулмонларининг биринчи сиёсий партияси — "Турк адами Марказият (федералистлар) фирқаси" ҳам мана шу сиёсий масалаларга ўз муносабатини алақачон белгилаб олган эди. Миллий демократия етакчилари Мунаввар Қори, Бехбудий, О.Маҳмудов, Садриддинхон Маҳдум Муҳаммад Шарифхўжа Қози ўғли ҳамда кўплаб уламолар, мударрислар ва фикҳ олимлари томонидан 1917 йил июлда тузилган федералистлар фирқасининг маромнома (дастур) ва низомида Россия демократик республикаси таркибида ва мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда Туркистонда миллий—ҳудудий мухторият тамойиллари

негизда демократик республика тузиш гоёси чуқур асосланган эди.

Шу тарзда, Туркистонда Мухторият ҳукумати юзага келмасдан анча олдин жамиятнинг кенг қатламаари вакиллари, илғор зиёлилар бу ҳаракатда фаол қатнашиб, унинг пойдеворини яратишга замин ҳозирладилар.

1917 йил октябр ойига келганда тўртинчи йил давом этаётган империалистик уруш натижасида мамлакатда очарчилик, ишсизлик авж олди, иқтисоднинг таназзули янада чуқурлашди. Бу эса ўз навбатида меҳнаткаш омманинг норозилигини кучайтирди ҳамда Россия маркази ва жойларда ҳокимиятнинг инқирозига олиб келди. Бундай вазиятдан фойдаланган Тошкент Советига кирган большевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллашга чоғландилар.

Худди шу пайтда демократик руҳдаги миллий йўлбошчилар бутун мусулмонларнинг бирлашуви шиори билан чиқишди. XX аср жаҳон маданияти тарихида нодир феномен деб эътироф этилган Фитрат "Хуррият" газетасида қуйидагиларни ёзган эди: "Эй Туркистон халқи мусулмонлари! Тангри учун, пайғамбар учун, дин учун, миллат учун, келинг, бирлашайлик, орамиздаги шахсий тортишмалар, синфий айриликлардан кўз юмайлик. Ислохот динининг биринчи буйруғи бўлган қардошлик ва иттиҳод боғлари билан боғланайлик, қўлни-қўлга берайлик. Ҳақ йўлида, дин йўлида, Ватан йўлида, миллат йўлида жадидмиз, қадиммиз, мулломиз, боймиз, бирлашайлик" ✓

Беҳбудий ҳам дин ва миллатни иттифоқ этишга, ислохот ўтказишга, зиёли ва тараққийпарварларни, бой ва уламони бирлаштиришга даъват этди. У тараққийпарвар уламоларнинг халқ ўртасида обрўси унчалик катта эмаслиги, шу боис қадимий уламолар билан ҳамкорликсиз иш олиб борилса муваффақиятга эришиш қийинлиги тўғрисида куюниб сўзлар эди.

"Ўзбекистоннинг янги тарихи" уч жилдлигининг "Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида" деб номланган 2-киتابида ёзилишича, Туркистондаги демократик кучлар режалаштирган дастлабки ислохотчилик йўналиши ўз моҳиятига кўра мухториятчилик ҳаракати эди. Аввалига "Кенгаш", "Турон" газеталари, кейинчалик эса Туркистон федералистларининг газетаси бўлган "Турк эли" нашрлари "Яшасун қўшма халқ жумҳурияти!" шиори билан чиқа бошлади. Бу шиорга "Турк эли" газетаси қуйидагича изоҳ берган эди: "Бу жумла шундай муқаддас бир жумладурки, бутун Туркистоннинг истиқболи ва бутун Туркистоннинг кўзи очуқларининг тўрт кўз ила кутган нарсаи шуадир... Чунки, "Яшасун қўшма халқ

жумхурияти!" бу, яъни ўзига хайрихоҳ миллатлар ила бирлашган ҳолда турклик бешиги Туркистонга миллий, маданий ва ҳам ерлик мухторият олмоқдир!" (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 — китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., 2000, 40 — бет).

Туркистондаги барча туб халқлар, уларнинг ижтимоий — сиёсий ташкилотлари ва миллий етакчилари ўлкада эркинлик ва мустақиллик учун, унинг демократик Россия таркибида мухтор республика шаклидаги миллий давлат тузилиши учун фидокорона кураш олиб бораётган, шу билан бирга буларнинг ҳаммасига тинч воситалар (парламент йўли) билан эришишга интилаётган бир пайтда Туркистон большевиклари ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида уруш ва хўжалик соҳасидаги вайронгарчилик туфайли юзага келган иқтисодий ва озиқ — овқат қийинчиликларидан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга киритиш учун жон — жаҳдлари билан интидилар.

Мухториятчиларнинг қатъий ҳаракатлари большевикларни Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимиятни зўравонлик билан қўлга олишлари зарурлигини англатди. Ўлканинг илғор зиёлилари ва демократик руҳдаги уламолар ташаббуси билан ўтказилган мусулмонлар қурултойларида Туркистонга мухторият мақоми берилиши тўғрисидаги қарорлар Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Советини умуман қизиқтирмас эди.

Хулоса қилиб айтганда, 1917 йилнинг октябр ойи охирига келиб, Туркистон ўлкасида ҳокимият масаласида уч муқобил йўналиш юзага келди. Биринчиси, асосан жаҳид зиёлилари ва тараққийпарварлардан иборат миллий демократларнинг ўлкадаги европалик миллатлар вакиллари иштирокида демократик руҳдаги Туркистон Мухториятини ташкил этишга бўлган интилишлари; иккинчиси, айрим уламоларнинг Россиядаги монархик кучлар билан келишган ҳолда ислом давлати тузиш тўғрисидаги хатти — ҳаракатлари (улар Россиядан ажралиб чиқишни мақсад қилиб қўймаган эди); учинчидан, большевиклар томонидан мухториятчи ва уламочиларнинг бу интилишларини инкор этиб, зўрлик билан ҳокимиятни эгаллаб, унга мутлақ ҳукмрон бўлиш эди. Шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида фаолият кўрсатаётган Ёш бухоролик ва Ёш хивалик жаҳидларнинг конституцион монархия ўрнатиш учун саъй — ҳаракат қилаётганлигини ҳам унутмаслик лозим.

1.2. Туркистон жадидларининг миллий истиқлол ғояси ва мафқураси

Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини қайта тиклаган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятимизнинг барча соҳалари қатори маънавий — мафқуравий ҳаётимизда ҳам улкан ўзгаришлар рўй бермоқда.

"Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобида ёзилишича, миллий мафқура халқнинг мақсад — муддаоларини ифодалайди, тарих силовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл — заковат, иймон — эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиши учун интилиб янаш лозимлигини англадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир.

Бундан тахминан юз йил муқаддам Туркистонда жадидлар миллий манфаат учун кураш ғоя ва мафқурасини ишлаб чиқ — дилар. Айнан ушбу **миллий истиқлол ғояси** Туркистонда мус — табид совет тузумига қарши кўтарилган **истиқлолчилик ҳаракатининг** ғоявий асосини ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жадидларнинг миллий ғояси ва мафқураси бутун миллатнинг миллий истиқлол ғояси даражасига кўтарилди.

Миллий ғоя ва миллий мафқура тушунчаларини бир — би — ридан ажратиш қийин. Улар ўзаро яхлит чирмашиб кетган. Миллий мафқура тушунчаси кенг қамровли бўлиб, миллий ғоя унинг ўзаги ҳисобланади. Миллий мафқура миллий ғоя те — варагида шаклланади, у жамият ва мамлакат ҳаётининг ма — даний — маънавий йўналишларидан тортиб, то сиёсий қараш — ларгача бўлган барча соҳаларни қамраб олади. Миллий мафқура миллий ғояни озиклантиради ва уни мустаҳкамлайди. Улар халқнинг келажақда қандай қадриятлар асосида ўз давлати ва ҳаётини қурмоқчи, буни қандай тасаввур этади ва ўз курашида нималарга таянади, деган тушунчаларга жавоб беради. Совет тоталитар тузуми даврида Туркистоннинг қарамликда ушлаб туриш мафқурасига қайси ғоялар қарши турган ва улар нималарга асосланган деган саволга миллий тараққийпарварлар ва истиқлолчилик ҳаракатлари ғоялари деб жавоб бериш мумкин.

Жадидларнинг бой тарихий меросида миллий ғоя ва миллий мафкура алоҳида ўрин тутади. Жадидчилик фақат маданий ҳодиса бўлиб қолмасдан, у аввало сиёсий ҳодиса ҳам эди. Жадидлар ўз фаолиятида давлат ва унинг қурилишидан тортиб, жамият ва унинг маънавий ҳаётигача бўлган барча масалаларни қамраб олишганди.

Жадидларнинг миллий ғоясида қуйидаги икки масала асосий мақсад қилиб қўйилган эди: а) халқимизни дунёнинг маърифатли миллатлари даражасига кўтариш; б) Туркистоннинг ўз мустақиллигига эришуви.

Жадидларнинг давлат ва жамият ҳақидаги қарашларида бу икки масала бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Чунки миллат маърифатли бўлиши учун мустақил бўлмоғи лозим. Мустақил бўлиш учун эса халқимиз энг аввало илм-маърифатни пухта эгаллаши керак эди.

Жадидлар, бир томондан, Туркистон мустақиллиги учун кураш олиб бордилар. Иккинчи томондан, улар Туркистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун интилдилар. Бу кураш жадидчилик мафкурасининг асосини ташкил қилади.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун кураш дастурида асосан 4 йўналиш мавжуд эди: а) янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; б) қобилиятли ёшларни чет элларга ўқишга юбориш; в) турли маърифий жамиятлар тузиш; г) газета ва журналлар чоп қилиш. Ана шу дастур амалга оширилган тақдирда жадид зиёлиларининг кучли партиясини ташкил қилиш мумкин эди.

Жадидчиликнинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурوفотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонга мухторият мақомини бериш учун кураш, Бухоро ва Хива давлатларида конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш.

Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хива ва Самарқандда ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари то-

монидан очилган маданий маориф жамиятлари шаклидаги уюшмалардан жадидчилик ҳаракати шаклланган эди.

Ота юрт — Туркистонга нисбатан чексиз меҳр — муҳаббат туйғуси, унинг келажаги ҳақида ташвишли ўйлар, Ваганнинг тараққиёт йўллари режасини тузиш, Шарқ ва Ғарб анъана — ларини бирлаштириш жадидларни бу йўлга ундаган муҳим омиллар ҳисобланади. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси **Маҳмудхўжа Беҳбудий** "Ойна" журналида қуйидагича ёзган эди: "Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтурғонларни "қул — марқуқ" дерлар". Бу сўз кейинчалик машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов томонидан "ман — курт" номи билан қайта кашф этилди.

Беҳбудий, Фитрат, Файзулла Хўжаев, Чўлпон, Мунаввар Қори ва бошқа тараққийпарвар зиёлиларнинг асарларида жадидлар миллий ғоясининг асосий бўғини — Туркистондаги барча маҳаллий халқларни бирлаштириш ғояси қизил ип бўлиб ўтганлиги кўрамади. Бу ҳолни Беҳбудий қуйидагича кўрсатган эди: "Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва ула — моимиз бирлашиб, дин ва миллат, ваган ривож учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз".

Жадидлар миллий ғоясининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири тарихий онгни ривожлантириш, тарихдан сабоқ чиқариш бўлган. **Абдурауф Фитрат** 1917 йилда бу ҳақда шундай ёзган эди: "Тарих миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулнинг сабабларини ўрганатурғон илмдир".

Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари ўзларининг муҳолифлари саналган айрим жоҳил уламоларнинг нотўғри қарашларини тафаккур кучи билан соғлом фикр юритиш натижасида асоссиз эканлигини исботлашдан чарчамас эдилар. Масалан, қадимий уламолар жадидларни "кофир"ликда, ислом динидан қайтганликда ноҳақ айблар эдилар. Ҳолбуки, жадид зиёлиларининг аксарияти кечаги ислом уламолари бўлиб, улар муқаддас динимиз бўлган исломни бузиш учун эмас, балки унга кириб қолган айрим бидъат ва хурофотлардан ислом динини тозалаш учун, ислоҳотларни тадрижий равишда амалга ошириш учун курашга аҳд қилган эдилар.

Фитрат "Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мудар — риснинг жадид мактаблари хусусинда қилган мунозараси" асаридида ҳали 1909 йилдаёқ қуйидаги сўзларни ёзишдан чўчимаган,

цензура ҳам уларни ўтказишга мажбур бўлган эди: "Ислом бизнинг динимиздир, ислом бизнинг шарафимиз, ислом бизнинг саодатимиздир. Ислом бизнинг сарафрозлигимиз боиси, ислом осойишталигимиз сабабчисидир. Исломни бизга Пайғамбаримиз омонат топширганлар. Бухоро бизнинг муқаддас ватанимиздир, Бухоро бизнинг меҳрибон онамиздир, Бухоро бизнинг нашъу намо жойимиз, Бухоро бизнинг саждагоҳимиздир, Бухоро бизнинг азиз маъшуқимиздир, Бухоро бизнинг жонимиз — ла баробар маҳбубимиздир, Бухоро биздандир, биз Бухородан. Бас, бу қадар гафлат ва танбаллик, беҳабарлик ва жоҳилликда ўтирганимиз. Бу дини мубинимиз — нинг побуд бўлишини, бу муқаддас ватанимизнинг поймол этилишини камол шарафсизлик билан қабул қилганимизни на шариат, на урф — одат қабул қилмайди. Балки олам оқиллари, жаҳон жамиятбандлари бизни лаънат қилиб, инсоният йўлидан четда ҳисобламоқдалар". (Фитрат. Танланган асарлар. I — жилд. Т., 2000, 96 — 97 = бетлар). 2

Ўзбек халқининг бу илгор зиёлилари Туркистондаги идора усули, бошқарув шакллари, давлатчилик назарияси ва амалиёти билан фаол шуғулландилар. Ёш бухороликлар, Ёш хиваликлар партиялари, "Шўрои Исломия", "Шўрои Уламо", "Турон" ва бошқа жамиятларнинг дастурларида давлатчилик масалаларига алоҳида эътибор берилган эди. Бу жадиҳчиликнинг алақачон маърифатдан сиёсатга томон йўл тутганлигини билдирибгина қолмасдан, балки жамиятни тубдан ўзгартириш, юртимизни мустақилликка эришиш учун кураш бошланганлигини ҳам аңглатар эди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бизнинг ота — боболаримиз асрлар давомида ўз оилалари, муқаддас туپроқлари, диний эътиқодлари, урф — одатлари ва анъаналарига содиқ қолишни улуғ иш деб ҳисоблашган. Бу даҳслар урф — одатларнинг бузилмаслиги учун халқимизнинг минг — минглаб содиқ ўғонлари ўз ҳаётларини қурбон қилганлар, юрт мустақиллиги учун бўлган жангларда шаҳид кетганлар. Туркистон Россия томонидан босиб олинган вақтдан бери тўхтамаган миллий — озодлик ҳаракати халқнинг миллий ўзлигини аңлаш — да, ўз Ватани ва миллатининг озодлиги ва мустақиллиги учун унинг ватанпарварлик интилишларини мустаҳкамлашда улкан таъсир кўрсатди.

Маълумки, жадиҳлар ислохотларни босқичма — босқич амалга оширишни, тараққиёт ва ривожланишга фақат тинчлик

йўли билан, парламент орқали эришишни мўлжаллаган эдилар. Улар ўзбек халқининг ўзига хос миллий хусусияти (ментали — тети), унинг самимийлиги, бағри кенлиги, сабр — тоқати, бардоши ва чидамини ҳам, шунингдек, ислом динининг ўзга динларга тоқат қила олиши (толерантлиги)ни ҳам ҳисобга олган ҳолда тинч йўл билан ҳокимиятни қўлга олишга интилган эдилар. Жаҳидлар фаолиятидаги бу ўзига хос миллий ғоя кейинчалик жаҳоний аҳамиятга молик ҳодисага айланиб, у Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги миллий — озодлик кучлари йўлбошчилари томонидан янада ривожлантирилди.

Бироқ 1917 йилдаги воқеалар жараёни, "Русияда бош кўтарган янги бир бало — большевик балоси" (Фитрат) кучлар нисбатини бутунлай ўзгартириб юборди. Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан ўртага ташланган **"Ҳақ олинур, берилмас!"** шиори жаҳидларнинг ва бутун миллатнинг жанговар чақириғига айланди. Мустақиллик ва озодлик учун, Туркистонда мухторият ўрнатиш учун парламент йўли орқали курашган Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан қонга ботирилди. Туркистонда коммунистик мафкурага таянган мустабид совет режими қарор топди.

Большевиклар томонидан нафақат Россияда, балки унинг "чекка ўлкаси" ҳисобланган Туркистонда ҳам тоталитар тузум ўрнатилди. Совет режими ўнлаб халқлар устидан ўз ҳукм — роилигини зўравонлик йўли билан жорий қилди. Бироқ миллий мафкура ва миллий ғоя юртимизда совет тузуми даврида ҳам ўлмади, у яшашда давом этди. Коммунистлар халқимиз юраги — дан, унинг қалби ва тафаккуридан мустақиллик тушунчасини, миллий ғоя ва миллий бирлик ҳақидаги фикрларни бутунлай суғуриб ташлашга интилди. Босқинчилар ўз режаларини амалга ошириш учун қанчалик интиламасинлар, улар бунга узоқ вақт муваффақ бўла олмадилар. Халқимизнинг миллий ғоя ва мафкурага садоқати Туркистон минтақасида мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши қаратилган истиқлолчилик ҳаракатида айниқса яққол намоён бўлди. Совет режими даврида қарийб 20 йил давом этган бу ҳаракат нотўғри талқин қилиниб, унга "босмачилик" деб тамға босилган эди. Аслини олганда бу ҳаракат иштирокчиларининг қаҳрамонлик — лари, улардаги Ватанга нисбатан бўлган жўшқин меҳр — му — ҳаббат туйғуси, ватанпарварлик, ўз халқининг тақдири учун қайғуриш каби хислатлар бир буюк ғоя — **бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги учун**

кураш ғоясида мужассамлашган эди. Бу ғоя учун қизил армия қўшинлари билан бўлган жангларда Туркистоннинг юз минглаб ўғлонлари қаҳрамонона курашдилар, уларнинг аксарияти жанг майдонларида шаҳид кетдилар. Жадиждар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари бўлиб, улар ҳаракат мафқурасини тайёрлашган эди.

Афсуски, узоқ давом этган курашлардан сўнг Туркистон — даги истиқлолчилик ҳаракати мағлубиятга учради. Коммунистик мафкура миллий ғояга қарши курашда вақтинча бўлса — да, муваффақиятга эришди. Бухоро ва Хоразм Халқ Республика — лари ҳукуматларининг бошлиқлари (Файзулла Хўжаев, Пол — вонниёз Юсупов ва б.) томонидан ўтказилаётган миллий мурсо ва келишувчилик сиёсати ҳам большевик раҳбарларнинг кучли тазйиқлари натижасида ўзгартирилади. Кремдан юборилган Турккомиссия, Туркбюро, Ўрта Осиё бюроси каби турли комиссия ва партия ташкилотлари амалда минтақанинг мутлоқ ҳукмдори бўлишга интилдилар ва кўпинча бунга муваффақ ҳам бўлдилар. Мустабид совет режими томонидан 20—30 йилларда Ўзбекистонда ўтказилган даҳшатли қатагон миллат гулларининг, фидойи ва ватанпарвар боболаримизни ваҳшиёна қириб ташлади. Тарихан ҳалокатга маҳкум бўлган совет режими мудҳиш қатагон сиёсатини кейинчалик ҳам изчил равишда давом эттирди.

Тарих халққа сабоқ ва маърифат беради. Тарихни ўрган — масдан туриб келажакни англаб бўлмайди. Ҳар бир инсон, ҳар бир халқ ўз ўтмиши ва кечмишини аждодлари томонидан яра — тилган тарихий китобларни синчиклаб ўқиш, ўрганиш ва мутолаа қилиш орқали билиб олади. Тарих инсон ақл — идроки ва тафаккурининг шундай бир нодир ва мўъжизакор маҳсу — лидирки, унинг маънавий қудрати ва ёрдами билан биз барча кечмиш замонларнинг одамларига ҳамдаму ҳамнафас бўламиз, ўтиб кетган асрлар силсиласини бутун ҳаяжонлари, курашлари ва зиддиятлари билан кўз ўнгимизда гавдалантирамиз. Инсон тарихдан таълим — тарбия олади. Тарих сабоқларидан ўзига тегишли хулоса чиқара олмаган, кечаги кунини яхши билмаган миллатнинг келгуси қисмати ўз — ўзидан равшан. Бундай миллат ўзга халқлар томонидан босиб олинади, уларга қарам бўлади.

Тарих сабоқлари бутунги кунда ҳам бизни ҳушёрликка ун — дайди. Хусусан, Ўзбекистонда сиёсий барқарорликни издан чиқармоқчи бўлган кучлар мавжудлиги кишини жиддий ўй —

лантирмасдан қўймайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик инъом этган неъматларни биз авайлаб асрашимиз, уни кўз қорачи — ридек ҳимоя қилишимиз керак.

Бутунги кунда Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно — мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этган.

Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғоясида озодлик ту — шунчасининг устувор ва етакчи ўринда туриши Ватан мус — тақиллиги учун барча орзу — интилишларимиз, амалий фаолия — тимиз ва ёруғ келажакимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғоялари халқи — мизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чи — қади ва ўзининг маъно — моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан упи халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъ — кидлаганидек, "Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур".

Хулоса қилиб айтганда, миллий истиқлол мафқураси дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимиз халқининг истиқлол йилларида орттирган тажрибалари, босиб ўтган мураккаб йўли, миллий тафаккури ва маънавиятидаги юксалишларнинг мантиқий натижаси, халқ иродасининг му — жассам ифодаси сифатида шаклланади.

Миллий истиқлол мафқураси ўз моҳият эътиборига кўра, жамият ҳаётининг маънавий мезони бўлиб, тафаккур ўзгариши, одамлар онгида янгича дунёқарашнинг шаклланиши ва ижтимоий фикр ривожини учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

1.3. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти

1917 йил ёзи ва кузида сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистонда миллий ҳаракатнинг кенг қулоқ ёйганидан далолат берар эди. Бироқ, Петрограддаги октябр тўнтариши оқибатида 1917 йил октябр – ноябр ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар миллий – озодлик ҳаракатини бутунлай бошқа йўналишдан кетишга мажбур қилди.

Тошкентда большевиклар томонидан зўравонлик билан ҳокимият қўлга олинган, Туркистон мусулмонлари Марказий Шўросининг раиси Мустафо Чўқай 10 ноябрларда Фарғона водийсининг маркази Қўқон шаҳрига етиб борди. У Марғилон ва Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳарларида ҳам бўлиб, миллий тараққийпарварларни ўз атрофига тўплади. Унинг изидан Марказий Шўро – “Шўро Исломия” аъзолари ҳам Тошкентдан Қўқонга кўчиб келишди. Шундай қилиб, ноябр ойининг ўрталарида собиқ хонлик пойтахти, водийдаги тарихий шаҳарлардан бири бўлган Қўқон Туркистондаги миллий демократик ҳаракатнинг марказига айланди.

Мустафо Чўқайнинг ўзи бу ҳодисага қуйидаги тарзда жонан таъриф берган эди: “1917 йил бизнинг “сиёсий туғум” йилимиз эди. Мухторият эса бизнинг кўрқа – кўрқа отган биринчи “миллий – сиёсий” одимимиз эди”. (Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). Т., 1992, 44 – бет).

1917 йил 26 – 28 ноябрда (янги ҳисоб билан 9 – 11 декабрда) Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишининг бутун тафси – лотлари ўша давр газеталарига тарих учун муҳрлаб қўйилган. “26 ноябр соат 12 да ташкилий ҳайъат аъзоси Мустафо Чўқай қурултойни очик деб эълон қилди”, – деб ёзилган эди “Тур – кестанский вестник” газетасида.

Қурултойда Мустафо Чўқай Россия ва Туркистоннинг сиё – сий ва иқтисодий аҳволи хусусида қисқача маълумот беради. Унинг айтишича, Марказда юз бераётган воқеалар, чекка ўл – калар ўзларини ва шу билан бирга Буюк миллий ишқилобни қутқарув йўллари мустақил муҳокама этувини тақозо қилур. Октябр хунрезлигини бошдан кечирган Россия ва Туркистон ўз тақдирлари ҳақида мулоҳаза юритмаклари лозим. Эндиги оғир аҳвол озиқ – овқат танглиги янада мушқуллашиб, очарчиликка

ўтай деб тураётир. Нотик бу чигалликдан чиқув йўллари ҳақида гашириб, ўлкада ҳукм сураётган совет ҳукуматиининг йўли бегуноҳ қурбонларнинг қонига беланган деб таъкидлайди. Чунки маъкур ҳокимият хунрезликнинг олдини ола биладиган мусулмонларсиз ўрнатилган. Ҳамкорлик ҳақидаги таклифлари — миз ҳам исендан сўнг улар томонидан рад этилди.

Маълумки, мусулмонларнинг ушбу нуфузли қурултойи ва унда қабул қилинган қарорлар ўн йиллар мобайнида "миллатчилар гуруҳининг йигинида эълон қилинган буржуа мухторияти" деб нотўғри талқин қилиб келинди. Ҳужжатлар эса ушбу ҳолнинг бутунлай тескарисини бўлганлигини исботлайди. Масалаи. Туркистон жаҳидларининг отаси саналган Маҳмуд — хўжа Беҳбудий ўз маърузасида қурултойнинг Туркистон халқлари тарихида улкан ижобий, тарихий ҳодиса ва бурилиш даври эканини таъкидлаб, "Қурултойимиз қабул қилаётган қарорлар шунинг учун ҳам аҳамиятлики, унда Туркистон аҳолисининг европалик вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар", дейди. Беҳбудий қурултой ҳайъатида мусулмонлар билан бир қаторда бошқа диний ва миллий гуруҳларнинг делегатларидан ҳам вакиллар бўлишини ёқлаб чиқди. Уни вилоятдан келган депутатларнинг кўпчилиги қўллаб — қувватлади. Қўқонлик депутат Обиджон Маҳмудов Беҳбудий фикрини давом эттириб, қуйидагиларни кўшиб қўйди: "Биз қурултой ҳайъатига вилоятлар бўйича эмас, балки қайси динга мансублиги ва миллий этник гуруҳларига қараб, кенг фикрли, билимли ва ишбилармон кишиларни сайлашимиз керак". Натижада демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европалик қисми вакиллари ҳам қурултойда тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойнинг диққат марказида турди. Бу масала муҳокамасида сўзга чиққанларнинг кўпчилиги Туркистоннинг мухтор республика деб эълон қилиниши ўлка аҳолисининг ижтимоий мақсадларидан келиб чиққани ва унга мос тушишини уқтирди. Мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб — қувватлади.

Қурултойда 1917 йил 27 ноябрь (янги ҳисоб билан 10 декабрь) куни кечкурун қабул қилинган қарорда шундай дейилди: "Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ут ҳуқуқларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намойиш этиб, Тур —

кистонни Федератив Россия Республикаси таркибида ҳудудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилади, шу билан бирга мухториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис мажлисига ҳавола этади". Қурултой Туркистонда яшаб турган миллий озчилик ҳуқуқларининг муттасил ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилди.

28 ноябрда (янги ҳисоб билан 11 декабрда) таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, **ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ** деб аталадиган бўлди. Бутунроссия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият **Туркистон Муваққат Кенгаши** ва **Туркистон Халқ (Миллат) Мажлиси** қўлида бўлиши керак, деб қарор қабул қилинди.

Туркистон Муваққат Кенгаши аъзоларидан ҳукумат тузилиши керак эди. Қурултойда тузилган ушбу Муваққат ҳукумат таркибига қуйидаги 8 киши сайланди:

1. **Муҳаммаджон Тинишбоев** — Бош вазир, ички ишлар вазири; 2 — чақириқ Давлат Думасининг аъзоси, Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, темир йўл муҳандиси.

2. **Ислом Султон Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов)** — Бош вазир ўринбосари; Бутунроссия Мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

3. **Мустафо Чўқай** — ташқи ишлар вазири; Муваққат ҳукумат Туркистон комитетининг аъзоси, Туркистон ўлка Мусулмонлар Шўросининг раиси, ҳуқуқшунос.

4. **Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев)** — ҳарбий вазир; Бутунроссия Мусулмонлари кенгаши Марказий қўмитасининг аъзоси, ҳуқуқшунос.

5. **Ҳидоятбек Юргули (Юрали) Агаев** — ер ва сув бойликлари вазири; агроном.

6. **Обиджон Маҳмудов** — озиқ — овқат вазири; Қўқон шаҳри думасининг раис ўринбосари, жамоат арбоби.

7. **Абдураҳмон Ҷураев** — ички ишлар вазирининг ўринбосари; ҳуқуқшунос.

8. **Соломон Абрамович Герцфельд** — молия вазири; ҳуқуқшунос.

Муваққат ҳукумат таркибига аслида 8 киши эмас, балки 12 киши киритилиши керак эди. Қолган 4 ўрин эса европалик аҳоли вакиллари орасидан номзодлар кўрсатилиши учун уларга ажратилди. Ушбу ҳолатдан ҳам Туркистон Мухторияти қанчалик демократик ва халқчил ҳукумат эканлиги аён бўлади.

Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибида сал кейинроқ анча ўзгаришлар бўлади. Ҳукумат жумҳурраиси қилиб Муҳаммадҷон Тинишбоев ўрнига **Мустафо Чўқай** сайланди. И.Шоаҳмедов (Герцфельд ўрнига) молия вазири, Обидҷон Маҳмудов адлия (юстиция) вазири, Потеляхов (О.Маҳмудов ўрнига) озиқ-овқат вазири қилиб сайланди. Шунингдек, Носирхон тўра Камолхонтўраев — маориф вазири, Саидносир Миржалилов — ҳукумат хазиначиси лавозимларини эгаллашди.

Қурултойда 28 ноябр куни Туркистон Миллат Мажлиси очилиши тўғрисидаги қарор ҳам тасдиқланди. Миллат Мажлиси 34 нафар аъзодан иборат бўлиб, қурултой қарорига биноан "36 нафар мусулмонлар ва 18 нафар ғайри мусулмонлардан сайланадур. 36 мусулмон вакиллари Туркистоннинг 5 вилоятидан бўлиб: Фарғона — 10 нафар, Самарқанд — 5 нафар, Сирдарё — 9 нафар, Еттисув — 6 нафар, Закаспий — 2 нафар; 4 нафар эса бутун Туркистон шаҳар думалари тарафидан тайин бўлулар". 18 нафар ўриш эса ўлканинг европалар ташкилот ва фирқаларига, жумладан, темир йўлчилар иттифоқи, ишчи ва солдат депутатлари совети, социал демократлар, дашноқутюн, ерли жуҳудлар, яҳудийлар, эсерлар, украинлар, поляклар вакиллари ва бошқаларга берилиши кўзда тутилган эди. Демак, ташкил этилаётган ҳукумат таркибига турли сиёсий ва миллий гуруҳлар вакилларининг қатнашуви кўзда тутилди. Демократик руҳдаги миллий зиёлилар қурултойда қабул қилинган дастурий ҳужжатларга ўзига хослиги билан ажралиб турадиган халқчил ва демократик ғояларни киритишди.

✓ Қурултой жараёнида Туркистон Миллат Мажлиси 32 кишидан иборат қилиб сайланди. "Шўрои Уламо" нинг раҳбари Шерали Лапин Миллат Мажлиси таркибига унинг раиси сифатида киритилган бўлса ҳам, аммо унинг ўзи бу таклифни рад этди. ✓

✓ Қурултой тугагач, 1 декабрда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукумати аъзолари (барча 8 киши) имзолаган махсус Мурожаатнома эълон қилинди. Ушбу Мурожаатномада Туркистондаги барча аҳоли: ирқи, миллати, дини, жинси, ёши ва сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, улар яқдиллик ва ҳамжиҳатликка даъват этилган эди. Хусусан, Мурожаатномадаги қуйидаги фикрлар диққатга сазовордир: ✓

"Туркистондаги ҳамма уюшма қаватларнинг ҳозирги кун — нинг бир муҳим ва масъулиятли масалалари олдида турғонлиги ҳолда Туркистонда турли миллатларнинг маданий суръатда тараққийларин ва алар орасидаги дўстликни таъмин этар учун Туркистоннинг ҳар ерида ҳаққониятли суръатда тартиб ва интизом ўрнашдирурга интилиб, краевой съезда муваққат Туркистон халқи Шўроси (Миллат Мажлиси) сайлади. Бу Шўро ҳайъатидин Туркистон Мухториятининг муваққат ҳукумати вужудга келтириб, аларга ушбу хизматлар топширилди: мумкин қадар тез орада Туркистон Учредительний собраниясин чақи — рув, Туркистон халқин овқат жиҳатидан таъмин этув чора — ларига киришув, ...Туркистон Мухториятининг молия ишларин таъсис қилурга киришув, халқ милицияси вужудга келтирувчи ҳамда Туркистонда ерлашган миллатларнинг ҳуқуқларин сақлов учун тегишли тадбирлар қилув ✓

Ҳозир ҳар бир занжирлардан қутулгон Туркистонга ўзининг ерина ўзи хўжа бўлиб, ўз тарихин ўзи вужудга келтирув соатин сўқди. Биз олдимизда турғон масалаларнинг муҳимлигин ва улуғлигин комил суръатда англаб, ҳам ишлаган ишларимизнинг ҳақлигина ишониб, худодан мадад тилаб ишга бошлаймиз".

✓ Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташкил этилиши минтақада катта шов — шувларга сабаб бўлди. Туркистон ўлка — сининг турли шаҳар ва қишлоқларида мухториятни олқишлаб, кўп минг кишилик намоийшлар бўлиб ўтди. "Улуғ Туркистон" газетасининг ёзишича, 1 декабрда Наманган уездида 100.000 киши қатнашган намоийш бўлди. Намоийш қатнашчиларининг байроқларида "Яшасин Мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!", деб ёзилган сўзлар ҳилпираб турарди. ✓

6 декабрда Жалолобод волостидаги Хонобод қишлоғида мухторият ўрнатилиши муносабати билан намоийш бўлиб ўтди. Бир неча мингдан ортиқ киши Фозилхон мазоридан то бозорга қадар йиғилиб турди. Намоийшда Абдулла эшон ва Ҳусейн Ва — лидий нутқ сўзлади. Улар халққа мухториятнинг ташкил этилиши ва мақсадларини тушунтиришди. Бу ерда янги ҳу — куматга ёрдам учун 500 сўм миқдоридан иона пули йиғилди. ✓

Тарихчи олим С.Аъзамхўжаевнинг "Туркистон Мухторияти" китобида ёзилишича, миллий давлатчиликнинг қарор топишини жўшқин муборакбод этиб, матбуотда таниқли маърифатпарвар, диний, жамоат ва сиёсат арбоблари бирин — кетин чиқишлар қилиб, мухториятни табрикладилар. Улар орасида Беҳбудий,

Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Кабир Бакиров, Ислои Шоаҳмедов ва бошқалар бор эди. (С.Аъзамхўжаев. Туркистон Мухторияти: миллий – демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси.Т., 2000, 132 – бет).

Туркистон Мухторияти ҳукумати қисқа фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Янги ҳукумат фаолияти фақат Қўқонда ёхуд Фарғона водийсида эмас, балки бутун Туркистон минтақасида яшаётган туб ерли халқлар томонидан қизгин қўллаб – қувватланди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари оташқалб шоирларимиз мухторият ҳукуматини алқаб, ўгли сатрлар битишти. Фитрат мухторият эълон қилинган тунни “Миллий лайлагулқадримиз” деб атади. Аллома Фитратнинг бу сўзларида олам – олам маъно мужассамлашган.

Демократик кайфиятда бўлган европали аҳоли вакиллари ҳам мухторият ҳаракатига илиқ муносабат билдиришти. Ма – салан, ўша пайтда рус тилида чиқаётган “Свободный Самарканд” газетасида С.Никифоров ушбу фикрларни баён қилган эди: “Давримиз учун муҳим бўлган қурултой қарорлари ушбу миллий чекка ўлканинг ҳаётида янги саҳифа очилишини аниглади. Биз – ўлка истилочилари, фақат истилочилик ҳу – қуқига биноан ягона маданият тарғиботчилари эканлигимиз, халқ оmmasи эса – мағлублар сифатида биз ғолиблар учун тажрибадан ўзга нарса эмаслиги ҳақидаги шовинистик ва том маънода фйритараққий мулоҳазани улоқтириб ташлашимиз вақти келди!”

Туркистон Мухторияти ҳукуматини қизгин қўллаб – қув – ватловчи намойишлар ва митинглар эса тобора ортиб борар эди. “Улуғ Туркистон” газетасининг ёзишича, 1917 йил 6 декабрда Тошкентдаги Жомъе масжидида 60.000 киши иштирок қилган митинг ва катта намойиш ўтказилди. “Улуғ Туркистон” газетасида ёзилишича, “Масжиднинг ички саҳни ва томлари одам билан лиқ тўлган эди”. Намойиш Саидгани Маҳдум раислигида ўтди. Мунаввар Қори билан Шерали Лапин унинг муовинлари эди. Намойишда Миён Бузрук, Мунаввар Қори, Мулла Одил, Шерали Лапин ва бошқалар сўзга чиқишти. Газетада айтилишича, йирилганлар Мухтор Туркистон ҳукуматини бир овоздан маъқулладилар ва Туркистонда энди ушбу муваққат ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан омасликка қарор қилганликларини эълон қилдилар.

Бу пайтда эса Қўқонда иш қизгин борар эди. Орадан кўп ўтмай, Миллат Мажлиси томонидан тасдиқланган қонунлар

эълон қилинди, шунингдек, янги ҳукумат мамлакат Конституциясини тайёрлаш учун таниқли ҳуқуқшуносларни жалб қилди. "Эл байроғи", "Бирлик туғи", "Свободный Туркестан", "Известия Временного Правительства Автономного Туркестана" каби ҳукумат газеталари ўзбек, қozoқ ва рус тилларида нашр қилина бошланди. Бу газеталар фаолиятини йўлга қўйишда Обиджон Маҳмудов, Султонбек Хўжанов, Санжар Асфандиёров, Булат Солиев, Вадим Чайкиш каби муҳаррир ва шоширлар муҳим рол ўйнашди. Аввал чиқаётган "Улуғ Туркистон" газетаси ҳам ўз саҳифаларида Мухторият ҳукумати фаолиятига алоҳида ўрин бера бошлади. Нашр ишларини яхшилаш учун О.Маҳмудовнинг босмаҳонаси ҳукумат ихтиёрига ўтди.

• Туркистон Мухторияти ҳукумати миллий қўшинни ташкил қилишга киришди. 1918 йил бошида бу қўшин сафларида бир мингдан ортиқ аскар бўлган. Харбий вазир Убайдулла Хўжаев иштирокида ўтказилган кўрик — парад вақтида аскарлар сони 2000 кишига етган. Бундан ташқари, Қўжонда тахминан шунча миршаблар бор эди. Уларга Кичик Эргаш қўрбоши раҳбарлик қилар эди. Ҳукумат иқтисодий соҳада 30 миллион сўм миқдорда ички заём чиқаришни йўлга қўйди. Чунки газеталарни нашр қилиш, мухторият қўшинларининг таъминоти ва ҳукуматнинг ички харажатлари учун маблағ зарур эди. Шунингдек, ҳукумат аъзолари очлик чангалида қолган Туркистон аҳолисига Оренбург орқали галла келтириш муаммосини ҳал қилиш учун ҳам амалий қадамлар ташлади.

Ҳатто ҳозирги пайтда ёзилган мазкур мавзуга оид тарихий адабиётларда ҳам мухторият ҳукуматининг ички сиёсати ва халқаро алоқалари тўғрисида сукут сақланади. Ҳолбуки, ҳукумат мустақил ички ва ташқи сиёсат юритган, унинг қўшни давлатлар билан ҳамкорлиги муайян самарасини берган. Шунинг учун ҳам мухтасар тарзда бу хусусда тўхталиб ўтмоқчимиз.

Қозоғистонда тузилган Алаш Ҷрда мухтор ҳукумати билан Туркистон Мухторияти ўртасида алоқалар мавжуд бўлган. Қардош қozoқ халқининг миллий — озодлик, мустақиллик учун курашига раҳбарлик қилган Алаш партияси 1917 йил июлда ташкил топган эди. 1917 йил 5 — 13 декабр (янги ҳисоб билан 18 — 26 декабр) кунлари Оренбургда Алаш партиясининг III қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой 13 декабрда пойтахти Семи-палатинск шаҳри бўлган Алаш Ҷрда Мухториятини эълон қилади. Алихон Букейхон ўғли (1870 — 1937) ҳукумат бошлиғи

этиб сайланди. Алаш Ўрда ҳукумати фаолиятига большевиклар 1918 йил март ойида катта зарба етказган бўлса ҳам, у 1920 йил март ойигача мавжуд бўлди.

Тарихчи Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, Мухтор Туркистон ҳукуматининг ички ва ташқи ишлар вазири бўлган М.Тиниш — боев ва Мустафо Чўқай айна пайтда Алаш Ўрда ҳукуматининг ҳам ички ва ташқи ишлар вазири ҳисобланган. Туркистонлик тараққийпарварлар ҳар икки ҳукумат фаолиятини келажақда бирлаштиришни ният қилишган эди. Шунинг учун ҳам Туркистон Мухторияти ҳукуматининг Бош вазири М.Тинишбоев истеъфога чиққач, жумҳурраис лавозимини Убайдулла Хўжаев эгаллашдан бош тортди. Чунки Алаш Ўрда ҳукумати етакчиларининг фикрича, Бош вазириликка Мустафо Чўқай лойиқ эди.

1917 йил 26 декабрда Туркистон Мухторияти ҳукуматининг янги Бош вазири Мустафо Чўқай Туркистон шаҳрига келиб, Алаш Ўрда ҳукумати вакиллари билан учрашди. Ҳар икки ҳукуматнинг расмий вакиллари иштирокида 1918 йил январ ойида Туркистон шаҳрида бир анжуман ҳам ўтказилди. Афсуски, ушбу анжуман ҳужжатлари ихтиёримизда мавжуд бўлмаганлиги туфайли қатъий бир хулоса чиқаришдан ўзимизни тиямиз. Бироқ Алаш Ўрда ҳукуматининг бошлиғи Алихон Букейхон ўғли Туркистон Мухторияти ҳукумати билан ҳамкорлик қилишдан кўра аввал Омскдаги Қолчак ҳукумати билан (атаман Дутов орқали) тил бириктирди. Алаш ўрдачилар сўнгра номаълум сабабларга кўра большевиклар билан ҳам яқинлашишни афзал кўришди. Шунинг учун ҳам Бехбудий 1918 йил 26 январда "Ҳуррият" газетасида эълон қилган "Қозоқ қардошларимизга очиқ хат" мақоласида қозоқ халқи ва бошқа туркий халқларни Туркистон Мухторияти ҳукумати атрофига бирлашишга, ягона ва бўлинмас Туркистон учун курашга даъват қилди. Эҳтимол большевиклар билан бўлган ана шундай яқинлашув Алаш Ўрдани Туркистон Мухторияти ҳукумати тор — мор қилинганидан кейин ҳам чамаси икки йилча мавжуд бўлишига имконият яратиб бергандир.

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабрда бўлиб ўтган фожиали воқеалар муҳим ўрин тутди. Ўша куни Тошкентда эски шаҳар аҳолиси "Мухтор Туркистон учун!" шиорлари остида тинч байрам намойишини ўтказдилар. Аммо Тошкент советидаги большевиклар шаҳарда куролли куч билан тартиб ўрнатишга буйруқ бердилар.

Оқибатда тинч намойиш қатнашчилари пулемётдан ўққа тутилди, эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув қурбони бўлди.

Лекин ўлкадаги большевикча режимнинг бундай тазйиқ-ларига қарамай, Мухторият ҳукуматини қўлаб-қувватлаш давом этаверди. Туркистон Мухториятига муносабат масаласи 1917 йил 26—30 декабрда (янги ҳисоб билан 1918 йил 8—12 январда) Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари I фавқулодда қурултойининг диққат марказида бўлди. Бу қурултойда бутун Туркистон минтақасидан келган 200 га яқин вакиллар қатнашди. "Улуғ Туркистон" газетаси ҳақли равишда ёзганидек, "ҳозир Туркистон Мухторияти рабобий, деҳқон ва аскарлар тарафидан буюк бир миқдорда вакиллар сайланиб, Мухторият идораси тамомила демократия асосина қўйилди".

Қурултой очилишини Туркистон ўлкаси ҳарбий Шўроси раҳбари Ориф Клевлеев қутлади. Муваққат Мажлис номидан Ислоом Шоаҳмедов нутқ сўзлади. Қурултойни Қозон мусулмонларининг Ҳарбий Шўроси вакиллари аскар Исмаи Убайдулин, Кавказ мусулмонларидан Пири Мурзилзода, Самарқанд ишчи ва солдат депутатлари Совети вакили Пономарёв, Қўқон уезд комиссари Акаев, Қўқон шаҳар Думасининг раис ўринбосари Обиджон Маҳмудов, Тошкент ҳарбий Шўроси аъзоси Султонов, эсерлар партияси номидан Миллер ва бошқалар ҳам табриклашди. Фақат большевиклар партиясининг вакили, ўлка меҳнат комиссари П.Полторацкий қурултойда дағдағали оҳангда нутқ сўзлаб, халқимиз тарихидаги илк демократик ҳукуматни "бойлар мухторияти" деб тўхмат қилди. "Биз камбағаллар мухториятига қарши эмасмиз", — деб Полторацкий мунофиқлик қилди. Қурултой вакиллари Полторацкийнинг бундай ифво ва адовларига учмадилар. 30 декабрда Туркистон Мухторияти ҳукуматини қўлаб-қувватлаш, шунингдек, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Советига ишончсизлик билдириш тўғрисида резолюция қабул қилиндики, бу ҳол қурултой қатнашчилари сиёсий онгининг етуклик даражасидан нишона эди. Ушбу резолюцияда қуйидаги фикрлар бор эди:

1) Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети барча аҳоли, айниқса, мусулмонлар хоҳиш-истакларининг ифодачиси эмаслигини;

2) Туркистон ўлкаси халқлари иродаси икки қурултойда мухторият эълон қилинганда ифодаланганлигини;

3) Туркистонда ягона ҳукумат органи бутун мусулмонларнинг қурултойида ташкил топган ва мусулмон ишчи, аскар ва деҳқонларнинг қурултойида тўлдирилган Туркистон Мухторияти ҳукумати эканлигини эътиборга олиб;

Мусулмон ишчи, деҳқон ва аскарлар қурултойи Туркистон Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни дарҳол Туркистон Мухторияти ҳукумати ва Миллат Мажлисига топширсин деб истак билдиради, чунки ушбу съезд Мухтор Туркистондаги барча демократик қатламлардан ташкил топиб, бутун пролетариат ўй-фикрларининг ифодачисидир..."

"Улуғ Туркистон" газетасининг ёзишича, 1918 йил 7—10 январ (янги ҳисоб билан 20—23 январ)да Қўқон шаҳрида бўлган Туркистон социал-инқилобчилар (эсерлар) партиясининг II қурултойи ҳам Туркистон Мухторияти ҳукуматини ёқлаш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилди. Съезд ишида Қўқон, Скобелев (Фарғона), Андижон, Марв, Самарқанд, Асхабод, Қизил Арват шаҳарлари ва нефт конларидан вакил бўлиб келган делегатлар қатнашган эдилар.

Тарихчи П.Алексеевнинг шунинг учун ҳам қуйидагича эътироф қилишга мажбур бўлган эди: "Шўрои Уламо", "Шўрои Исломия", "Ўлка Мусулмонлар ишчи Шўроси"... Бир сўз билан айтганда, Туркистондаги бутун миллат, барча синфлар, барча халқлар Туркистон буржуазияси бошчилигидаги Мухториятни қатъийлик билан талаб қилишмоқда".

Афсуски, ўлка большевиклари Туркистон Мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Мухтор ҳукуматнинг халқ ўртасидаги юксак обрў-эътибори ва нуфузи большевикларни ташвишга солиб қўйди. 1918 йил 19—26 январда (янги ҳисоб билан 1—8 февралда) Тошкентда бўлган Туркистон ўлкаси ишчи, соддат ва крестьян депутатларининг фавқулодда IV съездида мухториятга муносабат масаласи асосий ўринда турди. Съездеда большевиклар фракцияси томонидан сўзга чиққан Тошкент Советининг раиси И.Тоболин сурбетларча шундай деди: "Мухториятни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳали вақт эрта. Чунки биз бу ишни амалга оширсак, мухториятнинг биринчи шarti сифатида рус қўшинлари ўлкадан чиқиб кетиши керак бўлади".

Мухторият ҳукумати съезд номига телеграмма йўллаб, 20 мартда Таъсис мажлисини ўтказиш мўлжалланаётгани, депутатликка учдан бир ўрин европалик вакилларга ажратилгани, камчиликни ташкил этган миллатлар ҳуқуқи таъминланиши,

ўлкада демократик принципларни ҳаётга татбиқ этишга киришилажagini уқтирди.

Бироқ Советларнинг IV съезди Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари ҳолатда деб ҳисоблади, ҳатто ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. Мухториятнинг эълон қилиш масаласини эса ноаниқ мuddатга кечиктириб қолдирди.

Съезд большевиклар фракциясининг Туркистон Мухторияти тўғрисидаги резолюциясини қабул қилди. Большевиклар муттаҳамлик билан Туркистоннинг қонуний ҳукуматини "қорағуруҳчилар тўдаси", деб оламга жар солдилар. Ушбу резолюцияда миллатнинг асл фарзандлари шаънига айтилган қуйидаги туҳматлар ҳам тиқилиб ётибди: "Рус ва қорағуруҳчилар тўдаси томонидан бошқарилаётган буржуа мухториятига шафқатсиз кураш эълон қилар экан, революцион социал-демократлар партияси ўлкада пролетар автономиясини тузишга интилоқда. Шу мақсадда биз мусулмон пролетар оммаси ичида касаба уюшмалари ва депутат Советлари ташкил қилишимиз керакки, улар мусулмон пролетариати ўртасида синфий ўз-ўзини англашни ривожлантирсин".

Шундай қилиб, Советларнинг IV съезди большевикларнинг тазйиқи остида қонуний кучга эга бўлган, туб ерли аҳоли манфаатларининг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиққан ўлкадаги илк демократик ва халқчил ҳукумат — Туркистон Мухторияти устидан ўзларича ҳукм чиқарди. Бу "ҳукм"ни ижро қилиш учун большевиклар зудлик билан ҳарбий қисмларни тўплашди.

Съезд тугаганидан кейин атиги уч кун ўтгач — 30 январда (янги ҳисоб билан 12 февралда) Туркистон ХКС Мухторият ҳукуматини тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг "Дашноқдутьон" партияси аъзоларидан тузилган қуроли дружиналардан ҳам кенг фойдаланди. 30 январ кечқурун Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳридан Қўқонга дастлабки қизил аскар отрядлари тўп ва пулемётлар билан етиб келишди. Бу отряднинг командири К.Осипов эди. Туркистон ўлкаси ХКС 14 февралда (эски ҳисоб билан 1 февралда) Фарғона вилоятида ҳарбий ҳолат эълон қилди.

Миллий матбуотнинг ёзишича, 31 январ (янги ҳисоб билан 13 феврал) тушдан кейин жанг ҳаракатлари бошланди. Бу ҳолни Туркистон Мухторияти ҳукуматининг бошлиғи Мустафо Чўқай кейинчалик ўзининг хотираларида қуйидагича ифодалайди:

Қўқон шаҳри ўққа тутила бошлаганди. Ҳар томонда ўқ отишлари, қўл бомбалари портлаши эшитиларди, узоқдан тўп гумбурлаши келарди... Қўқон ҳар тарафдан ўраб олинган эди. Самарқанд, Тошкент ва Фарғонадан большевик аскарлари келдилар... Шунингдек, ҳар томондан бизнинг одамлар ҳам келдилар. Бироқ буларнинг кўпчилиги узун таёқ, тўқмоқ, болта, катта пичоқ каби нарсалар билан қуролланган эдилар”.

Жанг ҳаракатлари ўша пайтда Тошкентда нашр қилинган “Улуғ Туркистон” газетаси саҳифаларида қуйидагича ўзининг холис талқинини топган: “Биринчи феврал (янги ҳисоб билан 14 феврал) эртасинда янгидан сўғиш бошланган. Бу кун крешўстдап 20 қадар ядро юборилган (отилган)... Сартларнинг ушбу сўғиш вақтинда эски шаҳарда ё эса қишлоқларда бўлган ўруслар ила минг дўстона муомала қилганликлари айрим очиқ суратда маълум бўлган. Минг кўп ўруслар мусулмон орасина қочиб қутулганлар. Сартлар фақат ўрусларга қўшилган арманларга қаршилиғина оёқлаганлар. 2 феврал (15 феврал) да шаҳарда ёнғинлар бошланган. Тузда Хўқандни минг зўр ўт ёқтиси қоплагон. Ёнғинлар ила бир вақтда таловлар ҳам бошланган... Сўғишнинг учинчи кунинда магазинларни талов бошланган. Таловчилар турли шубҳали кишилардан иборат бўлган...”.

Архив ҳужжатлари ҳам ушбу фикрлар тўғрилигини тасдиқлайди. Қизил аскар ва арман дашноқларига қарши бўлган дастлабки жангда мухториятнинг миллий қўшинидан ташқари (манбааларда уларнинг сони 2.000 киши атрофида кўрсатилади) қўқонлик тинч аҳоли вакиллари ҳам қатнашди. Асосан болта, чўкич, таёқ кўтарган халойиқнинг сони 10.000 кишига етган. Шундай бўлишига қарамасдан, қуролсиз бу кишилар қизил аскарларнинг Қўқон шаҳрига қилган ҳужумини уч кун давомида мардонавор қайтаришди. “Мухториятчилар тарафида ўлимга борувчилар ҳаракат қилгани маълум. Кафанга ўралган бу кишилар ғазавотда қатнашиб, шаҳид бўлсалар, жаннат дарвозалари бизга очилади, деган эътиқод билан жангга киришган”, —деб большевикларнинг бири ўзича заҳарханда қилади.

Шу кунларда мухторият ҳукумати ичида ҳам кескин зиддиятлар кучая бошлаган эди. Ҳукумат аъзоларининг бир қисми Қўқон янги шаҳар большевиклари юборган ультиматум асосида улар билан музокарани давом эттиришни ёқлаб чиқади. Аслида музокаралар дастлаб қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида

ҳукумат раиси Мустафо Чўқайнинг ташаббуси билан 30 январ (12 феврал) да бошланган бўлиб, мухториятчилар большевик — ларга ўз талабларини баён қилишган эди. Аммо Қўқон ревкоми қонуний ҳукуматнинг адолатли талабларига рози бўлмагандан сўнг, бу музокаралар ўз — ўзидан тўхтаб қолган эди. 17 феврал (эски ҳисоб билан 4 феврал) да большевиклар ўз талаблари асосида қайтадан музокара бошлашни таклиф қилишди. Та — бийки, уларнинг шовинистик талабларини Мустафо Чўқай бошлиқ мухторият ҳукумати рад қилди. 18 февралда больше — виклар янги талаблар билан мухторият ҳукуматиға мурожаат қилишди. Бу гал ҳам уларға рад жавоби берилди. Бахтга қарши, ўша 18 февралда Мустафо Чўқай ҳукумати уламочиларнинг тазйиқи билан истеъфоға чиқди. Жумҳурраис Мустафо Чўқай Қўқон шаҳридан жўнаб кетишға мажбур бўлди. Ҳарбий вазир қамоққа олинди. Ҳукуматнинг бошқа аъзолари ҳам больше — виклар томонидан кейинчалик қўлга олинди.

Қўқон шаҳар миршабларининг бошлиғи — қўрбошиси ла — возимида фаолият кўрсатаётган **Кичик Эргаш** (тахминан 1885 — 1918) шу пайтдан эътиборан тарих саҳнасида пайдо бўлади. У 18 февралдан бошлаб амалда мухторият ҳукуматининг раҳбарига айланди. 19 февралға ўтар кечаси Туркистон ўлкаси ҳарбий комиссари Е.Перфильев бошчилигидаги пиёда, отлиқ ва артиллерия қисмларидан иборат 11 эшелон Қўқонға кела бошлади. Шу вақтгача қизил аскарлар шаҳар ичига ёриб кириб босқинлар уюштирган бўлсалар, улар энди тўлиқ равишда шаҳарни талон — тарож этишға киришдилар. Шаҳар устиға ёндирувчи снарядлар уч кун давомида тўплардан отиб турилди. Кичик Эргаш қўрбоши йигитлари билан большевик аскарлари ўртасида бўлган қақшатқич жангда устунлик яхши қуролланган қизил гвардиячилар томонида бўлди. Натижада мухторият қўшинининг тирик қолган қисми Кичик Эргаш бошчилигида шаҳарни тарк этди. Шундай қилиб, 1918 йил 19 февралда (эски ҳисоб билан 6 февралда) Қўқон шаҳрида фао — лият кўрсатаётган Туркистон Мухторияти ҳукумати больше — викларнинг қонли ҳужумлари натижасида ағдариб ташланди. Афсуски, ҳукумат ағдарилгач ҳам Қўқон ва унинг атрофлари — даги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш баттар авжига чиқди. Фақат Қўқоннинг ўзида уч кун давомида 10.000 киши ўлди — рилди. Собиқ хонлик пойтахти бўлган Қўқон шаҳри буткул вайронаға айлантилди.

"Улуғ Туркистон" газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, 20 (7) февралга ўтар кечаси "Эски Хўқанд ўт денгизидан хароб бўлиб, ғоят даҳшатли манзара ҳосил бўлгон... 20 (7) феврал Хўқанд тарихининг энг даҳшатли куни эди. Арманилар айрича "фаолият" кўрсатганлар. Эски шаҳардаги ҳамма магазинлар, савдо фирмалари, банклар ҳам озми-кўпми яхшироқ кўринган хусусий квартираларнинг ҳаммаси таллангон... 21 (8) февралда таловлар давом этган, эски шаҳринда ва ҳам янги шаҳринда бир текис талағонлар". Газетадаги ушбу мақола "Хўқанд ҳозир ўликлар шаҳри" деган даҳшатли хабар билан тугайди.

Қонли хунрезликни кўрган Қўқон эски шаҳари ва яқин атрофдан келган мусулмон делегациялари большевиклардан музокаралар бошлашни илтимос қилишди. 22 (9) февралда Қўқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар томонидан тайёрланган "Тинчлик шартномаси" имзоланди. Ушбу шартноманинг иккинчи моддасида: "Аҳоли ўлка Халқ Комиссарлари Совети ҳокимияти ва барча маҳаллий совет ташкилотларини тан олади", — деб ёзилган эди. Ҳа, ўққа тутилган, ўлдирилган, таланган ва таҳқир этилган қўқонликларнинг тирик қолган қисми совет ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди.

✓Туркистон Мухторияти ҳукумати атиги 72 куп умр кўрган бўлса ҳам, у эркесвар халқимизни миллий мустақиллик ва истиқдол учун курашга даъват этди. Ватан туйғусидек муқаддас гуйғу қалбининг тўридан жой олган Туркистон мунавварларининг мухторият учун олиб борган курашлари изсиз кетмади. 1918 йилнинг эрта баҳорида аввал Фарғона водийсида, сўнгра бутун Туркистонда истиқдолчилик ҳаракати бошланди. ✓

II БОБ. ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЧА БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

2.1. Туркистон ўлкасида ўрнатилган совет тузумининг ўзига хос хусусиятлари

Россиянинг Биринчи жаҳон урушида қатнашиши, фронтлардаги мағлубиятлар, жиддий хўжалик қийинчиликлари "халқлар турмаси" ҳисобланган каттакон империяда жиддий инқироз ва туб ўзгаришларга, ларзали инқилобларга олиб келди. 1917 йил феврал ойининг охирида Петроградда демократик инқилоб ғалаба қозонди. Россия императори Николай II тахтдан ағдариб ташланди. Романовлар сулоласининг истибоддига барҳам берилди.

Россия ҳудудида қўш ҳокимиятчилик пайдо бўлди. 1917 йил 1 сентябрда Россия республика деб эълон қилинди. Керенский бошчилигидаги Муваққат ҳукумат демократик эркинликларни жорий этишга уринди. Бу ҳолат октябр ойининг охиригача давом этди.

Бироқ большевиклар қурол кучига таянган ҳолда, 1917 йил 25—26 октябрда (янги сана билан 7—8 ноябрда) Петроградда Муваққат ҳукуматни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни зўравонлик билан эгалладилар.

Мазкур ўқув қўлланмасида даставвал Россиянинг марказида, сўнгра собиқ империянинг бутун ҳудудида зўравонлик йўли билан ҳокимиятни қўлга олган Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳукумати ва совет режимининг "моҳияти" ҳақида бир оз тўхташни лозим топдик. Зеро, бу Туркистондаги воқеаларни теранроқ таҳлил қилишимиз учун ҳам керак. Октябр тўнтариши Туркистон ўлкасида чиқадиган русча газеталарда алланечук тасодиф, нохуш ходиса, Ватан ва жамият олдидagi жиноят қабелида таҳлил этилади. "*Свободный Самарканд*" газетаси эса ҳатто "РСДРПнинг Самарқанд ташкилоти 25 октябрда Петроградда воқеъ ўлғон фитнани қоралаб чиқди", деган хабар босади.

Октябр тўнтариши кунларида М.Горький "Новая жизнь" газетасида эълон қилган "Демократия борасида" номли мақолада большевиклар тўғрисидаги даҳшатли ҳақиқатни кўрмасдан очиқ равишда, улар сиёсати оқибатларини эса ҳайратланарли даражада олдиндан кўрган ҳолда қуйидагича ёзган эди: "Ленин, Троцкий ва уларга эргашган кимсалар аллақачон

ҳукмдорликнинг чиркин оғуси билан заҳарланганлар, сўз эркинлиги, шахс эркинлиги ва барча ҳуқуқлар тантанаси учун курашган демократияга нисбатан улардаги шармандаларча муносабат шундан шоҳидлик беради.

Сўқир мутаассиблар ва виждонсиз авантюрачилар жонини жабборга бериб, гўеки "социал инқилоб" йўлидан югуриб елаётгандек бўладилар, аслида эса бу бошбошдоқликка, йўқсуллар ҳалокатига олиб борувчи йўлдир.

Бу йўлда Ленин ва унинг тарафдорлари Петербург оstonаларидаги одамқушлик, Москвани харобага айлантириш, сўз эркинлигини йўқотиш, бемаъни ҳибслар сингари Плеве ва Столипиналар қилган қабиҳликларга ўхшаш барча жиноятларни амалга оширишни ўзлари учун мумкин деб ҳисоблайдилар" (Горький М. Бемаврид мулоҳазалар. Жаҳон адабиёти, 2000, № 6, 128 – бет.).

Горькийнинг бу мақоласини Тошкентда рус тилида чиқардиган айрим газеталар босиб чиқарди.

Октябр тўнтариши кунларида Петроградда яшаган Нью-Йорклик Америка фуқароси, черков пастери А.Саймонс ватанига қайтгач, 1919 йил 12 февралда сенатда бўлган судда ўзи гувоҳ бўлган воқеалар тўғрисида қуйидагича кўрсатма берган эди: "...большевикча инқилоб ғалаба қозонгани учун маълум даражада террордан миннатдор бўлиши керак... Менинг кўлимда бир ҳужжат бўлиб, унда большевиклар ўз жанговар шиорлари билан халқни қуролланишга чақирганлиги айтилади. У тахминан шундай жаранглайди: "пролетариат ишини ҳимоя қилиш учун қуролни ишчилар қўлига топшириш зарур". Бундай вазият большевикча инқилоб ютуғини таъминлади..."

Саймонснинг террор тўғрисидаги фикрлари, Петроградда ўз кўзи билан кўрган воқеалари ҳақида берган гувоҳликлари большевиклар "инқилоби" ва унинг ички моҳиятини тушунишда ёрдам беради. Россияда асрлар мобайнида шакланган маиший турмуш тарзи ва урф-одатларни бузиб ташлаш учун большевиклар қўлида кучли ҳокимият бўлиши керак эди. Бу ҳокимият – пролетариат диктатураси бўлиб, большевиклар партияси баландпарвоз шиорларга таяниб, алданган ишчи ва солдатларни ўз орқасидан эргаштиради.

Файласуф ва тарихчи олим Н.А.Бердяев "Рус коммунизмининг моҳияти ва манбалари" асарида пролетариат диктатураси ҳақида қуйидагича фикр юритади: "Пролетариат диктатураси, яъни коммунистик партия диктатураси буржуа дав-

латларига қараганда нисбатан кучли ва мустабид давлат ҳоки — миятини ифодалайди. Марксча назарияга кўра, давлат доимо синфий ҳукмронлик ташкилоти, ҳукмрон синфларнинг эзилган ва эксплуатация қилинган синфлар устидаги диктатураси бўл — ган. Синфлар йўқолганидан сўнг давлат ўз — ўзидан ўлади ва ташкилотчи жамият билан алмашади. Синфлар ҳозирча бор экан, давлат ҳам мавжуд бўлади. Аммо синфларнинг бутунлай йўқолиши пролетариат инқилобидан кейин дарҳол юз бер — майди. Ленин Россияда Октябр инқилобидан сўнг бирдан ком — мунистик жамият қурилишини умуман ўйламаган эди. Ҳали олдинда тайёргарлик жараёни ва қаттиқ курашлар турар эди. Мана шу тайёргарлик жааёсида, ҳали синфсиз жамиятга тўла ўтилмаган бир даврда, кучли марказлашган ҳокимиятга эга давлатга буржуа синфлари ва уларнинг қаршилигини бостириш учун пролетариат диктатураси зарур (Берляев Н.А. Истоки и смысл русского коммунизма. М. 1990, с. 103-104).

Мустахлак марказидаги сиёсий бўҳронлар ўз навбатида Туркистонда ҳам акс — садо бера бошлади.

✓1917 йил октябр ойида большевиклашган Тошкент совети солдатларни ўз томонига оғдира бошлади. Асли россиялик ишчилар ҳам унга эргашди. Ўлкада иқтисодий қийинчиликлар зўрая бошлади. Коровиченко қўмондонлигидаги жазо отряди билан Тошкент совети ўртасида қуроли тўқнашувлар бўлди. Мусулмонлар Шўроси ҳокимиятни ишчи ва солдат депутатлари советига берилишига қарши эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу ҳолат октябр тўнтариши кунларида, аҳолининг озгина қисми — европалик ишчилар Тошкент гарнизони аскарларини ўз томонларига оғдириб олиб ва шу қуроли кучларга таяниб, ҳокимиятни ўз қўлларига олганларида айниқса кучайди. Тош — кентдаги октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Коро — виченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитетини қа — моққа олдилар. Худди шу кун Тошсовет Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилганлигини эълон қилди. 1917 йил 1 ноябрда Советлар Термиз ва Каттақўрғонда, 25 ноябрда Янги Бухоро (Когон)да, 28 ноябрда Самарқандда, 7 декабрда Наманганда ҳокимиятни ўз қўлига олди.

"Бироқ бу галаба шаҳар аҳолисига жуда қимматга тушди. Қонли кўча жанглирида совет ҳокимияти тарафдорларидан 79 киши ҳалок бўлди. Бунда аввало большевиклар таъсирида бўл — ган Тошкент ишчи ва солдат депутатлари совети айбдор эди. Сабаби сентябр воқеалари жараёнидаёқ улар ўзларини

ҳокимият учун курашда ҳеч нарсадан тоймасликларини ошкор этидилар. Оқибатда вужудга келган фуқаролар уруши кўплаб инсонлар умрига зомин бўлди. Муваққат ҳукуматнинг Туркис – тон Комитети ағдарилгач, то ўлкадаги ҳокимият ташкил этилгунча Тошкент совети амалда ҳокимиятни бошқарди.

Ҳокимият советлар қўлига ўтиши билан ағдарилган Му – ваққат ҳукуматнинг барча бўғинлари тутатилиб, ўрнига даввало жазо органлари ва совет бошқарув тизими ўрнатилди. Бу тасо – дифий эмасди. Большевиклар ҳукмронлиги нафақат ағдарилган синфлар, балки большевиклар билан келишмайдиган маҳаллий аҳолининг каттагина қисми устидан зўравонлик ўрнатилган – дагина сақланиб қолиши мумкин эди. Туркистон ХКС 1917 йил 28 ноябрда ўлкада қизил гвардия бўлинмалари тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу бўлинмалар дастлабки аксилсовет чиқишларни бостиришда фаол иштирок этди. 1918 йилнинг бошларидан ўлкада қизил армиянинг қисмлари ташкил қилина бошлади. Шу вақтнинг ўзида Фавқулодда комиссия органлари ва ишқилобий трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат дик – татурасининг бу жазо органлари ўзга фикр, озодлик ва де – мократияни бўғишда муҳим қурол бўлди ва октябр туфайли юзгага келган советлар режими даврида тарихимизда улар аялчли саҳифаларни ёздилар” (Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова.- Т, 2000. С. 66-67, 79-80.).

“Большевиклар солиб чиқдилар. Бир оз муддатдан сўнг ге – нерал комиссар Коровиченко ўлдирилди. Унинг ҳарбий ўрин – босари қочиб кетди. Анчадан сўнг, 13 декабрда Доррер ўлди – рилди. Бутун Туркистонда умумий ҳибсга олишлар, ўлдиришлар бошланди”, – деб чуқур қайғу билан кейинчалик ёзган эди ўша давр воқеаларининг шоҳиди Мустафо Чўқай.

Туркистон бюроси бош комиссарининг ёрдамчиси граф Доррернинг ёзишича, “27 октябрда бош комиссар қўлига бир қатор муҳим маълумотлар, ҳужжатлар тушганки, унда Тошкент солдат ва ишчи депутатлари ижроия қўмитаси томонидан ҳо – кимиятни қурол воситасида босиб олиш учун уюштирилаётган фитна ҳақида сўз юритилади.

Фитна большевикларнинг Бутунроссия фитнаси билан му – қаррар равишда боғлиқ ва келишилганлигини англаш қийин эмас”.

Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, 1917 йилнинг кузига келиб ўлка шаҳарлари, вилоятлари ва уездарида аҳолининг

ҳокимиятни советларга ўтишини талаб қилувчи фаол чиқиш — лари кузатилмаган. Аксинча, жойлардан келиб турган хабарлар ва телеграммаларда Муваққат ҳукуматни қўлаб — қувватлаш ҳақида гапирилар экан, большевиклар ва бошқа экстремист — ларнинг ҳокимиятни советларга бериш ҳақидаги талаблари фош этилар, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган Таъсис маж — лисини чақириш ғояси қўлаб — қувватланарди. Ўлка Советла — рининг ўзи (Тошкент Советидан ташқари) ҳокимиятнинг со — ветлар қўлига ўтишини ёқлаб чиқмадилар, чунки уларнинг кўпчилиги ўша вақтда коалицион Муваққат ҳукумат ва Тур — кистон қўмитаси таркибига кирган эсерлар ва меньшевиклар — дан иборат эди. (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 — китоб. Ўзбе — кистон совет мустамлакачилиги даврида. — Т., 2000, 42 — 43 бетлар).

Демак, 1917 йил ноябр ойининг бошида большевиклар фа — қатгина курул кучига таянган ҳолда Тошкент шаҳрида ҳоки — миятни қўлга киритишди. Бу ҳолни архивларда сақланиб қолган ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам исботлайди. Туркистон республикасининг раҳбарларидан бири кейинчалик қуйидаги фикрни эътироф этишга мажбур бўлган эди: "Тур — кистон бир неча ўн йиллар мобайнида чоризм мустамлакаси бўлиб келди ва бу ҳол барча ижтимоий кайфият ва муноса — батларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирди. Самодержавие то — мошидан олиб борилган мустамлакачилик кайфияти ва сиёсати амалдор ва хизматчи унсурлардан ташқари ҳатто рус темир йўлчиларига ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Шунинг учун тўнтаришнинг бошидан оқ совет ҳокимиятини бу ерда фақат рус кишилари амалга оширди. Туб аҳолидан эса мустамлакачи маҳаллий ҳокимиятга алоқадор кишиларгина унда қатнашиши мумкин бўлиб, туб аҳолининг қолган қисми учун бу ғоялар бегона ва тушунарсиз эди" (Ўзбекистон МДА, 17 — фонд, 1 — рўйхат, 39 — иш, 17 — 18 — варақлар).

Чунки Туркистондаги рус ишчилари ва крестьянларга чоризм даврида жуда қулай шароитлар ярагиб берилган эди. Улар маҳаллий аҳолига қараганда бир неча марта ортиқ маош олар, яшаш шароити уларникига нисбатан яхши эди. Ҳатто бу ҳолатни ўз даврида совет иқтисодчиси Вл. Лаврентьев қуйи — дагича эътироф этишга мажбур бўлган эди. "Ишчилар синфи — нинг яхши ҳақ тўланадиган энг юқори қатламини, яъни Тур — кистондаги ишчилар аристократиясини рус ишчилари ташкил қиларди. Улар ишчилар синфининг 22,3 фоизини ташкил қил —

гани ҳолда ишчиларнинг юқори қатламини деярли эгаллаб олган эди. Маҳаллий ишчи келиб чиқиши боис бир хил вазифада ишловчи рус ишчисидан кам ҳақ олиши одатий ҳол эди" (Лаврентьев Вл. Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). Л., 1930. С.139—140).

Мустамлакачилик тузумини барқарор бўлишида таянч ва-зифасини ўтаган европалар унсурлар томонидан галаба қилган октябр тўнтариши маҳаллий аҳолининг манфаатларига мос келмаслиги равшан эди. Бу фикрни Турор Рисқулов (1894—1938) ҳам ўз даврида бир неча марта таъкидлаб ўтади.

Туркистондаги коммунистик ташкилотлар тарихининг тадқиқотчиси И.Сольцнинг ушбу фикрлари ҳам бу ҳодисани тасдиқлайди: "Туркистонда феврал ва октябр инқилоблари Питер ва Москвадаги революцияларнинг акс-садоси сифатида пайдо бўлди. Ўлкада совет ҳокимияти чор ва Керенский ҳукумати мағлубиятидан сўнг ўз—ўзидан вужудга келди. Бу ҳокимият аввалги мустамлакачилик тузуми таянчи бўлган европалар аҳоли қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Бу кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат эди. ...1918 йил давомида Туркистонда партия ташкилотлари ташкил топди ва улар ўзини совет давлатининг асосчилари қилиб кўрсата бошлашди. Бу ташкилотлар сафида маҳаллий миллат вакиллари — қирғиз, ўзбек, туркманлар бўлмаган. Бундай коммунистик партия Туркистондаги инқилобнинг тартибсиз тўлақинида сузишга мослашган эди, лекин уни бошқаришга эмас... Бу партияда бошқарувнинг мустамлакачилик руҳи ҳокимлик қиларди"

Туркбюро таркибида Петрограддан Тошкентга келиб, кейинчалик ишлаган машҳур "инқилобчи" Г.Сафаров 1917 йил октябр воқеаларини, большевиклар партиясининг ўша пайтдаги мавқеини қуйидагича тасвирлаган эди: "Большевиклар партияси бу ерда воқеаларни бошқармади. Фақат айрим большевиклар инқилоб тўлақинининг устига чиқиб олдилар. Партия бўлса октябр инқилобидан сўнг ташкил қилина бошланди. Мантиққа зид бўлишига қарамасдан, Туркистонда большевиклар партияси совет ҳокимиятини эмас, балки совет ҳокимияти ҳамда советлар ҳокимиятини ташкил қилиш зарурияти бу ерда большевиклар ва сўл эсерлар партиясини яратди. Бунинг оқибати шу бўлдики, большевиклар ва сўл эсерлар партияси дастлабки кунлардан бошлабқ, авантюристлар, амалпарастлар ва жиноятчи унсурларнинг бошпанасига айланди. Характерли томони шундаки, "большевиклар" ўзларини

"большевиклар ҳукумат партияси" деган расмий ном билан атамадилар... Шунинг учун ҳам пролетариат диктатураси биринчи қадамдан бошлаб типик мустамакачи кўринишида бўлди: рус ишчилари "Туркистон халқларини бошқариш"ни ўз қўлларига олдидлар". (Сафаров Г. Колониальная революция (Опыт Туркестана). М., Госиздат, 1921. С. 71).

Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз курашга киришдилар. Демократик кучлар эса бу ҳолга қатъий норозилик билдирдилар. Масалан, 1917 йил 13–17 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар ўз–ўзини бошқариш ташкилотларининг Туркистон ўлка съезди қатнашчилари ҳокимиятни тўлалигича большевиклар қўлига ўтишига кескин қаршилик кўрсатишди. Съезд ҳокимият масаласига оид куйидаги резолюцияни қабул қилди: "Туркистонда ҳокимиятни Ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари қўлига ўтиши билан ҳокимият масаласидаги мунозара шундай ҳулосага келди:

1. Россия инқилоби кўтарган халқларнинг озодлиги, тенглиги, дўстлиги шиорлари асосида Туркистон аҳолисининг 98 фоизини ташкил этувчи, 10 млн. сонли мусулмон аҳолиси миллий – маданий ўз – ўзини бошқаришнинг барча ҳуқуқларига эга;

2. Мусулмонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва умуминсоний тараққиётига бўлган қизиқиши Қуръон ва Шариат қонунларидан ўзгача бўлиши мумкин эмас.

Мусулмонлар инқилоб натижасида қўлга киритган ҳуқуқларини амалга оширар экан Россиядаги сиёсий партияларнинг бирортаси таркибида фаолият кўрсатиши ва уларнинг партиявий курашишларида қатнашиши мумкин эмас. Лекин Россия фуқаролари билан умумий жамият манфаатларини ҳисобга олиб мамлакатни Таъсис мажлисига олиб борувчи ҳокимиятни қўллаб – қувватлаши мақсадга мувофиқдир;

3. Бутун Россия доирасида ҳокимият қандай тузилишидан қатъий назар мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини маҳаллий шароитни яхши билган, мусулмонларнинг урф – одатлари ва яшаш шароитлари билан яхши таниш бўлган, халқнинг хоҳиш – иродасига кўра янгича ҳаёт тартибларини жорий қила оладиган кишилардан иборат маҳаллий ҳокимият орқали амалга оширишлари мумкин. Шунинг учун маҳаллий ҳокимият биринчи навбатда мусулмон вакиллари билан маълум миқдорда бошқа сиёсий ташкилотларда фаолият кўрсатувчи,

декин мусулмонларга хайрихоҳ бўлган вакиллардан ташкил топиши керак;

4. Ҳокимиятни маҳаллий аҳоли манфаатлари учун тасодифий ва бегона бўлган ҳарбийлар, ишчилар ва деҳқон (крестьян)ларнинг майда гуруҳлари кўлидагина тўпланиб қолиши демократия принципларига мос эмас ва маҳаллий аҳолини ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги эркин ҳаракатларига кафолат бера олмайди".

Юқоридаги сабабларга кўра съезд мазкур қарорни қабул қилди:

1. Тошкент шаҳрида қуйидаги ташкилотлардан сайланган фуқаролар қисми бўйича 12 кишидан иборат Туркистон Ижроия Комитети таъсис этиш: солдат, ишчи ва крестьян депутатлари съездидан 3, шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотидан 3 ва Мусулмонлар съездидан 6 киши. Мусулмонлар съезидига Комитетни ташкил этиш ва ҳокимиятни дарҳол ўз кўлига олиш топширилсин.

Ўлка мусулмонлари съезди бир вақтнинг ўзида Россия рес-публикаси ҳукуматига Таъсис мажлиси Туркистонни бошқаришнинг алоҳида шаклини ишлаб чиққунга қадар Туркистон Ижроия Комитети ва унинг кенг ваколатини тасдиқлаш ҳақида талабнома берсин.

2. Тошкент шаҳрида 24 кишидан иборат Тошкент Ўлка Шўроси тузилсин. Тошкент Ўлка Шўроси таркибига 6 та солдат, ишчи ва крестьян депутатлари Советларидан, 6 та шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотидан ва 12 та ўлка мусулмонлари съездидан сайланган вакиллар киритилиши лозим; Туркистон Ижроия Комитети Тошкент Ўлка Шўросига масъулдир.

3. Туркистон Ижроия Комитетининг ҳамма ҳаражатлари давлат хазинаси ҳисобидан, Ўлка Шўросиники эса ўзи ташкил қилган ташкилотлар ҳисобидан қопланади". (Ўзбекистон МДА, И-1044-фонд, 1-рўйхат, 12-иш, 28-варақ).

Афсуски, шаҳар ўз-ўзини бошқариш ташкилотларининг ўлка съездида айтилган ушбу оқилона фикрлар большевикларнинг ҳокимият томон "зафарли юришлари"ни тўхтатиб қололмади. 1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ишчи, солдат ва крестьян депутатларининг III ўлка съездида ҳокимият масаласида қизгин мунозаралар бўлди. Большевиклар гуруҳи коалицион ҳукумат тузиш ҳақидаги таклифни рад этиб, ҳокимиятни Марказий Россиядагидек бўлишини ёқлаб чиқдилар. Большевиклар номидан нутқ сўзлаган Бутунроссия

МИК аъзоси Ф.И.Колесов куйидагича идао қилди: ("Ишчи, содат ва крестьянлар галаба қозонишди, шунинг учун ҳоки — миятни фақат улар кўлларига олишлари керак".)

Съездда "Шўрои Уламо" ташкилоти Тошкент шўъбасининг раиси Шерали Лапин "турли мусулмон гуруҳларининг бир — лашган кенгаши" (12—15 ноябрда бўлган) қабул қилган резолюцияни таклиф қилди. Резолюциянинг умумий мазмунига кўра Туркистонда ички бошқарувнинг барча тармоқлари бўйича қонун чиқарувчи ҳуқуққа эга бўлган соф мусулмон мухторияти ўрнатилиши керак эди.

Шунингдек, мусулмонларнинг мухторият бошқаруви ислом социализми ақидалари асосида юритилиши лозим: яъни, капиталнинг ўсишига йўл қўймаслик; бой табақалардан мажбурий равишда "закот" ва "ушр" ундириш; ер — сув масалаларини шариат қонун — қоидалари асосида бошқариш; кам ерли деҳ — қонларга давлат ерларидан фойдаланиш имкониятларини яра — тиш ва шулар билан шахсий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш.

Туркистон Россия Федерацияси таркибида Туркистон Му — сулмон Федерацияси деб эълон этилади. Унда бошқарув шариат асосида олиб борилади, деб белгилаб қўйилди.

Ушбу ўринда резолюция матни билан қисқача танишсак мақсадга мувофиқ бўлади. Резолюция Шерали Лапин томонидан ёзилган бўлиб, у "Уламо" (Тошкент) ташкилотидан, "Рус социалистларига" деб номланади. Резолюцияда Ш.Лапин Тур — кистонда бўлаётган хунрезликларнинг илдизини ислом ва христиан дунёсининг азалий курашлари, христианларнинг са — либ юришлари, империалистик урушлардан қидиради. Муаллиф ислом динининг умуминсоний жиҳатлари ҳақида большевиклар кўнглида ҳурмат уйғотишга уринар экан, Европада юзага келган социализм ғоялари исломдан тарқалган деб уқтиради. Мурожаатномада мусулмонларнинг икки оқими: миллий зиёлилар (жадидлар) ва уламочилар ўртасидаги келиш — мовчиликларни яққол кўриш мумкин. Ш.Лапин мухторият та — рафдорлари ва тараққийпарвар зиёлиларни большевиклар би — лан келиша олмасликда айблайди. Большевиклар билан фақат уламочилар биргаликда фаолият олиб бориши мумкин бўлгани ҳолда большевиклар уларни рад этганлиги катта хато бўл — ганлигини исботламоқчи бўлади. Афсуски, муаллиф Туркистон тақдири ҳал қилинаётган бир вақтда мусулмонлар ўртасида як — дилликнинг йўқлиги большевикларга қўл келишини кўра

олмайди (Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 11-иш, 3-10-варақлар).

Ушбу резолюция лойиҳасини Мустафо Чўқай ўз пайтида кескин танқид қилган эди. Чунки мазкур ҳужжат дастлаб Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитетига топширилган бўлиб, "кейинроқ айтилган лойиҳа кичик ўзгартмалар билан Туркистон большевик шўроларининг учинчи қурултойига тақдим этилди". Мустафо Чўқай ўз фикрини давом эттириб, бу лойиҳада сиёсий тушунчадан асар йўқлигини таъкидлайди. У Шерали Лапин тўғрисида "Заволли Шерали мусулмон" деб киноя билан ёзади. 1917 йилда Туркистондаги миллий ҳаракатнинг ўзаро қарама-қарши икки қутбини бошқарган таниқли бу арбоблар 1919 йил Бокуда сўнгги марта учрашишади.

Ушбу ўринда характерли бир далилни келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Шерали Лапин томонидан ХХ аср бошларида айтилган ушбу фикрлар билан Ливия жумҳурияси президенти Муаммар Кадафийнинг машҳур "Яшил китоб" асарида баён қилинган Ислом социализми тўғрисидаги ғоялари муайян даражада бир-бирига ҳамоҳангдир. Араб дунёсидаги машҳур сиёсатчи бўлган Кадафийнинг ғоялари "Учинчи жаҳон назарияси" сифатида машҳурдир. (Муаммар ал-Казафий. Яшил китоб. Т., 1992, 112-бет).

Шерали Лапин советларнинг III-ўлка съездидаги ўз маърузасида уламочилар қурултойи резолюциясини шарҳлар экан, қуйидагича баёнот берди: "Мусулмонлар ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига мувофиқ, бутун ҳокимиятни тўла равишда талаб қилишга ҳақлидирлар, лекин улар келгинди унсурларга ён босиб, уларнинг вакиллари ҳокимиятга қўйдилар".

Ш.Лапин нутқи муҳокама қилинган, меньшевиклар ва ўнг эсерлар вакиллари ўлка Совети таркибига мусулмонлар вакиллари ҳам киритишни таклиф қилишди. Бироқ бу таклиф турли сабабларга кўра қатъий қаршилиikka учради. Лапин таклиф қилган платформа рад қилинган, у съездни ташлаб чиқиб кетди. Худди ўша кунини Советларнинг III ўлка съезди декларация қабул қилди. Унда баён этилишича "ҳозирги вақтда мусулмонларни ўлка инқилобий ҳокимиятининг олий ташкилотига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки маҳаллий аҳолининг солдат, ишчи ва крестьянлар советлари ҳокимиятига муносабатлари ноаниқ, шунингдек, маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари бўлмагани туфайли улар ўлка-

нинг олий ҳокимиятида ваколат ташкил этиб, фракциянинг мададига таяна олмайдилар". Бу эса миллий масалада большевиклар тарафидан қилинган жуда катта сиёсий хато эди. Бунда айрим раҳбарларнинг шовинистик кайфиятлари очиқ намоён бўлди.

Шундай қилиб, большевиклар билан сўл эсерлар ўртасидаги келишувга мувофиқ ҳукумат таркибидаги 8 ўрин сўл эсерларга ва 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилди. Туркистон ўлкаси **Халқ Комиссарлари Советининг** раиси этиб **большевик Ф.И.Колесов** сайланди. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади.

Маҳаллий миллатларни сиёсий жараёнга аралаштирилмаганлиги ўлка халқларининг совет ҳокимиятига бўлган ишончсизлигини янада кучайтирди. Ҳатто Туркистондаги европалик аҳолининг демократик қатламлари ҳам большевикларнинг бундай маккорона сиёсатига қарши чиқдилар. Ҳукумат тузишда улуғ давлатчилик шовинизми ақидаларига амал қилинганлиги янги ҳокимиятнинг сиёсий фаолиятини олдиндан белгилаб берди. Ҳатто большевикларнинг "доҳийси" В.И.Ленин ўзининг "Великороссларнинг миллий ифтихори" асарида улуғ давлатчилик шовинизми рус халқига хос эканлигини тан олган эди.

Уша суронли йилларда Марказдан келиб Туркистонда ишлаган Д.И.Манжара ўзининг эсдаликларида ўзишича, "биринчи Туркистон Советлари ҳукумати"га маҳаллий миллат вакиллари киритилмаганлиги жуда ёмон бўлган. Бу ходиса маҳаллий халқ орасида комиссар лавозимига муносиб номзодлар йўқлигидан эмас, аксинча, руслар ҳокимлигини мустаҳкамлашдан иборат эди. "Бундай миллатчиликнинг асосий сабаби, — дея таъкидлаганди Манжара, — раҳбарликдаги большевик ўртоқлар онгида "улуғдавлатчилик шовинизми" руҳининг қаттиқ ўрнашиб қолганлиги оқибатида улар ҳукумат таркибига киритилмади".

Ҳукуматнинг бундай зиддиятли таркиби ўлкада европалик аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади. Йўқотилиши интизорлик билан кутилган мустамлакачилик янгича асосда бошланиб кетди. "Туркистондаги мустамлакачилик ҳатто совет ҳокимияти тараққиётининг бутун бир йўналишини белгилаб берди", деб ёзган эди Г.Сафаров. Бу ҳолатни Султонбек Хўжанов (1894—1938) ҳам кейинчалик шундай изоҳлайди: "Эскича қараш, мустамлакачилик таъсири бошқарув органларида ҳам бор эди".

(Ходжанов С. К 10-летию Туркестанской советской автономии Туркестана. Т., 1928, с. 14).

Д.А.Алимова бошчилигида 10-синф ўқувчилари учун ёзилган "Ўзбекистон тарихи" дарслигида айтилишича, Туркистондаги сўл-экстремистик сиёсий гуруҳлар, уларнинг на-мояндаларидан тузилган ҳукумат, биринчи гада, большевиклар моҳиятан хоризм мустамлакачилик сиёсатига амал қилдилар. Шу билан бирга, октябр тўнтаришидан кейин Россияда бўлгани сингари Туркистонда ҳам инқилобий ақидаларга, энг аввало синфийлик тамойилларига амал қилинди. Асосий инқилобий куч пролетариат ва камбағал деҳқонлар, аҳолининг бошқа қат-ламлари реакцион эксплуататор гуруҳлар деб эълон қилинди. Мулкдорлар - эксплуататор, эзувчилар; миллий зиёлилар, ўқимишли, обрў-эътиборли халқ вакиллари - миллий буржуазия корчалонлари ва малайлари; ислом дини раҳ-намолари - реакцион оқим деб, уларга қарши аёвсиз кураш бошлаб юборилди. (Алимова Д.А. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Т., 2000, 27 - бет).

Ушбу ўринда большевик раҳбарлари томонидан 1917 йил ноябр ойида Петроградда қабул қилинган икки ҳужжат ху-сусида бир оз тўхтамоқчимиз. Россия Халқ Комиссарлари Советининг раиси В.Ульянов (Ленин) ва Миллатлар иши Халқ Комиссари Иосиф Жугашвили (Сталин) 2 ноябрда "Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси" ва 20 ноябрда "Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига" мурожаат-номани имзолашди.

"Дабдабали" декларацияда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи расмий равишда тан олинган эди: "Россия халқларининг тенглиги ва суверенлиги; Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари, ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи; ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-диний имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш..."

Декларацияга асосланиб қабул қилинган "махсус мурожа-атнома"даёса қуйидаги баландпарвоз фикрлар бор эди: "Россия мусулмонлари, Волга бўйи ва Қрим татарлари, Сибир ва Туркистоннинг қирғиз ва сартлари, Закавказьенинг турк ва татарлари, Кавказнинг чечен ва тоғликлари... Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасала-рингиз бундай буён эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан баҳузур туза берингиз.

Шундай қилишга ҳақлисиз... Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмоғингиз лозим! Ўз турмушингизни кўнглингиз — дагидай ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмо — фингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлисиз, чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда..."

Россиядаги большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари Ленин ва Сталин томонидан халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақида эълон қилинган ушбу дабдабали декларациялар, қанчалик баландпарвоз ваъдалар берилмасин, амалда бир парча қоғоздан иборат қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Биз юқорида ўз фикрларимизни шоҳидлар гувоҳлиги билан бошлаган эдик. Яна тарихий маълумотларга мурожаат қилсак.

Россияда инқилоб ғалаба қозонгач, бутун ҳокимият проле — тариат диктатураси измига ўтди. Жамият турли — туман синф — ларга парчалаб ташланди. Бошқача қилиб айтганда, давлат қурилишининг ҳар қандай шакли ва демократиядан воз кечи — либ, зўравонларча бошқарув ўрнатилди. Оқибатда жамиятда алдов, куч, қўрқинч устун бўлиб қолди. Туркистон эса ўзига хос миллий шароитлари, урф — одатлари, анъаналари билан ажралиб турарди.

Шундай бўлса ҳам биз юқорида айтиб ўтганимиздек ўлка аҳолисининг 95 фоизини ташкил этувчи туб аҳоли русийзабон миллатлар ўрнатган пролетариат диктатурасининг қақшатқич ҳукмига бўйсиндирилди.

Туркистон Советлари VII съездида ўлкадаги суд ишларини ва қонунчиликни тартибга солиш масаласи кўрилади. Съезд президиуми раиси П.А.Кобозев шундай дейди: "Ўртоқлар, юс — тиция ва революция бир — бирига умуман қарама — қарши фикрлардир. Юстиция — бу тинч ҳаёт нормасидир, қачонки бу кураш жараёнлари бўлмасагина амал қилади.

Агар кураш мавжуд экан, унда жамият олдида битта вазифа бор: бир синф иккинчи синф устидан албатта ғалаба қозониши керак. Ҳозирги кунларда бурчаклардан ота бошлаганда эса коммунистлар уларга фавқулодда комиссия тузиш билан жавоб қайтардилар. Хўш, бу фавқулодда комиссиялар нима иш ба — жарадилар? Улар оммавий террор ўтказадилар. Бизда юстиция ўлим жазосини, каторга, қамоқхоналарни тан олмайди, бундай жиноятларни бирданига йўқ қилиб ташлаш керак".

Россиядаги октябр тўнтариши рус халқи ва Россиянинг ўзи учун ҳам фожиали бўлди. Рус тарихчиларидан И.А.Ильин "ин — қилоб"нинг дахшатли оқибатлари ҳақида қуйидагича ёзган эди:

«Россияда сўнги 32 йил (1917–1949й.) ичида бўлиб ўтган воқеаларни ҳалокатли деб атамаслик учун мутлақо сўқир ёки муттаҳам бўлиш керак... Рус инқилоби фақат Россия тарихида эмас, балки бутун инсоният тарихидаги улкан хатодир».

«Посев» журнали бу фикрни давом эттириб, тубандаги аччиқ ҳақиқатни ёзишга мажбур бўлган эди: «Шундай қилиб, урушсиз даврда, Россиядаги инқилоб ва инқилобий ўзгаришлар пайтида халқ 60700000 кишини йўқотди».

Туркистон ХКС 1917 йил охирларида ўз қарори билан «Шўрои Исломия» ва бошқа маҳаллий демократик ташкилотларни тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг раҳбарлари кейинчалик Туркистон Мухторияти ҳукуматига қўшилдилар, айримлари истиқлолчилик ҳаракатига гоявий раҳнамолик қилдилар. Шуниси характерлики, «Шўрои Уламо» ташкилотининг Тошкент шўъбаси фақат 1918 йил 13 майда ёпиб қўйилди.

Шундай қилиб, даставвал Россия марказида қарор топган совет тузуми Туркистон ўлкасида ҳам ўрнатилди. Зўравонлик ва халқларни эзишга қаратилган совет режими ўзининг илк купларидан бошлаб Туркистондаги туб халқларга қарши мусамлакачилик сиёсатини юритди. Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди.

Аслини олганда Туркистонда октябр тўнтариши асосан европалар аҳоли томонидан амалга оширилди. Унда маҳаллий аҳоли вакиллари деярли иштирок қилмади.

Ишчи ва солдат депутатлари III ўлка съезида тузилган янги ҳукумат — Туркистон Халқ Комиссарлари Совети большевик ва сўл эсерлардан ташкил топган бўлиб, улар европалар аҳоли вакиллари эди. Туб жой аҳолисидан бирофта киши ҳам ҳукумат таркибига киритилмаганлиги ўлкада ўрнатилган советлар тузумининг асосий хусусиятларидан бири бўлди.

2.2. Туркистонда марказлашган бошқарув тизими — совет Россияси сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилиши

Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети ўзининг тузилиши ва бошқарув аппаратлари жиҳатида мутлақо фарқли ҳукумат эди. Туркистон ХКС таркибига кирган 15 та комиссарлик ўлкани бошқарув ишларини бутунлай қамраб оларди. Биз учун бу бошқарув тизимининг ўзига хос ва фарқли томони

шундаки, у ташкил топган заҳоти Россиядаги Марказий ҳукуматни тап олди.

1917 йил 23 ноябрда Туркистон ХКС раиси Ф. Колесов Петрограддаги Халқ Комиссарлари Совети номига юборган телеграммада қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Комиссарлар Совети ўз олдига сизнинг ҳамма декретларингизни амалга ошириш вазифасини қўйди. Маҳаллий аҳоли Таъсис мажлисини хотиржамлик билан кутмоқда. Почта-телеграф хизматчиларининг забастовкаси тугатилди. Аҳоли қўзғалишининг асосида очлик ётиши мумкин. Бизнинг тўла қўллаб-қувватлашимизни ҳисобга олишингизни сўраймиз".

↳ Туркистон ўлкаси янги ҳукумати ўша куннинг ўзида аҳолига қилган мурожаатида ҳам ўзининг асл мақсадларини яшириб ўтирмади. Мурожаатда ҳам телеграммада бўлгани каби қуйидаги фикрга алоҳида урғу берилган эди: "Халқ Комиссарлари Совети марказий ҳокимиятнинг барча декретларини оғишмай амалга оширади ва ўз фаолиятида съезднинг юқорида кўрсатилган қарорларига амал қилади. Бу топшириқларни бажариш йўлидаги ҳар қандай қаршилик советлар томонидан кескин чоралар кўрш билан кутиб олинади".

Демак, Туркистон ХКС ўз фаолиятини биринчи кунларидан бошлаб совет сиёсатини амалга оширишга, Туркистон ўлкасида совет ҳокимиятини мустақкамлашга қаттиқ ва астойдил киришди. Барча маҳаллий советларга зудлик билан қизил гвардия тузишга киришиш таклиф қилинди. Ўлка комиссарлиги таркибида бўлган ва бошқарувда асосий рол ўйнайдиган ҳарбий, ташқи савдо, шунингдек, почта, телеграф ва темир йўллар бошқаруви масалалари бутунлай Россиядаги тегишли идоралар ихтиёрига бериб қўйилдики, оқибатда Туркистон ХКС ижрочи органга айланиб қолди. Марказдан юборилган барча масъул ходимлар, турли комиссия ва ташкилотлар ўз сиёсатларини қўғирчоқ органга айланган ўлка ХКС орқали юритдилар.

Бу ўринда лоақал большевиклар партиясининг "доҳийси" Ленин томонидан Москвада тузилиб, Тошкентга жўнатишган Турккомиссия, Туркбюро (кейинчалик тузилган РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси) каби турли комиссия ва ташкилотлар фаолиятини эслатиб ўтмоқ жоиз. Бу ҳақида қўллашнинг кейинги фасларида тўхталиб ўтамиз.

Туркистонда ҳам большевиклар, юқорида айтиб ўтилганидек, пролетариат манфаатларидан келиб чиқиб сиёсат юритдилар. Ўлкадаги янги режим чоризмнинг муштамакчилик

сиёсатидан ошиб тушди. Туркистон ўлкаси иккинчи марта Марказий Россияга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қарам бўла бошлади.

Ўлкада ҳокимиятни фақат ишчилар ва европали унсурлар қўлида бўлиб қолиши Туркистондаги барча демократик кучларнинг янги ҳукуматга бўлган ишончсизлигини кучайтириб юборди. Большевиклар ва сўл эсерлар мусулмон аҳолисининг ўлакани бошқаришга бўлган қонуний ҳуқуқини инкор қилиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини йўққа чиқардилар ва шу билан Туркистон сиёсий ҳаётидаги кучларнинг келгусида мухолиф туриб қолишини олдидадан муқаррар қилиб қўйишди.

Марказдаги большевиклар ҳукумати чекка ўлкалар, шу жумладан, Туркистонда ҳам "советча асосдаги автономия" (мухторият) ўрнатишга қаттиқ киришди. Бу ишни бажариш учун Москвадан кўплаб партия ва совет ходимлари Туркистон ўлкасига юборилди. Лениннинг буйруғи билан большевик П.А.Кобозев Ўрта Осиёнинг фавқулодда комиссари қилиб жўнатилди. 1918 йил апрел ойининг бошларида Кобозев Тошкентга етиб келди ва 10 апрелда у Туркистон ўлкасини бошқаришга киришганлигини эълон қилди. Кобозев амалда бутун Туркистондаги ҳокимият жилловини ўз қўлида маҳкам тутиб турди.

1918 йил 20 апрел — 1 майда Тошкентда Туркистон ишчи, солдат, крестьян, мусулмон ва деҳқон депутатларининг V Ўлка съезди бўлиб ўтди. 22 апрелда съезд Москвадан Ленин ва Сталин имзолари қўйилган телеграммани олди. Ушбу телеграммада большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари Туркистонга "советча асосдаги автономия" инъом қилишларини баён қилишган эди. Телеграмма ушбу сўзлар билан бошланади: "Хаақ Комиссарлари Совети ўлкангизнинг совет тартиблари асосида автономия бўлишини қўллаб—қувватлайди, бунга кўнглингиз тўқ бўлсин; ...сизлар бутун ўлкада советларнинг кенг тармоғини вужудга келтирасиз, мавжуд советлар билан тўла ҳамкорликда иш олиб борасиз".

Съезд делегатлари Ленин ва Сталиннинг кўрсатмаси асосида 30 апрелда "Россия Совет Федерациясининг **Туркистон Совет Республикаси** ҳақидаги Низом"ни қабул қилдилар. Ушбу Низом Туркистонда автоном республика тузишганлигини эълон қилди. Низомнинг дастлабки икки моддаси қуйидагича кўринишда эди:

1. Туркистон ўлкасининг ҳудуди Россия Совет Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси деб эълон қилинади. (Афсуски, жуда кўп тарихчилар низомдаги ушбу сўзларга эътибор бермай, 1918 йил 30 апрелда Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (Туркистон АССР) тузилди, деб ёзадилар. Аслида эса ТСР РСФ тузилган эди. Биз ушбу қўланмада қулай бўлганлиги учун Туркистон республикаси атамасини ишлатдик — Муаллифлар изоҳи). Туркистон республикасининг таркибига бутун Туркистон мамлакатининг Хива ва Бухородан ташқари, ҳозирги жуғрофий чегараси доирасидаги ҳамма ҳудуд киради.

2. Туркистон Совет Федератив Республикаси автоном тарзда бошқарилади, Россия Совет Федерацияси марказий ҳукуматини таъин олади ва ўз фаолиятиги у билан мувофиқлаштиради”.

Низомда яна “Туркистон Федератив Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи — ишчи, солдат, крестьян ва мусулмон деҳқон депутатлари Советларининг съездидир”; қонун чиқарувчи доимий олий орган Марказий Ижроия Комитетидир; ижро қилувчи ҳокимият ва ўлкани бошқариш Халқ Комиссарлари совети қўлида бўлади; жойларда ҳокимият маҳаллий советларга ва уларнинг ижроия комитетларига тегишлидир, деб кўрсатилган эди.

Съезд совет Туркистонининг қонун чиқарувчи олий органи — 36 кишидан иборат (18тадан большевик ва сўл эсерлар кирган) **Марказий Ижроия Комитетини** сайлайди. Туркистон МИК раиси қилиб Марказдаги ҳукуматнинг фавқулодда комиссари П.А.Кобозев (ҳамраис қилиб А.Солькин) сайланди. Шунингдек, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети таркибига 16 та киши (9та большевик ва 7 сўл эсер) киритилди. Ф.Колесов Туркистон ХКС раиси қилиб сайланди. Биринчи марта маҳаллий миллат вакилларидан 4 киши: С.Жўрабоев, С.Юсупов, Ш.Остонбоев, С.А.Азимбоев республика Марказий Ижроия Комитетига сайланди. Саъдулла Турсунхўжаев (Соғлиқни сақлаш халқ комиссари) ва С.Ашурхўжаев (Миллий ишлар халқ комиссари) — туб миллатларнинг дастлабки вакиллари сифатида ҳукумат таркибига киритилди. Шунингдек, татарлардан Исмоил Габитов ички ишлар ва Ҳ.Иброҳимов адлия халқ комиссарлари қилиб сайланди.

Афсуски, “советча асосдаги автономия” табиатан миллий мухторият бўлмай, балки ҳудудий бир автономия эди. Бунинг

устига ушбу "мухторият" самараларидан биринчи галда ўлкадаги европали аҳолининг асосан пролетар қисми баҳраманд бўлди.

Туркистон Советларининг V съездида Туркистондаги мавжуд аҳволга тўғри баҳо беришга интилганлар ҳам бўлган эди. Масалан, делегат Гаврилов ўз нутқида большевикларга қарата шундай мурожаат қилади: "Агар халқнинг тишчилигини сақлай олсангиз — биз сиз томондамиз, агар биродаркушлик урушини тўхтата олсангиз — биз сиз томондамиз, агар ўзингизнинг бунёдкорлик фаолиятингизни кўрсата олсангиз — биз сиз томондамиз! Бўлмаса...". Залнинг большевиклар ўтирган томондан "йўқолсин аксил инқилобчи, йўқолсин сотқин!" деган овозлар эшитилаётганда Тоболин нотикқа шундай жавоб беради: "Кимки биз билан бўлмаса, у бизга қаршидир! Бизни тушунишни истамаганларга рус инқилоби шафқатсиз муносабатда бўлади. Бундай кишиларга бизнинг орамизда ўрин йўқ!" (Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 1-варақ).

Тоболин луқмасида большевиклар партиясининг ўзак масалалари яққол кўриниб турибди. Бундай ошқора дағдагадан хавотирланган Марказнинг вакили Кобозев съездедаги нутқида большевикча сиёсатни ниқоблашга уринади: "Социализмда диктатурага ўрин йўқ. Ҳозир мавжуд бўлган пролетариат диктатураси бор-йўғи социализмга ўтиш даври учун хос ҳодиса".

1918 йил 17-25 июнда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Туркистон большевикларининг ўлка конференцияси Туркистон коммунист-большевиклар партиясининг I-съезди деб номланди. Ўлкадаги коммунистик гуруҳлар ушбу съездеда илк марта ташкилий жиҳатдан расмийлашиб, **Туркистон Компартиясига** (РКП(б) таркибида) асос солдилар. Съездеда **И.Тоболин** раислигида 7 кишидан иборат Марказий комитет сайланди. Марказком таркибига маҳаллий коммунистлардан Низомиддин Хўжаев ҳам киритилди.

Туркистон Инқилобий трибуналининг раиси К.Сорокин марказнинг гоёвий раҳнамолигини ушбу съездеда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлади. Съезд ишига раҳбарлик қилган В.Вотинцев ("Наша газета" муҳаррири) бўлса партиявий марказ — Марказий Комитетнинг фаолиятини қуйидагича кўрсатиб берди: "Партиявий марказ олдида ҳамма аъзолар масъул бўлиши шарт. Унинг қарорлари партия аъзолари учун темир қонуни бўлиши керак. У бизнинг пўлатдек кучли ингизомимизнинг

ифодачиси бўлиши ва унга диктаторлик ваколатлари берилиши лозим".

"Темир қонун", "пўлатдек кучли интизом", "диктаторлик ваколатлари" каби синфий ҳислатларни ўзида жамлаштирган Туркистон Компартияси РКП (б) га бўйсунар эди. Кремль большевиклари берган ҳар қандай топшириқ қулоқ қоқмай ижро қилиниши оқибатида Туркистон минтақасини Россияга сиёсий ва иқтисодий қарамлиги мустақкам асосда йўлга қўйилди.

Туркистон большевикларининг анжуманида қабул қилинган қарорлар ўлканинг кейинги тақдирида ўта салбий роль ўйнади. Масалан, Қўқондаги мухторият ҳукуматини тугатишда "жон — бозлик" қилган арман дашноқларининг йўлбошчиси съездда илиқ кутиб олинди. Тоболиннинг айтишича, коммунистлар оғир вазиятларда "Дашноқцутюн" партиясининг ёрдамига суянишган эди. Большевиклар томонидан "совет Туркистони"га айлантирилаётган минтақада ҳокимиятнинг сиёсий марказлаш — тириш борасидаги ҳаракати кучайди. Туркистонда Марказнинг сиёсий ҳукмронлиги советлар бошқарув тизими орқали шаклланди ва изчиллик билан амалга оширишга киришилди.

Шундай қилиб, советларнинг V съезди Туркистонни Россия таркибидаги ўлка сифатида эълон қилиб, давлат бошқаруви ва халқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатини Марказдаги большевиклар ҳукумати белгилашини "қонуний" акт билан муҳрлаган бўлса, Туркистон большевикларининг I съезди ҳам Россиянинг партиявий, ғоявий ва назарий ҳукмронлигини тан олиб, шимолдаги бу давлат қўл остида бўлишни ёқлаб чиқдилар.

1918 йилнинг иккинчи ярмида Туркистондаги совет ҳокимияти, аслини айтганда, қил устида туриб қолди. Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракати бутун Туркистонни қамраб олган эди. Лекин большевиклар ташвиқоти рўй бераётган ҳодисаларнинг асл моҳиятини ўлка аҳолисига бузиб кўрсатарди. Оқибатда маҳаллий аҳолининг бир қисми совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун бўлаётган курашга тортилди. Совет жамияти миллий ўлкаларда ўз сиёсатини амалга оширувчи ижрочиларга муҳтож эди.

1918 йил 5—14 октябрда бўлган Туркистон республикаси советларининг фавқулодда VI съезди ғоявий курашлар жараёнида кечди. Назарий ва сиёсий жиҳатдан етилмаган, чала савод бўлган компартия етакчилари ва комиссарлар ҳокимият учун

бўлаётган курашда ўзларининг шовинистик кайфияти ва манманликларини яққол кўрсатдилар. Съездда етакчи лавозимлардан четлатилган И.Тоболин ва Ф.Колесов — “эски коммунистлар” гуруҳи билан Марказдан келган ходимлар — “ёш коммунистлар” гуруҳи ўртасида қаттиқ кураш авж олиб кетди. Улуғ давлатчилик сиёсати ва шовинизмнинг ашаддий тарафдори бўлган Тоболин съездда ўз фикрларини қуйидагича баён қилган эди: “Туркистонда инқилобни мен амалга оширдим. Сизларни большевик қилган ҳам мен. Сизларга бўйсунини истамайман”.

Узоқ тортишувлардан кейин, низони бартараф қилиш мақсадида Тоболин вақтипчалик МИК составидан ва Колесов ХКС таркибидан чиқарилади. VI съездда янги таркибдаги Туркистон МИК (раиси — В.Вотинцев) ва ХКС (раиси — В.Фигельский) сайланди. Туркистонда ҳукумат биринчи марта нуқул коммунистлардан тузилади. Лекин ушбу можаро кейинчалик съезд доирасидан чиқиб кетиб, Туркистон республикасидаги сиёсий вазиятни ҳам кескинлаштириб юборди. Чунки бу пайтда ўлкадаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол ўта қалтис эди. Шундай аҳволда низо армия қисмларига ҳам ўтиб кетди. Пировардида, Туркистон коммунистларининг II съездида бу масала махсус муҳокама қилинди.

Туркистон Компартияси мавқеининг пасайиши ва совет ҳокимияти кучлариининг беқарорлигидан ҳарбий кучлар фойдаланишга ҳаракат қила бошладилар. Туркистон республикасининг ҳарбий комиссари К.Осипов ва унинг ғоявий сафдошлари ўзларига содиқ ҳарбий қисмларга таяниб, Туркистонда ҳарбий тўнтариш уюштириб ҳарбий диктатура ўрнатишга уриниб кўрдилар.

Исён 1919 йилнинг 19 январи кечаси содир этилди. Эрта — лабга яқин Озодлик уйи, ҳарбий қалъа, темир йўл бош устахонасидан ташқари ҳамма жойлар қўзғолончилар ихтиёрига ўтди. Дарҳол 34 большевик асир олинди, кейинроқ отиб ташланди. Буларнинг орасида Туркистон МИК раиси В.Д.Вотинцев ва ХКС раиси В.Д.Фигельскийлар бошланқ 14 та ҳукумат аъзолари ҳам бор эди.

К.Осиповнинг халққа қилган мурожаатида кўплаб ваъдалар берилганлигига қарамай халқ уларни қўлламади. Исён темир йўл устахоналари ишчилари ва большевикларнинг бошқа кучлари ёрдами билан бостирилгач, Осипов Фарғона водийсига қочиб кетди.

Тўнтаришга бўлган уриниш янги қатлиом ва террор усулларининг пайдо бўлишига олиб келди. Муваққат ҳарбий инқилобий советнинг жойлардаги ҳокимият органларига берган кўрсатмасида: "Аксилинқилобий чиқишларнинг барчаси, улар қандай широр остида кўтарилишига қарамай энг шафқатсиз чоралар билан тугатиш" зарурлиги талаб қилинди" (Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т., 2000, С. 137—139).

Советларнинг фавқулодда VI съездида (Россия Социалистик Совет Федерациясининг) Туркистон республикаси Конституцияси (асл нусхада шундай ёзилган) қабул қилинган эди. А.Ф.Солькин нутқида Конституция комиссиясининг иш "фаолияти" ҳақидаги очиқ ҳақиқатни айтишга мажбур бўлган эди: "Советларнинг V съездида Туркистон республикаси Конституциясини яратиш учун тузилган комиссия ҳеч қандай иш қилмади. Қачонки телеграф орқали Бутупроссия Конституцияси олингач, Туркистон республикаси Конституциясининг асосий қоидалари ишлаб чиқилди".

Туркистон республикаси Конституцияси биринчи марта Россия Федерацияси билан Туркистон Республикаси ўртасидаги ҳуқуқ ва ваколатларни белгилади. Конституциясининг 3—бўлим 7—боб 30—§ иловасида ёзилишича, мудофаа, ташқи алоқалар, почта—телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо—сотик, саноат ва молия масалалари федерал ҳуқуқат бошқарувида қолдирилди.

Туркистон совет республикасининг биринчи Конституциясини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида жиддий хатоларга йўл қўйилди. Бу борада тадқиқотлар олиб борган тарихчи А.Комилов қуйидагича фикр билдирганди: "Конституцияда, биринчидан, давлатнинг миллатларга бўлган муносабати тўғрисида гапирилмади; иккинчидан, Конституция рус тилида нашр қилинди ва умумхалқ эътиборига шундай ҳавола қилинди".

Туркистон ўлкаси Мусулмонлар бюроси раиси Турор Рисқулов ҳам кейинчалик бу ҳақда сўзлаб, "Туркистоннинг Конституцияси Россияникидан кўчириб олинган ва уни жиддий ўзгартиришга тўғри келади", деб очиқ равишда айтган эди.

Шундай қилиб, Россиянинг Туркистондаги сиёсий ҳуқуқ—ронлиги, биринчидан, ўлкада советча асосдаги автономиянинг ўрнатилиши билан йўлга қўйилган бўлса, бу жараённинг иккинчи босқичи, давлат бошқаруви асосий функцияларининг

федерал ҳукуматга топширилишини конституция йўли билан "қонуний" расмийлаштирилиши бўлди.

Россия Туркистоннинг сиёсий ва иқтисодий қарамлигини ҳуқуқий йўл билан "қонуний" жиҳатдан мустаҳкамлагач, ўлкани бошқариш учун Марказ манфаатларининг сўзсиз ижрочиси бўлган ўз эмиссарларини жўната бошлади. Туркистон Марказ билан вақтинчалик боғланиб турган қисқа муддат ичида (1919 йил январ—апрел) Кремл ҳукумати бу ерга "тажрибали партия ва совет ходимлари"дан иборат ана шундай эмиссарлар юборишни мунтазам йўлга қўйди.

1919 йил 12 февралда РКП (б) МК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари билан шуғулланувчи алоҳида муваққат комиссияси тузилди. Ш.Э.Элиава раислик қилган бу комиссияга А.С.Киселёв ва П.А.Кобозев киришган эди.

Муваққат Турккомиссиянинг вазифалари РКП (б) МК кўрсатмаси билан миллатлар ишлари халқ комиссари И.В.Сталин томонидан 12 февралда ёзилган "Туркистондаги советлар ва партия ташкилотларига" махсус хат ва "Правда" да 2 мартда босилган "Бизнинг Шарқдаги вазифаларимиз" номи мақолада батафсил баён қилинди. РКП (б) МК пленумида (17 мартда бўлган) муваққат Турккомиссия таркибига қўшимча равишда Ф.И.Голошчекин ва Г.И. Бокийлар киритилди. Лекин комиссия аъзоларидан фақат П.Кобозев бошчилигидаги бир гуруҳ ходимлар 4 март куни Тошкентга етиб келишди, холос. Комиссия Тошкентда бўлган Осипов исёни натижасида деярли раҳбариятсиз қолган Туркистон республикасида бутун бошқарувни ўз қўлига олиши, ўлкада Россия ҳукуматининг декрет ва қарорлари сўзсиз бажарилишини қатъий назорат қилиши керак эди.

Туркистон республикаси Советларининг Фавқулодда VII съездида (1919 й. 7—31 март) унинг президиуми раиси этиб сайланган П.А.Кобозев (муваққат Турккомиссия аъзоси) шундай даъво қилган эди: "РСФСР ҳукуматининг қабул қилган ҳар бир қонуни Турк МИК томонидан Туркистонда амалга оширилиши шарт". Ушбу съездда нутқ сўзлаган Солькин ўлкадаги ҳақиқий аҳволни эса қуйидагича шарҳлайди: "Биз Туркистон ўлкасида энг юқори орган сифатида ўзимиз амалга ошираётган хато ва жиноятларни ишчиларга кўрсатишимиз керак. Бу жиноятлар аксилинқилобчилар ва оқғвардиячилар қилаётган жиноятлардан қолишмайди... Ишчилар ўзлариши барча халқ бойликларининг хўжайини деб билишади, ўзларини ҳаммага ва ҳамма нарсага

бошлиқдек ҳис қилишади. Улар 8 соатлик иш кунида 4 соат ишлашади. Совет ҳокимияти учун жон фидо қилишга тайёр қизил армия эса босқинчилик билан шугулланмоқда". (Ўзбекистон МДА, 17 – фонд, 1 – рўйхат, 20 – иш, 33 – ыарак).

Маълумки, Советларнинг V ўлка съездида (1918 йил апрел) С.Ашурхўжаев бошчилигида Миллий ишлар халқ комиссарлиги тузилган эди. 1918 йил 10 августда бўлса комиссарлик тўғрисида махсус низом қабул қилинди. Миллий ишлар халқ комиссарлигида статистика, ташкилий – ташвиқот ва маданий – оқартув бўлимлари ташкил қилинди.

Бироқ, Туркистон республикаси ҳукумати аъзоларидан Казаков, Успенский, Солькин ТуркМИК ҳузуридаги миллий ишлар секциясини тарқатиб юборишини сўраб Советларнинг VII съездида лойиҳа тақдим қилдилар. Шовинистик ва улуг – даватчилик кайфиятларидан қутулолмаган бу комиссарлар мазкур секциянинг "Миллатчиликнинг бир кўриниши сифатида баҳоландилар". Айниқса, А.Казаковнинг нуқтаи – назари саф – дошларишикидан ҳам устуи турарди. А.Казаков Тошкентдаги Осипов исёнидан сўнг амалда Туркистон республикасининг раҳбарига айланган эди. У билан Кобозев ўртасида ҳокимият учун кескин кураш давом этар эди. 1919 йил январ ойининг охирида Муваққат Реввоенсоветнинг раиси бўлган Казаков Советларнинг ушбу фавқулодда VII съездида Туркистон МИК раиси қилиб ҳам сайланди, Успенский унинг ўринбосари бўлди. Бу съезде К.Сорокин Туркистон ХКС раиси қилиб тайинланди.

Миллий масаладаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган РКП (б) МК 1919 йил 3 июлда "Ҳокимиятга мутаносиб вакиллик тўғрисида" деган қарорини қабул қилишга мажбур бўлди. Қарорда Туркистон туб аҳолисининг партияга мансублиги шарт қилиб қўйилмасдан, уни мутаносиб равишда давлат қурилиш ишларига кенг жалб қилиш зарур деб кўрсатилди. Шунингдек, унда маҳаллий аҳолининг мол – мулкани реквизиция қилишни тўхтатиш вазифаси ҳам қўйилган эди. Бироқ Туркистон республикасидаги мустамлакачи коммунистлар 20 июлда бўлган ўз йиғилишларида радиограмма орқали олинган бу қарорни эълон қилмаслик, ҳатто митингларни таъқиқлаш тўғрисида келишиб олдилар. Лекин радиограмма ошкор бўлгач, шов – шув кўтарилиди ва бу қарорни эълон қилишга мажбур бўлдилар.

Туркистон Компартиясининг 1919 йил сентябр – октябр ойларида бўлган IV съездида радиограмма муҳокамасида сўзга

чиққан Т.Рисқулов совет ҳокимияти йўл қўяётган жиноятни, зўравонлик ва мустамлакачилик кўринишларини кескин танқид қилади. Туркистондаги совет режими ва большевикча сиёсат — нинг асосий тамойиллари қандай амалга оширилаётганлиги ҳамда ўлкадаги туб аҳолига бўлган муносабатни очиқ беради (Қаранг: Мусбюро РКП (б) в Туркестане, 1,2 и 3-Туркестанские Краевые Конференции РКП 1919-1920 гг.Т., 1922, с. 54-60).

Афсуски, Туркистон Советларининг VIII съездида (1919 й. 6—сентябр—4 октябр) ҳам бундай кайфиятларга бутунлай барҳам берилмади. Съездеда “кераксиз ва фойдасиз ташкилот сифатида” Миллий ишлар халқ комиссарлигини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мустамлакачилик оғуси билан заҳарланган Казаков гуруҳи съездеда номигагина тафтиш қилинди, холос. Советларнинг VIII съездида Казаков бошчилигидаги Туркистон республикаси раҳбарлари билан Марказдан келган Кобозев ўртасидаги кураш авжига чиқди. Аслида коммунистларнинг ҳокимият учун бўлган ўзаро талашда П.Кобозев зўрға ғолиб чиқишга муваффақ бўлди. Туркистон МИК Президиумидаги Успенский гуруҳи тугатилди. Бу гуруҳ Казаков билан биргаликда туб халқларга қарши шовинистик муносабатини ошкора равишда намойиш қилган эди. VIII съездеда Казаков ўрнига И.Апин Туркистон МИК раиси қилиб сайланди. Кескин тортишувлардан кейин ноилож қолингач, “мутаносиб вакилик” ҳақидаги РКП (б) МК кўрсатмасини амалга оширишга қарор қилинди. Съезд Туркистон республикаси ХКСни тугатиб, унинг ўрнига уч кенгаш: Мудофаа, Иқтисодий ҳамда Маданият ва маориф кенгашлари тузишга қарор қилди. Бу жиддий хато орадан анча вақт ўтгач тугатилди. Большевикларнинг кадрлар масаласидаги сиёсати нафақат миллий соҳада, балки уқувсизлиги билан ҳам кўпроқ зарар етказа бошлади.

Советлар тузуми Туркистондаги бошқарувни ташкил этишда катта бюрократик аппаратни пайдо бўлишига замин яратди. Давлатнинг масъул лавозимларида мутлақо саводсиз ходимларнинг ишлаши табиий ҳолдек кўринар эди. Чунки бу ходим фақатгина большевиклар ҳукмини астойдил ҳимоя қилиши мумкин эди.

Туркистондаги олий ҳокимият — Туркистон МИК, ҳукумат — Туркистон ХКС, ғоявий раҳнамо — Туркистон Компартияси ва бошқа муҳим соҳаларда 1922 йил январ ойида Туркистон марказий статистика бошқармасининг меҳнат статистика

бўлими олиб борган текшириш натижалари ўлкада давлат бошқаруви маҳаллий аҳоли ихтиёрида бўлмаганлигини яққол кўрсатади (Қаранг: РСФСР ЦСУ Туркеспублики. Статисти-ческий ежегодник 1917 – 1923. Т. 1924, с. 446 – 450).

Масалан, Туркистон ХКС ва Туркистон Иқтисодий Кен-гашидек юқори ваколатли органларда ўзбеклар ишламаган. Ўлка бошқарувидаги барча йирик ташкилотлар, комиссарликларнинг миллий таркиби умумий кўрсаткичларда қуйидагича эди:

руслар – 3.166та (78,1%)

бошқа европала аҳоли – 623 та (15,5%)

ўзбеклар – 132та (3,3%)

қирғизлар – 34 та (0,8%)

туркманлар – 4 та (0,1%)

бошқа Осиё халқлари – 87 та (2,2%) рўйхатга олинган.

Бундай тенгсизлик асосига қўйилган миллий сиёсат кейинги йилларда ҳам ўз ечимини топмаган. Туркистондаги бошқарув муассасаларида 1924 йил 1 мартга келиб 1.622 ходимдан 141тасигина (9%)ни ўзбеклар ташкил қилса, 1927 йил 1 августда марказий аппаратда ишлаган 1.641 та ходимдан 258 таси (15,9%) ўзбеклар эди.

Ўлка Советлари VIII съездининг иқтисодий секцияси: "Туркистондаги иқтисодий сиёсат марказдаги иқтисодий сиёсат билан ҳамоҳанг ҳолда олиб борилиши керак ҳамда бу сиёсатнинг бош вазифаси кўпроқ хомашё ишлаб чиқариб, Марказга жўнатишдан иборат", – деб резолюция қабул қилди. Бундай йўл – йўриқ ва тадбирлар Туркистонни совет Россия – сининг бой хом ашё базаси сифатида қолаверишини тасдиқлар эди, холос.

Туркистондаги советча режим ҳақида С.Гинзбург айтган ушбу фикр аҳамиятлидир: "Амалда совет ҳокимияти рус жа-миятининг мустамлакачи қисми қўлига ўтиб қолади ва улар очиқ қуроли талончилик сиёсатини олиб боришди. Ҳукумат-нинг реквизиция, конфискация ва шунга ўхшаш актлари деҳ-қонлар кўзига чоризм сиёсатидан ҳам ёмонроқ бўлиб кў-ринди".

Архивда мавжуд ўша даврга оид кўплаб расмий ҳужжатлар ҳам бу фикрлар тўғри эканлигини тасдиқлайди. Масалан, ички ишлар халқ комиссарлигига жўнатишган "Туркистон респуб-ликасида совет ҳокимиятининг умумий аҳоли тўғрисида"ги хабарномалардан бирида қуйидаги сўзлар бор: "Шуни очиқ

айтиш керакки, жойларда совет ҳокимияти ҳам, совет аппарати ҳам йўқ. Унинг ўрнига тўлиқ тушунмовчиликлар борки, бунинг натижасида маҳаллий аҳолида советларга ишончсизлик ва душманлик кайфиятлари пайдо бўлмоқда". "Ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ҳақида"ги бошқа хабарномада эса бундай дейилади: «Кўпчилик директива ва буйруқлар ҳаётга зўравонлик, баъзида репрессия йўли билан амалга оширилди». (Ўзбекистон МДА, 39-фонд, 1-рўйхат, 450-иш, 30-31 varaқ).

Хусусан, солиқ йиғувчи отрядлар маҳаллий аҳолини тиним-сиз талаш билан шуғулланди. Уларнинг асосий "ҳунари" мислсиз зўравонлик, хунрезлик ва босқинчилик эди. Самарқанд вилоятидаги Фалгар қишлоғида солиқ йиғувчи отряд қишлоқ ижроия кўмитаси раиси ва бир неча кишиларни отиб ташлагач, бу ерда яшовчи бутун аҳолининг мол-мулкани тортиб олади. Воқеа баён қилинган ҳужжатда худди шундай дейилади: "Фалгарликлар совет ҳокимиятига содиқ кишилар отиб ташланганлигини кўриб, совет ҳокимиятидан норози эканликларини очиқ айта бошлашди. Фалгарликлар бундай адолатсизликни Ҳамид "босмачи" ҳам қилмаслигини, агар совет ҳокимияти шундай сиёсат юргизса, уларда бир неча ойдан кейин ҳеч вақо қолмаслигини тапиришмоқда". Бундай ҳодинсалар бутун Туркистон республикаси учун одатий ҳол саналиб, зўрланган ва таҳқирланган, отилган ва осилган, лекин руҳан чўкмаган миллатнинг фожиасини янада яққолроқ кўрсатади.

Туркистон ўт-олов ичида ёнаётган бир пайтда - 1919 йил 8 октябрда В.И.Ленин Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКСнинг Туркистон ишлари бўйича комиссияни (қисқача **Турккомиссия**) Ш.З.Элиава (раис), М.В.Фрунзе, В.В.Куйбишев (раис муовини), Г.И.Бокий, Ф.И. Голошчекин, Я.Э.Рудзутақдан иборат таркибда тузиш тўғрисидаги қарорни имзолади. 1919 йил 4 ноябрда Элиава, Куйбишев, Голошчекин, Рудзутақдан иборат таркибдаги Турккомиссия Тошкентга етиб келди. Фрунзе ва Бокий бирмунча вақт Самарда ушланиб қолиб, сўнгра Тошкентга келишди. Оддиндан шуни таъкидлаш ўринлики, Туркистон комиссияси амалда мишқадаги барча партия, совет, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга раҳбарлик қилиб, Марказдаги большевикча сиёсатни қатъий равишда амалга оширишга киришди. Турккомиссия ўлкамиз тарихида ўта машғум рол ўйнади.

Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилиши ва ўлкада пролетариат диктатурасининг амал қилишидан келиб чиққан зиддиятли масалалардан бири бу — кадрлар масаласи эди. Октябр тўнтаришидан кейин кадрлар масаласида икки катта хатога йўл қўйилди. Биринчидан, давлат қурилиши ва давлатни бошқарув ишларидан маҳаллий миллат вакиллари четлаштирилди; иккинчидан, кадрларни танлашда саводлилиқ даражаси ва касбий маҳорат инобатга олинмади. Масалан, Туркистон ўлкаси ХКСнинг биринчи таркибига кирган 15 киши мутахассислигига кўра қуйидаги соҳа вакиллари эди: 4 ишчи, 2 ўқитувчи, 2 врач, 2 ҳарбий киши (лекин офицер эмас), биттадан нотариус, котиб, чизмачи, табелчи ва темир йўл техниги.

Натижада Туркистондаги давлат ва партия раҳбарлари билмининг саёзлиги, коммунистларнинг ўлкани бошқаришга тайёр эмаслиги жиддий оқибатларни келтириб чиқарди. Тарихчи А.Головановнинг ёзишича, шундай катта ўлка ХКС раиси — Ф.Колесов ўтмишда чизмачи, Туркистон коммунистларининг етакчиси ва Туркистон МИК Муваққат раиси — И.Тоболин ўртача савиядаги юрист, ҳарбий комиссар — Е.Перфильев кучер бўлишган эди.

Туркистонда совет ҳокимияти қурила бориши билан ижтимоий муносабатдаги зиддиятлар кучайди. Бошқарув аппаратида таркиб топган катта бюрократик механизм дард устига чипқон бўлди. Туркистон республикаси "халқ" комиссарликларида кучли бюрократия авж олиб кетди. Бугунги кунгача асорати сақланиб қолган советча бюрократиянинг табиатини атоқли рус файласуфи Н.А.Бердяев шундай изоҳлайди: "Пролетариат диктатураси давлат ҳокимиятини кучайтирар экан, бутун мамлакатни ўргимчак тўри сингари босиб кетган ҳаддан ташқари улкан бюрократияни вужудга келтирди. Бу янги совет бюрократияси чоризм бюрократиясидан кучли бўлиб, янги имтиёзли кишилар табақасини етишгирдики, улар халқ оммасини шафқатсиз эзиши мумкин".

Шундай қилиб, Туркистонда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати Туркистон мухторияти ҳукумати тормор қилинган, тўлиқ изга тушиб кетган эди. Совет ҳокимияти Туркистонни Россияга бўйсундириш учун Марказнинг ҳар қандай қарор ва декретлари сўзсиз бажарилишини таъминловчи европали большевиклар хизматидан унумли фойдаланди. "Ленин юборган сафдошлар" деб совет тарихшунослигида ҳамду сано ўқилган бундай большевиклар Тошкентдаги евро-

пайи коммунистлар билан бир қаторда туриб (ҳокимият учун бўлган курашларни истисно қилганда), минтақада советча ре- жим ўрнатилиши учун туб аҳоли вакилларига қарши кескин кураш олиб бордилар. Москва ҳукумати томонидан ўлкани "совет тартиблари асосида автономия" деб эълон қилишга рух – сат берилиши Туркистондаги мустамлакачилик тузуми ўз – гармасдан давом этишини аввалдан белгилаб берди.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда Россиянинг сиёсий марказлаштириш сиёсати қуйидагича амалга ошди:

Туркистон Мухторияти ҳукумати туб миллат вакилларининг ҳақиқий манфаатини ифодалагани ва ўлкада биринчи демок – ратик ҳукумат бўлгани учун ҳам куртаклигидаёқ большевиклар томонидан шафқатсиз равишда тор – мор келтирилди.

Марказнинг хоҳиш – иродаси ҳисобга олиниб, "советча асосдаги автономия" эълон қилинди ва совет "мухторияти" ўлка бошқаруви сиёсий негизининг асоси деб белгилаб қўйилди.

Марказнинг Туркистонни бошқаришдаги ҳукмронлиги рес – публика Конституциясининг (аслида Россия Конституциясининг сал ўзгартирилган шакли) қабул қилиниши натижасида "қонуний" йўл билан "ҳуқуқий" жиҳатдан мустаҳкамланди.

Советлар тузуми ва большевикча режимга қарши Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракати тез орада бутун Туркистон минтақасини қамраб олди ва умумхалқ курашига айланди.

Совет бошқарув аппарати Туркистондаги туб халқларнинг миллий ва диний қадриятларини назар – писанд қилмай ўз ишларини олиб боришди.

Туркистонда Россия манфаатларининг устуворлигини таъ – минлаш учун марказий ва маҳаллий бошқарув органларида асосан европали ходимлар хизмат қилишди.

Турккомиссия ўлкадаги бутун ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлида тўплаб, фақат марказ манфаатларини амалга оширувчи "давлат ичидаги давлат" функциясини бажарди.

Совет ҳокимиятининг Туркистон республикасида турмушга татбиқ қилган декрет ва қарорлари туб халқларни мустам – лакачилик кишанида сақлаб, уларни асоратда тутиб туриш учун хизмат қилди.

2.3. Марказлаштириш сиёсатига қарши миллий раҳбарларнинг кураши

Туркистонда совет ҳокимиятининг олиб борган мустамла – качилик сиёсати ва қаттиқ марказлаштириш йўлидаги ҳа – ракатлари ТССР бошқарув органларида фаолият кўрсатаётган миллий раҳбар ходимларнинг кучли норозилигига сабаб бўлди. Миллий коммунистлар даставвал "октябр ғоялари"дан ўз халқ – лари бахт – саодати йўлида фойдаланмоқчи бўдилар. Лекин улар бу ғояларни Туркистоннинг ўзига хос хусусиятларига мослаштиришга ҳаракат қилган эдилар.

Афсуски, Туркистон тақдири ва унинг бир бутунлиги учун қайғурган бу миллат фидойиларининг ватанпарварлик ҳаракати ўлкадаги европалӣ большевиклар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. "Совет ҳокимияти арбоблари"нинг шовинистик сиёсати, миллий ва диний ҳис – туйғуларни таҳқиқлаши, туб аҳоли манфаатларини назар – писанд қилмаслиги, бир сўз билан айтганда, совет мустамлакачилик сиёсатини юритиши миллий коммунистларнинг баъзиларини олдинроқ, қолганларини эса кейинроқ, большевиклар ҳокимиятидан ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди. Миллий коммунистлар эндиликда ўлкадаги большевиклар сиёсатига очиқ равишда қарши чиқа бошладилар.

Миллий раҳбарлардан Туркистон республикасида Турор Рисқулов, Қайғусиз Отабоев, Абдулла Раҳимбоев, Санжар Ас – фандиёров, Назир Тўрақулов, Иномжон Хидиралиев, Султонбек Хўжанов, Низомиддин Хўжаев, Мунаввар Қори Абдура – шидхонов, Абдулла Авлоний, Бухоро Халқ Республикасида Файзулла Хўжаев, Фитрат, Абдулқодир Муҳитдинов каби ар – боблар миллат ва ватан учун жон фидо қилишга тайёр инсонлар эди. Катта террор йилларида кейинчалик жисмоний жиҳатдан маҳв этилган бу шахслар шароит тақозоси билан совет ҳокимияти идораларида ишлаб, туб халқларнинг манфаати учун ўз муҳолифлари билан узлуксиз олишдилар. Совет ҳоки – миятининг дастлабки даври – 1918 – 1920 – йилларда уларнинг фаол саъй – ҳаракатлари билан сезиларли натижаларга эри – шилди.

Туркистондаги миллий раҳбар ходимларни бирлаштиришда хусусан **Турор Рисқулов** (1894 – 1938) раҳбарлик қилган ўлка **Мусулмонлар бюроси** катта рол ўйнади.

Маълумки, маҳаллий миллат вакиллари давлат аппарати ишига жалб этиш масаласи ўлка Советларининг ҳар бир съезида қизгин мунозараларга сабаб бўлса — да, деярли самарасиз тугарди. Ниҳоят, 1919 йил март ойида бўлган Советлар VII фавқулодда съездининг миллий ишлар секциясида бўлган мажлисларда бу масала яна кун тартибига қўйилди. Кескин мунозараларда мусулмон депутатлари совет ҳокимиятининг маҳаллий аҳолига бегоналиги, мусулмонларга ишончсизлик билан қараши, уларни ҳокимият ташкилотларига яқинлаштирмаслигини кескин танқид остига олган эдилар. А.Казаконинг ушбу съездеда Туркистон МИК раиси қилиб сайланганлиги Советларнинг бу анжумани қатнашчилари кайфиятининг яққол натижаси бўлиб, бу ҳол съезднинг шовинистик қарорларида ҳам ўз аксини топди. Туркистон фронтлар халқаси ичида қолиб, ўлкада истиқлолчилик ҳаракати авж олган, маҳаллий аҳоли ишончидан маҳрум бўлган ва куч билан омонат сақлаб турилган совет ҳокимиятининг тақдири ўша пайтда қил устида осилиб турган эди. Секция ўлка партия комитети республиканинг маҳаллий миллат вакиллари орасида етарли даражада иш олиб бормаётганлигини, турли миллатга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора кескинлашаётганлигини кўрсатиб ўтди. Секция Туркистон Компартиясининг ўлка комитетига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги ўзининг машҳур қарорини қабул қилди. Қарорда буюк давлат шовинизми майллари кучаётганлиги, туркистонли туб ерли аҳоли вакиллари республиканинг юқори органларидаги раҳбарлик ўринларига мутлақо тайинланмаётганлиги таъкидланди.

Лекин съезд иши давомида маҳаллий аҳолига писбатан бўлган ҳурматсизлик аниқ кўриниб турди. Съезднинг Фарғонадаги аҳвол муҳокама қилинган ёпиқ мажлисида нутқ сўзлаган А.Казакон мақтанчоқлик билан шундай дейди: "Сафонов отряди икки ҳафтадан сўнг қатъий ҳаракатлар қилиши ҳақида хабар юборди. Сафонов отряди ўзини тартибга келтирган кунидеъ Фарғона вилояти бўйича солиб юриши ўтказилади" (Ўзбекистон МДА, 17 — фонд, 1 — рўйхат, 17 — иш, 15 — варақ).

Советлар VII съездининг 8 мартдаги ёпиқ мажлисида Т.Рискулов қуйидагиларни таъкидлади: "Руслар ҳеч қандай асосга эга бўлишмаса ҳам, мусулмон меҳнаткашлари ва мусулмон раҳбарларига ишончсизлик билдиришмоқда. Менинг ўзим очликка қарши кураш комиссиясида ишлаганимда бўлиб ўтган воқеаларга асосланиб мусулмон йўқсилларининг раҳбари

сифатида бизга ишончсизлик билан қарашаётганликларини биламан". Рисқуловнинг бундай ҳақли талабига ашаддий шовинист Успенский шундай жавоб беради: "Озиқ – овқат директорияси билан бирга очликка қарши кураш комиссиясини ҳам судга бериш керак. Ишончсизлик масаласига келсак, коммунистик қурилишда ишлашни билиш керак, мусулмонлар орасида эса ҳали онгли ишчилар ва раҳбарлар кам".

Съезд қатнашчиларидан бири Алиев ўз нутқида таъкидлашича, туркий тилни рус тили билан бир қаторда давлат тили деб эълон қилингани билан аслида унга амал қилинмаяпти. Маҳаллий тилда гапирилса, залда шовқин кўтарилмоқда, мабодо аҳвол шундай давом этса, мусулмон делегатлари порозилик билдирадилар ва съездни ташлаб кетадилар, деб пироварида огоҳлантиради нотик.

Съезде яна мусулмон аҳолисини ҳисобга олиш, сафарбар қилинишдаги ҳатолар натижасида маҳаллий аҳоли қаттиқ ташвишга тушиб қолганлиги, мол – мулкни олиб, яшаш жойларини ташлаб кетаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Маҳаллий коммунистларнинг етакчиси Низомиддин Хўжаев ўз маърузасида кўркмасдан советча режимнинг мустамлакачилик моҳиятини кўйидагича очиб ташлайди: "Бу ердаги мусулмонлар ҳарбий ишга яроқсиз, улар тараққиётдан орқада қолишган", деб даъво қилишмоқда. Коммунистлар мени гапларимдан ҳафа бўлишмасин, маҳаллий йўқсиллар мустамлакачилик тузумида эзилиб ва хўрланиб келди, ҳозир ҳам улар қуллик асоратида ва ҳозир ҳам уларнинг устидан ҳукмронлик қилувчи кучлар бор. Партиянинг I съездида рус тили билан бирга туркий тил ҳам давлат тили деб эълон қилинган эди, амалда эса ҳозиргача... Мен ўз тушунчам бўйича гапираман, балки сўзларим ёқмаётгандир, балки ҳақиқат кўзни ачиштираётгандир...

Агар ким қулдорлик психологиясида турган бўлса, эшитиб олсин, мен қул эмасман ва бўлмайман ҳам... Афсуски, бу ерда рус психологияси ҳукмронлик қилмоқда" (Ўзбекистон МДА, 17 – фонд, 1 – рўйхат, 34 – иш, 458 – varaқ).

Мазкур съездеда европали большевиклар нуқул руслардан иборат президиум ташкил қилдилар ва мажлисни алоҳида равишда олиб бордилар. Т.Рисқуловнинг кўрсатишича, "президиум съездни олиб боришда укувсизлик кўрсатди. Шунинг учун президиумга ҳеч қандай ишонч йўқ, уни қайтадан сайлаш керак". Рисқулов бу сўзларни айтгач, съездни тарк этди ва

унинг ортидан бутун мусулмон делегатлари зални ташлаб чиқиб кетдилар.

Съезд ўтаётган кунларда Туркистон коммунистларининг II ўлка партия конференцияси ҳам бўлиб ўтди. Конференция ўлка Мусулмонлар бюроси тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бюро зиммасига туб аҳоли ўртасида иш олиб боришни ташкил этиш вазифаси юклатилди. Ўлка партия комитетига Мусулмонлар бюросининг функциялари ва вазифалари тўғрисида махсус Низом ишлаб чиқиш таклиф қилинди. 1919 йил 30 март куни ТКП Ўлка Комитети Мусулмонлар бюроси (қисқача Мусбюро) таркибига Т.Рисқулов (раис), Н.Хўжаев, А.Муҳитдинов, П.Иброҳимов ва Ю.Алиев сайланди.

1919 йил 1 ва 6 апрелда Туркистон Компартиясининг ўлка комитети қўшимча равишда махсус қарорлар қабул қилиб, унда мусулмонлар бюросининг вазифа ва функцияларини белгилаб берди. Қўшимча қарорда Мусбюро ўлка партия комитетининг бўлими сифатида, унинг раҳбарлиги ва назорати остида мусулмон аҳолига нисбатан ўлка партия комитети зиммасида бўлган барча ишларни бажариши ва шу тариқа унинг ёрдамчи органи бўлиши лозим деб кўрсатилади. Мусулмонлар бюросига "Иштирокиюн" (ҳозирги "Ўзбекистон овози") газетасига муҳаррирлик қилиш вазифаси ҳам юклатилди.

Мусулмонлар бюроси атиги ўн ой давом этган фаолияти даврида ўлка миқёсида мусулмон коммунистлари ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйишга, катта ташкилий ишларни олиб боришга эришди. Мусбюро Туркистондаги туб халқларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаттиқ киришди.

Адолатли тузум ҳақидаги ғояларга катта ишонч билан қараган ўлка Мусбюроси фаоллари бу ғояларни тарғиб ва ташвиқ этиш билан бирга совет ҳокимиятининг амалдаги сиёсати бу ғояларга мутлақо зид эканлигини, мустамлакачилик асослари сақланиб қолганигини, миллий сиёсатдаги адолатсизликлар, умуман ҳокимият сиёсатидаги барча поҳақлик ва адолатсизликларни кескин танқид остига оладилар.

Мусулмон бюроси ва ўлка партия ташкилоти аъзоларининг 1919 йил 23 апрелда бўлган умумий йиғилишида Фарғона воқеаларидаги кескин сиёсий вазият ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ўлка Мусбюроси аъзолари ушбу йиғилишда истиқлолчилик ҳаракати тобора авж олаётган Фарғонадаги мураккаб аҳволни ўрганиб чиқиб, совет ҳокимиятидан вазиятти барқарорлаштириш, иқтисодийтни тиклаш учун умумий авф эълон

қилиш, аҳолини тинч меҳнатга қайтариб, унинг вайрон қилинган хўжалигини қайтадан қуриш, водийдаги совет ташкилотлари ва қизил армия сафларини миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ҳамда мустамлакачилик руҳидаги унсурлардан тозалаш, арман дашноқларини қуролсизлантириш, миллий зулмга чек қўйиш, Фарғона вилоятига давлат ва партия ташкилоти масъул ходимларидан иборат махсус делегация юбориб, кескин чоралар кўришни талаб қилдилар. (Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I, 1917-19 гг. Т., 1925, с. 88).

Ўлка Мусулмонлар бюроси томонидан қабул қилинган махсус қарорда, жумладан, шундай дейилади:

1. Республика Марказий Ижроия Комитети томонидан Эргаш, Мадаминбек, Маҳкам, Холхўжа гуруҳидаги мусулмон аскарларга умумий авф эълон қилишга эришиш;

2. Уларнинг ҳаётини қоғоздагина эмас, амалда тўлиқ таъминлаш, вайрон бўлган хўжалигини тиклашда ёрдам бериш;

3. Миллатни бошқа миллат томонидан эзилишига қарши аёвсиз кураш очиш;

4. Шу билан бир қаторда арман ифвогар унсурларини қуролсизлантириш". (Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 3-варақ).

Бу қарор остида Мусбюро раиси Т.Рискулов имзоси қўйилган эди. 1919 йил 24 апрелда бу қарорни Туркистон ХКС тасдиқлашга мажбур бўлади. Қарорда кўрсатилган Туркистон МИК ва ТКП Ўлка комитетининг фавқулодда комиссияси тузилиб, у Фарғона водийсига юборилади. Туркистон ХКС раиси К.Сорокин бошқарган бу нуфузли комиссия таркибига Т.Рискулов, соғлиқни сақлаш халқ комиссари С.Турсунхўжаев, маориф халқ комиссари П.Билик, МИК аъзоси А.Хусанбоев, Н.Хўжаев ва бошқалар кирган бўлиб, улар 2 майда бу ерга етиб келишди, 7 майда эса Туркистон МИК Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракати иштирокчиларига умумий авф эълон қилади.

Т.Рискулов комиссия аъзоси сифатида фаол иш олиб боради. У Фарғона водийсидаги Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган кўрбошилارнинг вакиллари билан учрашиб, уларнинг талабларини эшитилади. Т.Рискулов томонидан 1919 йил 11 майда Андижон шаҳрида туриб Туркистон МИК раиси А.Казаков номига ёзилган мактубда водийдаги вазият батафсил таҳлил қилинади. "Босмачилар"га қарши кураш ниқоби остида

қизил аскар ва арман дашноқлари томондан қилинган жиноят ошқора баён қилинади. Т.Рисқулов ўз мактубида "совет ҳокимияти" тўғрисидаги аччиқ ҳақиқатни қуйидагича тасвирлайди: "Қизил армия отрядлари қароқчиларга қарши кураш ўрнига бутунлай ичкиликбозлик билан шуғулланишди, қурол ва ўқ — дориларни худди шу қароқчиларга сотишди... Арманлар сарт қизларини зўрлаб номусини топташди, аёллар ва болаларни чоғишди... Партия ташкилотлари кўплаб зиён келтирган тур — ли — туман нолийқ унсурлар билан ифлосланган (ичкилик — бозлик, порахўрлик оддий ҳолга айланган).

Совет ҳокимияти, ўртоқ Казаков, бизга қимматта тушди. Ҳаддан ташқари тартибсизликларни кўриб юрак сиқилади ва қалбда кучли оғриқ пайдо бўлади. Фарғонада ҳақиқий совет ҳокимиятини жорий этиш учун жуда улкан ишлар турибди. Бизларга жуда кўплаб ходимлар ва раҳбар коммунистлар зарур, чунки совет ҳокимияти тепасида ўтирганлар бу ишга ярамайди...".

1919 йил 24 — 30 майда Тошкент шаҳрида ТКП Ўлка коми — тети Мусулмонлар бюросининг 1 — конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишини бошқарган Мусбюро раиси Т.Рисқулов "Ҳозирги аҳвол тўғрисида"ги катта маърузасида қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Ишчи — деҳқон ҳукуматининг Туркистон ша — роитидаги икки йиллик мамлакат бошқаруви, афсуски, ўзаро ишончсизликни кучайтириб, чуқурлаштириб, тескари натижага олиб келди. Мусулмонлар инқилоб ғояларини амалдаги фаолият билан мос келмаслигини ўзлари кўриб ишондилар. Мам — лкатнинг барча бурчакларида ҳокимиятдан норозилик овозлари эшитилмоқда. Ўлка аҳолиси 95 фоизининг ҳуқуқи ҳисобга олинмади. Бу норозилик давлат ҳаётининг барча жаб — ҳаларига сиғиб кетди... Масала, озиқ — овқат тақсим қилиши олайлик, ҳамма жойда мусулмон манфаатларига бефарқ қаралиб, баъзи жойларда бу жиноят даражасига етиб борган. Халқ хўжалигида ҳам аҳвол шу. Кўпчилиги ёт, салбий унсурлар, ҳатто жиноятчилардан тузилган қизил армия фаолияти натижаларини узоқ кутишга ҳожат бўлмади (айниқса, Фарғона вилоятидаги дашноқлар фаолияти). Қизил армиянинг инти — зомсиз отрядлари қишлоқларга келиб, "реквизиция" шиори остида аҳолини таладилар, қўлларига тушган ҳамма нарсани: этиклар, кўрпа ва гиламлардан бошлаб энг оддий буюмларгача орқа — ўнғларига қарамай тортиб олдилар, аҳолини азобга қўй — дилар. Агар армиядаги ичкиликбозликни ҳам қўшсак, ҳокимият

ва қуроли кучларга бўлган ишонч нега йўқолганини тушуниб оласиз. Тинч аҳолини ҳимоя қилиш учун борган армия аҳоли турмушида оғир яралар пайдо қилди. Маҳаллий раҳбарларга nisбатан ишончсизликни яширмайдиган ҳам бўлишди”.

Конференцияда сўзга чиққан Ю.Алиев ҳам бу ҳақда ушбу фикрларини билдирган эди: “Туб аҳолига nisбатан юрити — лаётган ишончсизлик сиёсати давримизнинг сурункали касал — лигига айланиб қолди. Ишончсизлик билдирган жаноблар мил — латчилик сиёсатини амалга оширмоқдалар... Бу хилдаги муносабат фақат жойларда эмас, балки айнан ўлка марказида ҳам содир бўлмоқда”.

Миллий раҳбар ходимларга, умуман, туб ерли аҳолига nisбатан европали болшевикларнинг ишончсизлик сиёсати ва ўлкада мустамлакачилик зулмини давом эттираётганлиги I конференция қарорларида ўзининг ошқора баёнини топди. “Ҳозирги аҳвол тўғрисида”ги резолюцияда шундай дейлади: “Фарғонадаги аҳвол миллий масалада совет сиёсатининг қан — чалик потўғри ва бир томонлама эканлигиши равшан кўрсатади, у ерда мусулмон пролетариатининг ҳуқуқлари шу қадар бузилганки, мусулмонларни хўрлаш учун уларга қарши арман миллий “Дашноқдун” партияси қуролантирилди; натижада мусулмон коммунистлар ишлашдан маҳрум бўлдилар, ўзларига nisбатан ишончни кўрмадилар ва қувғинликка учрадилар”.

Конференцияда қабул қилинган “Жойлардан қилинган нутқлар тўғрисида”ги резолюцияда ҳам туб ва келгинди халқлар ўртасида миллий ихтилоф ва тенгсизликлар мавжудлиги, давлат қурилишида мусулмон меҳнаткашлари иштирок этмаётгани, маориф ва ер масаласида руслар имтиёзли аҳволда эканлиги таъкидланди.

Маҳаллий аҳолига ишончсизлик шу қадар кучли эдики, Марказнинг Туркистондаги фавқулодда комиссари П.Кобозев I конференцияда мусулмонларнинг қўйинини қуйидагича луч ёнгоққа тўлдиради: “Туркистон республикаси аҳолисининг 95 фоизини мусулмонлар ташкил қилади, аҳолининг фақат 5 фоизи руслардан иборат ва айнан ушбу 5 фоиз аҳоли бутун ҳокимиятни ўз қўлларига тўплаб олганлар. Шундай қилиб, миллий зўравонлик, яъни озчиликнинг миллий зўравонлиги бўлмоқда. Лекин бу вақтинчалик ҳол. Қачонки, мусулмон дунёси тайёр бўлганда биз унга республикани бошқаришни топ — ширамиз ва унга ёрдам берамиз”.

Русларнинг қўлида ҳокимиятни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилган ва мустамлакачилик сиёсатини изчил юритган Тоболин, Колесов, Казаков, Сорокин, Успенскийларнинг фикридан Марказдан Туркистонга жўнатишган комиссарлар орасида "маҳаллий аҳолига мўътадил кайфияти билан шуҳрат қозонган" Кобозевнинг сўзлари моҳиятан ҳеч қапдай фарқ қилмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

ТКП Ўлка Комитети мусулмонлари бюросининг 12—19 сентябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтган II конференциясида бу масалалар яна ҳам кескинроқ тарзда кун тартибига қўйилди. Конференцияда "Ҳозирги аҳвол тўғрисида" маъруза қилган Т.Рисқулов Марказдан юборилган кўрсатмага қарамай, Туркистонда аҳвол ўзгармагани, совет ҳокимияти мустамлакачилик сиёсатини давом эттираётганини кескин фош қилиб ташлади. Рисқулов ўз сўзида жумладан шундай деди: "Бизнинг талабларимиз ва марказдан берилган кўрсатмаларга қарамай, Туркистонда унинг манфаатларига зид сиёсат юргизилмоқда. Бизга ишончсизлик билдириб, сизга ҳокимият берилса барбод бўлади, сиз ҳали тайёр эмассиз, дейишмоқда. Биз бундан норозимиз... Бизни сал бўлмаса шовинизмда айблашмоқда, улар биз миллий сиёсат юрита олмаслигимизни тушунмаяптилар. Туркистонда совет ҳокимияти ағдарилса, биринчи зарба мусулмон пролетариати ва коммунистларга тушишини жуда яхши биламиз". (Мусбюро РКП(б) в Туркестане, Т., 1922, с. 35—36).

Рисқулов ўз нутқида Туркистон МИК раиси Казаков ва унинг ўринбосари К.Успенский (у сўл эсерларнинг собиқ лидери эди), ХКС раиси Сорокин гуруҳининг шовинистик сиёсатини қатор далиллар билан кўрсатиб беради.

Маҳаллий аҳолига паст назар билан қараш айниқса давлат бошқарув аппаратидаги ходимлар масаласида яққол кўринар эди. Шунинг учун ҳам Рисқуловнинг талаби ҳақли эканлигини миллий раҳбарлардан бири Султонбек Хўжанов қуйидагича тасдиқлайди: "Ҳокимият органларида европали ва маҳаллий аҳолининг ажратилиши амалда бўлмоқда. Сорокин партиянинг III съездида ижроия қўмита мажлисларининг бирида баъзи масалаларни ҳал қилишда эски шаҳар вакиллари хонадан чиқариб юборганлигини айтишди".

Т.Рисқулов сиёсий фаолиятининг Туркистондаги энг юқори чўққиси 1920 йил бошларига тўғри келади. Шам ўчиши олдида бир порилаб ёнганидек, Мусулмонлар бюроси ҳам ўзларининг сўнгги конференцияларини ўтказиб, унда Туркистон янги

тарихидаги бурилиш босқичини бошлаб берувчи қарорлар қабул қилишди. Афсуски, бу қарорлар кўп ўтмай Турккомиссия томонидан рад этилди ва миллий коммунистлар қуввинга учрадилар.

1920 йил 20—27 январда, деярли бир вақтнинг ўзида, ТКП Ўлка Комитети Мусулмонлар бюросининг III конференцияси ва Туркистон Компартиясининг V ўлка конференцияси бўлиб ўтди. Мусбюро III конференцияси делегатлари айна пайтда V ўлка конференциясининг делегатлари ҳам эди. Ҳар икки конференция ишида Т.Рисқулов фаол иштирок қилди. Мусбюронинг сўнгги конференциясида Т.Рисқулов миллий масала тўғрисида 25 январда қизиқарли маъруза қилди. У ўз сўзида Туркистонда ҳукм сураётган буюк давлатчилик шрвинизмини қуйидагича очиб ташлади: "Чоризм даврдан буён давом этаётган мустамлакачилик тартиботини йўқотиш зарур. Миллий қарама-қаршилик ҳозиргача тугатилмаган. У европали аҳолининг кеккайган варварлик хулқ-атворидан куч олмоқда. Мусулмон аҳолисининг ўртасига социал инқилоб ғояларини татбиқ этиш ўрнига беъмани ва нохуш ҳодисалар содир қилинмоқда".

Миллий масала бўйича III конференцияда қабул қилинган резолюцияда ҳам бу ҳол ўз аксини топган.

Резолюцияда кўрсатилишича, Туркистонда чоризмнинг шафқатсиз, мустамлакачилик сиёсати натижасида маҳаллий аҳоли дилида ҳукмрон миллатга нисбатан шу қадар ишончсизлик ва нафрат пайдо бўлганки, ҳукмрон миллат протариати томонидан маҳаллий миллат ҳуқуқларига эҳтиёткорона муносабатда бўлгандагина бу нарса барҳам топиши мумкин. Лекин амалиётда бу қоида бузилаётганлиги резолюция бандларида алоҳида таъкидланади. Натижада туб аҳоли вакиллари ҳокимият бошқарувидан четда қолишмоқда.

Шунингдек, мусулмонлар конференцияси Турккомиссия қарорига бўйсунган ҳолда, ўзи учун, мажозий маънода айтганда жаноза намозини ўқишга мажбур бўлди. Лекин жаноза намози билан биргаликда ўзига хос Мустақиллик қасидаси ҳам янграган эди.

Конференцияда Туркистондаги уч мустақил партиявий ташкилот: ТКП Ўлка комитети, Мусулмонлар бюроси ва ажнабий коммунистлар комитети ягона коммунистик партияга бирлаштирилди. "Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси" деб конференция резолюциясида расмий ном олган

бу партия туркий халқлар кенг меҳнаткашлар оммасининг партияси бўлиши, РКП(б) МКга нисбатан област (ўлка) комитети ҳуқуқларидан фойдаланувчи ва унга бўйсунувчи ўз Марказий Комитети томонидан бошқарилиши керак эди.

"Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси" (совет тарихий адабиётларида **"Турк Компартияси"**) тузилишини Мусбюро сўнгги конференцияси делегатлари қизгин қаршилашди. Рисқулов томонидан Туркистон Совет Республикаси (ТССР) номини ўзгартириб, уни **Турк республикаси** (Тюркская республика) деб аташ таклиф қилинганда бу фикр ҳам катта олқишларга сазовор бўлди ва конференция иштирокчилари томонидан қўллаб қувватланди.

"Турк республикаси"га Туркистон Совет Республикаси (ТССР) дан ташқари қўшни миллий республикаларда (ҳозирги Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон давлатларида ҳам) яшовчи барча туркий халқлар кириши керак эди. Рисқулов ўз сўзида Туркистон республикаси Конституциясини қайта кўриб чиқиш, мусулмонларнинг алоҳида армиясини тузиш ва қизил армиянинг мусулмон бўлмаган барча қисмларини Туркистондан олиб чиқиб кетиш масаласини ҳам кун тартибига кескин равишда қўйган эди.

Т.Рисқулов томонидан Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида қилинган "Миллий масала ва миллий коммунистик секциялар тўғрисида"ги маъруза қизгин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлди. Рисқулов ўз маърузасида Турк республикаси ва Турк компартияси тузиш ҳақидаги фикрларни яна бир марта асослаб берди.

Рисқуловнинг "Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси" тузиш ҳақидаги таклифи энг аввало ўлка бошқарувида коммунистик партиянинг роли тобора ошаётганини назарда тутиб, мамлакат бошқарувида маҳаллий халқлар иштироки ва уларнинг сиёсий фаоллигини таъминлаш, умуман олганда, мусулмон бюроси фаолияти тажрибасидан келиб чиқиб, уни шу йўналишда давом эттиришни кўзда тутган эди.

Мусулмон ташкилотларининг III конференциясида қабул қилинган "Туркистон мухторияти ва Конституцияси ҳақидаги резолюция" V ўлка конференцияси делегатлари томонидан ҳам маъқулланди. Ушбу резолюция асосида Т.Рисқулов таклиф қилган "Турк республикаси" тузиш ғояси ётган эди. Қуйида ўша машҳур резолюциядан парча келтирамиз:

I. Беш вилоят — Сирдарё, Етгисув, Фарғона, Самарқанд, Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон қирғиз, ўзбек, қорақалпоқ, қипчоқ, таранчи, татар, дунган ва бошқалардан иборат туркий халқлар (шунингдек, тожик, келиб чиқиши турк бўлмаган маҳаллий яҳудийлар ҳамда бошқа четдан келган рус, армани, яҳудийлар) мамлакатидир.

II. РСФСР Конституциясининг иккинчи моддасига мувофиқ, Туркистон мухтор республикаси миллий совет республикаси ҳисоблансин, унда ўз тақдирини ўзи белгилловчи маҳаллий халқ туркий халқлардир. Шу тўғрисида ҳудудий мазмун касб этувчи "РСФСР Туркистон Республикаси" номи "РСФСР Турк республикаси" деб ўзгартирилсин.

III. Совет Турк республикаси ўз давлат фаолияти ва Конституциясини маҳаллий аҳолининг тарихий, иқтисодий, турмуш талабларига жавоб бера оладиган асосда қуриши лозим.

IV. Туркистоннинг беш вилояти ўртасидаги жўғрофий чегаралар тўсиқ ҳисобланмасин.

V. Туркистон республикаси Советларининг VI съездида тасдиқланган Конституцияси қайта кўриб чиқилсин. Советларнинг IX съездини ўтказиш учун янги, маҳаллий ҳаётга мувофиқ келадиган, РСФСР меҳнаткашлари ва эзилган халқлари ҳуқуқлари Декларацияси асосидаги янги Конституция ишлаб чиқилсин.

VI. Эзилган халқлар меҳнаткашларини байналмилал жипс — лаштириш манфаатларини кўзлаб, туркий халқларни татар, қирғиз, бошқирд, ўзбекларга ажратиб бўлиб ташлаш ва алоҳида майда республикалар тузиш учун интилишларга коммунистик ташвиқот йўли билан барҳам берилсин.

VII. Конференция синфий кураш муваффақиятларини кўзлаб, республика ҳаётининг айрим умумфедератив аҳамиятга молик соҳаларини марказлаштиришга қаршилиқ билдирмасида, Туркистоннинг марказдан узоқлиги, ҳудуди катталиги, этнографик, топографик, турмуш хусусиятларини назарда тутиб, совет Турк республикаси марказий ҳокимиятга ички қонунчиликда кенг ҳуқуқлар берилишини зарур деб ҳисоблайди. Бундан ташқари эндиликда давлат ташкилотларида турк тилининг давлат тили сифатида киритилиши учун зарур чоралар кўриш лозим" (Ўзбекистон МДА, 17 — фонд, 1 — рўйхат, 214 — иш, 121 — 123 — varaқлар).

Резолюция матни Туркистон МИК раиси Т.Рисқулов томонидан ёзилган ва имзоланган эди.

Мусулмонлар бюроси ва ўлка конференциясида ушбу қўшма резолюциянинг қабул қилиниши Туркистон тарихида муҳим воқеа бўлди. Тарихчи Д.Зиёева тўғри айтганидек, совет ҳокимияти йилларида бу ҳужжатнинг тўла матни ҳеч қаерда қайд этилмади, унинг мазмуни "Турк республикаси" тузиш ва "Турк партияси" ташкил этишни кўзлаган тор маънодаги мил – латчилик қобирига ўралган мақсадларни ифодаловчи, байнал – милалчилик тамойилларига зид бўлган хато қарашлар деб қораланди. Бу ҳужжат аслида Туркистон республикасидаги тегишли ташкилотлар (ҳатто Турккомиссия) томонидан маъқўлланган, ўлкада деярли қаршиликка учрамаган, давлат мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритиш имконини берувчи муҳим расмий ҳужжат эди.

Резолюцияда ифодаланган фикрлар сиёсий вазият тақозоси билан қисман социализм ғояларига мослаштирилган бўлса – да ягона олий мақсад – Туркистонни марказ исканжасидан қутқариб, уни парчалаб юборилишидан сақлаб қолиш, маҳаллий ўз – ўзини бошқаришга эришиш эди.

Шундай қилиб, Мусбюронинг сўнгги III конференцияси ва ТКП нинг V ўлка конференцияси муҳим қарорлар қабул қилди. Туркбюро таркибида кейинчалик Туркистонда ишлаган Г.Сафаров, бу конференцияларнинг ижобий аҳамияти мустамла – качиликни ғоявий "қуrolсизлантириш"дан иборат бўлган, деб бежиз равишда айтмаган эди.

Т.Рисқулов Москвага, РКП(б) МК ва В.И.Ленин номига бир неча марта радиограмма орқали бу резолюция ҳақида хабар юбориб, уни тасдиқлашни сўрайди. Бироқ 1920 йил 22 февралда Тошкентга етиб келган Турккомиссиянинг нуфузли аъзоси М.В.Фрунзе бундай қарорни кескин қоралайди. 23 – 24 феврал ва 3 мартда бўлиб ўтган Турккомиссия, Туркистон МИК ва ТКП Ўлка Комитетининг қўшма мажлисида шу масала кўриб чиқилди. Турккомиссиянинг иккиланиб турган бошқа аъзолари В.Куйбишев, Ф.Голошчекин ва Ш.Элиава ҳам мажлисда М.Фрунзе ва Я.Рудзутакнинг фикрларига қўшиладилар. Турккомиссия ўлка халқларининг миллий ҳуқуқларини назар – писанс қилмай Марказнинг кўрсатмаси билан юқоридаги қарорларни ноқонуний тарзда бекор қилди. Рисқулов ва унинг тарафдорлари миллий оғмачилиқда айбланди, уларга ўйлаб чиқарилган "пантуркист" тамғаси босилди. Рисқулов ва унинг маслақдошлари Тошкентда ўз фикрларини Марказдан келган

инқилобчиларга тушунтира олмасликларини англаб етгач, 1920 йил май ойида Москвага боришди.

Туркистон МИК раиси Т.Рисқуловнинг Москвага келишидан саат олдин, 8 мартда РКП (б) МК Туркистон автономияси ва партия қурилиши ҳақидаги қарорни қабул қилди, натижада, "Туркистон туркий халқларининг коммунистик партияси ва Турк республикаси" тузиш ҳақидаги қарор РКП(б) МК томонидан ноқонуний равишда рад қилинади.

"Туркистон автономияси тўғрисидаги Низом" деб номланган РКП(б) МКнинг ушбу қароридан федерал ҳукумат органлари бўлган мудофаа, ташқи алоқалар, темир йўл, почта ва телеграф алоқаси, молия ишларини Бутунроссия миқёсида марказлаштириш уқтирилди.

Рисқулов бошчилигидаги Туркистон делегацияси РКП (б) МК нинг бу қарорига норозилик билдириб, "Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги Низом" лойиҳасини ҳимоя қилиш учун 1920 йил 17 майда Москвага келди. Туркистон МИК раиси Т.Рисқулов ўша кунидек партия МКга ушбу ҳужжат матнини топширади. В.И.Ленин мазкур ҳужжат билан 25 майда танишиб чиқади ва унга "Архивга, Туркистон тўғрисидаги" деб ёзиб қўяди.

Мазкур низом лойиҳасида, жумладан, қуйидаги талаблар битилган эди:

а) Туркистонда кучли мусулмон армиясини ташкил этиш ва руслардан тузилган қизил армия қисмларини тутатиш;

б) Туркистон республикасида ҳарбий комиссариатни тиклаш, унга қизил армия тузиш ва тарбиялашни топшириш, ... Туркистонда ҳарбий қисмларни фақат маҳаллий аҳолидан тузиш;

в) Туркистонда бутун ҳокимиятни Советлар съезидига, Туркистон МИК ва ХКСга топшириш;

г) Турккомиссияни тугатиш;

д) Туркистонга мусулмон ҳарбий ва сиёсий ходимларни жўнатиш".

Шунингдек, ушбу Низом лойиҳасида Туркистон fronti ҳарбий инқилобий кенгаши (Туркфронт Революцион ҳарбий совети) ҳуқуқларини чеклаш; ташқи алоқалар, ташқи савдо ва ҳарбий масалаларни РСФСР ваколатидан чиқариб Туркистон МИК ихтиёрига бериш талаб қилинган эди.

Туркистон делегацияси Марказга ўз талабларини топширар экан, Турккомиссия фаолиятига алоҳида тўхтади. Делегация

аъзолари Т.Рисқулов ва Н.Хўжаев Турккомиссия ўлкада мус — тамлакачилик сиёсатини давом эттирмақда ва мусулмон аҳо — лисидан қизил армия тузишга қарши чиқмоқда, деб маълум қилдилар.

Т.Рисқулов Москвада бўлган чоғида Туркистонни Ўзбе — кистон, Туркменистон ва Қирғизистон қилиб бўлиб ташлашга қарши чиқди ва ўзбек, туркман, қозоқ, қирғизларни ягона туркий халқ эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. Рисқулов — нинг фикрича, "Турк совет республикаси" Туркистон, Тата — ристон, Бошқирдистондаги барча халқларни ҳамда Бухоро ва Хивада монархик тузум ағдарилгач, келажакда у ердаги халқ — ларни ҳам бирлаштириши керак эди.

Т.Рисқулов асослаб берган ягона Туркистон давлатини тузиш тўғрисидаги фикрлар 20 — йилларнинг ўртасига келганда Файзулла Хўжаев томонидан янада ривожлантирилди ва бу давлатнинг жуғрофий ўрни қилиб қадим Турон мамлакатининг сарҳадлари олинди. Бугунги кунда ўртага ташланган **"Тур — кистон — умумий уйимиз"** шиорининг илдилари чуқур бўлиб, уни даставвал Ф.Хўжаев ва Т.Рисқуловлар назарий жиҳатдан ишлаб чиққан эди.

В.И.Ленин туркистонликларнинг пизом лойиҳаси билан синчиклаб танишиб чиқди ва буни партиянинг миллий сиё — сатига зид деб қатъиян рад қилади. Лениннинг мулоҳазалари ва махсус тузилган комиссиянинг лойиҳаси МК Сиёсий бюросининг 1920 йил 29 июнда "РКП (б)нинг Туркистондаги асосий вазифалари тўғрисида" деган умумий ном билан қабул қилган тўртта қарорига асос қилиб олинди. РКП(б) МК қа — рорида ташқи савдо, ташқи алоқа, ҳарбий масалалар РСФСР тасарруфидаги соҳалар эканлиги таъкидланди.

Ўлкани марказга тобе этиш мақсадида тайёрланган ки — шаннинг сўнгги халқалари бўлган бу қарорлар Туркистоннинг давлат мустақиллигига тинч йўл билан эришишга бўлган сўнгги умидларни ҳам пучга чиқарди. Туркистонда советча режимдаги янги мустамакачилик тузуми қарор топа бошлади.

Ленин ҳузурига нажот истаб бориб, чирқиллаб қолган Рис — қулов ва унинг тарафдорлари 18 июлда Туркистон Ком — фирқасининг Ўлка Комитети ва Туркистон МИК таркибидан чиққанликларини эълон қилишди.

Турккомиссия 19 июлда Рисқуловнинг сафдошлари кўп — чиликни ташкил қилган Ўлка Комитетини тарқатиб юбориш ва Туркистон Компартиясининг муваққат МКни тузиш тўғрисида

қарор қабул қилди. Назир Тўрақулов Муваққат Марказий Комитет Ижроия бюросининг масъул котиби қилиб сайланди. Айни вақтда Туркистон МИК таркибини янгилашга ҳам қарор қабул қилинди. Унинг раиси қилиб Т.Рисқулов ўрнига Абдулла Раҳимбоев тайинланди.

1920 йил 29 июлда Турккомиссиянинг янги таркиби Г.Я.Сокольников бошчилигида Москвада тасдиқланди. Бу воқеадан рота бир ой олдин Турккомиссия таркибидан РКП(б) МК Туркистон бюроси (қисқача **Туркбюро**) ажралиб чиққан эди. Туркбюро партия ташкилотларини назорат қилиш, республика коммунистларининг "ғоявий штаби" бўлиши керак эди. Туркбюронинг дастлабки таркиби РКП(б) МК Ташкилий бюроси томонидан ўша 29 июлда қуйидагича тасдиқланди: Г.Я.Сокольников (раис), А.М.Каганович, Я.Х.Петерс, Г.И.Сафаров (раис ўринбосари), Я.З.Суриц. Туркбюро Турккомиссиянинг издоши сифатида минтақада Марказнинг мустамлакачилик сиёсатини ўтказишга интилди. Туркбюро фаолиятини 1921 – 1922 йилларда Я.Э.Рудзутак, А.А.Иоффе, С.И.Гусев бошқарди. 1922 йил май ойида Туркбюрони Москва РКП(б) МК **Ўрта Осиё бюроси** қилиб қайта тузди.

1920 йил 1–8 сентябрда Боку шаҳрида Шарқ халқларининг I қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда қабул қилинган қарорлар Туркистон халқларининг кейинги тақдирида муҳим рол ўйнади. Бокудаги ушбу қурултойда Турор Рисқулов, Мунаввар Қори, Чўлпон, Салимхон Тилахонов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Тўрақул Жонузоқов, Зайниддин Қори Насриддинов, Ҳожи Сафо Жўрабоев каби туркистонлик миллат фидойилари қатнашдилар. Қурултой ишида Туркиядан келган Анвар Пошо (уни Москвадан шахсан Лениннинг ўзи юборган эди) ҳам иштирок этади, бироқ унга нутқ сўзлашга йўл қўйилмади. Қурултой фаолиятига раҳбарлик қилган Коминтерн раиси К.Е.Зиновьев бўлса Бошқирдистон миллий хукуматининг собиқ раҳбарларидан бири, машҳур жаҳид мунаввари ва муборизи Аҳмад Закий Валидийга бу анжуманга қатнашиш учун рухсат бермади.

Т.Норбўтабеков қурултойда сермазмун нутқ сўзлади. У совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини ўз нутқида қуйидагича фош қилди: "Биз озодлик, тенглик ва биродарлик шиорлари фақат қоғозда эмас, балки ҳаётда ҳам амалга ошишини талаб қиламиз... Мусулмон дунёсининг бошқа қисмларида Туркистонда бўлган ҳодисалар қайтарилмаслиги учун

мен ўзимизнинг ҳокимиятни огоҳлантириб қўймоқчиман. Биз уч йил ичида олиб борган сиёсатни, ундаги хатоларни биламиз ва шундай деймиз: "Ўз ичларингиздаги аксилинқилобчиларни йўқ қилинг, миллий келишмовчилик уруғини сочаётган кел—гинди унсурларни йўқ қилинг, коммунизм ниқоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачиларни йўқ қилинг!"

Туркистонлик 40 та мусулмон делегатлари ушбу анжумандан сўнг ўзаро кенгаш чақиришади. Ушбу қурултой ва кенгашда туркистонлик вакиллар совет ҳокимияти фаолиятдан норози эканликларни ошқора баён қиладилар. Улар "Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши тарғибот" ишларини авж олдиришга ва "Октябр инқилобининг уч йиллиги кунда умумхалқ қўзғолони кўтаришга" чақирадилар.

Хулоса қилиб айтганда, Турор Рисқулов бошчилигида тузилган ўлка Мусулмонлар бюроси ўзининг атиги ўн ойлик фаолияти давомида Турккомиссиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб борди. Миллий раҳбар ходимлар совет ва партия ташкилотларида ишлаб туриб ҳам Туркистоннинг мустақиллиги ва бирлиги учун кураш тарихига ёрқин саҳифалар битишди.

Туркистоннинг асл фарзандлари коммунистик мафқурани қисман қабул қилсалар—да, ўз халқлари манфаатларига содиқ бўлиб қолдилар, уни ҳимоя этишдан воз кечмадилар. Туркистон мустақиллиги ва равнақи ғояси билан яшаб, улар бу қутлуғ мақсад йўлида имконияти борича мавжуд совет тузумига қарши кураш олиб бордилар.

Бироқ 1920 йил ёздан бошлаб Туркистон республикасида вазият кескин ўзгарди. Т.Рисқулов ва унинг маслақдошлари масъул лавозимлардан истеъфога чиқиб ҳокимият тепасига Турккомиссия ва Туркбюронинг хоҳиши билан ҳисоблашадиган кишилар келди (Назир Тўрақулов гуруҳи). Фақат Марказнинг кўрсатмалари билан иш олиб борган Турккомиссия Туркистондаги бутун ҳокимият органларини ўз қўлларига олиб, республикада янги совет мустамлакачилик тузумини қарор топтириш учун жон—жаҳдлари билан интиддилар. Совет ҳокимиятининг сиёсий марказлаштириш борасидаги ҳаракатлари пировардида Туркистонда машъум ниҳоясига етди. Туркистон республикаси оқибат натижада Россиянинг хом ашё ўлкасига иккинчи бор айлантирилди.

III-БОБ. ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МАРКАЗ МАНФААТЛАРИГА БЎЙСУНДИРИЛИШИ

3.1. Туркистондаги очарчилик ва унинг оқибатлари

Туркистонда 1917 йил қишида бошланган очарчилик боль – шевиқча режимнинг қаттол сиёсати натижасида тобора кучайиб борар эди. Ҳша йили Туркистон бўйича 52,5 млн пуд ғалла етиштирилди. Ҳолбуки, ўлка аҳолисининг фақат жон сақлаши учун камида 110 млн. пуд буғдой керак эди. Бунинг устига Тошкентда зўравонлик билан ҳокимиятни эғаллаган большевиклар ҳукуматиининг раҳбарлари нафақат сиёсий бош – қарувда, балки иқтисодий соҳада ҳам қўпол хато ва жинойтларга йўл қўйишди. Ана шундай жинойтлардан бири 1918 йил 26 февралда Туркистон ХКС раиси Ф.И. Колесов им – золаган пахта толаси ва хом пахтани мусодара қилиш тўғ – рисидаги декрет эди. Мазкур декретта кўра, қисқа вақт ичида заводларга топширилган 3,4 млн. пуд пахта толаси, 6 млн. пуд хом пахта, 600.000 пуд пахта ёғи, 4 млн. пуд чигит, 1,1 млн. пуд кушжара совет давлати ихтиёрига бепул ўтди. Деҳқонлар за – водга топширилган пахтаси учун ҳам, уйидан олиб кетилган пахта хом ашёси учун ҳам лоақал паст нархда бўлса – да пул олмадилар. Бу ҳол бир томондан пахтакор деҳқонларни жун – бушга келтирса, иккинчи томондан очарчиликли кучайтириб юборди. Ҳарбий тарихчи Д.Зуевнинг кейинчалик ёзишича, пахтани мусодара қилиш ҳақидаги декрет Фарғона осмонида тўсатдан янграган момақалди роқ бўлди.

Озиқ – овқат муаммоси бу пайтга келиб Туркистон рес – публикасидаги энг ўткир муаммолардан бирига айланган эди. Большевиклар маҳаллий аҳоли қўлидаги ғалла ва бошқа озиқ – овқат маҳсулотларини тортиб олиш учун қатъий чораларни белгилашди. 1918 йил январда Туркистон ХКС ҳузурида озиқ – овқат бўлими очилиб, унга катта ҳуқуқлар берилди. Маълумки, 1918 йил 9 майда РСФСРда озиқ – овқат диктатураси жорий қилинган эди. Бу масала Марказнинг ўзида ҳам қаттиққўллик билан амалга оширилди. Туркистонда эса 1918 йил 15 июнда уч кишидан иборат ўлка озиқ – овқат Директорияси ташкил қи – линди.

Директория ўз фаолияти давомида катта хатоларга йўл қўйди. Очликнинг ёвуз чангали кекирдақдан ушлаб турган пайтда фақат рус аҳолиси озиқ – овқат билан таъминланди.

“Ҳокимиятдан четлаштирилган мусулмон аҳолиси нондан ҳам маҳрум қилинди... Натижада очарчиликдан қутула олмаётган мусулмон аҳолиси қирила бошлади. Русларнинг янги шаҳари ва унда кун кўраётган совет ҳокимияти билан маҳаллий аҳоли ўртасида ўтиб бўлмас девор пайдо бўлди”, — деб ёзишга мажбур бўлган эди совет амалдори Г. Сафаров.

“Ғалла монополияси тўғрисида”, “Синфий нон паёғи тўғрисида”, Туркистон республикасида озиқ—овқат сиёсатини амалга ошириш юзасидан озиқ—овқат комиссарига фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисида” деган декретлар билан 1919 йил 4 июнда Туркистонда **озиқ—овқат диктатураси** жорий этилди.

Туркистон МИКнинг ўша куни бўлиб ўтган мажлисида ай—рим маҳаллий коммунистлар **ғалла монополияси** сиёсати амалга оширилса, у республикада қайғули фожияларга сабаб бўлади деб, олдиндан огоҳлантиришди. Масалан, Туркистон Мусулмонлар бюроси раиси Т.Рисқулов бу сиёсат бизга тўғри келмайди деб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Ғалла моно—полияси сиёсатини Туркистонда амалга ошириб бўлмайди... Ғаллани аҳолидан эркин нарҳда сотиб олишимиз керак. Меъ—ёрдан ортиқ ғаллани топширишни деҳқонлардан талаб қилмас—лигимиз лозим”.

Туркистон темир йўллар комиссарининг ушбу мажлисда айтган қуйидаги сўзлари ҳам диққатга сазовордир: “Ғалла мо—полияси ўтказилар экан, қурола кучидан фойдаланмаслигимиз керак. Ўлкада 7,5 млн. киши яшайди, уларнинг ҳар бирига йилга ўртача ҳисобда 10 пуд ғалла ҳисоблаганда ҳам 75 млн. пуд ғалла керак. Амалда 35 млн. пуд ғалла йиғилди. Озиқ—овқат Директорияси ушбу дондан 15 млн. пуд ғаллани шаҳардаги ишчиларга беришни мўлжаллаган. Бунинг натижасида 5 млн. мусулмон аҳолиси очарчилик гирдобиди қолди”.

Ғалла монополияси ҳеч қандай тайёргарликсиз жорий қи—лиди ва шафқатсиз равишда амалга оширилди. Туркистондаги тартибсиз реквизициядан энг кўп азият чеккан мусулмон аҳо—лиси ғалла монополиясини, ўша даврдаги совет амалдорларидан бири киноя қилиб ёзганидек, ҳудо томонидан юборилган жазодек қабул қилди.

Деҳқонларнинг охириги қадоқ ғалласи озиқ—овқат тўпловчи отрядлар томонидан тортиб олинди. Ҳатто шу отрядларда хиз—мат қилган айрим маҳаллий коммунистлар ҳам ўз ишларининг нақадар жирканч эканлигини тушуниб, уни бажаришдан бош

тортдилар. Ана шундай кишилардан бири самарқандлик Қо-
разокир Ҳамидов Туркистон Советларининг VII съездида нутқ
сўзлаб, қуйидагича кескин фикр билдирган эди: "Мен ғалла
монополиясига бутунлай қаршиман. Қишлоқларда аҳвол жудаям
оғир... Қишлоқларда одамлар очликдан қирилиб кетди. Аввало, у
ерда эркинлик йўқ".

1918 йил 20 ноябрда Туркистон республикасида **Очарчи-
ликка қарши кураш Марказий комиссияси** тузилди. Комиссия
раиси Турор Рисқулов ўз таржимаи ҳолида ёзганидек, "...
ҳақиқатан ҳам кўчалар, ариқлар ва қишлоқларда ўлаётган
миллионлаб йўқсуллар ва болаларни қутқариш керак эди, ўша
вақтдаги ҳокимият бунга панжа орасидан қарарди (масалан, бир
миллион оч киши учун ҳаммаси бўлиб 5.000.000 сўм пул
ажратилди)...".

Фарғона Советларининг XIII област съездида вилоят инқи-
лобий кўмитаси раиси водийдаги очарчилик тўғрисида тўхталиб
шундай деган эди: "1917—1918 йиллардаги очарчилик Фарғона
вилояти хўжалигининг вайрон бўлишида кучли таъсир
кўрсатди... Фақат Қўқон ва Марғилон уездида очарчилик оқи-
батада 1917—1923 йиллар ярим миллион одам ўлди". Архив
ҳужжатларининг далолат беришича, Фарғона водийсида 1917—
1923 йилларда очарчилик натижасида 1 млн. киши ҳалок бўлган
(Ўзбекистон МДА, 17—фонд, 1—рўйхат, 947—иш, 201—варақ).

Туркистон республикасидаги даҳшатли очарчилик унинг
бошқа вилоятларига ҳам кенг тарқалди. Масалан, Самарқанд
вилояти Жиззах уездининг 70 фоиз аҳолиси очликдан қирилиб
кетди. Бошқа уездларда ҳам аҳвол шундай эди. Самарқанд
уездининг ўзида эса 70.000 одам очарчиликдан ўлиб кетди (Ўз-
бекистон МДА, 17—фонд, 1—рўйхат, 17—иш, 85—88—ва-
рақлар).

Т.Рисқулов очарчилик республика аҳолисининг ярмини,
яъни тахминан 2,5 млн. кишини ўз домига тортди, деб ёзганида
мутлақо ҳақ эди.

Т. Рисқулов сал кейинчалик ёзган "Инқилоб ва Туркистон—
нинг туб аҳолиси" асарида ўша даврда Туркистонда, хусусан,
Фарғона водийси ва Еттисувда авж олган очарчиликнинг бутун
даҳшатларини кўрсатиб беради. Рисқулов фикрича, ўлка бутун
аҳолисининг тенг ярми очликда яшаган (Рисқулов Т. Собрание
сочинений в трёх томах. Т.1. Алматы, 1997, с. 127).

Т.Рисқулов Туркистон Советларининг фавқулодда VII съез — дда (1919 й. март) бутун бир миллат йўқ бўлиб кетиши мумкинлиги ҳақида гапирганда унинг сўзларида кучли дард бор эди. Очарчилик шу даражада кучайган эдики, ўлка тарихида илгари учрамаган одам гўшти ейиш (одамхўрлик) каби ҳодисалар юз берди. “Туркистон халқ хўжалиги” журналида ёзилишича, Т.Рисқулов бу ҳақда ўз маърузасида куюниб сўз — лади. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу ҳодисалар ҳақида озиқ — овқат комиссари, большевик В.Ляпин “Марказий Русиядаги очарчиликлар Туркистондаги даҳшатлар олдида ҳеч нарса эмас”, деб ёзган эди.

Туркистондаги совет ҳокимияти оч қолганларга ёрдам учун турли қўмиталар ташкил этди, съезд, қурултой ва бошқа йи — гишлиларда бу масалани кўп марта кўриб чиқиб, қарорлар қабул қилди. Бироқ бу ҳаракатлар кутилган натижани бермади. Турли шаҳарларда арзон ва беғул ошхоналар очилди. “1918 йилда 3.000.000, 1919 йилнинг беш ойида эса 25.000.000 оч киши республика овқатланиш пунктлари томонидан тушлик овқат билан таъминланди”. Бироқ бу рақам бир қарашда кўпга ўхшаб кўринса — да, аслида, ҳар бир оч қолган кишига ўрта ҳисобда ҳафтасига 1,5 марта (!) тушлик тўғри келар эди. Умумий очарчилик шароитида бу овқатланиш жойларида чайқовчилик кучайганини ҳам унутмаслик керак.

Очарчилик Туркистонда 1923 йилнинг охиригача давом этди. Шу нарса характерли ҳолки, очарчилик Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудида деярли тарқалмаган.

Даҳшатли очарчилик ва оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган Туркистон ўлкасидан Марказга озиқ — овқат маҳсулотларини олиб чиқиб кетиш тобора кучайди. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, 1920 йилда ташиб кети — лаётган пон маҳсулотлари ва бошқа озиқ — овқат турларининг миқдори 4,5 марта кўпайган. Масалан, Туркистондан Россияга 1920 йилда 18.038 тонна озиқ — овқат ва 4.219 тонна ғалла олиб чиқиб кетилганлиги Ўрта Осиё ва Тошкент темир йўллари идорасининг расмий ҳужжатларида келтирилади.

Марказга жўнатилаётган озиқ — овқат маҳсулотлари ва ёқилғининг миқдори ой сайин кўпайиб борарди. Бошқа бир ҳужжатда ёзилишича, “1921 — 1922 йилларда Туркистондан Россияга 4.400.000 пуд ғалла жўнатилаган». Ўша пайтда дон етиштиришга ихтисослашмаган Туркистон қишлоқ хўжалиги учун бу катта миқордаги ҳосил ҳисобланади. Чунки, Туркистон

чоризм томонидан босиб олингач, ўлкадаги бугдойзорлар ҳисобидан пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилган бўлиб, галла Россиянинг марказий губерняларидан бу ерга ташиб келинарди. Маълумки, Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, Россиядаги фуқаролар уруши натижасида ўлкага галла келтириш деярли тўхтаб қолган эди.

Халқ очликдан қирилаётган бир маҳалда Туркистондаги ай – рим озиқ – овқат заҳиралари большевиклар томонидан фронтда ҳарбий мақсадлар учун фойдаланилди. Масалан, 1919 йилнинг биринчи ярмида фақат Закаспий frontiда 198 цистерна ўсимлик мойи (ёғи) ва 305 цистерна нефт ёқилғи сифатида ишлатилди. Туркистон темир йўлларидаги паровозларда 53 цистерна ўсимлик ёғи ва 223 цистерна нефт ёқилди. Айрим завод ва корхоналарда 118 цистерна ўсимлик ёғи ва 156 цистерна нефт ҳам ёқиб юборилди. Бу даврда аҳоли эҳтиёжлари учун эса атиги 63 цистерна ўсимлик ёғи ажратилди.

Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашининг наشري бўлган “Туркистон халқ хўжалиги” журналида ўсимлик ёғининг фронтда ишлатилиши тўғрисида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғининг деярли ҳаммаси ва заҳирадаги ёғ темир йўлларда суюқ ёқилғи сифатида ишлатиламоқда. Ҳозирги пайтгача (1919 й. сентябр – муаллифлар) бозор нархи 2.000.000.000 сўм бўлган 500.000 пуд ўсимлик ёғи ёқилди. Ёғнинг ёқилиши кўпайиб бормоқда, уни ишлаб чиқариш миқдори эса аввалгидек (бир кеча – кундузда – 3.800 пуд). Агар кескин чоралар кўрилмаса, биз аҳолини ягона ёғ маҳсулотидан маҳрум қиламиз...” (Народное хозяйство Туркестана, № 26, 5 октябрия, 1919 г., с. 13.).

Лекин ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймаган бўлса ҳам, ундан ёқилғи сифатида фойдаланиш кескин даражада ошиб кетди. Мазкур журналнинг ёзишича, 1920 йил феврал ойига келиб 600.000 пуд ўсимлик ёғи паровозларда ёқилғи сифатида ишлатилган. Кўмир ва ўтин йўқлигидан бошқа озиқ – овқат маҳсулотлари ҳам (Туркистонда одамлар очарчиликдан юз минглаб қирилаётган бир пайтда!) ёқилғи сифатида ишлатилар эди. Орол денгизи участкасида паровозлар қуритилган балқ ёқиб юргизилган. Шунингдек, паровозларга кунжара ёқишга уриниб кўрилган. Энг даҳшатли ҳодиса шундан иборатки, ҳамма нарсани қурбон қилиш эвазига етиштирилган пахта ёқилғи сифатида ишлатилган.

1920 йил бошларига келганда ғалла монополияси сиёсати бир қадар юмшатилади. Озиқ — овқат развёрткеси кўринишидаги монополияни фақат кўчириб келтирилган крестьянлар яшайдиган районларда ўтказишга қарор қилинди. Мусулмонлар яшайдиган жойларда натура солиғи жорий қилинди. Бироқ озиқ — овқат тайёрлашдаги ушбу табақалаштирилган ёндашув узоқ сақланиб қолмади. Турккомиссия аъзолари В.В.Куйбишев ва Ф.И. Голошчекиннинг тазйиқи билан 1920 йил августда бутун Туркистон республикаси ҳудудида **озиқ — овқат тақсимоти** (продразвёрстка)ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Озиқ — овқат развёрсткаси (тақсимоти) аҳолини очиқдан — очиқ талашга айланиб, ижтимоий кескинликни кучайтириб юборди. "1920 йил охирида фақат ишчилардан 42 та озиқ — овқат тўловчи отрядлар тузилди, бу отрядларда 3.000 киши бор эди". Бу отрядлар маҳаллий халқни қон қақшатиб, унинг сўнгги бурда нонини тортиб олишарди.

Туркистон республикасидаги озиқ — овқат тўловчи отрядлар фақат 1920 — 21 хўжалик йилида маҳаллий аҳоли қўлидан 9.708.703 пуд ғалла, 6.358.144 пуд ем — хашак, 1.606.210 пуд гўшт ва бошқа маҳсулотларни тортиб олишди. Тортиб олинган озиқ — овқат маҳсулотлари Россияга жўнатилад эди.

1921 йил 18 июлда бўлган озиқ — овқат комиссарлиги ҳайъ — ати мажлисида Малютин маъруза қилиб, "ўн кунлик муддат ичида 250.000 пуд озиқ — овқат Марказга юборилсин деган Лениннинг жанговар буйруғини ўқиб эшиттирди".

Лениннинг буйруғи келмасдан бир неча кун олдин Тур — кистон ХКС Оренбургга 20 вагон ғалла, Россиянинг марказий губернялари учун ҳам 20 вагон ғалла, 2 вагон гурунч, қуруқ мевалар (шунингдек, Самарқанд ва Полторацк гарнизонлари учун 16 вагон) ва Орол денгизи балиғидан бир неча вагон юбориш тўғрисида қарор қабул қилган эди. "Ўлганнинг устига тепган" қилиб, бу топшириқлар Лениннинг жанговар буйруғи билан янада кўпайтирилди.

"Лениннинг жанговар буйруғи"ни бажариш учун Еттисув вилоятида 70 вагон, Сирдарё вилоятида 50 вагон, Самарқанд вилоятида 30 вагон, озиқ — овқат ва ўлка балиқ тайёрлаш кўмитаси (Крайрыба) эса 6 вагон балиқни қўшимча равишда аҳолидан тортиб олиб, Оренбург орқали Марказий Россияга жўпатишлари керак эди. Большевик раҳбарларининг бу буйруғини ҳам озиқ — овқат тўловчи отрядлар қисқа муддатда бажаришди.

Шундай қилиб, Туркистонда ғалла монополияси ва озиқ-овқат развёрсткаси (тақсимоти) натижасида маҳаллий аҳоли қўлидан:

а) 1918—19 йилларда зўрлик ва товар айрибошлаш (аслида деҳқонга ҳеч нарса берилмаган эди) йўли билан 4.500.000 пуд;

б) 1919—20 йилларда товар монополияси ва товар айри-бошлаш йўли билан 5.250.000 пуд;

в) 1920—21 йилларда озиқ-овқат развёрсткаси воситасида белгиланган 22.500.000 пуд ўрнига 9.700.000 пуд;

г) 1921—22 йилларда озиқ-овқат солиғи ҳисобланган 12.500.000 пуд ўрнига 4.000.000 пуд ғалла тортиб олинди.

Озиқ-овқат тўловчи отрядларнинг ҳаддан ташқари ўзбошимчалиги ҳатто большевикларнинг ўзини ҳам ташвишга солиб қўйди. Ишчи-деҳқон инспекцияси озиқ-овқат комиссарлиги ихтиёридаги бу отрядларнинг 1920 йил сентябр—1921 йил августдаги бир йиллик фаолиятини текширар экан, йўл қўйилган жиддий хатоларни кўрсатди. Текшириш натижалари махсус ёзилган ҳисоботда ўз аксини қўйидагича топган эди:

"Озиқ-овқат комиссарлиги Туркистонда ғалла тайёрлаш ва тақсимотни ўз ичига олган озиқ-овқат сиёсатини амалга ошириши керак эди. Лекин таъминот суст олиб борилди. Белгиланган топшириқлар қоғозда қолиб кетди. Карточка сис-темаси амалга ошмади. Озиқ-овқат комиссарлиги республикада ўз соҳасини бирмунча вақт бошқара олмай қолди. Комиссарлик томонидан раҳбарлик йўқлиги ва инструкциялар тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги учун озиқ-овқат тўловчи отрядлар, нотўғри ва ёмон ишладилар. Улар нафақат ишни барбод қилдилар, балки мустамлакачилик сиёсатининг энг хунук кўринишларини намоён қилиш билан совет ҳокимиятини обрўсизлантирдилар. Комиссарликда ғалла тайёрлаш борасида жинояткорона кайфиятдаги хўжасизлик ва бошбошдоқлик кўзга ташланади. Бундай аянчли аҳволнинг сабаблари қуйидагича: биригчидан, кўпчилик ходимлар ўз ўрнига нолайиқ, иккинчидан, мусулмон аҳолисига эътиборсизлик ва уларнинг қўрқувда эканлиги, учинчидан, мусулмон аҳолисини озиқ-овқат тўловчи отрядларга ёмон жалб этилгани ва шу кабилар".

Хулоса қилиб айтганда, Туркистонда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, ўлка иқтисодийоти бутуллашдан чиқди. Республикадаги бозор муносабатларига кескин зарба берилди. Шу даврдан бошлаб барча шаклдаги хусусий мулк давлат

мулкига айлантирила бошланди. Марказ Туркистонга юборган ваколатли ташкилот ва комиссиялар орқали большевиклар бошқаруви тизимини ўз қўлларида сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Туркистондаги оғир иқтисодий аҳвол мамлакатда бошланган очарчиликни пихоятда кучайтириб юборди. Қишлоқларда нонсиз ва ерсиз қолган деҳқонлар, шаҳарда яшовчи ҳунарманд ва зиёлилар, маҳаллий аҳолига мансуб юз минглаб кишилар даҳшатли очарчиликнинг қурбони бўлишди. Ўлкадаги большевикча режим, халқ очликдан қирилаётган бир пайтда Марказий Россияга галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини юзлаб эшелонларда жўнатиш билан чекланмасдан, балки ўсимлик ёғи, қуритилган балик, буғдой каби тансиқ маҳсулотлардан паровозларни юритишда ёқилги сифатида фойдаланди, уларни фронтда ҳарбий мақсадларда ишлатди.

3.2. Туркистон иқтисодиётининг зиддиятли ривожланиши

Туркистон республикасида совет ҳокимияти томонидан ўтказилган иқтисодий ислохотлар социалистик жамият қуриш режаси бўйича амалга оширилди. Туркистонни оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқишда турли марказий хўжалик органлари муҳим роль ўйнади. Бироқ уларни ташкил қилиш жараёни ва фаолияти даврида пролетариат диктатурасининг умумий характеридан келиб чиқадиган хусусиятлар қутилмаган оқибатларни юзага келтирди.

Туркистоннинг большевик раҳбарияти Марказнинг кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиб, буларни ўзига хос инқилобий кескинлик ва сабрсизлик билан амалга оширишга уринар эди. Бироқ туб аҳолининг одатлари ва анъаналари билан таниш бўлмаган, уни назар-писанд қилмайдиган бу ҳокимият қутилмаган ҳодисаларга дуч келиб қолди.

Туркистон раҳбарлари Россия саноат марказлари эҳтиёжларига хизмат қилувчи соҳа корхоналарини мусодара қилишга шошилдилар ва ўлка халқларининг манфаатларини, бу тадбирнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва тайёргарликни ҳисобга олмадилар. Хом ашё, ёқилги, маблағлар, ишчи қўллар йўқлиги туфайли, шунингдек, уруш муносабати билан тайёр маҳсулотни сотиш қийинлашиб қолганига кўра корхоналарнинг жуда кўпчилиги, айниқса, пахта тозалаш заводлари ишдан тўхтаб қолди, уларда банд бўлган ишчилар

ишсиз қолишди. Мусодара (национализация) қилинган, "ҳеч кимга қарашлимас" бўлиб туюлган, аслида давлат тасарруфига ўтган корхоналарнинг мол — мулклари ташиб кетилди ва яроқ — сиз ҳолга келтириб қўйилди.

1918 йил феврал ойининг охирида Тошкент совети ҳузурида Туркистонда биринчи Халқ хўжалиги кенгаши тузилган эди. У дастлаб ижтимоий фаолият билан, яъни чайқовчилик ва очарчиликка қарши кураш билан шугулланди. Эски армиянинг мол — мулкларини ҳисоблаш билан машғул бўлди. Бу ташкилот соф маҳаллий аҳамиятга эга бўлиб, фақат Тошкент уездида фаолият кўрсатди.

Туркистон ўлкасида хўжалик органларининг ташкил эти — лиши 1918 йил март ойида Қўқон шаҳрида бошланди. 1918 йил апрелда Туркистон республикаси Халқ хўжалиги кенгашини тузишга уриниб кўрилди. Халқ хўжалигини бошқариш учун тузилган бу кенгаш Москвадан жўнатилаган Низомга мувофиқ ташкил қилинди.

Туркистон республикаси Советларининг V съездида (1918 й. апрел) Туркистон ХКС ҳузурида ташкил этилган ҳамда пахтачилик, кончилик ва полиграфия бўлимларини ўз ичига олган ишлаб чиқариш Ўлка Кенгаши (СНП) қўлига асосий саноат тармоқлари олиб берилди. Бу кенгашнинг пахтачилик бўлими пахтанинг қайта ишлаш саноатини бошқарувчи олий орган бўлди. Кенгаш Тошкент кўн заводи, ўлка типографияси ва Орол денгизи балиқчилик тармоғини бошқаришни ҳам ўз қўлига олди. Лекин кенгаш Тоғ — кон саноати ва пахтачиликни ўзига бўйсундириш учун муваффақиятсиз равишда уринди. Шундай бўлишига қарамасдан, кенгаш Туркистоннинг сув ҳавза — ларидан фойдаланишни ташкил этиш ва химия саноатини йўлга қўйиш бўйича баъзи лойиҳалар ишлаб чиқди. Партия олий раҳбарияти ва турли бюрократик идоралар ўртасидаги ўзаро курашдан қийналиб кетган ишлаб чиқариш Ўлка Кенгаши ҳеч қандай ўзгариш қилишга улгурмасдан ўз ўрнини Халқ Хўжалиги Марказий Кенгаши (ЦСНХ — ХХМК)га бўша — тиб берди.

Туркистон Советларининг фавқулодда VI съезди **Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашини** тузишга қарор қилди ва бу Кенгаш 1918 йил декабр ойининг бошларида тузилди. ХХМК ҳақидаги низомнинг I — бандида у республиканинг хўжалик соҳасидаги барча комиссарликларини бирлаштириш ва ривожлантириш орқали мамлакат халқ хўжалиги ва саноатини

кўтаришни вазифа қилиб олади, деб қайд қилинди. Тур — кистондаги барча иқтисодий комиссарликларга раҳбарлик қилувчи ХХМК ягона ҳукумат органига айланиши лозим эди. Лекин низомда кўплаб ноаниқликлар бор эди. Масалан, жойлардаги халқ хўжалик кенгашларининг ХХМКга муносабати мавҳум бўлиб, улар ўз юқори органига бўйсунмас эди. Марказий бошқарувга эга бўлган ва мамлакат мудофаасига тегишли соҳалар жойлардаги ХХКларини четлаб ўтиб, тўғридан — тўғри Марказдаги тегишли идоралар томонидан бошқариларди.

Бу ҳолат халқ хўжалиги органларини тузишда дастлабки қадамларда йўл қўйилган энг асосий ташкилий хато бўлди. Жойларда ХХКларининг ташкил топиши режасиз ва стихияли кечди. Бу ташкилотлар ХХМК билан ҳеч қандай алоқа ўр — патмасдан, ягона режасиз ва сметаларсиз ишлайдиган, ҳисобот бермайдиган мустақил ташкилотларга айланиб қолди. Улар нафақат ХХМКга, балки маҳаллий бошқарув органларига ҳам бўйсунмас эди. Турли бошқарма ва марказий органларнинг ҳали ташкилий заифлиги оқибатида улар Марказдан ҳам мус — тақил фаолият юрита бошладилар. Шундай қилиб, Туркист — тондаги ишлаб чиқариш органларини бошқаришда икки йў — налиш пайдо бўлди. Бири, жойлардаги ХХКлари, иккинчиси, турли бошқарма ва марказий органлар.

Низомга кўра, ХХМК Туркистон МИК ва Туркистон ХКС олдида масъул, Марказдаги ХХОК (ВСНХ)нинг умумий қонда, режа ва директивалари доирасида фаолият кўрсатади, бу фармойишлар маҳаллий шароитга мос тушмаган тақдирда шу масалаларга ўзгартириш киритиши мумкин. Лекин Марказнинг хўжалик соҳасида юборган декрет ва буйруқлари худди сиёсий қарорлари каби Туркистонда сўзсиз тарзда бажарилар эди.

Туркистон Халқ Хўжалиги Марказий Кенгашининг I съездида (1919 йил 25 август — 5 сентябр) Туркистон ва Рос — сиянинг келгусидаги алоқалари ва унинг оқибатлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. "Туркистон халқ хўжалиги" жур — налида 1919 йил 21 сентябрда эълон қилинган "Иқтисодий сиёсат ва ХХМК" мақоласида бу хусусда қизиқарли маъ — лумотлар келтирилади:

"Россия учун Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш ва рус фабрикаларига хом ашё етказиб берилиши шак — шубҳасиз фойдали ва зарурдир. Россиянинг ўз ғалласи ва чорваси бор...

Лекин бундай ривожланиш Туркистоннинг ўзи учун маъқулми?

Биз яққол кўриб турибмизки, пахта экиш учун беда — пояларнинг йўқ қилиниши чорва молларининг кескин қисқа — ришига, гўшт ва сут маҳсулотларининг камайиб кетишига олиб келди. Аҳолининг катта қисми йил бўйи ғалани сотиб олиши натижасида унинг озиқ — овқат таъминоти пасайиб кетди. Бу ҳолат турли касалликлар ва эпидемиялар бошланишига сабаб бўлди.

Биз кўриб турибмизки, Россиядаги "қурғоқчилик" даврида ўз ғалласига эга бўлмаган Туркистон халқи очарчиликдан ўлиш ва қирилиб кетишга маҳкум бўлади, бироқ пахта мўл — кўл бўлади. Туркистон учун бундай бир томонлама тараққиёт фойдалими ё?

Бизнинг ўлка Россиянинг бошқа қисмлари ва хорижий дав — латлардан ишлаб чиқариш бўйича мустақил ва эркин бўлишга ҳаракат қилиши керак эмасми ёки умум Россия оиласида иқтисодий аъзо, унинг хўжалик қурилиши ва режасининг умумий занжиридаги бир бўгин бўлиб қолиши керакми?

Бу масалани у ёки бу томонининг ҳал этилиши иқтисодий сиёсатда мутлақо турли режаларни келтириб чиқаради ва шу нуқтаи назардан олганда ўлкани ҳар томонлама чуқур ўрганилгандан кейингина бу муаммони ечишга виждонан киришиш мумкин".

I съезд томонидан белгиланган тадбирлар, бир қараганда, Туркистонда хўжалик қурилиши соҳасидаги тартибсизликлар — нинг тугатилишига қаратилган эди. Бироқ, одатдагидек боль — шевикларнинг бу резолюция ва қарорлари ҳам қорозда қолиб кетди. Съезд тугагандан кейин атиги 3 ой ўтгач, яъни 1919 йил охирида ХХКларининг фаолияти ва ташкилий тузилишида ягона режа ва марказ билан алоқанинг йўқлиги кузатилди. Яна "бошқармачилик" кучайиб кетди.

ХХМК ўз ихтиёрига 25 тадан ортиқ бўлим, бошқарма, комитетларни бирлаштирди, лекин уларни бошқариш имкония — тига эга эмас эди. Жойлардаги бу органлар ўз сиёсатини мус — тақил ўзи юргизар, Марказий Кенгаш Президиумига эса маблағ зарур бўлиб қолганда мурожаат қилишарди, холос.

1919 йилнинг кузидан Туркистоннинг Россия федерацияси билан алоқаси қайта тикланди. Марказдаги "тажриба"дан фой — даланиб ўлкада совет қурилишини амалга оширишга кири — шилди. Москвадан жўнатилган бир гуруҳ партия ва хўжалик

ходимлари ХХМК Президиуми таркибига киритилди ва улар 1919 йил октябр ойдан бошлаб Кенгаш фаолиятини амалда бошқара бошладилар. Бу билан Туркистонни Марказга бўйсундирилишининг янги даври бошланди. Бу ҳолат ўлканинг Россияга иқтисодий қарамагини кучайтирди, уни хом ашё базаси сифатида қолишини таъминловчи омил бўлди.

Туркистон Советларининг VIII съездида (1919 й. 6 сентябр — 4 октябр) ХХМК раислигига сайланган Б.М.Шварц Москвадаги ХХОКнинг ваколатли вакили бўлиб, ўлкага Марказ — тўқимачи (Центротекстиль) топшириғи билан келган эди. У "Туркистон халқ хўжалиги" журналининг мухбири билан бўлган мулоқотда Туркистон ва Марказнинг ўзаро муносабатларига тўхтаб ўтиб, Россиянинг шовинистик сиёсатини оқлаб қуйидагича иддао қилади: "...Иқтисодий масалаларда Туркистон Россиянинг ажралмас қисми эканлигини тушуниб олиш керак. Туркистон Марказнинг бу масаладаги барча буйруқларига дарҳол бўйсунishi ва уни шубҳасиз бажариши шарт. Марказ Туркистоннинг барча бойликларини идора этиш ҳуқуқига эга".

Марказдан келган ходимлар назарида Туркистондаги хўжалик қурилиши соҳасидаги қолоқлик Россиянинг марказида амалга оширилган хўжалик қурилиши метод ва шакллари билан таниш эмаслиқдан келиб чиққан. Агар Кремл йўналиши ва Москвадаги чора — тадбирлар ўлка иқтисодига тўғридан — тўғри механик тарзда кўчирилса, ҳаммаси гўё рисоладагидек бўлади.

1920 йилнинг биринчи ярмида Москва йўналиши (курси) бўйича фаолият олиб боришга ҳаракат қилинди. Янги ташкил этилган Президиумнинг биринчи мажлисидаёқ ХХМКни ХХОКнинг вилоят органига айлантиришга, унинг номини Туркистон ўлка ХХК деб ўзгартиришга ҳамда унинг барча бўлимларини ХХОКнинг шу соҳадаги бўлимларига бўйсундиришга, унинг директивалари асосида ишлашга қарор қилинди. Туркистоннинг маҳаллий шароитлари мутлақо эътиборга олинмади.

1920 йил 17 — 25 июнда Туркистон ХХКларининг II съезди бўлиб ўтди. Съездда қабул қилинган хўжалик қурилиши ҳақи — даги резолюцияларда ҳунармандчиликдан бутунлай воз кечиш ва республикада қатъий режа асосида ишлаб чиқаришни таъминлаш батафсил ишлаб чиқилди. Съездда Марказ билан алоқалар қуйидагича белгиланган эди:

1) мамлакатнинг ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсим — лашда умумфедератив манфаатлари юзасидан Федерация билан мустақил алоқада бўлиш;

2) қайта ишловчи саноат марказларини хом ашё ва қазилма бойликлар етказиб берувчи районлар билан боғлаш”.

Туркистонда катта аҳамиятга эга бўлган ҳунармандчиликдан воз кечиш, ишлаб чиқариш воситаларини мусодара қилиш бу соҳага жиддий путур етказди ва ишсизлар сонини кескин ошиб кетишига олиб келди. Ҳунармандлар ҳатто касаба уюшмаларига ҳам қабул қилинмади. Фақат кейинчалик — Туркистон Советларининг IX съездида (1920 йил сентябр) бу хато бир қадар тузатилади.

Туркистонга нусхаси кўчирилаётган Россия иқтисодиёти ҳам қаттиқ марказлаштириш йўлидан борди. РСФСР ХХОК ишлаб чиқаришни бутунлай ўз қўлига тўплаб олган эди. Бу ташкилот қатъий марказлашган ҳарбий структурани қарор топтирди. Давлат корхоналарининг мустақиллиги бутунлай чегараланди, уларнинг муҳим масалалари Марказда ҳал қилишди. Адолат юзасидан айтганда, иқтисодий инқирозлар даври учун бу йўл маълум даражада ўзини оқлади ҳам. Лекин қаттиқ марказлаштириш сиёсатининг салбий томонлари ҳам бор эди. Унда ташкилотларнинг молиявий мустақиллиги ва моддий бойлик топишга бўлган иштиёқи йўққа чиқарди. Буни ҳатто совет ҳокимиятининг жойлардаги хўжалик органлари раҳ — барлари ҳам тан олишган.

Туркистондаги ХХМКнинг фаолияти совет ҳокимияти қу — рилишидан келиб чиқадиган катта бюрократик аппарат ва сан — салорликни амада намойиш қилди. Ҳокимият тузилмаларидаги бюрократизм совет даврининг кейинги босқичлари учун ҳам хос хусусият бўлиб, бу илатдан ҳатто ҳозир ҳам биз тўлиқ равишда қутула олганимиз йўқ. Асосий фаолияти саноатни бошқариш бўлган ХХМК 1924 йил 1 ноябрда тугатилади.

Туркистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида фаолият кўрсатган иқтисодий органларнинг бири — Туркистон Иқтисодий Кенгашидир. **Туркистон Иқтисодий Кенгаши — Турк ЭКОСО** 1921 йил феврал ойида Тошкентда ташкил этилди, вилоятларда эса (вилоят ижроия комитетлари бўлимларининг ҳуқуқларига эга бўлган) вилоят иқтисодий кенгашлари тузилди. Шу йили 6 октябрда Туркистон МИК ва Туркистон ХКС унинг фаолиятини кучайтириш мақсадида низом қабул қилди. Низомда Турк ЭКОСО Туркистон республикасида олий

хўжалик органи бўлиб, ўз фаолиятида Туркистон ХКС ва Туркистон МИК олдда масъул эканлиги ва унинг барча кўрсатма ва қарорлари халқ комиссарликлари ва ташкилотлари учун бажарилиши шарт эканлиги кўрсатиб ўтилди. 1921 йил ноябр ойида Турк ЭКОСО қошида давлат умумий режа комиссияси — Госплан таъсис этилди.

Турк ЭКОСО Туркистоннинг халқ хўжалиги қурилишида ягона хўжалик асосида иш юритиш комиссарликлар томонидан қабул қилинган таъминот ва молия масалаларини тасдиқлаш, РСФСР Меҳнат ва мудофаа кенгаши (СТО)нинг умумий қоидаларига мос тушувчи ўзгаришларни амалга ошириши, РСФСР ва Туркистон республикасининг ягона хўжалик режаси асосида корхоналар талабларини кўриб чиқиши ва уларнинг фаолиятини бошқариши лозим эди. Туркистоннинг иқтисодий ривожланиши РСФСР учун ягона хўжалик сиёсати доирасида олиб борилиши ушбу низомда таъкидланган эди.

Турк ЭКОСО таркибига озиқ—овқат, молия, меҳнат, ер ишлари, темир йўллар, ишчи—деҳқон инспекцияси халқ комиссарликларининг, ХХМК, Бутун Россия қасаба уюшмалари Марказий иттифоқи, Туркбюро вакиллари ва Туркистон МИК сайлаган 2 вакил кирар эди. Бу ташкилотга катта ҳуқуқлар берилганлигини шундан ҳам кўrsa бўладикки, Турк ЭКОСО раиси Туркистон ХКС раисининг ўринбосари ҳисобланар эди. Турк ЭКОСOnинг биринчи раислигига С.Паскуцкий, унга ўринбосарлар қилиб эса А.Асатқин ва Шерғоziев сайланди.

Аmmo Турк ЭКОСО, ўзининг дастлабки раиси ибораси билан айтганда, “ХКК вакиллар гуруҳи сифатида пайдо бўлиб, аниқ хўжалик режасига эга бўлган марказга айлана олмасдан, Иқтисодий Кенгашнинг бошқармалараро органи бўлиб қолди. Унинг жойларда мустақкам таянчи бўлмагани учун хўжалик вазифаларини амалий жиҳатдан бошқара олмади”.

Турк ЭКОСО тузилгандан олти ой кейин бўлиб ўтган Туркистон Советларининг X съезди (1921 й. 21—25 август) бу ташкилотнинг фаолиятида ўзгариш ясади ва уни ўзининг асосий вазифасини бажаришга йўналтирди. Бу ташкилот тўлиқ равишда Москванинг фармойишлари асосида иш юритди. Паскуцкийнинг тан олишича, “Турк ЭКОСOnинг хўжалик режаси ва бюджети РСФСРда кўриб чиқилди... Бюджет шафқатсиз қисқартиришлардан кейин 48 млн. сўм қилиб (урушгача бўлган баҳода) тузилди. Бироқ режада кўрсатилган миқдор эмас, балки Туркистон аҳолисининг РСФСР ҳудудидаги

пропорционал нисбатидан келиб чиққан ҳолда 16 млн. сўм маблағ ажратилди”.

Маълумки, 1921 йил баҳорига келиб большевиклар Россиясининг иқтисодий ҳаётида кескин ўзгаришлар ўтказиш зарурлиги равшан бўлиб қолди. РКП(б) X съезди (1921 й. март) нинг озиқ-овқат развёрсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш тўғрисидаги қарори билан бурилиш бошланиб кетди.

Туркистон республикасида янги иқтисодий сиёсат — НЭП — га ўтиш Ўлка Советларининг X съездида расмийлаштирилди. НЭПнинг асоси иқтисодиёт, халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг ҳарбий-коммунистик усулларидаан воз кечиш, ишлаб чиқарувчига, аввало деҳқонга бир қадар эркинлик беришдан иборат эди. Марказ пахтачилик, ипакчилик каби муҳим хом ашё етказиб берувчи соҳаларни, шунингдек, йирик корхоналарни давлат тасарруфида қолдирди. Хусусий капитал билан акционерлик жамиятлари тузишга, ишчи кучини ёллашга рухсат берилди. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, Туркистон саноатида давлат секторининг улуши бу пайтда 93,1 фоизни ташкил қиларди.

Туркистондан Марказий Россияга озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб кетиш 1921 йилда ҳам тўхтатмади. “Волгабўйи губерняларида очлик” деган важ билан ўзи очарчилик давом этаётган Туркистондан 1921 йилнинг кузида Москва ва бошқа шаҳарларга 300.000 пуддан кўп ғалла юборилди. Марказий Россия ва Волга бўйи районларидан 310.000 киши “нон шаҳри” — Тошкентга келтириб жойлаштирилди. Ўзбекистоннинг янги тарихи даврида, хусусан, совет ҳокимияти йиларида СССРнинг Европа қисмидан русийзабон аҳолини республикамиз пойтахти Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларга келтириб жойлаштириш одатий ҳолга айланган эди. Бу ҳам мустамлакачилик сиёсатининг ўзига хос кўриниши бўлиб, улуғдавлатчилик шовинизми касалига мубтало бўлган Кремл раҳбарларининг доимий машғулоти эди. Насл-насабининг тайини йўқ, қўлида хунари бўлмаган, аксарияти кўчада ётиб юрадиган бу қаланги-қасангилар тўдаси кейинчалик Тошкент шаҳридаги демографик вазиятга салбий таъсир кўрсатди, минтақа менталитетидаги кучлар нисбатини ўзгартиришга уринди.

Туркистон халқ хўжалиги илқироздан жонланиш томон аста-секин юз бурди. Бунда совет ҳукуматининг либераллаштириш сиёсати анча таъсир қилди. НЭП муносабати билан

Туркистон республикаси иқтисодиётида пайдо бўлган сил—жишлар, ижтимоий—хўжалик юзасидаги ўзгаришлар бу ерда сиёсатнинг бир оз юмшатиладиганидан далолат беради.

Лекин Туркистон республикасида халқ хўжалигини тиклашда НЭП даврида ҳам катта хатоликларга йўл қўйилди. Туркистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан тўла—тўқис равишда Марказга бўйсундирилди. Бу ҳол Бутун Россия МИК томонидан Туркистон республикаси бўйича чиқарилган ушбу қарорда ҳам яққол кўзга ташланади: "ТАССР ХХМК ва озиқ—овқат комиссарлиги ўрнатган режа асосида иш олиб боради. Туркистон ХХМК раиси ва озиқ—овқат комиссари РСФСРнинг тегишли халқ комиссарлари розилиги билан Туркистон МИК томонидан тайинланади".

Хўжалик ташкилотларининг Марказга бўйсундирилиши 1921 йилдаги Туркистон ХХМК таркибий тузилишининг схемасида яққол кўринади. Унда хўжалик қурилишидаги энг қуйи ташкилот — уезд ХХКларидан тортиб то ХХМКгача барча бў—виндаги функцияларни бажарувчи хўжалик ташкилотларини РСФСР ХКС ва ХХОКга бўйсунуши акс этган. (Қаранг: Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики.-Т., 1924, с. 560).

Туркистон ташкилотларининг фаолияти 1922 йил май—июн ойларида Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон Иқтисодий Кен—гашининг 1—съезди диққат марказида бўлди. Съездда қабул қилинган резолюцияда бу ташкилотнинг 1921 йил февралдан октябргача бўлган биринчи давридаги хато ва камчиликлари батафсил кўрсатилган. Съездда Турк ЭКОСО олдига вазифа қилиб Туркистон халқ хўжалиги ривожланишининг бутун бир йўналиши белгилаб берилди. Бу вазифага кўра Туркистонни хом ашё базаси сифатида тиклаш, унда пахтачилик, чорвачилик, балиқчилик, овчиликни ривожлантириш керак эди.

Туркистон республикасида Марказ юритган иқтисодий марказлаштириш сиёсатида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши муҳим ўрин тутади.

РКП(б) МК ҳали 1921 йил октябр ойидаёқ Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини хўжалик томонидан қайта тузилишини, бу республикалар билан совет Россиясининг хў—жалик курсларини бирлаштириш кераклигини зарур деб топган эди. 1922 йил 13 февралда РКП(б) МК Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини иқтисодий бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

1922 йил 9 мартда РКП(б) МК Туркбюросининг 18—сонли мажлисида Ўрта Осиё республикалари конференциясини тай—

ёрлаш учун С.И.Гусев раислигида комиссия тузилди. Бу конференция Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириши ва РСФСРдан юборилган фармойишлар асосида уни бошқариш режасини белгилаши керак эди.

Туркбюронинг мазкур қарорини бажариш учун махсус техник комиссия тузилди. Комиссия Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришнинг зарурияти ва асосий шартлари бўйича ўз хулосасини тайёрлади.

1922 йил 26—30 ноябрда бўлиб ўтган Туркистон Иқтисодий Кенгашининг 2—съезди Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий бирлаштиришга Марказнинг кўрсатмаси билан катта эътибор қаратди.

Ниҳоят, 1923 йил 5—9 мартда Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё республикалари — Туркистон, Бухоро ва Хоразмнинг I иқтисодий конференцияси чақирилди. Конференцияда ҳақиқий овозга эга бўлган 42 делегат ва маслаҳат овозига эга бўлган 29 делегат қатнашди. Анжуман фаолиятига Турккомиссия номидан Любимов раҳбарлик қилди. Конференцияда ҳар бир республиканинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги асосий маърузаларни Турк ЭКОСО раиси С.Паскуцкий, Бухоро Нозирлар Шўроси раиси Файзулла Хўжаев, Хоразм республикаси номидан Олимжонов қилишди. Шунингдек, конференцияда молиявий аҳвол бўйича Иевлев ва Любимов маъруза қилишди.

С.Паскуцкий ўз маърузасида Марказ манфаатларидан келиб чиқиб, Туркистонни пахта етиштирувчи хом ашё манбаига айлантириш тўғрисида қуйидаги фикрларни баён қилди: "Ҳозирги куннинг навбатдаги вазифаси бу федерация (бу ерда СССР кўзда тутилмоқда — муаллифлар) бизга берган ўша имкониятидан кенг фойдаланиб хом ашё етиштиришни ва биринчи ўринда пахтачиликни тиклашдан иборатдир. Пахтачиликни тиклаш вазифаси алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, бу ерда масала фақат Туркистоннинг келажаги устида эмас (Туркистоннинг келажаги яна узоқ вақт унинг хом ашё имкониятлари билан белгиланади), балки бизнинг (бу ерда Марказ кўзда тутилмоқда — муаллифлар) тўқимачилик саноатимизни гуллаб—яшнаши ва шунингдек, биз хорижий мамлакатларга чопиб борадиган ёки республикамизнинг ички кучларидан фойдаланиш эвазига ўзимизнинг хўжалигимизни тиклаймизми, шунинг устида боради".

Файзулла Хўжаев ўз маърузасида қатнашчиларни Бухоро Халқ Республикасидаги иқтисодий аҳвол билан батафсил таништиради. Нотиқ Бухоро мамлакатининг иқтисодий даро—

мади ва бойлиги Биринчи жаҳон уруши ва инқилобгача асосан тижоратдан келганлигини таъкидлайди. Ҷзи кучли иқтисодчи бўлган Ф.Хўжаевнинг айтишича, Бухоро Ўрта Осиёдаги савдо — сотиқнинг маркази бўлган. Бухоро бир томондан Афғонистон, Эрон, Туркия, Хитой билан, иккинчи томондан Туркистон ўлкаси ва Хива хонлиги билан, учинчи томондан Россия ва у орқали Фарбий Европа давлатлари билан савдо — сотиқ қилган. Ф.Хўжаев маърузанинг кейинги қисмида Бухоро иқтисодининг гурли масалалари: пул ислоҳоти, банклар тизими, бюджетдаги молиявий аҳвол тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Адолат юзасидан айтганда, Ўрта Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашуви тўғрисидаги фикрни бошида Ф.Хўжаев қўлаб — қувватламаган эди. Чунки у иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳатто минтақа халқ хўжалиги истиқболлари тўғрисида қарор қабул қилишгача бўлган ишлар Марказ қўлига ўтаётганлигини энг аввало сезган ва бу маккор сиёсат оқибатларини чуқур тушунган давлат арбоби эди. Шунинг учун ҳам Ф.Хўжаев конференцияда сўзлаган бошқа нутқида Бухоро томонидан Россия ва Туркистонга етказиб бериладиган молларга аниқ товар эквиваленти белгилаш зарурлиги тўғрисида ташвишланиб гапирди. У РСФСР вакили Любимовнинг уч республикадаги молия тизимини бутунлай Марказ қўлига топшириш керак, деган фикрини асосли равишда кескин танқид қилди. Шундай бўлишига қарамасдан, уч республикада ягона пул системасини жорий қилиш ва уни РСФСР Давлат банкига тобе қилиб қўйиш масаласи конференцияда кўриб чиқилди.

Конференцияда уч республикадан келган вакиллар ўз давлатларидаги иқтисодий аҳвол билан анжуман қатнашчиларини батафсил таништирдилар. Уларнинг нутқларида уч республиканинг моддий ва маънавий бирликка эга эканлиги қайд этиб ўтилди. Ҳатто Хоразм МИК вакили Отажонов ўз нутқида "балиқ сувсиз яшай олмаганидек, биз ҳам Россия ва Туркистонсиз яшай олмаймиз", деб гапирди. Вакиллар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги (асосан пахтачилик), ирригация, саноатни тиклаш учун зарур эканлигини таъкидлашди. Ўрта Осиё иқтисодий районидаги қишлоқ хўжалиги ва саноатни Россия халқ хўжалиги билан бирлаштириш кераклиги конференцияда алоҳида кўрсатиб ўтилди. Чунки бу пайтга келиб алақачон СССР тузилган ва унинг тимсолидаги Россия ўз ҳудудларини кенгайтиришни бошлаб юборган эди.

Конференцияда Туркистон ХКС раиси Т.Рисқулов ташкилий масала бўйича маъруза қилиб, уч республикани иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришни асослашга ҳаракат қилди. Марказ вакили Любимов ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Рудзутак конференцияда бу хусусда сўзлашни айнан маҳаллий миллат вакили Рисқуловга топширгани характерли ҳолдир. Рисқуловнинг нуфузи ўша пайтда туркистонликлар ўртасида жуда баланд эди.

Т.Рисқулов ўз маърузасида қуйидагиларни кўрсатиб ўтган эди: "Районалаштиришнинг мақсади ва асоси шундан иборатки, биз чоризм давридагига қараганда давлат қурилишида катта ўзгаришлар қилишни хоҳлаймиз. Биз бу ўзгаришлар мамлакат иқтисодиётида амалга ошишини, яъни қишлоқнинг шаҳар билан алоқаси яхшиланишини хоҳлаймиз. Иқтисодий районларнинг Маркази фабрика – заводларнинг марказлари бўлиши шарт: бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса комбинациялашган хўжалик ташкил қилишдир. Чоризм ҳукумати даврида сиёсат бошқа томонга йўналтирилган эди. Метрополия ва чекка ўлкалар – мамлакатлар мавжуд бўлиб, улардаги хом ашё Марказга жўнатилади. Лекин эндиликда, райолаштириш принципида, бошқа шароитлар юзага келади: бу ердаги маълум иқтисодий районларда нафақат ер ости бойликларини қазиб олувчи саноат, балки қайта ишловчи саноат билан ҳам шу – гулланиш, шу ернинг ўзида хом ашёни завод ва фабрикаларда қайта ишлаш мумкин ва бундай қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу завод ва фабрикаларни фақат Федерация марказида ташкил қилиш шарт эмас".

Рисқулов Ўрта Осиё республикаларини иқтисодий бирлаш – тиришда етакчилик роли Туркистон республикаси зиммасига тушишини таъкидлаб, буни саноат кўп тармоқлари шу ерда қурилганлиги, темир йўл устахоналари, нефт ва кўмир конларининг мавжуд эканлиги билан изоҳлайди.

Ниҳоят, конференциянинг 1923 йил 9 мартда бўлган охириги мажлисида Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларини иқтисодий жиҳатдан бирлаштириш тўғри – сида қарор қабул қилиниб, **Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши – Средаз ЭКОСО** ташкил қилинди. Конференцияда ўн кишидан иборат Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши Президиуми тузилди. Унга РСФСРдан 1 вакил (Любимов), Туркистондан 4 вакил (Хидиралиев, Паскуцкий, Прибытков, Рисқулов), Бухородан 3 вакил (Ота Хўжаев ва б.), Хоразмдан 2 вакил (Якубов, Сар –

сонбоев) сайланди. Иқтисодий Кенгаш раиси қилиб Турк ЭКОСО нинг бошлиғи С.Паскуцкий тайинланди.

Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг ихтиёрига уч республикаликнинг хўжалик режаларини кўриб чиқиш ва уйғунлаштириш, барча Ўрта Осиё республикалари учун умумий қонуи формаларини ишлаб чиқиш, савдо ва молия сиёсатига умумий йўналиш бериш масалалари кирар эди. Кенгаш транспорт, алоқа, мелиорацияни яхшилашга оид ишларнинг умумий йўналишини белгилаб берар, шунингдек, ўлкадаги хом ашё ва ёқилғи ресурсларини ҳисобга олиб, уларни Марказга жўнатиш учун тайёрлаб кўяр эди. Бир сўз билан айтганда, бу кенгаш вазифасига Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари халқ хўжалигини мустақкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, Ўрта Осиё аҳамиятига эга бўлган иқтисодий масалаларни мувофиқлаштириш юклатилган эди.

Конференция қабул қилган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ҳақидаги низомда Туркистон, Бухоро ва Хоразм иқтисодий кенгашлари Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши ўрнатган низом асосида ҳаракат қилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, бу кенгаш СССРнинг Меҳнат ва мудофаа кенгаши ташкилий структурасига кириши ва унинг умумий директивалари асосида фаолият кўрсатиши алоҳида таъкидланди.

1923 йилда маҳаллий пул системаси ўрнига уч республикада ягона валюта — червон сўм жорий қилинди. Шу билан бир қаторда республикаларнинг банк системаси РСФСР банк системасининг бир қисмига айланди.

Чор Россияси томонидан бошланган минтақа бозорларини эгаллаб олиш сиёсати, ниҳоят, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгашининг тузилиши билан, совет даврига келиб ўзининг машғум ниҳоясига етди. Шунингдек, Марказ ўзининг хом ашёга бўлган чексиз эҳтиёжини Туркистонда етиштирилган маҳсулотлар билан бир қадар қондирди.

Турк ЭКОСО ва Средаз ЭКОСOnинг тузилиши, НЭП сиёсатини қўллашдаги айрим чекланишларга қарамасдан Туркистон республикаси халқ хўжалиги секинлик билан бўлса ҳам ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Миллий университетининг Р.Ҳ.Муртазаева раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлари томонидан ёзилган "Ўзбекистон тарихи" китобида айтилишича, 20-йилларнинг бошларида жорий этилган янги иқтисодий сиёсат Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодиётида жонланишга олиб келди. Лекин 20-

ланиши натижасида савдо — сотиқ ривожланишига кучли зарба берилди, туркий халқларнинг минг йиллардан буён давом этиб келаётган анъаналари ва урф — одатлари таҳқирланди. Оқибатда пахта экиладиган майдонлар миқдори қисқарди, унинг ҳосилдорлиги пасайди, пахта толасининг сифати бузилди.

1917—1918 йилларда пахта экиладиган майдонлар миқдори 445.771 десятинага камайиб кетди. Бундай ҳолат юз беришига юқорида кўрсатилган сабаблар билан бир қаторда ўлкадаги очарчилик ва урушнинг давом этиши ҳам маълум даражада ўз ролини ўйнайди.

Д.Алимова раҳбарлигидаги бир гуруҳ тарихчи олимлар томонидан ёзилган “Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари” китобида таъкидланишича, “Туркистонда национализация қи — линган пахта ишлаб чиқариш саноатида катта миқдордаги хом ашё ва мол — мулк тўпланиб қолган эди. Ҳужжатларда келтирилишича, 1917 йил Туркистон ўлкасида қуйидаги миқдорда заҳирадаги хом ашё мавжуд эди:

1. Пахта тозалаш заводлари — 259 та.
2. Пахта хом ашёси — 3.000.000 пудга яқин.
3. Пахта толаси — 4.398.000 пудга яқин.
4. Чигит — 2.000.000 пуд.
5. Лингер (чигитда қоладиган қисқа тола) — 265.400 пуд.
6. Чахбута (дезинфекция қилинган эски чигитлар) — 103.000 пуд.

7. Жут — 15.000.000 аршинга яқин». (Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. (Т., Шарқ, 2000, 220—221 — бетлар.)

Туркистонда пахта етиштириш ва уни Москвага ташиб кетиш кучли марказлашган орган орқали амалга оширилди. Туркистон ХХМКнинг Пахта бўлими ўзининг бутун эътиборини пахта ишлаб чиқаришни марказлаштиришга қаратди. Бўлим амалда олий орган сифатида 1920 йил охиригача шу соҳани бошқарди.

Пахта толаси маҳаллий саноат эҳтиёжларига ишлатил — масдан фақат Марказдаги тўқимачилик корхоналари учун жўнатилаар эди. Туркистон Советларининг VII фавқулодда съездида (1919 йил март) таъкидланишича, пахта мусодара қилингандан кейин қисқа муддат ичида ўлкада РСФСР ХХОК ихтиёрига Оренбург йўналишида 723 вагон, Красноводск

йўналишида 668 вагон, жами 1.391 вагон пахта толаси жўнатилаган.

Бошқа бир маълумотда келтирилишича, 1918—1919 йилларда Туркистондан Марказга жами 2.151 вагон пахта толаси жўнатилаган. Бу пахта толасининг 1.310 вагони 1918 йилда (Оренбург йўналишида 596 вагон, Красноводск йўналишида 714 вагон), қолган 841 вагон 1919 йилда Оренбург тикини бўлмасдан аввал Марказга жўнатилаган.

Оренбург тикини тугатилгач эса, Туркистондан Марказга қунидаги миқдорда пахта толаси жўнатилади:

Ойлар	Красноводск йўналиши бўйича	Оренбург йўналиши бўйича
Январ—май	—	443 вагон
Июн	131 вагон	549
Июл	389	1149
Август	405	814
Сентябр	197	795
Октябрь	382	189
Жами:	1504 вагон	3.939 вагон

Демак, фақат 1919 йилнинг иккинчи ярмида Туркистондан Россияга 5.443 вагон пахта толаси олиб кетилди.

Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1920 йил Туркистондан Марказдаги тўқимачилик фабрикаларига 8.565 вагонда 4.283.000 пуд пахта толаси жўнатилаган. Бундан ташқари Россияга 1919 йил 3.150.000 пуд ва 1920 йил 2.728.000 пуд хом пахта ҳам жўнатилади.

Туркистонда ишлаб чиқарилган хом ашёни сотиб олишнинг барчаси Марказда ишлаб чиқилган низом асосида йўлга қўйилар эди. Пахта хом ашёсини сотиб олиш ҳам белгиланган қатъий нарх ва қатъий режа асосида амалга оширилдики, бундай қаттиққўллик билан марказлаштириш сиёсати ўша 20—йиллар совет сўмининг мислсиз қадрсизланиши — пулнинг сулперинфляцияси шароитида бор йўғидан ажралган деҳқонни яна ҳам хонавайрон бўлишига олиб келди.

Пахта харид нархининг ўта пастлиги энг аввало ули етиштирувчи пахтакор деҳқонлар манфаатига зид эди. 1919 йил бошида биринчи навли пахта 1 пудининг харид баҳоси 80 сўм қилиб белгиланди. Галла ўрим—йиғими даврида энг ҳосилдор Фарғона водийсида 1 пуд буғдойнинг нархи эса 55—60 сўм

бўлган. Лекин бу нарх узоқ турмай, кўтарилиб кетган. Январ ойига келиб кўп жойларда 1 пуд бугдойнинг нархи 200 сўмгача чиқиб кетган. Пахтага белгиланган қатъий нарх ўзгармагани ҳолда ғалланинг нархи кундан кунга ўсиб бораверган.

Пахта харид нархининг ўта паст баҳоланиши табиий равишда уни етиштиришга салбий таъсир кўрсатди. Бироқ совет ҳокимияти пахтакорлардан ни ма қилиб бўлса ҳам кўпроқ пахта етиштиришни талаб қилади. Пахтакор деҳқон кооперативларининг II съездида (1920 йил феврал) Пахта бўлими бошлиғи Гуревич уларга қарата шундай деган эди: "Агар бу йил пахта экмасангизлар бу оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Келгуси йилда чигит ҳам, мануфактура ҳам, пахта ёғи ҳам бўлмайди. Сизлар натижада оч ва яланғоч қолишингиз мумкин. Пахта бўлими турли кимсаларнинг пахта экишни қўйиб, қовун — тарвуз экинг, деган маслаҳатларига сизлар қулоқ солмайсиз, деб умид қилади".

Турккомиссия аъзоси Я.Рудзутак съездда Марказ фикр — ларини янада аниқроқ баён қилган эди: "Агар биз Россияни хом ашё билан таъминласак, у бизга бу маҳсулотларни қайта ишланган ҳолатда қайтаради".

Совет ҳокимияти раҳбарлари Туркистонда пахтачиликни юксалтириш учун бир қанча тадбирларни амалга оширишга мажбур бўлишди. Бунинг натижасида ўлкамиз аста — секин СССРнинг хом ашё базасига айлана бошлади.

1920 йил 2 ва 27 ноябрда РСФСР ҳукумати Туркистон ва Озарбойжон республикаларида пахтачиликни тиклаш тўғрисида иккита декрет қабул қилди. Бу қарорларда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш учун тезда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги вазифалар белгилаб берилган эди:

— пахта экиш билан шуғулланувчи коллектив ва якка хўжаликларга ердан ва сувдан фойдаланиш имтиёзларини бериш;

— пахтакор районлардаги ҳамма давлат ва жамоа хўжаликларида мажбурий алмашлаб экишни жорий қилиш, бу алмашлаб экишда экиннинг асосий қисмини пахта ташкил қилишига эришиш;

— аҳолини шартнома асосида ва топширган пахтаси учун маҳсулот алмашлаб бериш тариқасида озиқ — овқат ва кенг истеъмол моллари билан таъминлашни уюштириш;

— пахтачилик соҳасидаги мутахассисларнинг ҳаммасини, улар ҳозир қандай муассаса ва ташкилотларда ишлаб тур —

ганидан қатъи назар, пахтачилик хўжалигини тиклашга сафарбар қилиш.

Бу қарорларга мувофиқ 1920 йил 24 декабрда Россия Федерацияси ҳукумати Туркистон республикасида пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришнинг беш йиллик режасини ишлаб чиқди ва қабул қилди. Турккомиссия қарорига кўра 1920 йил декабрда Туркистон ХКС ҳузурида Туркистон Пахта қўмитаси тузилди. Янги ташкил қилинган Пахта қўмитасининг режасига кўра Туркистон 1921 йилдан бошлаб пахта экишни урушдан олдинги даражага етказиш мажбуриятини олди.

Пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришга раҳбарлик қилиш учун РСФСР ХХОК ҳузурида Бош пахта қўмитаси (Главхлопком) ҳамда пахтакор республикаларда Пахта қўмита — лари таъсис этилди. 1921 йил 13 сентябрда Меҳнат ва мудофаа кенгаши пахтачиликни, пахта тозалаш саноатини ва пахта тайёрлашни давлат йўли билан ташкил этиш тўғрисидаги ни — зомни қабул қилди. Ленин имзо чеккан низом пахтани давлат монополиясига олиш принципини узил — кесил тасдиқлади. Большевикларнинг “доҳийси” Ленин “пахта бу сиёсатдир”, деб бежиз равишда таъкидламаган эди.

Туркистон Советларининг тахминан шу вақтда бўлиб ўтган IX съездида РСФСР ҳукумати вакили Любимов Туркистонда ғалла етиштиришни бутунлай тўхтатиб, пахта етиштиришни кўпайтириш Марказ юритаётган сиёсий — иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди: “Туркистон Россия Федерацияси таркибидаги шундай бир ягона мамлакатки, унда поёб ва қимматбаҳо маҳсулот — пахта етиштириш мумкин. Шунинг учун Туркистон бутунлай пахта майдонига айлантирилиши керак. Лекин бу режа амалга ошиши учун Туркистон бошқа областлардан келадиган ғалла билан таъминланиши керак”.

1921 йил РСФСР ХХОК ва Тўқимачилик бошқармаси пахтакор деҳқон — кооператив хўжаликларига турли истеъмол моллари етказиб бериш ҳақида кўплаб ваъдалар беришди. Аммо бу ваъдаларнинг аксарияти амалга ошмади. Марказдан Туркистонга юборилган товарлар оз миқдорда бўлиб, бунинг устига кечикиб келарди.

Маълумки, 1921 йилда Туркистонда ҳам янги иқтисодий сиёсат жорий қилинган эди. Бу ҳолат ўлкада пахтачиликнинг жонланишига олиб келди, пахта экиладиган майдонлар кўпайди, ҳосилдорлик ошди. Қисқа қилиб айтганда, 1921 йилдан бошлаб

Туркистонда пахта етиштириш ва уни Марказга жўнатиш сезиларли равишда кўпайиб борди.

1921 йил Бош пахта қўмитасига 1.048.240 пуд пахта толаси жўнатишган эди. Бироқ Марказдаги корчалонларга бу миқдор — даги тола жуда кам туюлди ва улар қўшимча равишда яна Туркистондан пахта жўнатишни талаб қилишди.

1922 йилнинг бошларида Туркистондан Марказга Красноводск йўналиши бўйича 1.150 вагон (63.470 та той пахта), Оренбург йўналиши бўйича 1.547 вагон (85.030 та той пахта), ҳаммаси бўлиб 2.724 вагон (148.500 та той пахта) тола жўнатишди. Фақат шу йилнинг июн ойида Оренбург ва Красноводск йўналишлари бўйича 2.180 вагон пахта толаси Марказга юборилди.

1922 йил 16 майда Бош пахта қўмитаси ва темир йўллар комиссарлиги ўртасида 1922 йил мобайнида Туркистондан пахта ташиб келтириш ва у ердаги корхоналарга зарур маҳсулотлар етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномага кўра, темир йўллар комиссарлиги бутун йил давомида ҳар уч кунда иккита махсус эшелонда пахта толаси ташиб бериш мажбуриятини олди. Демак, Туркистондан деярли ҳар куни пахта толаси ортилган махсус поездлар состави Марказга жўнатиб турилган.

Бош пахта қўмитаси ва ХХОК Туркистонда қанча миқдорда пахта экилишини шахсан ўзлари назорат қилиб туришди. РСФСР ХХОК Туркистон республикасидаги пахтачилик аҳволини текшириб чиққан комиссиянинг маърузасини тинглаб, 1922 йил 1 январда қабул қилган қарорида пахтага бўлган давлат монополиясини сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади.

Пахтакор деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини таъминламасдан туриб ўлкада пахта етиштиришни кўпайтириш мумкин эмаслигини ниҳоят Марказдаги "мутасадди ўртоқлар" тушуниб етишди. Пахтанинг харид нархи оз бўлса ҳам оширишди. Пахтакор деҳқонларнинг илгариги иттифоқи ўрнига қишлоқ хўжалик кооператив ширкатлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пахтачилик кооперацияси вакиллари 1922 йил февралда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис съезди пахтачилик органларининг пахтакорлар билан ўзаро муносабатларидаги янги системани маъқулади. Деҳқонлар иттифоқи Пахтакорлар қишлоқ хўжалиги ширкати (Туркхлопсоюз) га айлантирилди. Съезд 1922 йилда пахта экишни ташкил этиш тўғрисида коо —

перация билан Туркистон Пахта қўмитаси ўртасида тузилган шартномани тасдиқлади.

Туркистон Советларининг XI съезди (1922 й. 2–6 декабр) республикада пахтачилик ва пахта саноатини ривожлантириш бўйича 19 баъдан иборат резолюция қабул қилди.

Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш муаммолари ўрта Осиё республикалари I иқтисодий конференциясида ҳам муҳокама қилинган эди. Конференцияда Бухоро республикаси деҳқончилик ишлари халқ нозири Ҳожи Сафо Жўрабоев пахтанинг харид нарҳига тўхталиб шундай деган эди: "Бу ерда Би-рюшев (Туркистон Пахта қўмитаси раиси — муаллифлар) таъкидлашича, бизда барча чоралар кўрилди деб айтилмоқда, амалда эса ундай бўлмапти. Уч республика: Туркистон, Бухоро ва Хоразмда пахта тургани ҳолда Россия чет эздан пахта сотиб олмақда. Биз биламизки, Бухорода 1 пуд пахтага жанжал билан зўрға 10 сўм тўланаётган пайтда Россия чет эздан олтин валюта ҳисобида 28 сўмдан шунча пахта сотиб олмақда. Хориждаги пахтадан Туркистон ва Бухоро пахтасининг нима фарқи бор? Бундай шароитда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида гапириш у ёқда турсин, ҳатто буни орзу қилиш мумкинми?"

Бу конференцияда бошқалар ҳам пахтачилик соҳасида тўзатилиши лозим бўлган камчиликларга, шунингдек, ер-сув ислоҳотига атрофлича тўхталиб ўтдилар. Айниқса, ер-сув ислоҳотида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар анча тўпланиб қолган эди.

Ниҳоят, 1923 йил 3 августда СССР ҳукумати қарори билан Бош пахта қўмитасига ички бозордан 10 млн. пуд хом пахта ва 3 млн. пуд пахта толаси сотиб олиш вазифаси топширилди. Бу вазифани амалга ошириш учун Бош пахта қўмитасига 20 млн. сўм (червон) ажратиш ва унга кредит тарзида 14 млн. сўм белгилашга қарор қилинди. Шу мақсадда пахта етиштирувчи Туркистон ва Закавказье республикаларида аҳоли эҳтиёжи учун 8 млн. пуд ғалла, 227 вагон (50 млн. аршин) мануфактура, 110 вагон шакар, 32 вагон чой, 150 вагон шиша ва идиш-товоқлар, 40 вагон резина буюмлар (калиш ва б.), 300 вагон ёғоч жўнатиш режалаштирилди.

1923 йил Туркистон республикасида 147.022 десятина ерга чигит экилди, бу рақам 1922 йилдагидан 95.594 десятина кўп эди. Аммо шуни айтиш керакки, пахта ҳосилдорлиги ошмай қолаверди ва 1923 йилда атиги 7 центнерни ташкил қилди.

1923 йилдан бошлаб пахтакорларнинг мапфаатдорлигини оширишга эътибор берилди бошланди. Шу йилдан бошлаб пахта

етиштиришдан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи бекор қилинди. Буларнинг барчаси СССРнинг пахта мустақиллигини тезроқ таъминлашга қаратилган тадбирлар эди. Аслида Марказ томонидан берилаётган айрим имтиёзлар меҳнаткаш ўзбек деҳқонининг қарамлигини оширар, ўлкада пахта яккаҳокимлиги тобора чуқурроқ иддиз отиб, у пахта монокультурасига айланаётган эди.

Туркистондаги маҳаллий давлат арбоблари ва миллий зиёдилар пахта яккаҳокимлигига қарши имкониятлари доирасида кураш олиб борар эдилар. 1923 йил июн ойида Москвада бўлиб ўтган РКП(б) МК миллий республикалар ва вилоятлар масъул ходимлари иштирокидаги 4-кенгашда Туркистон ва Бухоро республикаларининг раҳбарлари Т.Рискулов, Ф.Хўжаев, И.Хидралиев, А.Икрамов, С.Хўжанов ва бошқалар Россиянинг совет ҳокимияти йилларидаги сиёсати босқинчиликдан иборат эканлигини, унинг моҳияти чор Россиясининг шовинистик мустамакачилик сиёсатидан ҳеч фарқ қилмаслигини алоҳида таъкидладилар. Уларнинг ҳаққоний равишда кўрсатишларича, Россия 1917 йилгача ва ундан кейин ҳам фақат бир нарса учун — пахта ва бошқа бойликларни Туркистондан Марказга тезроқ ва кўпроқ ташиб кетиш учун курашди. С.Хўжанов ва А.Икрамов кенгашда сўзлаган нутқларида, “ҳозирги Туркистон билан чор Туркистони ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, фақат вивескаси ўзгарди, холос”, деб таъкидлаган эдилар. Кенгашда 10 июнда нутқ сўзлаган РКП(б) МК Бош котиби И.В.Сталин уларнинг бу чиқишларини қаттиқ қоралайди.

Совет ҳокимияти Туркистоннинг қазима бойликлари ва барча хом ашё маҳсулотларидан унумли фойдаланишга интилди. Туркистон республикасида Марказга пахта хом ашёсидан ташқари доимий равишда қорақўл тери ва тери маҳсулотлари, мўйна, жун, пилла, қуруқ мева ва бошқалар ташиб кетилди. Марказнинг бу сиёсатини ўзича оқлаб, Туркистон Советларининг X съездида (1921 й. август) Асаткин шундай деган эди: “Биз қачонки Туркистон қишлоқ хўжалиги тўғрисида гапирар эканмиз, уни фақат Туркистон учунгина эмас, балки федерациянинг (Марказнинг — муаллифлар) хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини назардан чиқармаслик керак. Биз Туркистон пахта ватани ва тери хом ашё базаси эканлигини унутмаслигимиз керак”.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Туркистоннинг хом ашё базасига айлантирилишдаги асосий босқич Оренбург тикини тугатилгач, йўлга қўйилган эди.

Турккомиссия раисининг ўринбосари В.Куйбишев 1920 йил июл ойида Ташқи савдо бўлими ҳақидаги низомни тасдиқлади. Турккомиссия таркибидаги Ташқи савдо бўлими ваколатига шу соҳа билан боғлиқ барча фаолият ҳисоб – китобларини марказлаштириш, амалга ошириладиган операцияларни молиявий таъминлаш ва бошқа вазифалар кирар эди. Демак, Туркис – тондаги бутун савдо – сотиқ ишлари Турккомиссия қиёфасида Марказ қўлида тўпланди.

Туркистонга тайёр маҳсулотлар келтириб, хом ашёни ташиб кетиш механизми қарор топди. Туркистондаги давлат ва кооператив ташкилотлар 1922 – 23 йилларда 24.159.882 сўмлик, 1923 – 24 ҳўжалик йилининг фақат 1 – ярмида 39.316.421 сўмлик товар жўнатиш ва келтириш операцияларини бажарганлар.

1920 йил 20 апрелдаги маълумотга кўра, Давлат савдо бош – қармаси ва унинг ўрта Осиё республикаларидаги бўлимлари сони 364 та бўлиб, 88 таси марказий ва 276 таси маҳаллий савдо шохобчалари эди. Ташқи савдо комиссарлиги ва унинг республикалардаги бўлимлари ўз ишларида мустақил бўлиб, фақатгина Марказга ҳисобот беришар эди.

Туркистондан ташиб кетиладиган хом ашё бойликлари ичида тери хом ашёси асосий ўрин тутди. Қоракўл тери, қўй, эчки, сигир, от, туя терилари ҳамда барча турдаги қимматбаҳо мўйна маҳсулотлари: тулки, бўрсиқ, бўри терилари ва турли хил жунлар Марказга жўнатишган.

1921 йилга келиб Туркистон республикасидаги барча тери ошловчи заводлар “Марказтери” ва унинг органлари ихтиёрига берилди. Тери маҳсулотларини Марказга жўнатиш сезиларли даражада кўпайди. 1921 йилда Туркистонда Россияга зудлик билан жўнатишга 1.997.998 дона турли хил тери хом ашёси тайёрлаб қўйилди. Аслида Самарқанд, Фарғона, Закаспий, Сирдарё, Етгисув вилоятларидан 1921 йил Марказга 2.035.442 дона тери олиб кетилди.

Хом ашёни тайёрлаш ва жўнатиш “Марказтери” ташкилотининг Туркистондаги бошқармаси фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. 1922 йилга келганда бу ташкилотнинг 19 та бўлими бўлиб, улар қуйидаги шаҳарларда жойлашган эди: Жаркент, Гавриловка, Лепинск, Олмаота, Қармоқчи, Мерка, Казалинск, Туркистон, Полторацк (Ашқобод), Пахтаобод, Авлиёота, Фарғона, Тўрткўл. Бошқарманинг ҳисобот режасида хом ашё тайёрлаш ва йиғиш асосий ўринини ташкил қилиб, тўпланган маҳсулотлар Москва, Петроград, Ботуми каби шаҳарларга ва Нижний Новгород ярмаркасига жўнатишган.

Хом ашё тайёрлаш бошқармаси 1923 йил 1 октябрдан 1924 йил 1 октябргача, яъни 1923—24 хўжалик йилида турли хил тери маҳсулотларидан жами 137.140 дона, чорва моллари ичак — ларидан 1.009.441 дона, қимматбаҳо мўйна терисидан 346.952 дона тайёрлади ва Марказга жўнатди.

Бошқарма томонидан 1922—23 ва 1923—24 хўжалик йилларининг 9 ойида тайёрланган чорвачилик маҳсулотлари хом ашё миқдорининг бир—бирига нисбатини таҳлил қилиш бу соҳада талабчанлик йилдан йилга ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Туркистон ХХМКга юкланган вазифалардан асосийси Марказни хом ашё билан таъминлаш эди. Уша даврга оид ҳужжатларнинг бирида келтирилишича, "Туркистон ХХМК омборларида Марказга жўнатиш учун қуйидаги миқдорда хом ашё тайёрлаб қўйилган:

Тери ва тери маҳсулотлари	— 5.000.000 дона;
От ёллари	— 10.000 пуд;
Қўй ичаклари	— 1.000.000 дона;
Қорамол ичаклари	— 500.000 дона

Туркистонда нафталиннинг бутунлай йўқлиги хом ашёни яроқсиз ҳолга келтириб қўяди, шунинг учун шошилишч 3.000 пуд нафталин зарур".

Архив ҳужжатларидан бошқа бирида келтирилишича, "Пахта бўлими 1921 йил 1 январгача 3.311.728 пуд пахта қайта ишлаб чиқарган, шундан 905.954 пуд тола, 21.752 пуд линтер пахтаси, 2.190.031 пуд чигит олинди ва Марказга 6.415 вагон пахта толаси жўнатилди. 1921 йил январда 6.500 вагон тола жўнатишга тайёрлаб қўйилди.

Транспорт — Материал бўлими Марказга 6 ой ичида 2.909 вагон пахта жўнатди, бир суткада ҳатто 121 вагон пахта жўнатишган. Марказга 450.701 пуд жун жўнатишган, ўлкадаги хўжалик ташкилотларига 14.802 пуд жун тарқатилган"

(Ўзбекистон МДА, 41 — фонд, 1 — рўйхат, 1701 — иш, 177 — 178 — варақлар).

Марказий Статистика Бошқармасининг расмий ҳисоб—китобларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Туркистон билан Россия ўртасидаги "товар айрибошлаш" ўлка ман—фаатларига мутлақо зид бўлган. Очарчилик гирдобида қолган Туркистонга келтирилган ғалла олиб чиқиб кетилганидан икки марта кам эди. 1920 йил Туркистондан бошқа озиқ—овқат маҳсулотлари 3 баравар, тўқимачилик хом ашёси 10 баравар кўп олиб чиқиб кетилди. Чорвачилик маҳсулотлари эса Марказга 5 баравар ортиги билан жўнатилди. Бу маълумотлар

бирни бериб, ўрни талаб кетадиган Россия учун Туркистон ҳам хом ашё базаси бўлганлигини, ҳам яшаш учун тиргак вазифасини бажарганлигини яққол кўрсатади. Туркистондан, кейинчалик Ўзбекистон ССРдан Марказга олиб кетилган хом ашё ва бошқа маҳсулотлар СССРнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратини оширишда муҳим рол ўйнади.

Туркистонга келтирилган тайёр маҳсулотлар билан Марказга жўнатилган хом ашё ўртасидаги тафовут жуда катта миқдорни ташкил қилади. Масалан, Туркистонга 1918—1920 йилларда 13.720.000 сўмлик турли хил саноат моллари келтирилган бўлса, шу даврда бу ердан Марказга 31.651.000 сўмлик хом ашё жўнатилган. Пахта толаси мануфактурадан деярли 20 баробар, хом ашё эса 9 баробар кўп олиб кетилган. Пахта, тери хом ашёси ва ҳайвон ичаклари, қуруқ меваларга қатъий нарх жорий қилинганлигини эътиборга олсак, бу ўринда фойданинг асосий қисми Марказда қолиши шак — шубҳасиз равшан бўлади.

РСФСРдан Туркистонга келтирилган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни жиқдий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, келтирилган юклар ўлка саноатини тиклаш ва ривожлантириш учун мўлжалланмаган бўлиб, аксинча унинг Марказга қарамалик хусусиятини тобора мустаҳкамлаган. Товарларнинг асосий қисми Турккомиссия номига келганлиги ўша йилларда Туркистон учун муҳим аҳамиятта эга бўлган маҳсулотларнинг тақсимооти ва ихтиёри Марказ ташкилоти қўлида эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, октябр тўнтариши Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини асло ўзгартирмади. Ўлка ҳам сиёсий жиҳатдан, ҳам иқтисодий жиҳатдан Марказга бутунлай қарам қилиб қўйилди. Мустабид совет режимининг Туркистон халқ хўжалигини бошқаришдаги марказлаштириш сиёсати натижасида минтақа аввал РСФСР, сўнгра СССРнинг хом ашё базасига айлантирилди. Туркистон республикасида Марказга пахта, пилла, қоракўл тери, жуп, қуруқ мева ва бошқа қимматбаҳо хом ашё маҳсулотлари доимий равишда ташиб кетилади. Ўлка қишлоқ хўжалиги пахта яккаҳокимлигига асосланиб, асрлар давомида мавжуд бўлган деҳқончилик тажрибаси инкор қилинди. Большевиклар Туркистонни бепоен пахта плантациясига айлантириб, бу ерда буғдой, шоли, узум ва турли мевалар етиштиришни ҳаддан ташқари камайтириб юбордилар. Туркистон республикаси, кейинчалик Ўзбекистон СССРнинг пахта мустақиллигини таъминлашда муҳим рол ўйпаб, узил — кесил равишда хом ашё отказиб берувчи аграр ўлкага айланди.

IV БОБ. ТУРКИСТОНДАГИ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ

4.1. Истиқлолчилик ҳаракатининг моҳияти

Туркистонда октябр тўнтаришидан кейин содир бўлган воқеалар жараёни шуни кўрсатадики, большевиклар ўрнатган совет режими ўлка халқларига нафақат мустақиллик, ҳатто миллий мухторияни ҳам раво кўрмади. Мустақиллик осонликча қўлга киритилмаслигини тушуниб етган миллий ватанпарварлар қўлга қуроли олиб, большевиклар ва босқинчи қизил армияга қарши **истиқлолчилик ҳаракатини** бошлаб юбордилар. Совет режими ва коммунистик мафкура ҳукмронлиги йилларида уларга "босмачи" деб ноҳақ тамға босилди.

Ушбу ўринда "босмачи" сўзининг моҳияти ҳусусида тўх – талмасдан ўтиб бўлмайди. "Босмачи" сўзи аслида "босмоқ" феълидан олинган. Аслини олганда Фарғона водийсида, умуман, бутун Туркистон ҳудудида подшо ва советлар Россияси – большевикларга қарши қуроли кураш олиб борган туркистонликлар ўзларини "босмачилар" деб аташмаган. "Босмачи" деб халқ ўртасида ҳарбий соҳага алоқаси бўлмаган жиноятчи унсурлар, "ўғри" ва "безорилар тўдаси" тушунилган. Шу билан бирга бировларнинг юртини босиб олган босқин – чиларни ҳам "босмачилар" деб аташ манғиқан тўғри келади. Бу ҳаракат ҳақида сўз юритилган 1918–1919 йилларнинг ўрталаригача бўлган даврга тегишли архив ҳужжатларида ҳам "бос – мачи" сўзи учрамайди. Бу ҳужжатларда "қароқчи" (разбойник), "шайка", жуда бўлмаса "босқинчи" (бандит) иборалари қўлла – нилган. 1919 йилнинг ўрталаридан бошлаб аввал совет вақтли матбуотида, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда "бос – мачи" иборасини қўллаш бошланган. "Босмачи" ва "бос – мачилик" иборалари миллий озодлик ҳаракатининг моҳиятини пасайтириш, аждодларимизнинг Россия зулми ва большевиклар ҳукмронлигига қарши олиб борган қонли кураш – ларини хаспўшлаш учун буюк давлатчи – шовинистлар томонидан ўйлаб топилди ва "бандитлик", "қароқчилик" сўзлари билан асоссиз равишда бир қаторга қўйилди. Коммунизм мафкурачилари ва уларнинг маддоҳлари ҳатто 1917 йилгача бўлган миллий озодлик ҳаракатларини ҳам кўп ҳолларда шу атама билан номладилар.

Хайриятки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, "босмачи" ёрлиги ёпиштирилган ота — боболаримиз — нинг муборак номлари **истиқлолчилар** сифатида намоён бўлди.

Истиқлолчилик ҳаракати "Туркистон мухторияти тор — мор қилиниши билан бошланганлиги" деяли барча тарихчиларнинг асарларида эътироф қилинади. Аслини олганда, мухторият ҳукумати ағдариб ташланмаганида ҳам ёки бу ҳукумат ҳатто мутлақо бўлмаганида ҳам истиқлолчилик ҳаракатининг вужудга келиши табиий бир ҳол эди. Зотан, бу даврда Туркистонда вужудга келган ижтимоий — сиёсий вазият истиқлолчилик ҳаракатининг бошланишини муқаррар қилиб қўйган эди. Чунки Туркистонда истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши учун мухториятнинг тор — мор қилиниши билан бирга бошқа бир қатор жиддий сабаблар ҳам мавжуд эди.

Биринчидан, 1917 йилда содир бўлган октябр тўнтариши ва бунинг натижасида ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар томонидан илгари сурилган коммунистик мафкура Туркистон халқлари учун мутлақо ёт тушунча эди. Маҳаллий аҳоли бу ғояни аввал бошданоқ ўзига сингдира олмади ва унга қарши турди.

Иккинчидан, совет ҳукумати ўрнатилган дастлабки кунданоқ ҳокимиятни бошқаришга маҳаллий халқ вакиллари жалб қилинмади, уларнинг миллий ғурури, ҳақ — ҳуқуқи инкор қилинди. Туркистонда ўрнатилган большевиклар тузуми чор Россия мустамлакачилигининг янги шакли эканлиги ўша дастлабки кунларданоқ ошкор бўлган эди.

Учинчидан, янги тузум ўрнатилган кунданоқ маҳаллий халқнинг асрлар давомида шаклланган урф — одатлари, миллий қадриятлари топталди. Қози судлови бекор қилинди, вақф ерлари тортиб олинди, мулкчиликнинг барча шаклига чек қўйилди.

Туркистон Мухториятининг тутатилиши истиқлолчилик ҳаракатининг бугун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир туртки вазифасини ўтади, холос. Чор Россиянинг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар Туркистонда биринчи бўлиб большевиклар режимига қарши қуролли курашга отландилар. Шу тариқа, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча режимга қарши истиқлолчилик ҳаракати 1918 йил феврал ойининг охирида бошланган эди.

Истиқлолчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар эди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бири — нинг эътироф этишича, истиқлолчилик ҳаракатига асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар қатнашди. Уларга шаҳар аҳолисининг аксарият қисми: ўзига тўқ бадавлат оилаларнинг вакиллари, савдогарлар, ислом дини арбоблари ҳамда баъзи бойлар қўшилди. Истиқлолчилар сафида оқ — қорани тушунган саводхон кишилар — зиёдилар ҳам кўпчиликни ташкил қиларди ва улар жаҳидлар орасидан ажралиб чиққан Туркистон мунавварлари ва муборизлари эди. Бир сўз билан айтганда, истиқлолчилар сафида халқнинг барча табақасига маъсуб кишилар бор эди.

Дастлабки истиқлолчи гуруҳларнинг ташкил топиши Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан боғлиқдир.

Туркистон Мухторияти ҳукумати қўшинига бошчилик қилган **Кичик Эргаш** қўрбоши 1918 йил 19 — 21 февралда Қўқон шаҳрида қизил аскарларга қарши бўлган "икки кунлик уруш натижасида малубиятга учради, унинг 2.000 кишилик армиясидан омон қолган икки юзга яқин киши Кичик Эргаш раҳбарлигида Қўқон уездидаги Бачқир қишлоғига (Қўқондан 18 чақирим шимоли — шарқ томонда) жанг билан чекинишди". Ўзининг киндик қони тўкилган Бачқир қишлоғида Кичик Эргаш йигитлари билан қалъа шаклида истеҳком қуриб, мустаҳкам ўрнашиб олди. 26 феврал куни Бачқирга 5 та қизил гвардиячилар отряди ва дашноқлар дружинаси ҳужум қилишди. 27 февралда бўлган жанглارнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш қўрбоши Фарғона водийсида большевикларнинг мустамакачилик тартибига қарши кураш бошлади. Совет ҳокимияти ва большевикларга қарши миллий истиқлол ҳаракатини ташкил қилиш энди унинг зиммасига тушади.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир — биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ қўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездида, Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Полвон, Қобул, Сотиболди Қози ва Раҳмонқул Намаган уездида, Парпи қўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат қўрбоши Қўқоннинг Бувайда қишлоғида, Умар — Чоли Урганжи қишлоғида, Жонибек Қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новқатда ҳаракат қилмоқда эди. ✓

Бу тарқоқ ҳолда бўлган истиқлолчилик ҳаракатини ягона қўмондонликка бўйсундириш ва биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида "Шўрои Исломия" ва "Шўрои Уламо" ташкилотлари аъзоларининг ташаббуси билан 1918 йил март ойининг охирида Бачқир қишлоғида Фарғонадаги бутун қўрбошиларнинг биринчи қурултойи чақирилди. Унда 40 дан ортиқ йирик қўрбошилар қатнашди. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг бошлиғи қилиб **Катта Эргаш** сайланди ва унга бутун мусулмон қўшинларининг Олий бош қўмондони — "Амир — ал — муслимин" унвони берилди. Катта Эргаш қўрбошининг ўринбосарлари қилиб Мадаминбек ва Шермухаммадбек тайинланди.

Умуман олганда, Фарғона водийсида 1918 йилнинг ўрта — ларига келиб, тахминан юзга яқин қўрбошилар ўз дасталари билан қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бормоқда эди. Лекин шу билан биргаликда айрим кичик гуруҳлар ўз манфаатлари йўлида тўнтаришдан кейинги тартибсизликлар ва бошбошдоқликдан фойдаланиб халқни талаш, бойлик орттириш мақсадида ҳаракат қилиб аҳоли орасида обрўсизландилар. Булар кичик — кичик гуруҳлар бўлиб, улар умумий истиқлолчилик ҳаракатига қўшимас, ўзлари мустақил ҳаракат қилар эдилар. Совет ҳукумати эса бундан усталик билан фойдаланиб, Туркистон халқлари ўртасида ҳақиқий истиқлолчиларни обрўсизлантиришга, уларга "босмачилар" деб тамға осишга ҳаракат қилар эди. ↘

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характери ва хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар ҳаракатдаги қўрбошилар дасталари ва гуруҳлари фаолиятида, уларнинг мақсад ва истакларида ўз ифодасини топган эди. Буларда ислом шариати қонун — қоидалари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузиш каби ғоялар мужассамлашган эди.

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг муҳим хусусияти шундаки, бу ҳаракатда мақсадлар, вазифалар қандай бўлишидан қатъи назар бошдан охиригача бир устувор ғоя — **Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги** ётади. Истиқлолчилик ҳаракати гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туришига қарамай, унда иштирок этувчиларнинг таркиби ўзгариб туришига ва иккиламчи манфаатлар ўртада турганлигига ҳамда объектив ва субъектив омиллар кучлар мувозанатига салбий

таъсир қилишига қарамай, ҳаракатнинг асосий моҳияти Туркистон мустақиллиги учун кураш бўлиб қолаверди.

Мадаминбек 1919 йил 11 мартда Фарғона fronti қўшинлари қўмондони М.В.Сафонов номига йўллаган мактубиде истиқлолчилар қандай мақсад йўлида курашаётганликларини, бу ҳаракатнинг моҳияти ва "босмачи" деб кимни айтиш кераклигини яққол кўрсатиб, қуйидаги сўзларни ёзган эди: "Гапнинг лўндасини айтсам, бизнинг халқимиз ўз турмушида Карл Маркс ёки большевиклар дастурини қўллаб кўриш даражасида ҳали онги ривожланмаган... Туркистонда бўлса, яна қайтараман, Сизлар қиладиган иш йўқ ва бу ерда зўравонлик билан душманлар орттирасиз, холос... Сиз Федерация тузилади деб эълон қилдингиз, сиз халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эълон қилдингиз, шундай экан, нега сиз уларни бизга бермайсиз? Ёки бизнинг фақат мусулмон бўлганлигимиз учунми? Бизга кўнглимиз тусаганча яшашга имкон беринг, майли сиз эълон қилган шиорларга биз амал қиламиз, бизларга ўзимиз хоҳлагандек бошқарув усулини танлашга имкон беринг, ахир биз — мусулмонлар кўпчиликни ташкил қиламизку. Аммо зўравонлик қилманг..." Шунингдек, Мадаминбек хатида ўзларини пролетариат ҳимоячиси ва капиталистларга қарши курашаётган қилиб кўрсатаётган қизил армия жангчилари ва командирларининг ҳақиқий босқинчилар тўдасига айланганликларини таъкидлаб, "...отряд бошлиқларининг биттасидан 20 миллион сўмаик мол — мулк топилган, ҳақиқий большевик — коммунист — босмачилар тўдаси бизнинг камбағал, ярим оч мусулмонларимиздан сўнги кўрпа ва кигизларини ҳам тортиб олишди", деб ёзган эди.

Истиқлолчилар курашининг ҳақиқий моҳиятини совет қўмондонлиги вакиллари ҳам эътироф қилишга мажбур бўлган эдилар. Туркистон фронтининг қўмондони, истиқлолчиларнинг бош жаллоди М.Фрунзе "Босмачиликка қарши кураш тамоман янги, айрича хусусияти бор бўлган, ўзига хос душман билан кураш демақдир", деб ёзган эди. Унинг фикрича, истиқлолчиларнинг "Йўқолсин совет ҳокимияти!" ва "Мустақил бир мусулмон давлати тузамиз!" талаблари ҳаракатнинг аниқ ғояси эди. "Босмачи" ва "қароқчи" тўдалари эса бундай ғоялар билан чиқмаслиги табиийдир. "Босмачилик" ҳаракати ҳақиқатан босмачиликми ёки йўқлигига Фрунзе 1920 йилнинг бошида Фарғона fronti қўмондонлигига юборган телеграммасида ўзи жавоб берган эди: "Туркистон марвариди бўлган Фарғона икки

нидан орттиқроқ вақтдан бери қонли бир уруш майдони ҳолатидадир... Бу ердаги совет ҳокимияти илк тузилиш даврида рус ва ерли ишчи, деҳқон оммаларини ўзига тортиш ўрнига, меҳнаткаш халқни ўзидан узоқлаштириш учун қўлидан келганча ҳаракат қилди. Ишлаб чиқариш корхоналарини мусодара қилинишида фақат буржуазиянинг мулки эмас, балки ўрта ҳол деҳқонларники ҳам тортиб олинди... Бу ерда ҳаракат қилган қизил аскар қисмлари, инқилобни ҳимоя қилган баъзи раҳбарлар меҳнаткаш халқни истибод воситаси сифатида тўшунди. Босмачилик ҳаракати деган бу ҳаракат шу асосда вужудга келди. Босмачилар — оддий қароқчилар эмас. Шунда уларни тез йўқ қилиш мумкин бўлар эди" (Россия давлат ҳарбий архиви, 110 — фонд, 3 — рўйхат, 234 — иш, 4 — 5 — варақлар).

М.Фрунзе бундан сал олдинроқ Туркистон fronti қўмондони вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан 1919 йил 11 августда чиқарган буйруғида Туркистон фронтининг ташкил қилинишидан мақсадни қуйидаги тарзда очиқ билдирган эди: "Туркистон юришининг асл мақсади, бутун Туркистонни ишғол қилишдан иборатдир". Чунки Фарғона водийсидаги бу ҳаракат Марказ ва бутун Туркистон ўлкасида большевиклар режимига қарши кўтарилган халқ ҳаракати бўлиб, совет ҳокимиятини ларзага келтирди, айниқса, Фарғонада уни ҳалокат ёқасига олиб келди.

1920 йил 18 августда 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Ф.Карпов Туркфронт қўмондони М.Фрунзе билан телеграф орқали бевосита суҳбатида шундай деган эди: "Фарғонадаги уруш қароқчиларга қарши кураш бўлмасдан, балки бу ерда кураш туб аҳолини совет ҳокимиятига қарши ташкилий равишдаги қўзғололи ҳисобланади. Босмачилар бўлиб ўтган жангларда катта куч йўқотсалар — да, ҳозирги вақтда уларнинг сафи янгидан, ҳаттоки, аввалгидан ортиқ даражада тўлиб бормоқда, ҳар бир милятиққа 5 та номзод даъвогарлик қилмоқда".

Туркистон автоном совет республикаси ХКС раиси Қайғусиз Отабоев 1922 йил июлида бўлган Туркистон МИҚ 4-пленумида истиқлолчилик ҳаракати натижасида ўлкада вужудга келган вазиятни тўғри баҳолашга ҳаракат қилиб, шундай деган эди: "...Дастлабки даврларда босқинчилик руҳида бўлган бу ҳаракат эндиликда сиёсий мазмун касб этди. Шунини таъкидлаш лозимки, 1919—1920 йилларга келиб Фарғонада қароқчилик, босмачилик эмас, балки ўзига хос халқ қўзғололи вужудга келди.

Биз 4 йил давомида бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ кўзғолони бўлгани ҳолда босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони анг-латади, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндашувларга олиб келди. Ва алалоқибат 4 йил давомида биз бу ҳаракатнинг бироп-бир жиҳатини тутата олмадик". Бу тарихий ҳужжат шундан далолат берадики, совет ҳокимиятининг Туркистондаги раҳбарлари ўзлари истамаган ҳолда истиқлолчилик ҳаракатига ва унинг моҳиятига илк бор тўғри баҳо беришга, кўтарилган халқ ҳаракатини совет тузумига, большевиклар режимига қарши қуролли кўзғолон эканлигини тап олишга мажбур бўлдилар. Бу ўша давр учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Марказий совет ҳокимиятининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай, миллий қадриятларни оёқости қилиниши истиқлолчилик ҳаракатининг доимий равишда авж олиб боришига ҳамда узлуксиз давом этишига, улар сафининг мунтазам ортиб боришига, ҳатто уларнинг миллий таркибини байналмилааллашувига олиб келди. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг миллий таркиби асосан тўб жой аҳолиси ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ, уйғурлардан иборат эди. Айниқса, Мадаминбек ўз йигитлари сафида ҳар хил миллат вакиллари бўлишига эътибор берди. У Фарғона водийсидаги рус аҳолисига мурожаат қилиб, ўз армиясига қўшилган ҳар бир оддий аскарга ойнага минг сўмдан, зобитларга эса икки минг сўмдан маош тўлашишини ва уларнинг диний эътиқодларига ҳаҳд қилинмаслигини эълон қилди. Мадаминбек қўшинлари билан Жалолободда турган К.Монст-ровнинг крестьянлар (деҳқонлар) армияси ўртасида 1919 йил 2 сентябрда советларга қарши биргаликда курашиш учун ўзаро битим тузилганлиги юқоридаги фикримизга далилдир.

Шунингдек, истиқлолчилар сафида айрим татар ва бошқир ҳарбийлари, Туркия ва Афғонистондан келган жуда оз миқдордаги зобитлар ҳам бор эди. Масалан, архив ҳужжатларининг далолат беришича, Шермуҳаммадбек лашкарлари сафида "12 турк ҳарбий инструктори бўлган".

Истиқлолчиларнинг жанг қилиш тактикаси ҳам ўзига хос эди. Уларнинг сафида маҳаллий шароитни пухта билган йўл-бошловчилар кўп бўлиб, улар бўлажак жанг шарт-шароитларини оддиндан билишган: чунончи, қизил аскарлар миқдори,

улар қурол-яроғининг тури ва сони, ҳужум усуллари ёки чекиниши — ҳамма-ҳаммаси оддиндан пухта ўрганилган. Ўша давр тарихий ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, истиқлолчилар "разведкаси ажойиб ишлар", жангларда бўлса "кўп ҳолларда маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган босмачилар голиб чиқишар эди". Истиқлолчилар маҳаллий шароитни яхши билганликлари учун ҳовли ва боғларда, қишлоқлардаги деворлар ортида, маҳалла ва гузарларда, тоғ-тошларда, чўл-биёбонларда, одам бориши қийин бўлган дараларда ҳам эркин ҳаракат қилишган.

Истиқлолчи дасталарнинг бундай кураш усуллари совет қўшинларининг уларга қарши ўтказаетган ҳарбий операцияларини қийинлаштирар эди. Фарғонадаги миллий истиқлолчилар билан курашнинг ўзига хослигини тавсифлаб, Туркистон фронтининг кўмондони М.Фрунзе буйруқларининг бирида шундай эътироф этади: "Аҳоли зич жойлашган ва ўнқир-чўнқирлари кўп Фарғона районларида шайкаларни таъқиб қилиш жуда қийин вазифа бўлиб, ҳаддан ташқари катта куч-қувватни талаб қилади... Барча томонлари ариқлар билан кесишган ва бир-бирини тўсиб турган тоғлар билан қуршалган туманлардан иборат бўлган, аҳолиси зич жойлашган Фарғона водийсида кураш ҳаддан ташқари мушкул эди. Ҳолдан тойдирилган душман бир жойда тарқалиб кетса, дам олиб ҳамда настқам ва овлоқ ўринларда куч тўплагач, яна бошқа жойларда пайдо бўларди. Уларнинг кўкқисдан қилган ҳужумлари ҳали жангга тайёргарлик кўришга имконияти бўлмаган жангчилардагина эмас, балки барча аҳоли ўртасида ҳам тўхтовсиз асабий зўриқиш туғдирарди ва шу сабабли Фарғонада курашнинг усуллари бошқа фронтлардаги кураш усулларидан фарқ қилади. Бу ерда фронт чизиги йўқ, у ҳамма жойдан ўтади" (Россия давлат ҳарбий архиви, 25859-фонд, 4-рўйхат, 94-иш, 3-9-варақлар).

Истиқлолчиларнинг ўзига хос бу кураш усуллари, уларнинг халқ оmmasи томонидан доимо қўллаб-қувватланиши қизил аскарларнинг тобора газабини кўзғатарди. Натижада совет армияси жангчилари бутун-бутун шаҳар ва қишлоқларнинг қўлини кўкка совуришар, қишлоқларни ҳаводан туриб само-лётларда бомбардимон қилишар, тинч аҳолини қириб ташлашар, Фарғона халқини заҳарли газ ишлатиб бўғиб ўлдиришар, қисқаси М.В.Фрунзе ва кейинчалик С.С.Каменев томонидан махсус Туркистон учун ишлаб чиқилган "Босмачиликка қарши

кураш йўриқномаси"ни сўзсиз бажаришар эди (Қаранг: Фарғона вилояти давлат архиви, 435 – фонд, 1 – рўйхат, 205 – иш, 2 – 3 – варақлар).

Шундай қилиб, 1918 йил февралда дастлаб Қўқон атрофларида бошлашиб, кейинчалик Фарғона водийси ва бутун минтақани қамраб олган истиқлолчилик ҳаракати совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши қаратилган бўлиб, аждодларимиз Туркистон мустақиллиги учун ҳаёт – мамот курашига отланган эдилар.

4.2. Туркистон қўрбошилари

Туркистон мустақиллиги учун курашда истиқлолчилик ҳаракатининг йўлбошчилари бўлган қўрбошилар муҳим роль ўйнашди. Қўрбошилар сиймосида беклар ва ислом дини намояндалари билан бир қаторда жасур ва ботир йигитлар тимсоли мужассамлашган эди. Улар халқнинг турли табақалари орасидан чиққан нуфузли кишилар бўлган.

Архив ҳужжатларининг далолат беришича, қўрбошиларнинг ҳар биттасида ўзининг шахсий муҳри бўлган. Уларнинг аксарияти саводли кишилар эди. Йирик қўрбошилар ўзларининг алоҳида туғ ва байроқларига эга бўлишган. Жанг майдонида тугнинг аҳамияти рақиб томон қўмондонининг асирга олиниши ёки ўлдирилишидан кам бўлмаган. Кичик қўрбошилар ва понсодлар йирик қўрбошилар қўл остида хизмат қилгани учун уларнинг алоҳида туғлари йўқ эди.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, мана шундай йирик саркарда ва нуфузли кишилар бўлган қўрбошилар яқин ўтмишдаги 75 йиллик мустабид тузум даврида совет мафкурасининг тазйиқи натижасида "қароқчи ва каллакесар" сифатида талқин қилинди. Қўрбошилар жисмонан маҳв этилганликларига қарамай, уларнинг хотираси оёқ ости қилинди, ҳатто бу калом "босмачи" сўзидек салбий маънода ишлатилди.

Хайриятки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги қайта тиклангач, юртимиз истиқлоли учун курашган ватанпарварлар қаторида қўрбошиларнинг порлоқ номлари яна намоён бўлди. Туркистон қўрбошилари ўртасида Фарғона водийсида чиққан қўмондонлар алоҳида ажралиб туради. Биз улардан баъзилари хусусида муфассал тўхталиб ўтмоқчимиз.

Катта Эргаш қўрбоши (тахминан 1880 – 1921) Бачқир қишлоғидан бўлиб, Қўқоннинг энг машҳур муллаларидан эди. У

Жомеъ масжидида ваъз айтганида 20.000 киши тўпланган. Уни шунинг учун **Мулла Эргаш** ҳам дейишган. Мулла Эргаш Туркистондаги Россия босқинини ҳеч қачон кечирмас, эътиқодли мусулмон бўлганлигидан диний камситиш ва хўрлашларга чидай оламас эди. У Қўқон фожиаларидан аввал ҳам Туркистон Мухториятининг фаол тарафдори ва ҳимоячиларидан эди.

Катта Эргашнинг туғи остида Фарғонадаги совет режимидан норози мингларча кишилар бирлашдилар. Маркази Бачқир бўлган Қўқон уезди истиқлолчилик ҳаракатининг дастлабки таянч нуқтаси бўлиб қолди. 1918 йил март ойининг охирига келиб Катта Эргашнинг номи Фарғона водийси аҳолиси ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди.

Совет айғоқчиларидан бирининг маълумотига кўра, "Эргаш қўрбошининг мусулмон ва рус аҳолиси ўртасида пайдо бўлиши олқишларга сазовор бўлди, унга энг юксак тилаклар тиланди ҳамда унинг қиёфасида Андижон ва Қўқонда ўрнашган совет қўшинларидан, ҳукумат вакилларидан ва ҳар қандай зўра-вонликдан ҳалос қилувчи инсонни кўрдилар" (Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг архиви, 60-фонд, 1-рўйхат, 49-иш, 3-варақ).

Ўзи катта эшон бўлган Мулла Эргаш қўрбошида одамларни ўзига жалб қилишдек ноёб хусусият бўлган. У қўл остида бўлган жойларда ислом шариати номидан иш юритишга интиланган.

Эргаш қўрбоши мужоҳидлари 1918 йил мартдан то май ойигача Бачқирга қилинган қизил армия қўшинларининг тинимсиз ҳужумларини қайтардилар. Истиқлолчилар ўз навбатида қизил қўшин турган жойларга 50 мартча зарба беришади. Катта Эргаш қўл остида 16.000 йигитдан 18.000 йигитгача жангчи бўлган. Буюк Британиянинг Туркистондаги жосуси майор Бэйлининг ёзишича, Эргашнинг қўшинида 20.000-24.000 йигит бўлган. Бу қўшин ҳар бирида 200 тадан 1800 тача йигит бўлган 70 та қўрбошилар дастасида ҳаракат қилган.

Катта Эргаш қўрбошининг йигитлари қишлоқларда ўз назоратларини жорий қилишди, Фарғона водийсининг йирик шаҳарларига элтувчи йўллар ҳам улар қўлида эди. Мана шундай вазиятда 1918 йил кузида Тошкентдан Туркистон АССР ХКС раиси В.Д.Фигельский ва ҳарбий комиссар К.П.Осипов Фарғона вилоятига катта армия билан келишди. Фигельскийнинг ўзи гувоҳлик беришича, Эргаш қўрбошининг истеҳкомларидан бири жойлашган Хонобод қишлоғи беш соатлик

жангдан сўнг ер юзидан супуриб ташланган. Истеҳкомдаги 800 мужоҳиддан атиги 15 таси тирик қолган.

Совет армияси жангчилари истиқлолчилардан нисбатан устун бўлишларига қарамасдан улар ўртасида кучли тартиб-интизом йўқ эди. Қизил аскарларнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган ёвузликларидан, уларнинг ахлоқсизлиги ва фақш ишларидан ғазаби жўш урган бир гуруҳ кўрбошилар Катта Эргаш бошчилигида Андижон уезди советига мактуб билан мурожаат қилдилар. Бироқ Эргаш кўрбоши, Мадаминбек, Холхўжа Эшон, Маҳкам Ҳожи, Эшмат бойвачча, Фаёз Махсум имзо чеккан бу мактубни маҳаллий совет маъмурлари 1918 йил 19 декабрда Тошкент шахрига жўлатиш билан чекландилар, холос. Бу мактубда истиқлолчилар курашининг моҳияти, ҳақиқий "босмачи ва босқинчи" ким эканлиги равшан кўрсатилган: "Сизлар Қўғай қишлоғига келиб, тинч аҳолининг уйларига ўт қўйгансизлар. Бекор бу ишни қилдингизлар, агар бундай иш яна бирон марта қайтарилса, у ҳолда сизларнинг станцияларингиз, заводу биноларингизга ҳам худди шундай ўт қўямиз. Агар сизлар урушишни хоҳласангиз биз билан урушингиз, халқ билан эмас. Биз барча тинч аҳолини хоҳ у ўрис бўлсин, хоҳ у яхудий, хоҳ у армани бўлсин, хоҳ у сарт-барчаси баробар, деб ҳисоблаймиз. Урушиш керак бўлса, сизлар билан мана биз урушамиз, тинч халқ эса сизлар билан ҳам, бизлар ҳам урушмайди".

1918 йил ўрталарига келиб, кураш майдонига Мадаминбек чиққач, баъзи кўрбошилар умумий раҳбарликни Катта Эргашдан олиб Мадаминбекка бериш кераклиги тўғрисида фикр юритадилар. Фарғона водийсидаги истиқлолчилар лаш-карига умумий раҳбарлик 1918 йил кузигача Эргаш кўрбоши қўлида қолади. Мадаминбек эса дастлаб ўз йигитлари билан Эргашга қўшилса—да, тез орада мустақил ўзи ҳаракат қилади. Истиқлолчиларга умумий раҳбарлик кейинчалик Мадаминбек қўлига ўтгач, унга Эргаш кўрбоши бўйсунмайди, у ҳам ўз ҳолича иш юритади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, "1919 йил 14 апрелда Исфара ёнида Мадаминбек ва Эргаш қўшинлари ўртасида ўзаро жанг бўлди. Бу жангда мағлубиятга учраган Эргаш Сўх қишлоғига чекинди". Икки талантли лашкарбоши ўртасида пайдо бўлган бундай рақобатчилик Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг умумий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, совет кўмондонлиги ва

большевикча режим бундан усталик билан фойдаланар, қўр — бошиларни бир — бирларига қарши гижгижлатар эди.

Катта Эргаш саркардалик ва сиёсий салоҳияти жиҳатидан Мадаминбекка нисбатан бирмунча чекланган шахс эди. Ҳам — корликнинг дастлабки кунлариданоқ Мадаминбек ва Катта Эргаш орасида айрим келишмовчиликлар бошланди. У Мада — минбекни ўзига ҳамкор деб эмас, балки рақиб сифатида кўра бошлайди. Ҳолбуки, истиқлолчилар қўшини икки саркарда ҳамкорлигининг дастлабки пайтлари бирмунча жиддий ҳарбий муваффақиятларга эришган эди. Масалан, 1918 йил июл ойида Қўқон атрофида қизил армия отрядлари Катта Эргаш қўшин — лари билан бўлган биринчи жанглардаёқ тумтарақай қочган эди.

Катта Эргаш кейинчалик қатор жангларда мағлубиятга учраб, 1920 йилнинг баҳоридан бошлаб йирик қўрбошилиқ мавқеидан ажралди. Шундай бўлса — да, у 1921 йилнинг охи — ригача курашни давом эттирди. 1921 йил 16 декабрда Хонобод қишлоғидаги Катта Эргашнинг қароргоҳига қизил аскарлар хужум қилганда у мардларча ҳалок бўлди.

Туркистондаги қўрбошилар ўртасида шубҳасиз **Мадаминбек** (1892 — 1920) катта ўрин тутади. Мадаминбекнинг асл исми Муҳаммад Аминбек бўлиб, у Марғилон атрофидаги Сўкчилик қишлоғида — ҳозирги Тошлоқ туманининг Садда қишлоқ фу — қаролар йиғини ҳудудидаги ўртаҳол Аҳмадбек оиласида 1892 йилда туғилди. Мадаминбекнинг бир акаси ва икки опаси бў — ган. Маърифатли оилада вояга етган Мадаминбек тўғри сўзли, дўстларига садоқатли, мулоҳазали ва диёнатли бўлиб ўсди. У ёшлигиданоқ эл — юртга танилган инсонлардан бўлган.

Мадаминбек ўз қишлоғидаги мактабда савод чиқаргач, тижорат билан шуғуллапаётган маҳаллий бойлар ва русларнинг савдо дўконларида ишлади. У ёшлигидан тожик, рус, француз тилларини пухта ўрганган.

Биринчи жаҳон уруши арафасида мустамлакачи Россия ҳукуматидан норози бўлиб, ёнига ўзига ўхшаган йигитларни тўплаб бош кўтарди. Полиция Мадаминбекни 1914 йили қа — моққа олди. Унинг қамалиши хусусида бир — бирига зид ва чалқаш фикрлар бор. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ҳуж — жатларга асосланмаган. Кўпинча у ўз хотинини ўлдиргани учун қамалган дейишади. Аслида бундай эмас. Қамалгунга қадар унинг Қумрихон деган хотини бўлганлиги тўғри. Аммо Мада —

минбекни Сибирдаги Нерчинск деган жойга каторгага олиб кетишгач, кўп ўтмай у аёл бошқа турмуш қилиб кетади. Суд эса Мадаминбекнинг ўзи тан олмаган айбларни ҳам унга тўнкаб, 14 йил каторга ишларига ҳукм қилади. Мадаминбек аслида чор Россияси ҳукмронлигига қарши курашганлиги учун ҳам қамоққа олинган эди.

1917 йилдаги феврал инқилобидан кейин сиёсий маҳбус сифатида Мадаминбек озод қилинди ва у Марғилонга қайтиб келди. Шунда "Шўрои Уламо" жамиятининг раҳбарлари Мадаминбекни шаҳар милицияси бошлиғи—қўрбошиси лавозимига бежиз тавсия этишмайди. Агар у қотил ва ўғри бўлганида нуфузли уламо ва зиёлилар унга бу лавозимни таклиф этишмасди. Шуниси характерлики, Туркистонда большевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллагач, Фарғона вилояти ҳарбий комиссари К.Осипов Мадаминбекни Марғилон милицияси бошлиғи этиб тайинлаш ҳақидаги буйруққа қўл қўяди ва тегишли қурол—яроғ билан таъминлайди. Мадаминбек 1918 йил январ ойининг охиригача шу лавозимда хизмат қилди.

Мадаминбек Қўқон хови бўлиш учун эмас, юртида тинчлик ўрнатиш ва беҳисоб қон тўкилишини тўхтатиш учун қўлига қурол ушлади. Мадаминбекнинг истиқдолчилар сафига кириб келиши ҳам ўз мужоҳид биродарларидан анча фарқ қилади. 1918 йилнинг бошигача дунё кўриб, фикр—мулоҳаза юритиб ҳаётнинг кўп машаққатларини тортган 25 ёшлар атрофидаги бу йигит Марғилонда ҳақиқат ва адолат ҳимоячисига айланар экан, дастлаб совет ҳокимияти томонида турган эди. Бироқ совет режимиинг халққа қарши сиёсати Мадаминбекни озодлик учун курашга ундади. Мадаминбек атрофида Марғилон ва Тошлоқдаги жасур, чапани йигитлар тўпланишди. "Яккатут волости Гарбува (Гарбобо) қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшилари", —деб 1918 йилда ёзилади ҳужжатларнинг бирида.

Маъноли қилиб айтганда, қадим Туронюртда асрлардан буён мавжуд бўлган ва рус мустамакаси натижасида унутилаёзган жавонмардлик ҳаракати — "аҳийлик" қайтадан аланга олгандек бўлди.

Мадаминбекнинг рафиқаси Саодатхон аянинг хотирлашича, у ўрта бўйли, тўладан келган, икки юзи қизил, қора кўзлари чарақлаб турган, хотиржам гапирадиган одам бўлган. Мадаминбек жуда художўй ва намозхон эди, ҳар қандай шароитда

бўлса ҳам беш маҳал намозни канда қилмасди. Шу билан бирга Мадаминбек китоб ўқишни ҳам яхши кўрган. Фузулийнинг девонини қаерга борса доим ўзи билан бирга олиб юрган. Баъзи манбаларда ёзилишича, Мадаминбек Чўлпон шеърларини севиб ўқиган.

1918 йил баҳорида истиқлолчилар сафига узил — кесил ўтган Мадаминбекнинг қўл остида даставвал 1000—1500 та йигит бор эди. "Дехқондан сўнги халатини тортиб олган" совет ҳокимиятига қарши курашиш Мадаминбекнинг асосий матлаби бўлган. Миллий озодлик ҳаракати сафига Мадаминбек сингари салоҳиятли саркарданинг келиб қўшилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу пайтга келиб бошқа кўрбошилар "советлар билан ҳамкорлик қилиш"дек ноёб ва ачиқ тажрибага эга эмас эдилар. Улар Туркистонда руслар ҳукмронлигини тугатишни ўз оқдларига мақсад қилиб қўйишган бўлишса — да, ҳарбий тайёргарликлари анча паст бўлган.

Мадаминбек ўз қўшини билан асосан Марғилон шаҳар ва унинг атроф туманларида фаолият кўрсатган. Мадаминбек қўл остида Соли Маҳдум, Исмоил Полвон, Усмонбек, Фаёз Маҳдум, Қозоқжон бек, Хошим Полвон каби йирик кўрбошилар бўлган. Соли Маҳдум Мадаминбекнинг ўринбосари ва ўнг қўли бўлган моҳир кўрбоши эди. Булардан ташқари Мадаминбек қўл остида яна 1918—1919 йилларда Балиқчидан Мамажон бойвачча, Иккисув оралиғидан Бойтуман Ҳожи, Булоқбошидан Мулла Жуман, Валиқдан Миркарим, Нурулла Маҳсум ва Абдуллажон, Учқўрғондан Назариддин мингбоши, Лошмондан Тўхтавой понсод, Қумариқдан Болтабой, Ёзёвондан Юсуф Полвон, Қорасоқолдан Эргаш кичик, Қоратепадан Қурбон, Варзиқдан Абдуллажон ва бошқа кўрбошилар ҳам фаолият кўрсатишган.

"1919 йил январида Мадаминбек қўл остида 16.000 кишидан иборат армия бўлган", — деб таъкидланади Фарғона вилояти совети номига 1919 йил 27 январда йўлланган ўта шошилиш маълумотномада. 1919 йил ўрталарига келиб эса Мадаминбек қўл остида 25.000 йигит совет ҳокимиятига қарши истиқлол жангларини олиб боришган. Бу пайтда Шермухаммадбекда 20.000 йигит, Катта Эргаш кўрбошида бўлса 15.000—16.000 йигит бўлган.

Қизил армия қисмлари билан бўлган бир қатор жангларда Катта Эргаш кўрбоши мағлубиятга учрагач, тарқоқ ҳолдаги кўрбошилар кучини 1918 йил кузида Мадаминбек ягона қўл остига бирлаштиришга муваффақ бўлди.

“Муҳаммад Аминбек марғилонлик бўлиб, ниҳоят сиёсатдон, ботир, тадбирли қаҳрамон эди, — деб таърифлайди уни хорижда яшовчи юртдошимиз Шаҳобиддин Яссавий. — Озод Туркистон қурувчи, номдор бўлган бахтсиз, бу буюк, тоймас қўмондонни танитмоқ учун ҳар қанча сўзласак, арзишга эгадир. Ҳақиқатан, дин, ватан ва миллат фидоси бўлди”. Мадаминбек доимо “Тур — кистон — Туркистон халқининг юртидир. Душманни юртимиздан ҳайдаймиз!”, — дерди. Бир сўз билан айтганда, “Миллатим — жоним менинг!” шиори Мадаминбек фаолиятининг асосий моҳияти бўлган.

“Ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва Фарғона мух — ториятини тиклаш вазифасини қўйган Мадаминбек тадбиркор сиёсатчи ва удабурун ташкилотчи фазилатларига эга эди”, — деб тан олинади ўша даврга оид расмий ҳужжатларнинг бирида.

Мадаминбек йигитлари ўртасида ҳарбий интизом кучли эди. Мадаминбекчилар босқинчи ва ўрриларни ўзлари ушлаб жазосини беришарди. Масалан, “1919 йил бошида Тошлоқда Исҳоқ ишбоши ва Тожибой кунжарафуруш майда босқинчилик гуруҳларини тузгани учун Мадаминбек юборган одамлар томонидан отиб ташланди”.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар ўзаро уйғунлашиб кетган эди. У Фарғона водийсидаги истиқлолчиларнинг ҳақиқий маънодаги доҳийси, тан олинган йўлбошчиси эди. Мадаминбек водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. (Бундай бошқарув усулини яна Фарғона водийсида Катта Эргаш ва Шермуҳаммадбек, Бухоро республикасида Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳор ва Анвар Пошо, Хоразм республикасида эса фақат Жунаидхон каби сардорларгина жорий этган эдилар.)

“У бизнинг раҳбарлик фаолиятимизда йўл қўйган хато ва камчиликларимиздан усталик билан фойдаланарди. Унинг ўз бошқарув аппарати, ўзининг трибунали, ўзининг “генштаби” бўлган: у қонунлар чиқарган”, — деб эътироф қилади Мадаминбекка қарши курашган душманларидан бири Граматович. Бу фикрни Мадаминбекни жанг майдонларида яхши билган қизил комиссар М.Поликовский ҳам ўз хотираларида тасдиқлайди.

1918 йил ноябр ойининг бошида Андижон уездидаги Ойимқишлоқда (Қорасувдан 14 чақирим шимоли — ғарбда)

Фарғона водийси қўрбошиларининг навбатдаги қурултойи бўлди. Қурултойда истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарлари совет ҳокимиятига қарши курашнинг дастлабки якунларини чиқардилар. Қурултойда қўрбошилар дасталарининг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари зарурлиги таъкидланди, яқинлашиб қолган қиш мавсумидаги жанг ҳаракатлари келишиб олинди. “Фарғона водийси ҳудуди ҳарбий ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун йирик қўрбошилар ўртасида қуйидаги гарзда тақсимланди: Андижон уездида Маҳкам Ҳожи, қароргоҳи Ангузбак; Ўш уездида Холхўжа, қароргоҳи Новқат; Наманган уездида Омон Полвон; Қўқон уездида Эргаш, қароргоҳи Дамкўл атрофида; Скобелев уездида Мадаминбек”. Қурултойда Катта Эргаш қўрбоши ўрнига истиқлолчиларнинг Олий бош қўмондони қилиб Мадаминбек сайланди.

Мадаминбек 1918 йилнинг охиридаёқ мустақил ҳаракат қилишга уринаётган йирик қўрбошиларнинг фаолиятларини бошқаришга муваффақ бўлди. Шермуҳаммадбек, Нурмуҳам — мадбек, Холхўжа Эшон, Маҳкам Ҳожи, Раҳмошкул, Омон Пол — вон ва қирғиз мужоҳидларининг бошлиғи Муҳиддинбек син — гари қўрбошиларни ягона қўмондонлик остига бирлаштириш ундан жуда катта куч — ғайратни талаб қилди. Ўз қишлоғи ва туманида “ўзига бек” бўлган бу қўрбошиларнинг қаршилиғи ва ўзбошимчилигини Мадаминбек синдиришга эришди. У Холхўжа Эшоннинг шуҳратпарастлиги ва калтабиналигига қарши анча курашди. Катта Эргаш қўрбоши билан Мадаминбекнинг муносабатлари ҳам тез — тез ўзгариб турарди. Сал юқорида таъкидлаб ўтилганидек, баъзан улар биргаликда ҳаракат қилишса, гоҳ — гоҳда муросалари келишмай ўзаро тўқ — нашардилар. Албатта, ушбу нохуш ҳолатлар Туркистон минтақасида истиқлолчилик ҳаракатининг янада ривожланиши ва авж олишига ҳалақит берарди.

Мадаминбек қўшини сафида халқнинг барча табақаларига мансуб кишилар бор эди. Бу ерда қўшиннинг асосини ташкил қилган оддий йигитлардан ташқари ислом уламолари — эшон — лар ва муллаалар, зиёлилар ва жадид мулаварлари, савдогарлар ва баққоллар, собиқ чор ҳукумати ва совет органларида ишлаган ходимлар, ҳатто маҳаллий коммунистлар, оқ гвардиячи офицерлар, турк зобитларини учратиш мумкин эди. “Мадаминбек бойлар ва маҳаллий аҳоли томонидан тўла равишда қўллаб — қувватланмоқда”, — деб айтган эди 1918 йил октябрида Марғилон шаҳрининг фавқулодда комиссари Сут —

рубов. "Мадаминбек ҳар қандай аксилинқилобчи ва советлардан норози одамни у қайси миллат вакили бўлганлиги ва диний этикодидан қатъи назар хурсандчилик билан кутиб оларди", – дейилади бошқа бир расмий ҳужжатда. Қисқа муддат ичида Мадаминбек ўз атрофига ақлли маслаҳатчиларни тўплади ва уларнинг кўмаги билан яхши тайёрланган ходимларни Фарғона водийсининг ҳамма жойларига ўз вакиллари сифатида юборди. Мадаминбек юборган бундай вакиллар водийнинг барча шаҳарлари ва катта қишлоқларида бўлиб, туб халқларни мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши курашга оёқлантирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтганидек, Мадаминбек совет салтанати даврида адолат ва ҳақиқат учун тинмай кураш олиб борган юртпарвар ўғлон, Фарғона водийсидаги истиқ – лолчилик ҳаракатининг етакчиси эди ("Халқ сўзи", 1998 йил, 11 август).

1919 йил 24 январда Мадаминбек бошчилигидаги истиқ – лолчилар дастаси Эски Марғилон шаҳрига ҳужум қилдилар. Минг кишидан ортиқ мадаминбекчилар шаҳарни босқинчи қизил армия аскарларидан озод қилиб, уш икки кун ўз қўлларида сақладилар. Мадаминбек шаҳар марказидаги Ўрда Таги майдонида туриб халқнинг вакиллари билан маслаҳатлашди, уларнинг арзини тинглади. Мадаминбек Марғилонда тартиб ўрнатиб, жиноятчи ва безори унсурларни шафқатсиз равишда, лекин адолатли жазолади.

Истиқлолчилар қўшини бутун водийда фаол жанг ҳаракатларини олиб бордилар. 1919 йил 20 февралда 1.500 кишидан иборат мужоҳидлар Наманган уездининг энг катта шаҳарларидан бири бўлган Чустни эгалладилар. Скобелевдан қўшимча қизил аскар кучлари етиб келгач, 28 соатлик жанглардан кейин истиқлолчилар шаҳарни тарк этдилар.

"Мадаминбек турли сиёсий оқимдаги кишиларни бирлаш – тира олди. Шунинг учун ҳам қайси қўрбоши унингчалик куч – қудратга эга бўлмаган эди", деб ўша пайтдаёқ ёзган эди унинг ғоявий мухолифларидан бири совет ҳарбий тарихчиси В.Кувшинов.

Совет ҳокимияти вакилларининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай уларнинг нафсониятига

тегиши истиқлолчилик ҳаракатининг доимий равишда авж олиши ҳамда унинг узлуксиз давом этишига олиб келди.

Ёш Мадаминбек тадбиркор лашкарбоши бўлиши билан бир қаторда уста сиёсатчи, моҳир дипломат ҳам эди. У Фарғона водийсидаги қўрбошиларни ягона қўмондонлик остига бир — лаштиргач, Бухоро амири Саид Олимхон ва Хива хонлигининг амалдаги ҳукмдори Жунайдхон билан қизил армияга қарши биргаликда курашиш учун музокаралар олиб борди. Афғонистон ва Туркияга ҳам вакиллар жўнатилди. Мадаминбек Россиянинг Кошғардаги собиқ консули Успенский ва Буюк Британиянинг бош консули П.Эсертон орқали жаҳон саҳнасига чиқишга, Европадаги ривожланган миллатлар ва АҚШдаги босқинчи қизил армияга қарши кураш олиб бориш учун иқтисодий ва ҳарбий ёрдам олишга интилди. Мадаминбекнинг бу саъй — ҳаракатлари халқаро майдонда сезиларли ютуққа олиб келмаса ҳам, лекин Фарғона водийсининг ўзида мустабид совет режимига қарши кучларни бирлаштиришда муҳим роль ўйнади. ↘

Мадаминбек тактик мақсадларни кўзлаб Жалолобод ва Ўш шаҳарларида турган К.Монстров бошлиқ рус крестьянлар армияси билан музокаралар ўтказиб, 1919 йил 2 сентябрда совет режимига қарши биргаликда курашиш учун шартнома имзолади. Бирлашган армиянинг Олий бош қўмондони қилиб Мадаминбек сайланди, унинг ўринбосари К.Монстров бўлди. Қўрбошиларга раҳбарлик қилиш Мадаминбекнинг энг яқин ёрдамчиси Соли Маҳдумга юклатилди. Балкии эса штаб бошлиғи лавозимини эгаллади. Бу иттифоқ большевиклар томонидан атайлаб тарқатилган “Мадаминбек русларга нисбатан хунрезлик қилмоқда”, деган тухматомуз гапларнинг асоссиз эканлигини, Мадаминбекнинг мақсади большевиклар режими ва босқинчи қизил армияга қарши истиқлол кураши олиб боришдан иборат эканлигини исботлади.

Мадаминбек Фарғона водийсидаги рус аҳолисига бу шартнома имзоланмасдан олти ой аввал мурожаат қилиб, ўз армиясига қўшилган ҳар бир оддий аскарга ойига минг сўмдан, офицерларга эса икки минг сўмдан маош тўланиши ва уларнинг диний эътиқодларига даҳл қилинмаслигини эълон қилган эди. Шунингдек, бу аскарларнинг озиқ — овқат таъминоти ҳам унинг зиммасида эди. Мадаминбек сўзи билан иши бир саркарда бўлган. Бу ҳолат энг аввало Мадаминбекни дунё

кўрган инсон эканлигидан, шунингдек, мусулмонларнинг диний бағрикенглиги (толерантлиги)дан далолат беради.

Ҳеч бир кўрбоши ўша пайтда ўзини Мадаминбекчалик русларга яқин тутмаганлигини очиқ айтиш керак. Катта Эргаш кўрбоши кўшинида руслар, умуман, европаликлар кўпчиликини ташкил қилса ҳам бу даражада яқинлик йўқ эди. Бироқ Мадаминбек ўриспараст бўлмаган. У узоқни кўра оладиган доно сиёсатчи ва моҳир дипломат эди. Бек томонидан европалик офицер ва аскарларни ўз кўшинига чорлашнинг жиддий асослари бўлган. Улар билан ёнма-ён жанг қилиш ўз йигитлари учун мактаб бўлишини, келгусида мустақил Туркистон мусулмон армиясини ташкил этишда муҳим рол ўйнашини Мадаминбекчалик чуқур тушунган бошқа бирорта саркарда йўқ эди. Худди шундай ҳолат сал кейинроқ Бухоро ва Хоразм республикаларида миллий кўшинни ташкил қилиш ва шакллантириш жараёнида жуда сезилди. Афсуски, 20-йилларда бутун Туркистон минтақасида замонавий даражада миллий кўшинни ташкиллаштириш истиқлолчиларнинг энг муҳим муаммоси бўлиб қолаверди.

Бу пайтда Фарғона водийсида совет режими амалда фақат йирик шаҳарлардагина сақланиб қолиб, водий қишлоқлари асосан Мадаминбек ва унга қарашли кўрбошилар кўлида эди. Мадаминбек тинч аҳолини ҳарбий ҳаракатлар пайтида шаҳарларни тарк этишга чақирди. Бу инсонпарвар саркарданинг ортиқча қон тўкилишига йўл қўймаслик учун уриниши эди.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Бу энг аввало Мадаминбекнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Мадаминбек бошчилигидаги кўшинлар сафига Жалободда турган рус крестьянлар армиясининг кўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Сентябрнинг дастлабки кулларида Мадаминбек лашкарлари Жалобод шаҳрини эгаллади. Қуршоб қасабаси ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекинди (РГВА, 110-фонд, 3-рўйхат, 75-иш, 48-варақ).

"Ўш — Фарғонанинг ҳаёт-мамотини белгилайдиган шаҳар" бўлиб, ҳарбий-стратегик жиҳатдан жуда қулай жойда жойлашган эди. Ўш Фарғона водийсини, умуман, Туркистон республикасини Хитой, Афғонистон, бу томони — Бухоро билан боғлайдиган йўлларнинг устида эди. Ўш шаҳри "жаҳон томи" — Помир рўпарасида бўлиб, ундан Гульча ва Эргаштомдаги

чегара пунктларига олиб борадиган йўл ўтарди. 8 сентябрда бир ярим кеча — кундузлик жанглардан кейин шаҳар гарнизони таслим бўлди, қамоқхонада ётган маҳбуслар истиқлолчилар томонидан озод қилинди. Мадаминбек бошчилигидаги армия тантана билан шаҳарга кириб келди. Ҳаш шаҳрида 9 сентябрда бўлган катта митингда Мадаминбек ёрқин нутқ сўзлади. Митингда қатнашганларнинг гувоҳлик беришича, Мадаминбек сўзлаган нутқда истиқлолчилик ҳаракатининг сиёсий моҳияти, истиқлолчиларнинг мақсадлари очиб берилди.

Мадаминбек кўшинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳ — рини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар — Андижонни қамал қилишга киришдилар.

Мадаминбек бошлаган жанг ҳаракатларини муваффақиятли равишда охирига етказиш ва сафдошлари билан масла — ҳатлашиш учун 1919 йил 15 сентябрда Эски Марғилон шаҳрида қурултой чақирди. Қурултойда Фарғона водийсидаги кўрбо — шилар билан бир қаторда крестьянлар армияси раҳбарлари ҳам қатнашдилар. Қурултойда Фарғона водийсида ҳокимиятни қўлга олиш ҳақидаги Мадаминбек режаси маъқулланди ҳамда Туркистон халқига мурожаатнома қабул қилинди. Мада — минбекнинг ҳарбий штабида босмадан чиқарилган ва истиқ — лолчилар томонидан бутун водий аҳолиси ўртасида тарқатилган турли хитобнома, даъватнома ва варақаларда “Фарғонада Таъ — сис мажлиси чақирилиши” ва “Мадаминбек кўшинлари сафида камида 25.000 киши борлиги” таъкидланган эди.

Нафақат мазлум Фарғонанинг, балки бутун Туркистоннинг нажот излаган кўзлари ўз миллий қаҳрамони Мадаминбекка қаратилганди. 10 сентябрда бошланган Андижон қамали бу пайтда келиб давом этаётган эди. Ҳаш пайтдаги жанг қатнаш — чиларининг хотираларига ишонилса, Андижонга истиқлол — чиларнинг қарийб 20.000 кишилик армияси ҳужум қилган ва шаҳар чор атрофдан қуршаб олинганди. Туркистон ҳукумати бутун республикада аҳоли сони бўйича учинчи ўринда турган Андижонни жон — жаҳди билан мудоффаа этишга киришди, чунки Андижоннинг қўлдан кетиши аслида Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг куни битди, деган сўз эди. Шунинг учун ҳам большевиклар ҳукумати бутун ҳарбий кучларини Анди — жонга қараб ташладилар. Қўқон ва Тошкентдаги қизил аскар — лардан ташқари Актюбинск фронтдан Қозон полки чақириб олиниб, улар 21 сентябрда Андижонга ташланди.

Мадаминбек аскарлари шиддатли ҳужумлар натижасида қаттиқ жанглардан сўнг 22 октябрда Эски Андижонни эгалладилар. Қизил аскарларнинг ҳоли танг бўлаётганини кўргач, большевиклар крестьянлар армияси орасига ўз жосусларини юбориб, уларни истиқлолчилардан ажралишга даъват этишди. "Қизил руслар"нинг макрига учган "оқ руслар" 24 сентябрда ўтар кечаси Андижон атрофидаги истеҳкомларини ташлаб, ўзларининг Иваново ва Михайловскийдаги қасабаларига жўнаб кетдилар. Хиёнат натижасида ҳосил бўлган фронт чизигидаги ушбу бўшлиқдан қизил аскарлар усталик билан фойдаланишди ва истиқлолчилар қамалини ёриб ўтиб, 24 сентябрда Андижон шаҳрига бостириб кирдилар. Мадаминбек шаҳар атрофидан чекинишга мажбур бўлди, бу жангда у ўлганлар ва ярадор бўлганлар билан бирга 1000 йигитидан ажради, 172 истиқлолчи эса асир олинди. Мадаминбек кўшини билан Ўшга, сўнгра Жалолободга чекинди. Крестьянлар армиясининг ҳал қилувчи паллада иккиюзламачилик қилганлиги истиқлолчиларга жуда қимматга тушди. Қизил аскарлар Ўш ва Жалолободди босиб олгач, Мадаминбек кўшинлари билан Помир ва Олой тоғларига чиқиб кетди.

Бир ой давомида бутун Туркистонни ларзага келтирган Мадаминбек бошчилигидаги истиқлолчилар кўшинининг ҳужуми пировардида шундай яқун топди. Бироқ илк мағлубият аламини татиган Мадаминбекнинг иродаси синмади. Помирнинг Гульча истеҳқомида макон топган Мадаминбек армияни янгидан ташкил қилиш, йигитлар сафини кўпайтириш, кўшинга янги қабул қилинган истиқлолчиларга ҳарбий таълим бериш, хорижий давлатлар билан ўрнатилган алоқаларни мустаҳкамлаш ва улар билан ҳарбий ҳамкорлик қилиш йўлларини қидириш билан шуғулланди.

Мадаминбек санокли кунлар ичида ўз кўшини ичидаги жанговарлик руҳини қайта тиклай олди. У ўзининг катта кўшини билан 1919 йил 10 октябрларда водийга қайтиб, Намаган уездидаги Чорвоқ қишлоғида ўз штабини жойлаштирди. Чорвоқда зудлик билан қурилган ҳарбий корхонада ўқ-дори ва снаряд ишлаб чиқаришга киришиди. Фарғона водийсида, кейинчалик Бухорода қурилган бундай устахоналар ва заводларда австриялик ва бошқа хорижий ҳарбий мутахассисларнинг кўмагида қурол-яроғлар: милтиқлар, ўқ-дори ва снарядлар ясалган, тўплар ва замбараклар қуйилган.

Мадаминбек қароргоҳига зиёдилар: жадид мунавварлари ва ислом уламолари йиғилиб, унинг кўрсатмаси билан Фарғона водийси аҳолиси ўртасида умумхалқ кўзғолони кўтариш ғоя — сини тарғиб қилиш учун қишлоқларга жўнаб кетдилар. Истиқ — лолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари ва мафкурачилари ҳисоблашган бундай шахслар Туркистонда миллий ғоя учун курашнинг йирик намояндалари эди.

Фарғона fronti қўшинлари қўмондони Соколов Туркистон инқилобий ҳарбий кенгаши (Реввоенсовет) номига 1919 йил октябрда йўллаган маълумотида Фарғона вилоятида совет ҳокимияти хавф остида қолаётганлигини очиқ тан олиб, қуйи — дагича ёзган эди: "Совет ҳокимияти фақат шаҳарларда фаолият кўрсатмоқда, уездлар қароқчилар (истиқлолчилар — Қ.Р.) томонидан эгаллаб олинди. Қароқчилар (истиқлолчилар — Қ.Р.) гуруҳлари ҳамма йирик қишлоқларда ўрнашган: хусусан, Андижон уездининг шимоли — ғарбий қисми ва Марғилон уездининг шимоли — шарқий қисмида; Ўш уездининг шимоли — шарқий қисмида катта гуруҳлар Помир райони муҳофаза қилиб, Ўш шаҳрига таҳдид солмоқда. Фақат бу ердаги қуролланган қароқчиларнинг (истиқлолчиларнинг — Қ.Р.) миқдори 12.000 кишидан ортиб кетди, алоҳида гуруҳларнинг ҳар бирида 1000 тача йигитлар бор".

1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом (Иркештам) овулида, ҳозирги Қирғизистон Республикасининг Хитой билан чегарасининг нақ ўзида, истиқлолчилик ҳаракати йўлбошчилари ва крестьянлар армияси раҳбарларининг ўзаро анжумани бўлди. Бу йирик анжуман (қурултой)да Фарғона водийсидаги тинч аҳоли вакиллари, шунингдек, Россиянинг Кошғар (Хитой)даги собиқ консули Успенский ҳам иштирок қилди. Анжуманда водий аҳолиси турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилаётган Фарғона ҳарбий муҳолифати томонидан **Мадаминбек** бошчилигида **Фарғона муваққат мухторият ҳукумати** тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб, 24 киши киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бирга Олий бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди. Рус крестьянлар армиясининг раҳбари Монстров унинг ўринбосари, генерал — майор Муханов ҳарбий вазир қилиб белгиланди. Ҳукумат таркибига яна Ҳаким Азизхонов (молия вазири), адвокат Нансберг (ички ишлар ва адлия вазири), Плотников, полковник Фенин, капитан Сулаймон Кучуков ва бошқалар киритилди. Мадаминбек ушбу машваратда

Туркистон халқи учун демократик руҳдаги мустақил мусулмон давлатини тузиш мужоҳидларнинг энг олий мақсади эканлигини алоҳида таъкидлайди. Чунки Мадаминбек демократик руҳдаги давлат куриш тарафдори бўлиб, у бошқа кўрбошилардан тубдан ажралиб турарди.

Маълумки, "Мадаминбек Фарғонада мухторият ташкил қилиш ва Таъсис мажлисини чақириш учун курашган эди". У ҳаётга реал қараганидан, даставвал Фарғона водийсининг ўзида ҳокимиятни қўлга олиб, бу ерда мухторият ўрнатмоқчи эди. Туркистон Мухторияти ҳукумати айнан шундай талаблар билан ўз даврида чиққан бўлиб, бу ғояни Мадаминбек амалга ошираётган эди. У водийда мухторият тўлиқ ўрнатилгач, Туркистоннинг бошқа ҳудудларидан ҳам қизил армияни қувиб юбормоқчи, сўнгра Таъсис мажлисига бутун ҳокимиятни топшириб, айнан демократик йўл-сайловлар орқали Туркистоннинг тўлиқ мустақиллигига эришмоқчи бўлган. Мадаминбек ана шундай ёрқин ғоялар йўлида жанг қилди, мустақил Туркистон учун курашди.

Мадаминбекнинг халқаро майдонга чиқишдек ниятлари маълум маънода ўз самарасини бергандек бўлди. Юқорида айтилган ашжумадан сўнг бир ҳафта ўтар-ўтмас ҳозирги Фарғона вилояти Ёзёвон тумани ҳудудидаги Қоратепа қишлоғида жойлашган Мадаминбекнинг қароргоҳига Афғонистондан расмий делегация ташриф буюрди. "Беш кишидан иборат афғон делегацияси Мадаминбекнинг Марғилон шаҳридаги қайнотасининг уйида (марҳум Абдураззоқ закўнчи Сиддиқов хонадонида) ҳам бўлишди". Қоратепа қишлоғида бошланган музокаралар Марғилонда давом эттирилди. Афғонистон делегациясига бу ерда Қоратегин орқали Тошкентдан келган яна битта афғон ҳам қўшилди. Бироқ Мадаминбекнинг кейинчалик кўрсатишича, Тошкентдан келган афғон совет ҳукуматининг жосуси ва чекистларнинг айғоқчиси бўлиб чиқди.

Қизил армия агентураси махфий маълумотларига қараганда, "Мадаминбекка ёрдам учун Помир тоғлари оша 10.000 кишилик яхши қуролланган афғон қўшинлари Фарғонага келадиган бўлди". Бироқ, агентуранинг бу махфий маълумотлари ўша даврда Афғонистонда юз берган тарихий вазият ва сиёсий воқеаларни чуқур ўрганмасдан туриб, тайёрланган эди. Афғонистон амири Омонуллахон 1919 йил 28 февралда мамлакатни мустақил деб эълон қилган ва совет Россияси билан яхши

қўшничилик муносабатларини ўрнатган эди. Мадаминбек Афғонистон амири Омонуллахонга 1919 йил май ойидаёқ ўзи —нинг расмий вакиллари юбориб, Афғонистонни инглизлардан мустақил бўлганлиги билан табриклаган ва Россияга қарши курашда ўз мусулмон биродарларидан ёрдам сўраган эди. Бироқ бир архив ҳужжатида кетирилишича, "Мадаминбек Кошғар консули орқали 18 яшиқ патрондан иборат" ҳарбий ёрдамни олган, холос. Кейинчалик Мадаминбекка оз миқдорда қуро — яроғ жўнатишган.

Афғонистон амири Омонуллахон томонидан 1919 йил ок —тябрда юборилган жавоб делегацияси (албатта, совет Россия —сининг Туркистондаги расмий раҳбарлари розилиги билан) истиқлолчиларни ўз манфаатларига бўйсундирмоқчи бўлгани —дан, яъни ҳарбий ёрдам беғараз кўрсатилмаслигидан воқиф бўлган Мадаминбек улар билан музокараларни тўхтатди. Шундай бўлишига қарамасдан, кейинчалик ҳам Мадаминбек қароргоҳида Афғонистон, Эрон, Озарбойжон ҳукуматларининг расмий вакиллари, Бухоро амирлигидан келган 5 нафар доимий маслаҳатчи, Хива хонлигидан Жунаидхон юборган кишилар, рус оқ гвардиячи ҳукуматларининг вакиллари бор эди. Баъзи манбаларда Туркиядан ҳам расмий кишилар келганлиги кўрсатилади.

Мадаминбек бошчилигида ташкил қилинган Фарғона муваққат мухторият ҳукуматининг халқаро алоқалари тобора кенгайиб борди. Буюк Британиянинг Кошғардаги бош консули П.Эсертонга Мухановнинг ўғли махсус вакил қилиб юборилиб, ундан ҳарбий ёрдам сўралди. Бироқ, Англиянинг Д.Ллойд — Жорж бошлиқ либераллар ҳукумати сиёсатдонлари ва давлат раҳбарлари Мадаминбек ҳукумати даъватини эътиборсиз қолдиришди. Лекин диққатга сазовор ҳолат шундаки, Фарғона муваққат мухторият ҳукуматининг довури уммонлар оша ту —манли Британ соҳилларига барибир етиб борди. Ҳиндистоннинг Оллоҳобод шаҳрида инглиз тилида чиқадиган "Пионер" газетасининг ёзишича, 1919 йил декабр ойи ўрталарида Буюк Британия парламентида Туркистонда пайдо бўлган янги мустақил давлатни расмий жиҳатдан тан олиш, у ерга халқаро комиссия юбориш масаласи кўтарилган. Тадқиқотчи А.Ибоди — новнинг ёзишича, парламент узоқ тортишувлардан сўнг бу таклифни рад этган.

Шуни унутмаслик лозимки, Марказий Туркистон, Жанубий Туркистон (Шимолий Афғонистон), Шарқий Туркистон (Фарбий

Хитой), Шимолий Туркистон (Татаристон ва Бошқирдистон) — тарихан таркиб топган Туркистон минтақасида 1917—1920 йилларда тузилган мустақил Туркистон давлати ёхуд Марказий Осиё халқлари федерациясини тузиш гояси Буюк Британия томонига ҳам ёқмас эди. Мустамлакачи мамлакатларнинг энг классиги бўлган Англия империяси бу соҳада чор ва большевистик Россия империяси билан зимдан ҳамфикр эди. Айнан шу ҳолат Буюк Британиянинг Туркистон минтақасидаги сиёсатини олдиндан белгилаб берган муҳим омил бўлди.

Мадаминбек томонидан моҳирона дипломатик сиёсат юри-тилганлиги натижасида ҳукумат тузилганлиги водийдаги вазиятни унинг фойдасига ўзгартириб юборди. Ягона, кучли ва малакали замонавий мусулмон армияси тузиш ишлари қизитиб юборилди. 1919 йилнинг кеч кузига келиб, "Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин йигит" босқинчи қизил армияга қарши истиқлол жанглари олиб бордилар. Бу пайтда "Шермухам-мадбекда 20.000 йигит", "Катта Эргаш кўрбошида 8.000 йигит бўлган". Айнан ушбу учта лашкарбоши водийдаги жанговар ҳаракатларни йўналтириб турдилар.

1919 йил октябрнинг сўнгги кунларида Фарғона водийсидаги барча йирик кўрбошилар Андижон уездидаги Ойимқишлоқда тўпландилар. Истиқлолчилик ҳаракати тарихидаги ушбу энг йирик қурултойларнинг бирида, архив ҳужжатларининг далолат беришича, Фарғона водийсида ҳаракат қилаётган 150 тача кўрбошилар дасталари тўртта йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Катта Эргаш, Шермухаммадбек, Холхўжа Эшон қўмондонлиги остида бирлаштирилди. Мадаминбек қўшинлари Жалолободдан ғарб томонда, Катта Эргаш Қўқондан шимоли-шарқ томонда, Шермухаммадбек Марғилондан шимоли-шарқ томонда, Холхўжа Эшон эса Ўшдан ғарб томонда фаолият кўрсатишлари келишиб олинди. Қурултойда истиқлолчилар қўшинининг Олий бош қўмондони қилиб яна қайтадан Мадаминбек сайланди.

Бир юз эликта кўрбошиларнинг ҳар бири қўл остида камида 400—450 та йигит бўлган деб тахмин қилинганда ҳам, Фарғона водийсидаги Мадаминбек қўшини бу пайтга келиб 60.000—70.000 кишидан иборат эди. 1919 йил 30 ноябрда Тошкентдан Туркистон fronti штаби жойлашган Самарага йўланган телеграммада айтилишича, "Бош қўмондон Мадаминбекнинг ўзи Бўтақора—Бозорқўрғон атрофларида жойлашган. Унинг нисбатан мустақил кўрбошиларидан Холхўжа

Эшон Ўш уездида, Кўршермат (Шермухаммадбек—Қ.Р.) ва Гиёс Хўжа Скобелевдан жануб томонда фаолият кўрсатмоқдалар. Янгиқўрғон туманида (Қўқондан 20 чақирим шарқда) Эргаш кўрбоши ўз йигитлари билан турибди... Булардан ташқари Мадаминбекнинг шахсий қўмондонлиги остида қуйидаги йирик кўрбошилар ҳаракат қилмоқда: Маҳкам Ҳожи (Мадаминбекнинг ёрдамчиси), Соли Маҳдум, Шермат, Омон Полвон, Мулла Масаид, Мулла Карим, Алиёр, Парпийбой, Фулом, Акбарали, Олим, Нурмат, Жўра, Отамурод".

Юқорида айтиб ўтилган 150 дан ортиқ кўрбошилар дас-таларининг ҳар бирида собиқ чор армияси офицерлари ва турк зобитларидан ташкил топган ҳарбий инструктор лавозими жорий қилинди. Кейинчалик уларнинг ўрнини Валидий томонидан юборилган кўлаб бошқирда офицерлари эгаллади. Кўрбошиларни махсус ҳарбий ва гоявий тайёргарликдан ўтказиш учун алоҳида курслар ташкил қилинди. Бу курсларга таклиф қилинган жаҳид зиёлилари ва ислом уламолари уларга миллий истиқлол гояларидан сабоқ беришди. Шунингдек, истиқлолчилар қўшини орасидан мустақиллик гоясига садоқатли, мард ва жасур йигитлар танлаб олинди, улар кўрбошиларни тайёрлаш бўйича махсус курсларда ўқитилди. Бўлғуси кўрбошилар бундай махсус курсларда тажрибали қўмондонлардан шарқ ҳарбий санъати: стратегия ва тактикасини ўргандилар. Ўша даврдаги воқеаларнинг бевосита шоҳиди, бўлғуси маршал ва Шарқий Туркистон ислом жумҳуриятининг 1—президенти Алихонтўра Соғуний (1885—1976) нинг кейинчалик ёзган хотираларида келтирилишича, бу курсларда ҳарбий машғулотлар "Темур тузуклари" асари асосида ўргатилган.

Фарғона муваққат мухторият ҳукумати ҳузурида хорижий мамлакатлардан қурол—яроғ сотиб олиш билан шуғулланган махсус идора ташкил қилинди. Мадаминбекнинг кўрсатмаси билан ҳукумат маблағларининг катта қисми бу идорага берилди. Улар нафақат чет элдан, балки махсус кишилар орқали қизил армия командирлари қўлидан мўмай пул эвазига турли хил қурол—яроғларни сотиб олишди.

Шунингдек, ҳукуматнинг мақсад ва вазифаларини халққа тушунтириш билан шуғуллашувчи гоявий уюшма ҳам ташкил этилди. Кундалик газеталар ва ахборотномалар чиқариш имконияти чеклангани учун бу уюшма асосан варақалар, чақирқлар ва баёнотлар нашр қилиш ҳамда уларни қўшин ва халқ ўртасида тарқатиш билан машғул эди. Фақатгина 1919 йилнинг

кузи ва қишида уюшма юздан ортиқ ана шундай варақалар, муружаатнома ва баёнотлар чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидаги баъзи маъналарда келтирилишича, сал кейинчалик нашр ишлари билан асосан жаҳид мунавварлари шуғулланганлар. Мунаввар Қори Тошкентдан Фарғонага келиб, Ашуралӣ Зоҳирӣ билан биргаликда варақалар тайёрлашган. Ҳатто Фитрат ва Чўлпоннинг айрим шеърлари алоҳида ҳолда босилиб, истиқлолчилар ўртасида тарқатилган. Бу шеърларда Туркистон мустақиллиги ғояси тараннум қилинган, босқинчи қизил армияга қарши нафрат ўз ифодасини топган эди. ("Миррих юлдузига", "Юрт қайғуси", "Гўзал Туркистон", "Халқ", "Бузилган ўлкага", "Балжувон" ва б.)

Совет режими ва большевиклар истиқлолчиларга қарши курашнинг барча воситаларини ишга солишди. Туркистон fronti, Турккомиссия ва Туркбюро, кейинчалик РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси каби ҳарбий ташкилотлар ва комиссиялар тузилди. Россия марказидан доимий равишда Туркистон минтақасига янги-янги қизил аскар қисмлари келтириб турилди. Бу ҳолат, хусусан, Оренбург тикини тугатилгач авж олиб кетди. Айнан Фарғона водийсига тобора қўшимча кучларнинг ташланиши натижасида 1920 йил январ ойининг ўрталарига келиб, жанговар ташаббус қизил армия қўлига ўтди. Крестьянлар армияси қизил армия томонга бутунлай ўтиб кетди. Катта Эргаш кўрбошининг қўшини мағлубиятга учрагач, Шермухаммадбек асосий кучларни олиб, Олой воҳасига чекинди.

Ҳарбий ташаббус қўлдан кетганлигини, ҳар қадамда хиёнат таъқиб қилаётганини кўрган Мадаминбек ўз йигитлари ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Фарғонадаги совет қўшинлари қўмондонлигига яраш музокаралари бошлашни таклиф қилди. Оқибатда истиқлолчилар қўшинининг Бош қўмондони Мадаминбек билан 2-Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Н.Верёвкин-Рохальский ўртасида 1920 йил 6 мартда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида яраш битими имзоланди. Мадаминбек билан бирга совет ҳокимияти томонига унинг ўилаб кўрбошилари ва 3.500 та йигити ҳам ўтган эди.

Лекин Мадаминбекнинг дипломатик тадбирлари бу гал самарасиз тугади. Совет қўмондонлиги томонидан музокаралар ўтказиш учун кўрбошилар орасига юборилган Мадаминбек Шермухаммадбекнинг розилиги билан Холхўжа Эшон томонидан 1920 йил 14 майда қирғизларнинг Қоровул қишлоғи атрофида хиёнаткорона ўлдиртирилди.

Совет кўмондонлиги "Мадаминбекнинг ўлими билан Туркистон Мухторияти ва миллий мафкура учун кураш ҳам ўлади", деб хом хаёлга боришган эди. Мадаминбекни ўлдирган кимса Холхўжа Эшон кўл остидаги Соқи жаллод бўлса — да, аслида унинг ҳақиқий қотили большевикча режим раҳбарлари эди. Чунки Мадаминбек йўқ қилинган, эртасигаёқ истиқлолчилардан аёвсиз ўч олишга киришилади.

Мадаминбек билимдонлиги ва ташаббускорлиги, ўзининг демократик қарашлари ва ҳарбий салоҳияти билан бошқа кўрбошилардан анча устун турган. У халқ орасида кучли меҳрмуҳаббат ва катта обрўга сазовор эди. Табиийки, бундай миллий қаҳрамон ва миллий мафкура тарафдори бўлган, миллий ғоя учун оташин курашган Мадаминбек сингари йўлбошчи совет режими учун жуда хавфли эди. Шу сабабдан ҳам Мадаминбекнинг ҳалок бўлишидан биринчи навбатда улар манфаатдор эди. Адолат юзасидан айтганда, Мадаминбекнинг айрим ишлари баъзи ўзбилармон кўрбошилар ва уламоларга ҳам ёқмас эди. Истиқлолчилик ҳаракатидаги бундай зиддиятли ҳолатлар Мадаминбек қисматининг фожиали туташида ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Мадаминбек фожиали равишда ҳалок бўлса ҳам, унинг порлоқ номи Туркистон истиқлолчилари ўртасида тилларда дoston бўлишда давом этади. Мадаминбек ҳақида турли кўшиқлар тўқилиб, истиқлолчилар томонидан куйланди. Архивдаги махфий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ана шундай кўшиқлардан бирини Мунаввар Қори тинглаб, унга "мазмун жуда чиройли" деб, юқори баҳо беради ва кўшиқ матнига айрим тузатишлар киритади. Кўшиқ сайқал топган, у бутун Фарғона истиқлолчилари ўртасида жуда машҳур бўлиб кетади.

Мадаминбекнинг қабри ҳозирги Қирғизистон Республикаси ҳудудида, Олой воҳасидаги Шиғай қишлоғидадир. Бу жой 20 — йиллардан бошлаб ўзбек, қирғиз ва бошқа туркий халқларнинг зиёратгоҳ масканига айланган. Қабр устида ўрнатилган мрамартошда "Туринг бегим гуноҳларни ювайлик, Босқинчини Она юртдан қувайлик" деган шеърин битик ўйиб ёзилган. Шеърин матн остида қиличнинг расми акс эттирилган.

Мадаминбек юрт озодлиги ва истиқлоли учун курашда қурбон бўлди. У ўз ўлими билан бугунги мустақиллигимизга пойдевор қўйди, ҳозирги истиқлол кунларимизни яқинлаштирди.

Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг йўл – бошчилари ўртасида шубҳасиз Шермуҳаммадбек (1893–1970) алоҳида ажралиб туради.

Шермуҳаммадбек (архив ҳужжатлари ва совет адабиётларида Кўршермат ёки Шермат кўрбоши, унинг ўнг кўзига ўқ теккан) Фарғона вилоятининг ҳозирги Тошлоқ туманида Гарбува (Гарбобо азизлар) қишлоғида беклар авлодидан бўлган Қўшоқвой ҳожи хонадонида 1893 йилда туғилди. Қўшоқвой ҳожининг ота авлодлари Қўқон хонлари ҳузурида вазирлик, беклик қилишган бўлса, оналари Ойдин оғоча Кошғардан келив бўлиб тушган эди.

Шермуҳаммадбекнинг Тошмуҳаммадбек, Тожмуҳаммадбек, Рўзимуҳаммадбек деган акалари, Нурмуҳаммадбек номи укаси ва Сарвинисо исми сиғлиси бўлган. Унинг онаси Тўпахон ая Қўшоқвой ҳожининг кенжа хотини эди. Шермуҳаммадбек оилада тўртинчи фарзанд бўлиб, дастлабки таълимни қишлоғида, кейин Марғилонда олган. Шермуҳаммадбек ёшлигидан илмга чанқоқ, айти пайтда жангари йигит бўлган. У кўп ўқиган, шунинг учун аждодларимизга ҳурмат ва мустамлакачиларга нафрат руҳида тарбияланган.

Шермуҳаммадбек бетаҳорат от минмаганлар, ясапиб кийинмаганлар, камгап ва адолатпеша шахс эдилар, деб хотирлайди Фарғонадаги қариялар.

Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг кейинчалик "Хотиралар" китобида ёзишича, Шермуҳаммадбек 1916 йилда чор Россияси томонидан мардикорликка олишган ва уруш чизигида ишлаш учун сафарбар қилинган кишилар қаторида Польша фронтига ташланган.

Шермуҳаммадбек миллий истиқлол учун курашнинг илк босқичидан бошлаб жанг майдонига кирган. У Катта Эргаш ва Мадамипбекнинг ўрибосарлари сифатида истиқлолчиларнинг тан олинган йирик лашкарбошиси эди. У кураш майдонига кирган илк кунлардан бошлаб "Туркистон – туркистонликларнинг юртидир, унга бошқа ҳеч кимнинг эгаллик қилишга ҳаққи йўқ!" деган шиорни ўртага ташлаган. Унинг асосий мақсади Туркистонда ислом жумҳуриятини ташкил қилиш бўлган.

Шермуҳаммадбек ҳақида Шаҳобиддин Яссавий "Туркистон аччиқ ҳақиқатлари" китобида қуйдагича ёзган эди: "Шермуҳаммадбек кўрбоши ва катта кўмондон, Гирва қишлоқ – Марғилондан. Бу қаҳрамон – буюк кўмондон. Русларга қиргин бергувчи ботир эди. Айти жиҳод қилиб юрган замонда Тур –

кистон мусулмонлари биринчи ва иккинчи Буюк қурултой мажлисларини 36 модда ила Умурдават таъсисни (тарихий васиқа) унвонила вужудга келтирган Бош қўмондон Шермуҳаммадбек..., аммо... хоин Йўлдош Охунбобоев шайтонлик ва фириб ўйинида унутилмайдирган буюк бир хато қилди”.

Шермуҳаммадбекнинг сиёсий қиёфаси муҳолифлар томонидан у қуролни ҳали ташламаган пайтдаёқ қуйидагича чиқарилган эди: “Кўршермат (Шермуҳаммадбек – Қ.Р.) – миллати сарт (ўзбек – Қ.Р.) бўлиб, барча қўрбошиларнинг энг ғайратли ва қатъиятлиси ҳисобланади. Жангда жуда жасур, қўл ости – дагиларга нисбатан талабчан ва русларга шафқатсиз. У аҳоли ўртасида жуда катта обрў – эътибор ва шуҳратга сазовордир”.

Шермуҳаммадбек фаолиятига унинг ашаддий фанимлари томонидан берилган бу баҳо тўғри эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим.

1920 йил 3 майда Фарғона водийсидаги бутун қўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманидаги Ғойибота (Ғарибота) қишлоғида ўзларининг навбатдаги қурултойларига тўпландилар. Босқинчи қизил армияга қарши кураш байроғини водийда Мадамилбек ўрнига элди Шермуҳаммадбек кўтарди. Қурултойда **Шермуҳаммадбек** бошчилигида **Туркистон – турк мустақил ислом жумҳурияти** ёхуд Туркистон Муваққат ҳукумати тузилди. Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси бўлиши билан бир қаторда водийдаги бутун истиқлолчилар қўшинининг Олий бош қўмондони қилиб ҳам сайланди (**Ражабов Қ.К.** Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар. Т., Ўзбекистон, 2000, 12 – бет).

✓ Туркистон Муваққат ҳукумати Фарғона водийсидаги озодлик курашида муайян даражада хизмат қила олди. Валидийга таяниб **Ғойибота** Хайитнинг ёзишича, ҳукумат таркибига қуйидаги 6 киши киритилган: “Шермуҳаммадбек – ҳукумат раиси ва Олий бош қўмондон; Муллажон Қори – хавфсизлик нозири; Акбаржон Эшон – Шайхулислом; Абдусалом Қори – ҳукуматнинг бош котиби; Назиржон – молия нозири; Мулла Ҳожи Ниёз – махсус ишлар нозири”.

Бундан ташқари, 14 кишидан иборат ҳарбий идора маҳкамаси тузилди. У Бош қўмондон Шермуҳаммадбек, турк зобитлари Исмоил Ҳаққи ва Ёқуббек, шупингдек, Алиёр қўрбоши, Юсуф Полвон, Мулла Бозорбой, Пўлат, Асқар ва Нурмуҳаммадбеклардан иборат бўлган. Бу маҳкама ўз машваратларида истиқлолчилик ҳаракатининг кейинги ривожланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқарди.

Мулла Умар Ҳожи, Жамол Қози, Абдулазиз Қори ва Абду-саломлардан иборат қозихона — мустақил суд идораси маҳка-маси ҳам фаолият кўрсатган. Идора мажлиси, яъни маъмурий кенгаш таркиби Абдулоқи бойвачча (раис), Муфти Мусо Қози, Абдуқаюм, Мулла Ғойибназар, Мулла Йўлдош Охунлардан иборат бўлган. Бундан ташқари 88 кишилиқ парламент—Шўро ҳам ташкил қилинган.

Шермуҳаммадбек томонидан большевиклар чангалидан озод қилинган жойларда эликбошилиқ, юзбошилиқ, мингбошилиқ лавозимлари қайтадан тикланди. Аҳолининг қўлидан солиқ-ларни эликбошилар йиғиб, мингбошилар орқали қўрбошиларга етказишган. Қўрбошилар эса бу тўловларни молия нозири орқали ҳукумат хазинасига топширганлар. Кўп ўринларда бадавлат кишилар ҳисобланган йирик мулкдорлар: бойлар, савдогарлар ва уламоларга қўшимча солиқлар ҳам солинган. Ушбу тўловлар совет режими халқдан олаётган солиқлар ва тушумлардан бир неча марта кам бўлган. Шермуҳаммадбек ҳукумати томонидан зарурий эҳтиёжлар ҳамда қурол-яроғ сотиб олиш учун керакли бўлган миқдордаги маблағина аҳоли қўлидан тўланган, холос. Қўрбошилар ва йигитларининг озиқ-овқат таъминоти эса улар жойлашган қишлоқ аҳли зиммасида эди. ✓

Шермуҳаммадбек қўшинидаги йигитларнинг саломатлигига марғилонлик Мирзажон ва олтиариқлик Эргаш табиб бошчилигидаги халқ табиблари жавобгар бўлганлар. Замбарак ва милтиқлар ясаш, ўқ-дорилар ишлаб чиқариш ҳамда қурол-яроғларни тузатиш ишига марғилонлик милтиқсиз уста Аҳрорхўжа Эшон ва шаҳрихонлик Сулаймон Эшон, шунингдек, Германиядан келган немис мутахассислари раҳбарлик қилдилар. Йигитларнинг бўш вақтларида кўнгили хордиқ чиқаришлари учун 12 кишидан иборат муסיқачилар дастаси ўз санъатларини намойиш қилиб турганлар. Баъзи манбаларда ёзилишича, машҳур ҳофиз Муҳиддин Қори Ёқубов ва водий қи-зиқчиларининг сардори Юсуфжон қизиқ Шакаржонов дас-таввал истиқлолчилар сафида бўлишган. Шунингдек, "икки юздан ортиқ йигит отларни парвариш қилиш билан махсус шуғулланганлар".

Шермуҳаммадбек қўшинида жангларда чиниққан саралан-ган йигитлардан иборат алоҳида гуруҳ бўлган. Бу гуруҳ жангчилари қўшинидаги бошқа аскарлардан фарқли равишда қизил чизиқ қопланган қора шимлар ва европача бичимда тикилган турли рангдаги кўйлақлар кийиб олишган. Бу кўй-

лакларда ислом рамзи саналган ярим ой шакли ва юлдузлар тасвири туширилган эди. Ҳарбий кийим—кечакларни тикиш бир гуруҳ моҳир чеварлар зиммасида эди. Йигитлар бошида қизил рангдаги дўппилар ва татарча тақиялар бўлган. Отада юриш қулай бўлиши учун улар тиззагача калта қилиб қирқилган ятаклар ҳамда оёқларига русча русумдаги этиклар кийишган. Йигитларнинг қўлиги аралаш кўкрагидан ўтка—зилган чарм патронтошда ўқ—дорилар сақлаш учун махсус ўринлар бўлган.

Шермуҳаммадбек кўтарган эрк ва истиқдолнинг яшил бай—роғи остида Фарғона водийсидаги бутун кўрбошиллар тўпланди. Мадаминбек билан бирга ёки ундан олдинма—кейин совет ҳокимиятига таслим бўлган кўрбошилларнинг аксарияти ва уларнинг йигитлари ҳам Шермуҳаммадбек кўшинлари сафига келиб қўшилдилар. Большевик маддоҳлардан бирининг эъти—рофича, улар учун “Мадаминбек кўрбошиллар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек, шубҳасиз энг хавф—лиси эди”.

Туркистон МИК раиси Иномжон Хидиралиевнинг сал ке—йинроқ ёзишича, “1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70.000 кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди”.

Туркистон — турк мустақил ислом жумҳуриятининг кейинчалик Муваққат Конституцияси (Асосий Қонуни) қабул қилинди. Бу Конституция Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг ташаббуси билан 1922 йил 15—20 апрелда Самарқанд шаҳрида ярим яширин ҳолатда ўтган Туркистон мусулмонларининг 2—қурултойида қабул қилинди. Унда Фар—ғона ва Самарқанд вилоятларидаги энг нуфузли кўрбошиллар 10 тадан йигитлари билан, шунингдек, Бухоро ва Хоразм республикаларининг кўплаб кўрбошилари, Закаспий ва Оқмўла вилоятларидан айрим вакиллар иштирок этдилар.

Тарихчи Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, қурултойда Фарғона водийси истиқдолчиларининг йўлбошчиси Шермуҳаммадбек истиқлол кураши ҳақида катта маъруза қилди. Қурултой охирида 7 бўлим ва 36 моддадан иборат махсус Резолюция қабул қилиндики, у юқорида айтиб ўтганимиздек, мамлакатнинг муваққат Консти—туцияси эди. Бу ҳужжат Туркистон ўлкасидаги Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Закаспий вилоятлари ҳамда Амударё бўлими эндиликда Туркистон—турк мустақил ислом жумҳурияти тар—кибига киритилганлигини қонун йўли билан мустаҳкамлади. Унда ёзилишича, ҳукумат таркиби 15 кишидан иборат бўлиши лозим.

Ушбу 15 киши орасидан мамлакат Президенти, Вице-президенти ва Бош котиб сайланмоғи ва бу уч кишидан иборат Ижроия Қўмита тузилиб, улар пойтахтда доимий равишда иш-лаши кўзда тутилган эди. Ҳукуматнинг бешта аъзоси Фарғона вилоятидаги Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон. Ҳш каби бешта туманнинг ҳарбий бошлиқлари қилиб тайинланадиган бўлди. Қолган 7 киши эса: ҳарбий; ташқи ишлар; ички ишлар, почта ва телеграф; диний ишлар; молия; адлия; транспорт вазирилари қилиб тайинланиши лозим эди.

Шермуҳаммадбек бошчилигида алақачон тузилган Тур-кистон Муваққат ҳукумати Самарқанддаги қурултойда расмий тасдиқланади. Афсуски, ҳукумат аъзолари бу қадим шаҳарда бир ойдан ортиқ қола олмайдилар. Чунки истиқлолчилар то-монидан уларни қизил армия қисмларининг кучли зарбаларидан ҳимоя қилиш тобора қийинлашаётган эди. Шунинг учун ҳукумат ўз қароргоҳини истиқлолчилик ҳаракатининг маркази бўлган Фарғона водийсининг Наманган туманига кўчирди. Фа-қатгина уч ой мобайнида ҳукумат ўз қароргоҳини беш марта ўзгартиришга мажбур бўлди (Самарқанд, Наманган, Ҳш, Марғилон атрофидаги Ғойибота ва Норин).

Шермуҳаммадбек Самарқанддаги анжумандан тезда қайтиб келгач, 1922 йил 22 апрелда Қўқон уездидаги Қорабува қиш-лоғида Фарғона кўрбошиларининг навбатдаги қурултойини ўтказди. Водийда ҳаракат қилаётган 200 атрофидаги кўрбоши-лар дасталаридан энг обрўлилари бўлган Нурмуҳаммадбек, Тошмуҳаммадбек, Рўзимуҳаммадбек (Шермуҳаммадбекнинг биродарлари), Ислон Полвон, Аҳмад Полвон, Қорабой, Мама Рўзи ва бошқалар ушбу қурултойда қатнашдилар. Қурултойда Шермуҳаммадбек Самарқандда куни-кеча бўлиб ўтган ан-жуман иши тўғрисида ҳисобот берди. Ушбу қурултойда водий истиқлолчиларининг 1922 йилдаги жанг ҳаракатлари ва кўр-бошиларнинг фаолият доиралари келишиб олинди. Шерму-ҳаммадбек Фарғона водийси мужоҳидларининг йўлбошчиси-Олий бош кўмондон сифатида яна бир бор эътироф этилди.

Шермуҳаммадбек бу пайтда Бухоро ва Хоразм респуб-ликалари ҳамда Самарқанд вилоятида ҳаракат қилаётган ис-тиқлолчилар билан алоқаларни йўлга қўйди. Анвар Пошо ва Жунаидхон билан уч томонлама ҳамкорлик ўрнатилди. Шу-нингдек, Шермуҳаммадбекнинг Шарқий Бухоро кўрбошилари Иброҳимбек ва Фузайл Маҳдум билан муносабатлари яхши бўлган. Афғонистон билан ҳам алоқалар ривожланган. Бир ҳужжатда ёзилишича, Шермуҳаммадбекнинг Балиқчи тумани-

даги Оқтепа қишлоғида жойлашган қароргоҳига 14 июнда 25 афғон инструктори келиб, қўрбошилар йигитларига ҳарбий ишдан сабоқ беришга киришдилар.

Шермуҳаммадбек томонидан 1922 йил кузида чиқарилган ва Туркистон халқига қилинган мурожаатномада айтилишича, "Афғонистон, Туркия, Хитой консуллари Салим Пошо билан ҳамкорликда Шермуҳаммадбекнинг иш олиб бориши лозим — лигини уқдирганлар". Шермуҳаммадбек консуллар олдига унинг ихтиёрига 20.000 кишилиқ қўшин бериш талабини қўйган. Бу талаб қондирилади, деб ваъда қилинган бўлса — да, Шермуҳаммадбекка кейинчалик ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатилмайди.

Шермуҳаммадбек Салим Пошо томонидан Фарғона истиқлолчиларига қарата ёзилган мактубни Шарқий Бухорода бўлганида шахсан ўзи билан олиб келиб, уни ҳам қўрбошилар ўртасида тарқатади. Ушбу мактубда тез орада мустабид совет режимига қарши янги жанг ҳаракатлари бошланиши, барча қўрбошилар ўз йигитлари ва ҳарбий кучларни жанговар ҳолатда ушлаб туришлари лозимлиги таъкидланган эди.

Лекин декабр ойида қизил армия қисмлари истиқлолчиларга кучли зарбалар беришга муваффақ бўлдилар. Ҳарбий куч — қудрат ва миқдор жиҳатдан устун бўлган қизил аскарлар бир қатор ғалабаларга эришдилар.

Шермуҳаммадбек бошчилигида тузилган Туркистон Мувақ — қат ҳукумати 1922 йил охирига келиб тарқалиб кетишга мажбур бўлди. Чунки ҳукумат аъзолари ўзларига топширилган вазифаларни бажариш ўрнига жанглarda иштирок этишга мажбур бўлдилар. Шермуҳаммадбек ҳукумати хорижий дав — латлар билан ҳам самарали алоқа ўрната олмади. Афғонистон, Туркия, Хитой вакиллари билан бўлган музокаралар қарийб қуруқ гапдан нарига ўтмади. Бинобарин, Туркистон Муваққат ҳукумати тарқалиб кетган бўлса — да, Шермуҳаммадбек 1923 йилнинг бошигача ҳукумат раиси сифатида истиқлолчиларга раҳбарлик қилди.

Шермуҳаммадбекнинг ўзи эса қатор жанглардан сўнг, 1922 йил декабр ойининг сўнги кунларида укаси Нурмуҳаммадбек ва қўрбоши Тўхтасин Мақсуд билан умумий миқдори 450 — 500 йигитдан иборат қўшини олиб, олдин Бухоро республикаси ҳудудига, 1923 йилнинг баҳорида эса Афғонистонга ўтиб кетди. Унинг кейинчалик водийга яна қайтиб келиш мақсадида қилган барча уринишлари совет ҳокимияти томонидан йўққа чиқа — рилди.

1923 йил февралнинг охирида Туркистондан чиқиб Эрон орқали Кобулга келган ташқи мунаввар Аҳмад Закий Валидий бу ерда Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек билан учрашганлигини, бу икки кўрбоши унда яхши таассурот қолдирганлигини кейинчалик ўз "Хотиралар" китобида ёзган эди. "Шермуҳаммадбек халқига содиқ бир киши", — деб уни таърифлайди Валидий.

Шермуҳаммадбекнинг акалари Тошмуҳаммадбек, Тожмуҳаммадбек ва Рўзимуҳаммадбек ҳам ўз укасининг қўшини сафида истиқлол жангларида қатнашишди. Улар 1923 йилнинг охирида қизил аскарлар томонидан қўлга олиниб, сўнгра отиб ташланадилар.

Ака — ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекнинг Афғонистонда муҳожирликда ўтган ҳаётлари анча машаққатли бўлди. Кобулнинг расмий ҳукумати совет Россиясининг тазйиқи билан истиқлолчиларни нохуш қаршилар эди. Шермуҳаммадбек шунинг учун 1923 йил октябрда Пешоварга бориб, у ердаги Буюк Британия вакилликдан сиёсий бошпапа сўрайди. Лекин унинг 140 тарафдорига сиёсий муҳожирлик ҳуқуқлари берилмайди. У 1924 йил баҳорида Кошғар орқали Фарғона водийсига 20.000 аскар билан ўтмоқчи бўлади. Лекин бу миқдордаги қўшинни тўплай олмади. Натижада Шермуҳаммадбек 1924 йил 17 мартда Пешоварни тарк этиб, яна Афғонистонга келишга мажбур бўлади. Унинг Ҳиндистонга бормоқчи бўлиб қилган илтимосларини ҳам Буюк Британия ҳукуматининг расмий вакиллари бир неча марта рад этади.

Шермуҳаммадбек 1929 йил Афғонистондан кичик қўшин билан Вахш дарёси орқали Шарқий Бухорога ўтмоқчи бўлганда совет авиацияси ёрдамида ортга қайтарилди. У муҳожирликда ҳам Туркистон мустақиллиги учун кураш ғоясидан асло воз кечмади.

Шермуҳаммадбек Афғонистонда тузилган туркистонлик муҳожирларнинг "Ватани озод қилиш" (баъзи манбаларда "Фаол") номи яширин ташкилотининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Уламолар пешвоси Саид Мубоширхон Тарозий ташкилотнинг бошлиғи, Шермуҳаммадбек — ҳарбий кучларнинг Бош қўмондони эди. Шермуҳаммадбек укаси Нурмуҳаммадбек ва муфтий Садриддинхон Шарифхўжа ўғли орқали Бухоро муҳожирларининг бошлиғи амир Саид Олимхон билан доимий мулоқотда бўлиб турган.

Баъзи адабиётларда ёзилишича, Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия разведкаси бу ташкилотнинг СССРга қарши

фаолиятини қўллаб—қувватлайди. СССРнинг тазйиқи билан Афғонистон ҳукумати 1943 йил мартда ташкилотнинг раҳбарлари ва фаолларини, шу жумладан, Шермуҳаммадбекни ҳам қамоққа олади. У икки йил умрини тутқунликда ўтказди. Бироқ қамоқ даҳшатлари ҳам Шермуҳаммадбек иродасини букишга ожизлик қилади, уни ўз мақсадидан қайтара олмайди.

“Шермуҳаммадбек қотмадан келган, баланд бўйли, чўкки соқол бир киши бўлиб, пешонасига қизил қийиқ боғлаган, зғнига чопон ташлаган кўйи мағрур, бемалол ўтирарди”, — деб кейинчалик эслайди уни 1944 йилда Кобул қамоқхонасида кўрган юртдошимиз Зухриддин Мирза Обид ўғли Туркистоний.

Шермуҳаммадбек қамоқдан чиққанидан сўнг маълум муддат Ҳиндистонга кетади. 1951—1959 йилларда Покистонда яшайди. 1959 йилдан то умрининг охиригача Туркиянинг Адана шаҳрида ҳаёт кечирди. Шермуҳаммадбек 1970 йил 10 мартда, укаси Нурмуҳаммадбек 1983 йил 10 январда Адана шаҳрида вафот этишади. Шермуҳаммадбекнинг ўлими туркистонлик муҳожирлар учун катта йўқотиш бўлди. Унинг дафн маросимига минглаб кишилар йиғилди. Ўша кунлари Адана шаҳрида мотам эълон қилинди. Маросим қатнашчилари Туркистон миллий байроғи ва Шермуҳаммадбек тобутини кўтарган ҳолда бутун шаҳарни айланиб чиқишди. Туркия матбуотида ўша пайтда туркий халқларнинг бу жасур ўғлони ҳақида, унинг мураккаб ва зиддиятли, зафарларга тўлиқ ва мағлубиятлардан холи бўлмаган саркардалик фаолияти тўғрисида кўплаб мақолалар босилди.

Шермуҳаммадбекнинг фарзандлари ҳозирги кунда АҚШ ва Туркияда яшайдилар. Шермуҳаммадбек муҳожирликда Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати ва ўзи бошчилик қилган мужоҳидлар фаолияти ҳақида машҳур хотираларни ёзиб қолдирган.

Кичик ва Катта Эргаш, Мадаминбек ва Шермуҳаммадбекдан ташқари Фарғона водийсидаги истиқлолчиларга 1923—1935 йилларда Ислом Полвон ва Ёрмат Махсум умумий раҳбарлик қилишди. Бундан ташқари Омон Полвон, Муҳиддинбек, Раҳмонқул каби кўрбошилар Фарғонада, Очилбек ва Баҳромбек Самарқанд вилоятида энг машҳур кўрбошилар саналган.

Маълумки, Туркистон аёллари учун Ватан озодлиги ва унинг типчилиги муқаддас ҳисобланган. Олис ва яқин тарихда босқинчиларга қарши туркий аёлларимиз ҳам неча бор жанг майдонларида от сурганлиги, ватанпарвар кучларга бошчилик қилганлиги маълум. Ҳатто, аёллардан махсус бўлинмалар ту—

зилган. Асримиз бошларидаги истиқлолчилар сафида ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг аёллари ҳам бўлганлиги маълум бўлсада, лекин аёллардан чиққан қўрбошилар хусусида китобларда ҳеч қандай маълумотлар учрамас эди. Архив манбаларининг далолат беришича, Фарғона водийсидаги истиқлолчилар сафида ўзбек ва қирғиз аёлларидан қўрбошилар бўлган. Хусусан, Муҳиддинбекнинг онаси ва Шакархон қўрбоши бошчилик қилган гуруҳлар қизил аскарлар юрагига гулгула солган. Асли олтиариқлик уста Холиқбойнинг қизи бўлган Шакархон қўрбоши 1921 йилнинг охирида Қайрағоч қишлоғида бўлган жапғларнинг бирида ҳалок бўлади. Бухоро республикасида ҳам аёллардан чиққан бир қатор қўрбошилар бўлган. Карманалик Нодира қиз Иброҳимбек қўшинида махсус гуруҳга бошчилик қилиб, Шарқий Бухорода қизил аскарларга қарши мардонвор курашган.

Хулоса қилиб айтганда, истиқлолчилик ҳаракатини ягона марказга уюштиришда қўрбошилар катта роль ўйнашди. Истиқлолчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган ва унинг ғоявий мафкурачилари бўлган ислом уламолари ўртасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатларининг пирлари кўп бўлишган. Хорижлик тадқиқотчи Мэри Броксапнинг ёзишича, Фарғонадаги энг қаттиққўл қўрбоши Холхўжа Эшон яссавийлик тариқатининг вакили бўлган. Ислом Полвон ва Мулла Деҳқон қўрбошилар ҳам тасаввуф шайхлари эди. Шунингдек, наманганлик Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли, тошкентлик муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжа қози ўғли, Туркистон МИКнинг собиқ ўринбосари Тўрақул Жонузоқов, асли бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидий ва бошқалар ҳам истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари эди.

Истиқлолчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан уюштиришда қўрбошилар қурултойининг аҳамияти жуда катта бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Туркистонда ўша йиллари қўрбошиларнинг 30 дан ортиқ қурултойлари бўлиб ўтди. Ушбу қурултойларда раҳбарлар сайланган, қўрбошилар ягона қўмондонлик остида бирлаштирилган. Ҳолбуки, бунга ҳамма пайт ҳам амал қилинмас эди.

Шунингдек, қурултойларда қўрбошилар дасталари ҳаракат қиладиган жойлар ва уларнинг таъсир доираси ҳам белгилаб олинган.

4.3. Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги истиқлол жанглари

Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди.

Биринчидан, 1920 йил ўрталаридан бошлаб аввал Хоразм, сўнгра Бухоро республикаларида босқинчи қизил армияга қарши истиқлолчилик ҳаракати бошланди ва қисқа муддатда авж олиб кетди. Иккинчидан, истиқлолчилик ҳаракатининг янги босқичи ўзига хос хусусиятга эга бўлган мураккаб ва зиддиятли даврни ўз ичига олган эди. Ҳаракатнинг биринчи даврида большевиклар ҳукуматига қарши чиққан истиқлолчилар туб ерли аҳоли вакилларидап иборат бўлиб, улар асосан россияликлардан ташкил топган қизил армия қисмларига қарши кураш олиб бордилар, яъни маҳаллий халқ билан босқинчилар ўртасида ҳаёт — мамот кураши бўлган эди.

Большевиклар ҳукуматида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларнинг маҳаллий аҳоли вакиллари қизил армия сафига чақириш ҳақидаги талаблари дастлаб Турккомиссия ва Тош — кентдаги совет ҳукумати томонидан инobatга олинмади, сирасини айтганда, улар туб ерли аҳоли вакиллари қўлига қурол берисидан чўчидилар. Натижада истиқлолчилик курашининг биринчи босқичи моҳият нуқтаи — назардан олганда, том маънодаги босқинчиларга қарши миллий истиқлол учун кураш бўлди.

Марказий ҳукумат раҳбарлари (ва унинг Туркистондаги таянчлари фақат 1920 йилнинг ўрталаридагина бу ҳақиқатни тушуниб етдилар.) Маҳаллий аҳоли вакиллари қизил армия сафларига олиб, уларни истиқлолчиларга қарши қўйиш билан бу кураш моҳиятини ўзгартиришга, Туркистон халқини Рос — сиядаги каби фуқаролар уруши гирдобига тортишга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда Туркистон fronti қўмондони М.Фрунзе 1920 йил 7 майда қизил армия сафларига маҳаллий миллат фуқароларидан 30 минг кишини олиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Лекин бу билан масала улар ўйлаганидек бўлмади. Қизил армия сафида истиқлолчиларга қарши жанг қилишни истама — ган чақириқ ёшидаги минглаб эркаклар истиқлолчилар қато — рини тўлдирдилар. Шу билан бирга совет ҳукумати ташвиқот — ларига, большевикларнинг баландпарвоз ваъдаларига ишонган юзлаб маҳаллий аҳоли вакиллари эса қизил армия сафига кириб истиқлолчиларга қарши курашдилар. Натижада шу

даврдан эътиборан бу курашнинг мазмуни сал ўзгачароқ рух касб эта бошлади, у яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди.

Туркистон fronti кўмондони М.Фрунзе 1920 йил 15 майда Фарғона вилоятидаги 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Верёвкин – Рохальский номига буйруқ юбориб, истиқлолчиларга қарши кураш тактикасини ўзгартириш ва уларни ёппасига қириб ташлашни топширди. Фрунзе “қўрбошилар билан музокаралар олиб боришни тўхтатишни, босмачи шайкалар таркибига кирган ҳар қандай шахслар халқ душмани сафатида отиб ташланишини” буюрди. 1920 йил 28 майда М.Фрунзенинг буйруғи билан истиқлолчиларни қиришга мўлжалланган махсус “жанговар отрядлар” тузилади. Шу билан бир қаторда яна махсус жазо отрядлари ташкил қилиниб, улар ҳам Фарғона водийсига ташланган эди.

Шундай қилиб, Турккомиссия ва Туркфронт раҳбарлари истиқлолчиларга қарши кураш стратегияси ва тактикасини тубдан ўзгартириб, кечагина ўзлари эълон қилган сиёсий тадбирлар, истиқлолчиларни тинчлик йўли билан ўз томонларига оғдириш каби нозик дипломатик ўйинлар бир чеккага йиғиштирилиб, “қурол кучи ҳамда зўравонлик билан” истиқлолчилик ҳаракатини бутунлай тор-мор қилиш тўғрисида қатъий қарорга келдилар.

Туркфронт кўмондонлигининг 1920 йил май ойи ўрталарида қабул қилган бу тadbирлари истиқлолчиларнинг иродасини буколмади. 1920 йилнинг май ойидаги бошлаб ўзининг янги палласига қадам қўйган истиқлолчилик ҳаракати эндиликда кураш байроғини Мадаминбек ўрнига кўтарган Шермухам – мадбек номи билан бевосита боғлиқдир.

1920 йил августининг охири ва сентябрнинг бошида Турк – фронт кўмондони М.Фрунзенинг буйруғига кўра, Фарғонадаги қўшинларнинг катта қисми Бухоро амирлигини тугатиш учун юборилди. Ушбу имкониятдан фойдаланган истиқлолчилар ҳарбий ташаббусни ўз қўлларига олиб, ҳаракатни янада кучайтирдилар. Фақат 1920 йил 10–27 сентябрда улар Водил, Гурнчмозор, Чувол, Урганжи қишлоқларини қўлга киритиб, Ўш ва Қўрғонтепа темир йўл бекатларида турган қизил аскар гарнизонларига қақшатқич зарба бердилар. Ўш шаҳри вақтинчалик бўлса – да яна истиқлолчилар қўлига ўтди. Бухоро амирлиги қурол кучи билан тугатилган кун – 1920 йил 2 сентябрда Туркистон автоном республикаси ҳукуматининг Турк – фронт кўмондони номига йўллаган мактубида “босмачилик Фарғона вилояти ҳудудидан чиқиб, ҳатто Тошкент уездининг 8

та волостини ўзига қамраб олди", деб ташвишланиб ёзилган эди.

Фарғонадаги қизил армия группасининг қўмондони Коноваловнинг С.С.Каменев номига ёзган маълумотномасида айтилишича, "Фарғонада босмачилик 1920 йил сентябр ойида ўзининг энг юқори чўққисига чиқди, яширин ҳолда ишлаётган мусулмон ташкилотлари ўз фаолиятларини бутун совет Фарғонасида авж олдирдилар ва Туркистонда совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтаришга тайёрландилар" (Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 3-рўйхат, 36-иш, 107-варақ).

Бунга қарши Туркфронт қўмондонлиги Г.В.Зиновьев раҳбарлигидаги "30.000 кишидан иборат" катта ҳарбий кучни бир вақтнинг ўзида Фарғона водийсига ташлади. Истиқдолчилар қўшинлари сон жиҳатдан нисбатан ортиқ бўлса-да, қурол-яроғларнинг миқдори ва сифати тўғрисида бундай деб бўлмасди. Қўрбоши йигитларининг аксарият қисмида қуролнинг ўзи мутлақо йўқ эди. Масалан, Йўлчи қўрбошининг 500 йигити бўлиб, уларнинг "фақатгина ярмиси қуролланган эди". Демак, ҳар битта милтиққа истиқдолчи йигитлар ўртасида иккита даъвогар бўлган. Уларга фақатгина қурол-яроғ эмас, балки ўқ-дори, кийим-кечак ва озиқ-овқатлар ҳам етишмас эди. Йигитларнинг баъзилари эса оёқяланг эдилар. Бу аҳвол истиқдолчилик ҳаракатининг жиддий натижаларни қўлга киритишига халақит берар эди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда совет ҳукумати истиқдолчиларга ва биринчи ўринда Шермуҳаммадбек қўрбошига мурожаат қилиб, улардан таслим бўлишни талаб қилди. Шермуҳаммадбек бу таклифни рад этди. Шермуҳаммадбекнинг 1920 йил 10 декабрда ёзган жавоб мактубида "совет ҳокимияти ва бизнинг вакиллар ўртасида тинчлик музокаралари фақат Миллий Республика Конституцияси (бу ерда сўз Шермуҳаммадбек томонидан 1920 йил май ойида тузилган Туркистон муваққат ҳукумати Конституцияси устида кетмоқда — Қ.Р.) асосида гап юритилгандагина бўлади. Шундай ҳолатда музокаралар олиб боришни хоҳласангиз, биз қачон ва қаерга вакиллар юборишимизни хабар қилинг", дейилади. Бош қўмондон Шермуҳаммадбек муҳри урилган ва Алиёрбек қўрбоши томонидан Фарғонадаги совет ҳокимияти вакилларига берилган мактуб 19 декабрда Тошкентдан Москвага жўнатилди. Бироқ бу мактубга Москвадан ҳеч қандай жавоб келмади.

Истиқдолчилар жуда катта талафот кўраётганликлари ва ҳарбий қудрат жиҳатдан босқинчиларга тенг кела олмас —

ликларига қарамасдан улар большевикча режим учун жиддий ҳавф бўлиб қолавердилар. Шунинг учун ҳам катта миқдордаги ҳарбий кучни тўплашга муваффақ бўлган Фарғона армия группаси 1921 йил 31 январда истиқлолчиларга қарши кенг миқёсда ҳужумга ўтди. Дастлабки зарбага Андижон уездида фаолият кўрсатаётган Парпи қўрбошининг гуруҳи учради. Парпининг мингдан ортиқ йигитларидан иборат дастасига Исроил қўрбоши ў. одамлари билан кўмакка келса—да, сон жиҳатдан ортиқ бўлган қизил аскарлар бир неча кунлик жанглардан сўнг уларнинг қаршилигини сиңдирдилар. Анчагина йигитларидан ажраган Парпи Учқўрғон томонга чекинишга мажбур бўлди. У кейинги жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб, 9 апрелда вафот этди. Парпи қўрбоши ўлиmidан сўнг унинг йигитларига раҳбарлик қилиш учун Маҳкам Ҳожи ва Исроил қўрбошилар ўртасида ўзаро рақобат бошланди. Бу курашда Исроил ғолиб чиқиб, тўқнашувларнинг бирида Маҳкам Ҳожи ўлдирилди. Қўрбошилар ўртасидаги бундай шуҳрат—парастлик, ўзаро келишмовчилик ва тарафкашликлар истиқлолчиларни бирлаштирмас, уларни парчалаб, охир—оқи—батда мағлубиятга олиб келиши табиий эди.

Фарғона вилояти ревкоми ўзининг 1921 йил 9 мартдаги қарори билан "1 апрелдан 1 майгача бир ойлик муддат ичида босмачиларни қуроллари билан келиб, ихтиёрий таслим бў—лиш"га чақирди. Натижада қўрбошилар билан совет ҳокимияти вакиллари ўртасида музокаралар бошланди. Музокараларда Шермухаммадбекнинг энг обрўли қўрбошилардан бири Алиёр—бек истиқлолчилар номидан қуйидаги шартларни ўртага қўйди: "1. Шариатта рияя қилиш; 2. Мустақил қозилар сайлаш; 3. Озиқ—овқат тақсимотини бекор қилиш". Табиийки, совет қўмондонлиги бу таклифларни рад этди. Кейинчалик қизиллар томонидан қўлга олинган Алиёрбек қўрбоши Ревтрибунал ҳукми билан 1921 йил ноябрда оғиб ўлдирилди.

Ниҳоят, 1921 йил август ойида бўлган Туркистон со—ветларининг X съездида Фарғона истиқлолчилари диллий, хўжалик ва сиёсий масалаларга оид қатор шартлар билан яна бир бор мурожаат қилдилар. Улар шариатга йўл бериш, масжид, мадраса ва мактабларни очиб қўйиш, қозилар маҳкамасини тиклаш, вақф ерларини қайтариш, бозорларга, деҳқончилик хўжалиги ва ҳунармандчилик корхоналарига эрк бериш ҳамда қўрбоши гуруҳларини қизил армия сафига қабул қилиш каби шартларни қўйган эдилар. Музокараларда тинч аҳоли ҳам иштирок этди. Шундай экан, истиқлолчилар қўйган

бу талаблар айни пайтда Фарғона халқининг ҳам талаби эканлигига ҳеч қандай шак – шубҳа бўлмаган.

Хўш, ушбу вазиятда ўлкадаги большевиклар ҳукумати ва Туркбюро қандай йўл тутди? Туркистон ХКС раиси Қ.Ота – боевнинг эътироф қилишича, "биз барча шартларни рад этдик. Ҳолбуки, биз учун жуда қулай фурсат келган эди. Биз ундан фойдалансак, аҳоли билан узил – кесил битим тузишимиз ва вилоятни тинчлантиришда улкан ютуқларга эришишимиз мумкин эди. Тадбиркорлик билан оқилона музокаралар олиб борганимизда эди, сўзсиз босмачилар сафи парчаланиб кетган бўлур эди. Ана шу қисқа муддатда содир бўлган икки ҳодиса эътиборни ўзига тортади. Биринчи бўлиб таслим бўлган нуфузли кўрбошилардан бири бўлмиш Бойтуман, авф этиш ҳақидаги буйруқни четлаб ўтиб, 40 йигити билан ҳибсга олинди ва авахта қилинди. Иккинчиси бўлса, совет ҳокимияти томонига ўтган кўрбошиларнинг бир тўдаси Фарғона армия қўмондонни Зиновьев томонидан хоинларча қўлга олинди ва отиб ташланди".

Бу воқеалар нафақат кўрбошилар ва уларнинг йигитларини, балки бутун тинч аҳолини совет ҳокимиятидан яна бир бор ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида истиқлолчилик ҳаракатининг янги куч – қудрат билан авжига чиқишига сабаб бўлди. Совет қўмондонлиги бўлса, истиқ – долчилик ҳаракатини бир пайтнинг ўзида "ўт ва қилич" билан тутатишга ҳаракат қилди. Ана шу мақсадда "босмачилик билан заҳарланган" катта – кичик қишлоқлар шафқатсизларча вайронага айлантирилди, оқибатда уларнинг тирик қолган аҳолиси совет ҳокимиятидан тобора узоқлашиб борди.

Кенг миқёсдаги қатағон ва ҳарбий ҳаракатларнинг фаоллашганлиги ҳам истиқлолчиларни Ватан озодлиги учун курашдан қайтара олмади. Фарғона армия группаси штабининг "мутлақо махфий" маълумотларига қараганда, 1921 йил июн – сентябр ойларида вилоятда икки юздан ортиқ кўрбоши дасталари ҳаракат қилган.

Большевикча режим 1921 йил 13 сентябрда Фарғона водийсида фавқулодда ҳолат эълон қилди. "Душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлаймиз" шиорини амалга ошириш бошланди. Туркбюро томонидан 1921 йил ноябрда Фарғона вилоятида ҳарбий диктатура ўрнатилди ва Туркфронт инқилобий Ҳарбий Кенгаши (Р.В.С.) аъзоси П.И.Баранов Фарғона вилоятининг ҳарбий диктатори қилиб тайинланди.

Совет кўшинлари 1921 йил сентябрда Марғилонда Шермухаммадбек ва Андижонда Исроил кўрбоши гуруҳига қарши бир пайтнинг ўзида ҳужумга ўтдилар. 1 октябрда Муҳиддинбекка қарши жанг ҳаракатлари бошланди. Уч ой давомида қизил аскарлар Шермухаммадбекнинг асосий қароргоҳи — Гарбобони ишғол қила олмадилар. Жанглarda устулик гоҳ у томонда, гоҳ бу томонда бўлар эди. Ушбу ўринда совет кўмондонлиги жуда "нозик" ва айёр тактикани ишлаб чиқди. Водийдаги ўзбек кўрбошиларга тоғларда ҳаракат қилаётган қирғиз кўрбошилари қарама-қарши қўйилди. Шермухаммадбек ва Муҳиддинбек ўртасида ўзаро келишмовчилик ҳосил қилинди.

1921 йил 5 августда Бухорода бўлган Ўрта Осиё миллий мусулмон жамиятлари Федерациясининг анжуманида Аҳмад Закий Валидий раислигида **Туркистон Миллий Бирлиги** ташкилоти тузилди. Валидийнинг "Хотиралар" китобида ёзишича, 1921 йил 5—7 сентябрда Самарқандда, 1922 йил 18—20 сентябрда Тошкентда Туркистон Миллий Бирлигининг навбатдаги конгресслари бўлиб ўтди. Самарқанддаги конгрессда уюшманинг 24 банддан иборат низоми ва Туркистоннинг Миллий байроғи қабул қилинади. Миллий байроқ бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб XI асрдаги қорахонийлар ва салжуқийлар давридаги байроқ танланган эди. Байроқни тайёрлаш ишига Валидий билан бирга Мунаввар Қори ва Тўрақул Жонузоқов иштирок этишди. Самарқанд конгресси Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатини роявий жиҳатдан жиқслашувига катта хизмат қилди. Фарғона кўрбошилари ҳузурда бир йилча бўлган Т.Жонузоқов ўз фаолияти ҳақида конгрессда ахборот берди. Анжуманда бутун Туркистондаги кўрбошилар гуруҳлари билан алоқа ўрнатиш ва ҳар бир кўрбошининг ҳузурига сиёсий маслаҳатчилар юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди (Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинигани бўри ер (Хотиралар). Т., 1997, 114—115—бетлар).

Самарқанд вилоятининг бош кўрбошиси, найманлардан бўлган Очилов ҳузурга обрўли ўзбек зиёлилари Қори Комил юборилди. Валидий Фарғона истиқлолчилари билан алоқани мустаҳкамлаш учун Шермухаммадбек олдига Харис Иглиқовни, Раҳмонқул ҳузурга Мустафо Шоҳқулни юборди. Бундан ташқари Ўзган тоғларига — қирғизларнинг бош кўрбошиси Парпибек ҳузурга 1921 йил октябрида бошқирд Минҳож Чолни махсус мактуб билан юборди. Бу мактубда Валидий Парпибекка мабодо мағлубиятта учраса, Кошғар томонга кетишни маслаҳат берган эди.

Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва Фарғонадаги истиқлолчилик ҳаракатини ягона марказга уюштиришда катта жонбозлик кўрсатди.

Шермуҳаммадбек қатор жапғарданг сўнг 1923 йил баҳорида Афғонистонга кетишга мажбур бўлган эди. Мазкур воқеалар билан истиқлолчилик ҳаракатининг катта бир босқичи тугади. Икки ярим йилдан ортиқ давом этган ва асосан Шермуҳаммадбек фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ушбу иккинчи босқичда истиқлолчилар водийдаги қизил аскарларга қақшатқич зарбалар беришга муваффақ бўлдилар. Истиқлолчилар ҳамда жаҳид зиёлилари бошчилигида ташкил топган Туркистон муваққат ҳукумати ва Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти озодлик курашининг мантиқий ҳосиласи сифатида истиқлолчиларнинг ғоявий жиҳатдан бирлаштиришда муҳим роль ўйнади. Бироқ, 1922 йилнинг охирига келганда совет ҳокимияти ва большевикча режимнинг Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши кенг кўламда олиб борган уруш ҳаракатлари натижасида ватанпарварларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди.

Бунинг устига 1921—1922 йилларда Туркистон ўлкасида, айниқса Фарғона водийсида юзага келган ижтимоий—иқтисодий аҳвол истиқлолчиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Чунки Фарғона водийсида совет ҳукуматининг айби билан содир бўлган очарчиликнинг 1921—1922 йилларда кучайиши истиқлолчиларни озиқ—овқат ва ем—ҳашак билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар туғдирди.

Бундан ташқари 1921 йилдан бошлаб, Туркистон ўлкасида янги иқтисодий сиёсатнинг жорий қилиниши, 1921—1922 йилларда амалга оширилган биринчи ер—сув ислоҳоти натижасида чоризм мустамлакачилиги даврида Россиядан кўчириб келинганларга мажбуран олиб берилган ерларни қайтариб олиниб, туб ерли деҳқон хўжаликларига бўлиб берилиши натижасида 1922 йилнинг охири ва 1923 йилнинг бошларидан бошлаб, бироз бўлса—да Туркистонда, айниқса деҳқонлар, ҳунарманд касибалар ва бошқалар ҳаётида эркинлик ва жонланиш содир бўла бошлади. Бу ҳол урушдан чарчаган ва хонавайрон бўлган қишлоқ аҳолисини, ҳунармандларнинг типч ҳаётга қайтишлари учун имконият туғдирди. Натижада шу йиллардан эътиборан истиқлолчилар сафига совет ҳукуматидан норози бўлган деҳқонлар ва ҳунармандларнинг келиб қўшилиш ҳоллари камайиб борди.

Лекин бу ҳолат истиқлолчилар кураши тугади ёки заиф — лашиб кетди, деган маънони аниқлатмас эди. Бу Туркистонда озодлик курашининг учинчи босқичи бошланганлигини билдирар эди. Истиқлолчилик ҳаракатининг учинчи босқичида ватанпарварлар курашининг янги тактикасини қўллашни лозим топдилар. Энди улар 1923—1924 йиллардан бошлаб кичик — кичик дасталарга бўлинган ҳолда жанг ҳаракатларини олиб бордилар. Натижада Фарғонадаги кичик қўрбошилар дасталарининг сони 1923 йил ўрталарига келиб, 350—400 га етди. Уларга даставвал қўрбошилардан Ислом Полвон, кейин эса Ёрмат Махсум раҳбарлик қилишди. Лекин қўрбошилар эрк ва истиқлол курашининг кейинги босқичида турли сабаб ва маҳаллий шарт — шароитлар натижасида бир — бирлари билан доимо ҳам келишиб иш туга олмадилар.

Улар ўртасида жиддий келишмовчилик ва сотқинликлар юз бера бошлади. Масалан, Наманганлик Ёқуббек қўрбоши ўзини сақлаб қолиш мақсадида 1923 йилда хиёнаткорона равишда сафдоши Омон Полвонни қизил аскарлар қўлига топширади. Лекин орадан кўп вақт ўтмасдан унинг ўзи ҳам қизил аскарларга таслим бўлади. Қизил аскарлар эса Ёқуббекни отиб ташлашади.

Большевикча режим қўрбошилар ўртасига турли низолар солиб улар бирлигига пугур етказишга муваффақ бўлди. Улар ўртасидаги айрим келишмовчиликларни қуроли тўқнашув ва можаролар даражасигача олиб чиқдилар. Шу йўл билан улар истиқлолчилар сафини заифлаштиришни ва Туркистонга янги қизил аскар қисмларини олиб келиш орқали 1923 йилда уларни бутунлай тугатишни режалаштирган эдилар. Лекин РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Туркфронт қўмондонлиги 1923 йил да — вомида ҳам ўз мақсадига эриша олмади. Олти йиллик урушдан чарчаган ва ҳолдан тойган Фарғона халқи эса бир томондан, очлик ва қашшоқлик натижасида совет ҳукуматининг “мурув — ват” кўрсатиши (деҳқонларга қарз бериш, уларни уруғлик ва асбоб — ускуналар билан таъминлаш) эвазига большевикча тузумни эътироф қилишга мажбур бўлса, иккинчи томондан, миллий гурури, миллий қадриятлари ва шарқона турмуш тарзи оёқ ости қилинаётганини кўриб, озодлик курашчиларини имконият даражасида қўллаб — қувватлашда давом этарди.

Истиқлолчиларга қарши большевиклар ҳукумати курашнинг барча воситаларини ишга солиб, аҳоли ўртасида уларга қарши тарғибот ва ташвиқотни авж олдирди, уламо ва эшонларнинг бир қисмини совет тузумини қўллаб — қувватлашга кўндирди.

Асир олинган ёки таслим бўлган қўрбошилар ва уларнинг йигитларини аҳоли кўз ўнгига аёвсиз равишда жазолади, истиқлолчиларга хайрихоҳ деб топиш ва уларнинг таъминот — чилари деб шубҳа қилинган кишилар оммавий равишда ҳибсга олинди ва отиб ташланди, озодлик курашчиларининг оила аъзолари гаровга олиниб, қийноқларга солинди ва ўлдирилди, уларнинг мол — мулклари мусодара қилинди, авиация ёрдамида истиқлолчиларнинг манзилгоҳлари бомбардимон қилинди, ариқ, булоқ ва қудуқлардаги сувни заҳарлаш каби усуллар ёрдамида ватанпарварларни йўқ, қилишга ҳаракат қилдилар. 1 Ҳузини "халқчил" деб атаган совет ҳукумати ва унинг "байналмилал" қизил армияси ана шундай ёвуз чоралар билан бутун Туркистондаги ва Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатига қарши кураш олиб бордилар.

Фарғона вилояти қўшинларининг қўмондони Тодорский томонидан 1923 йил 5 ноябрда Туркистон fronti ҳарбий прокурори, ҳарбий трибунал раиси, қўшинлар бошлиғи, Махсус бўлим бошлиғи номига, нусхалари эса Алихўжаев, Сегизбоев ва қўшинлар штаби номига юборилган "шошилиш ва махфий" маълумотноманинг гувоҳлик беришича, жорий йилнинг 11 июнидан то 4 ноябригача бўлган вақт ичида 30 та қўрбоши ўлдирилган, 33 та қўрбоши асир олинган, 167 та қўрбоши эса таслим бўлган. Демак, 1923 йилнинг иккинчи ярмида Фарғона водийсида ҳаммаси бўлиб 230 та қўрбоши истиқлол курашидан четлаштирилган.

1923 йил ноябрда Туркистон ХКС раиси Т.Рисқулов ҳамда Лисовский ва Кондибинлар иштирокида тузилган махсус Фарғона вилояти ҳарбий инқилобий кенгашининг 2 ноябрдаги 1077 — қарори бўйича қамоққа олинган 183 та қўрбошининг иши ҳарбий трибуналга оширилган. Трибунал ушбу қўрбошиларнинг дастлаб бир қисмини отишга буюрди. 1924 ва ундан кейинги йилларда барча таслим бўлган қўрбошилар ва уларнинг йигитларини отиб ташлаш ҳақида ҳукм чиқарилган.

РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1924 йил 6 январда бўлган йиғилишида истиқлолчиларга қарши ташвиқот ва тарғибот ишларини кучайтириш масаласи кўриб чиқилди. Бутун Туркистон минтақасидаги озодлик курашчиларини меҳнат — кашлар кўз ўнгига "босмачи" ва "халқ душмани" сифатида кўрсатиш лозимлиги, бунинг учун матбуотнинг барча воситаларидан кенг фойдаланиш кераклиги таъкидланди. Рус ва маҳаллий тилларда варақалар чиқаришни кучайтириш ҳам кўрсатиб ўтилди.

Туркистон fronti қўмондони Пугачёв ва Инқилобий Ҳарбий Кенгаш (ИХК) аъзолари Берзин ва Шапошниковлар **“Босмачиликка қарши кураш кенгашлари”** тузиш ҳақидаги пи-зомни ишлаб чиқдилар. Ушбу низомга кўра, “Доимий Кенгашлар” Туркистон республикасининг барча вилоятларида ҳамда Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларида тузилиши, уларнинг ҳаммаси “Фронт Кенгаши”га бўйсунishi лозим эди. Ушбу “Фронт Кенгаши” таркибига раис қилиб РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг раиси, унга ўринбосар сифатида Туркистон МИК раиси, азолари қилиб эса Туркистон ХКС раиси, Туркистон fronti қўмондони, ИХК аъзолари, ТКП МК масъул котиби, Туркистон ички ишлар халқ комиссари, Бухоро ва Хоразм республикалари МИК масъул вакиллари, ГПУ бошлиғи киритилди. РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси истиқлолчиларга қарши курашни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаслик кераклиги ҳақида кўрсатма берди.

Фарғона водийсидаги истиқлол курашчилари дастлабки кунданок ана шундай маккор ва кучли душманга қарши курашга тушган эдилар. Ватанпарварлар қўлидан бирин-кетин водийдаги барча йирик қишлоқлар ва шаҳарлар тортиб олинди. Истиқлолчилар шундай оғир шароитда кичик-кичик дасталар ва гуруҳларга бўлиниб, тоғу-тошларда, дашт ва қирларда курашни давом эттирдилар. 1924 йил 1 майда Фарғона водийсида ана шундай кичик қўрбошилар дасталаридан 70 таси қизил аскарларга қарши уруш олиб бораётган эди.

Тинимсиз давом этган етти йиллик курашдан Фарғона халқи ҳам, қўрбошилар ва уларнинг йигитлари ҳам толиққан эдилар. Шунинг учун бўлса керак, озодлик курашчиларининг кўпчилиги 1923 йилнинг охири — 1924 йил давомида қаршиликни тўхтатдилар. Шундай қилиб, 1924 йилнинг охирига келиб, Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракатининг учинчи босқичи ҳам якуналанди. Туркфронт қўмондонлиги томонидан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида истиқлолчилар вақтинчалик мағлубиятга учраб чекиндилар. Улар кейинги жанглар учун ҳам куч тўплашлари лозим эди. Чунки ҳали олданда курашнинг тўлиқ 10 йили турарди.

Хайриятки, буюк ватанпарвар боболаримиз тўккан қутлуғ қон беҳуда кетмади. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигига эришиш учун бўлган курашлар босқичида муҳим роль ўйнаб, Ватанимиз янги тарихининг энг шонли саҳифаларини ташкил қилади.

V БОБ. ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

Туркистон азалдан минтақа халқларининг ягона маскани, умумий ватани бўлган. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларининг туб халқлари асрлар давомида турмуш тарзи ва анъаналари жиҳатидан бир — бирларига жуда яқин бўлиб кетган эдилар. Бухоро ва Хоразм республикалари 1924 йил охиригача мустақил давлат бўлганлар. Бу минтақа ягона ҳудуд, тарихий замин, ўз хўжалиги, анъаналари, дини, тили ва маданиятининг муштараклиги билан ажралиб турган. Туркистондаги давлатларнинг ҳар бирида туркий халқлар: ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз халқлари ва тожик халқи азалдан яшаганлиги тарихан таркиб топган ҳодиса эди. Туркистон минтақасининг халқлари шу тупроқни, Туронзаминни қадимдан ўзларининг асл Ватани деб билганлар. Минтақа халқлари ягона ва бир деган ғоя авлоддан — авлодга ўтиб, миллий зиёлилар ва миллий етакчиларининг ижтимоий — сиёсий қарашлари ҳамда амалий фаолиятларида акс этди.

1917 йилдан бошлаб жаҳидлар ва бошқа тараққийпарвар кучлар Туркистон мустақиллиги ғоясини илгари сурдилар. Улар бутун минтақани яхлит ҳолда мустақил бўлиши, ҳеч бўлмаганда, демократик Россия Федерацияси таркибида мухторият олиши учун курашдилар. Халқимиз тарихидаги дастлабки демократик ҳукумат ҳам Туркистон Мухторияти деб бежиз номланмаган эди. Бироқ мухторият ҳукуматини совет режими ваҳшиёна тарзда афдариб ташлади, Қўқон шаҳрини қонга ботирди.

1918 йил февралда бошланган истиқлолчилик ҳаракати қатнашчилари мустақилликка тинч йўл билан эришиш мумкин эмаслигини кўриб, қуроли кураш йўлини танладилар. Улар Туркистон мустақиллиги учун кураш ғоясини ўртага ташлаб, ягона ва бўлинмас Туркистон учун совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши кўп йиллар давомида ҳаёт — мамот жанг — ларини олиб бордилар.

Мустабид совет режими ва большевиклар учун эса Туркистонни бўлиб ташлаб, уни идора қилиш қулай эди. Шунинг учун ҳам дастлаб Туркистон ўлкасига советча "автономия" мақоми берилди (1918 йил 30 апрел), сўнгра минтақани парчалаб ташлаш учун жиддий тайёргарлик кўрилди. Бу жараён 7 йил давом этиб, 1924 йилда ўзининг сўнгги босқичига қадам қўйди.

1924 йил апрел — июн ойларида марказий органлар, минтақа коммунистик ташкилотлари ва РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида миллий чегараланиш масалалари юзасидан зўр бериб иш олиб боришди. Миллий чегараланиш масалаларини янада батафсил ва чуқурроқ ўрганиш учун Туркистон ва Бухоро Коммунистик партиялари марказий қўмиталари ҳузурида махсус комиссиялар тузилди. Бундай комиссия Марказнинг Туркистондаги ваколатли ташкилоти — Ўрта Осиё бюроси ҳузурида ҳам иш олиб борарди. Шунингдек, бу комиссиялар ҳузурида кичик комиссиялар ҳам ташкил этилган эди.

Кичик комиссияларнинг маърузалари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси комиссиясининг 1924 йил 10 майдаги мажлисида, 11 майда эса РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг махсус маж — лисида тинланди. Ўрта Осиё бюроси махсус комиссияси ва унинг кичик комиссиялари ишининг яқунларини муҳокама қилиб, улар ишлаб чиққан Ўрта Осиёнинг миллий — ҳудудий че — гараланишининг аниқ режасини тасдиқлади. Қабул қилинган қарорда бундай дейилган эди:

«1. Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларини мил — лий — ҳудудий белгиларига кўра чегаралаш зарур деб топилсин, янги ташкил этилаётган миллий — ҳудудий бирлашмалардан федерация ташкил этилмасин.

2. Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ташкил этилсин ва улар мустақил ССР ҳуқуқларига эга бўлсин ва бевосита СССРга кирсин. Ўзбекистон республикаси доирасида Тожикистон автоном вилояти ташкил этилсин. Қирғизистон автоном вилояти ташкил этилиб, унинг қайси республика тар — кибига кириши масаласи очиқ қолдирилсин.

3. Туркистон республикасида яшайдиган қозоқлар ҳозирги вақтда мавжуд бўлиб турган Қозоғистон республикасига киритилсин" (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 — китоб. Ўзбекис — тон совет мустамлакачилиги даврида. 291 — бет).

РКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1924 йил 12 июнда қабул қилган қароридан бошлаб миллий — ҳудудий чегараланишпи тайёрлаш жараёни янги босқичга кирди. 15 июлда РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси янги ташкил этиладиган миллий рес — публикалар ва вилоятларнинг муваққат бюросини ташкил этди. Режалаштирилган янги миллий тузилмаларни мазмунан тўла — дириш, уларнинг ҳудудларини аниқлаб чиқиш, чегараларни ажратиш ва белгилаш лозим эди. Бу иш бирмунча олдинроқ РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ташкил этган Ҳудудий ко — миссияда, унинг миллий кичик комиссияларида ва жанжалли

масалаларни ҳал қилиш учун тузилган махсус комиссияларда бошланган эди. Ҳудудий комиссия таркибига Файзулла Хўжаев, Султонбек Хўжанов, Абдулла Раҳимбоев, Рустам Исломов, Қайғусиз Отабоев, Нодир Айтоқов, Й.Абдурахмонов, И.Айдарбеков, И.Варейкис, Д.Манжара, И.Межлаук, Х. Сахат – Муратов ва бошқа сиёсий арбоблар кирган эди.

Ҳудудий комиссия фаолиятининг натижалари РКП(б) МК Ўрта Осиё бюросида ва Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари раҳбар органларида муҳокама қилинди. 1924 йил 14 сентябрда Туркистон Компартияси – ТКП МК, Туркистон АССР МИК ва тафтиш комиссиясининг қўшма пленумида Ҳудудий комиссия – нинг иши тўғрисида комиссия раиси, ТКП МКнинг масъул котиби И.Варейкис маъруза қилди. У ўз маърузасининг кириш қисмида миллий – ҳудудий чегараланишнинг тепасида больше – виклар партияси турганлигини зўр қониқиш ҳисси билан таъкидлайди. Варейкис бундан ташқари ишчи ва деҳқонлар оммаси ўртасида бу масала юзасидан ташвиқот компанияси очиш зарурлигини таклиф қилади. Шундай қилиб, минтақа халқлари ўз тақдирларини ҳал қилиши керак бўлган миллий – ҳудудий чегараланиш жараёнига эндигина тортилади.

1924 йил 16 сентябрда Туркистон МИКнинг навбатдан ташқари сессияси, 20 сентябрда Бутун Бухоро халқ вакилларининг 5 – қурултойи, 2 октябрда Бутун Хоразм халқ вакилларининг 5 – қурултойи бу масалани кўриб чиқиб, Ўрта Осиёни миллий – ҳудудий чегараланиши тўғрисида қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорларда ўзбек ва туркман халқларига Ўзбекистон ва Туркманистон ССР тузиш ҳуқуқи, Туркистон АССРнинг қирғиз (аслида қозоқ) вилоятларини Қирғизистон АССР (аслида Қозоғистон АССР) билан бирлаштириш мақсадида қирғиз (қозоқ) халқига Туркистон АССРдан чиқиш ҳуқуқи, қора қирғиз (аслида қирғиз) халқига Туркистон АССРдан чиқиш ҳуқуқи ва Қора Қирғизистон (аслида Қирғизистон) автоном вилоятини ташкил этиш ҳуқуқи, тожик халқига Туркистон АССРдан чиқиш, Ўзбекистон ССР таркибига Тожикистон автоном республикаси ташкил этиш ҳуқуқи берилиши кераклиги таъкидланди.

1924 йил 14 октябрда бўлган Бутун Россия – РСФСР БМИК II сессияси Ўрта Осиёдаги Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари ўрнида Ўзбекистон ва Туркманистон ССР, Тожикистон АССР, Қорақалпоғистон ва Қирғизистон автоном вилоятлари ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ниҳоят, 1924 йил 27 октябрда бўлган Бутун Иттифоқ – СССР БМИК II сессияси Ўрта Осиёда миллий – ҳудудий чегараланиш ўтказиш

ва янги республикалар ҳамда вилоятлар ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, 1924 йил сентябр – октябрда Туркистонда миллий – ҳудудий чегараланиш Ўрта Осиё республикалари, совет Россияси ва СССР давлат ҳокимияти юқори органлари қарорларида қонун йўли билан расмийлаштирилди.

1924 йил 18 ноябрда Туркистон АССР, Бухоро ССР ва Хоразм ССР МИК лари махсус қўшма қарор қабул қилдилар ва шу қарорга биноан ўз ваколатларини Ўзбекистон ССР советларининг таъсис қурултойига қадар иш кўрувчи, Файзулла Хўжаев раислигида 31 октябрда ташкил этилган **Ўзбекистон ССР Муваққат инқилобий комитетига** топширдилар. Бу комитет Ўзбекистон ССР тузилишини бошқариб борди.

1925 йил 13 февралда Бухорода махсус қурилган Халқ уйида Ўзбекистон ССР Советларининг I қурултойи очилди. 17 феврал куни қурултойда **“Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилгани тўғрисидаги декларация”** қабул қилинди. Декларация Ўзбекистон ССРнинг ташкил топганлигини қонуан расмийлаштирди ва унинг ихтиёрий равишда СССР таркибига кирганлигини эълон қилди. Декларацияда ёзилганидек, “шу кундан эътиборан ўзбек халқи тарихида, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларини ўз ичига олган бу халқ ҳудудида биринчи марта ишчи ва деҳқонларнинг иттифоқдош Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таъсис этилади, унга **Тожикистон АССР** киради”. (1929 йилгача Тожикистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига бўлган.)

Бухородаги қурултойда таниқли давлат арбоби **Файзулла Хўжаев** Ўзбекистон ССР ҳукумати – Халқ комиссарлар кенгашининг раиси қилиб сайланди. Қурултой Ўзбекистон ССР МИК раиси қилиб Фарғона водийсидан чиққан деҳқон **Йўлдош Охунбобоев** (1885 – 1943) ни сайлади.

Ўзбекистон ССРнинг дастлабки пойтахти **Бухоро** бўлган. Бироқ кўп ўтмай – 1925 йил апрелда пойтахт **Самарқандга** кўчирилди.

1925 йил февралда **Қорақалпоғистон мухтор вилояти** ташкил қилиниб, Қозоғистон АССР таркибига киритилди (1932 йилда **Қорақалпоғистон АССР** тузилди ва у 1936 йил декабрда Ўзбекистон таркибига киритилди).

1925 йил 13 майда СССР Советларининг III съездида Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари СССР таркибига қабул қилинди.

Афсуски, совет режимининг мустабид сиёсати натижасида асосан ўзбеклар яшайдиган ҳозирги Хўжанд ва Қўрғонтепа вилоятлари Тожикистонга, Ўш, Жалолобод ва Боткент вилоятлари Қирғизистонга, Чоржўй ва Тошҳовуз вилоятлари Туркманистонга, Чимкент вилояти Қозоғистонга ўтиб кетди. Оқибатда бу ҳудудларда миллий муносабатда нохуш ҳолатларнинг сақланиб қолинишига замин яратилди.

Шундай қилиб, 1924 йилнинг охирида большевикча режим Туркистонни парчалаб ташлаб, Ўрта Осиёда миллий — ҳудудий чегараланишни амалга оширди. Коммунистик мафкурага асосланган большевизм ўзининг асосий сиёсий ва ғоявий душмани бўлган **туркчилик** ва **исломчиликка** (уларнинг таъбирича, "пантуркизм" ва "панисломизм"га) қарши курашда вақтинча муваффақият қозонди. Туркчилик ўнлаб йиллар мобайнида чор ва совет Россиясининг империяча муддаоларига қарама — қарши туришнинг ҳал қилувчи омили, Туркистон минтақаси миқёсида шиддат билан кўтарилган мухториятчилик, жадидчилик ва истиқлолчилик ҳаракатларининг асосий бирлаштирувчи кучи бўлиб майдонга чиққан эди.

Тарихчи Раъно Ражапованинг ёзишича, Ўрта Осиё халқлари учун бу чегараланиш ва ташкил этилган янги "миллий давлатчилик" уларнинг бундан кейинги тараққиётига янги позик фарқлар олиб келди. Турон ва Туркистондаги давлатчиликнинг уч минг йиллик ривожланиш тарихига путур етказилди. Гапнинг индаллосини айтганда, большевиклар андозасидаги миллий — ҳудудий чегараланиш Туркистон халқлари ўртасидаги бўлажак миллатлараро муносабатлар жараёни остига маълум вақтда ўзи портлайдиган мина кўйиш деган гап эди, улар фавқулодда вазиятларда портаб, турли низолар ва кескин фожиаларни келтириб чиқариши муқаррар эди (Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2 — китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида, 301 — бет).

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССРнинг тузилиши "ўзбек халқининг миллий давлатчилиги ташкил қилинди", деган фикрни англабмайди. СССР таркибидаги Ўзбекистон ССР амада ҳеч қандай суверенитет ва мустақилликка эга эмас эди. Ўзбекистон ССР ташкил этилаётган вақтлардаёқ унинг олдига асосан Марказнинг манфаатларига хизмат қилиш, СССР нинг марказий районларига ҳам ашё етиштириб бериш каби вазифалар кўйилган эди. Афсуски, СССР инқирозга юз тутган ва парчаланган пайтгача бу вазифалар ўз кучини йўқотмади.

ХУЛОСА

① Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги қайта тикланганидан кейин ўтган ўн йил ичида миллий қадриятлари – мизни тиклаш, тарихни холис ва ҳаққоний ўрганиш борасида талай ишлар қилинди. Мустақиллик ҳалқимиз ҳаётида, шунингдек, Ватанимиз тарих фанида ҳам тубдан бурилиш ясади.

Ўзбекистонда тарих фани ўтган асрнинг 90–йилларидан бошлаб илк бор ўзининг қонуний функциясини бажаришга киришди. Тарихий хотирасиз келажак йўқлиги, тарих – ҳалқ маънавиятининг асоси эканлиги, ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмаслиги, бир сўз билан айтганда, тарихни ҳаққоний тиклаш зарурияти давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бунинг учун барча зарурий шарт – шароитлар ҳамда имкониятлар яратилди.

② Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда мамлакатимизнинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан учрашуви ва унинг мантиқий давоми бўлган Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори тарих фани тараққиётида мутлақо янги даврни бошлаб берди.

③ Туркистоннинг 1917–1924 йиллардаги тарихи мураккаб ва зиддиятли воқеаларга бой бўлган. 1917 йил февралда Россияда бўлиб ўтган инқилобдан сўнг Туркистон ўлкасида кучли уй – гониш юз берди. Ўлкада демократик ҳаракатлар авж олиб кетди. 1917 йил февралдан октябргача бўлган даврда жадиличлик жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Жадиличлик бу пайтда маърифий ҳаракатдан сиёсий ҳаракат даражасига алақачон кўтарилган эди. Жадиждар ва бошқа тараққийпарвар зиёлилар жойларда “Шўрои Исломия” тизими яратишнинг ташаббускори бўлдилар. Мухториятчилик ҳаракати 1917 йил кеч кузида ўзининг янги босқичига кўтарилди ва Туркистон Мухторияти ҳукумати эълон қилинди.

Бироқ Петроградда большевиклар томонидан октябр тўнтариши амалга оширилгач, Туркистон ўлкасида ҳам ҳокимиятни зўравонлик йўли билан улар эгаллашди. “Халқчил” совет режими дабдабали декларацияларда халқларнинг ўз тақ – дирини ўзи белгилаш ҳуқуқини расмий жиҳатдан эътироф этишга мажбур бўлган бўлса – да, амалда у чор Россиясининг

мустамлақачилик сиёсатини янгича асосларда давом эттирди. "Рус инқилобий демократияси чоризмдан реакционроқ иш тутди", — деб таъкидланади ўша давр ҳужжатларининг бирида.

Тошкентдаги совет режими ва большевиклар 1918 йил фев — ралда Қўқон шаҳрини қонга ботириб, Туркистон Мухторияти ҳукуматини ағдариб ташлади. Марказнинг хоҳиш — иродаси ҳисобга олиниб, "советча асосдаги автономия" эълон қилинди ва "совет мухторияти" ўлка бошқаруви сиёсати негизининг асоси деб белгилаб қўйилди. Туркистон совет республикасида маҳаллий шароитга мутлақо тўғри келмайдиган сиёсат юритилди. Хусусий мулк бекор қилиниб, корхоналар давлат ҳисобига мусодара қилинди. Ҳарбий коммунизм сиёсати жорий қилиниб, галла монополияси ва озиқ — овқат тақсимоти каби иқтисодий чора — тадбирлар қатъийлик билан амалга оширилди. Шунингдек, вақф мулклари бекор қилинди. Қозихоналар ёпилди, эски мактаб ва мадрасалар фаолияти таъқиқланди, ислом дини ва шариати асосларига қарши аёвсиз кураш олиб борилди. Иқтисодий ва ижтимоий — сиёсий тадбирлар билан бир қаторда мустабид совет режими миллий масалада улуғдавлатчилик шовинизми ва руслаштиришни давлат сиёсати даражасига кўтариши Туркистон минтақасидаги вазиятни янада мураккаблаштирди.

Туркистон АССРда совет ҳокимиятининг марказлаштириш сиёсати оқибатлари аялчан бўлди. Бу сиёсат хусусан сиёсий марказлаштириш борасида ва Туркистон халқ хўжалигини бошқаришдаги иқтисодий марказлаштиришда яққол намоён бўлди.

Марказ Туркистон республикасини хом ашё базаси сифатида сақлаб қолиш учун бу ерда асосий эътиборни фақат пахтачиликни тиклаш ва ривожлантиришга қаратди. Оқибатда ўлка қишлоқ хўжалиги пахта яккаҳокимлигига асосланди. Тур — кистонда етиштирилган хом ашё, галла ва бошқа озиқ — овқат маҳсулотлари доимий равишда Россияга жўнатиб турилди, ҳатто халқ очарчиликдан қирилаётган бир пайтда ўсимлик ёғи, қуритилган балиқ каби тансиқ маҳсулотлардан паровозларни юритишда ёқилғи сифатида фойдаланилди.

Мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши Фарғона водийсида бошланган истиқдолчилик ҳаракати тез орада бутун Туркистон минтақасини қамраб олди ва умумхалқ курашига айланиб кетди. Қарийб 20 йил давом этган истиқ — долчилик ҳаракати фақат 1935 йилга келиб, Туркистон минта —

қасида бутунлай мағлубиятга учради. Истиқлолчиларнинг миқ— дори ҳаракат энг кучайган 1919—1922 йилларда бутун мин— тақада бир пайтнинг ўзида камида 180.000—200.000 киши бўлган. Йўқотилган жангчилар ўрнини доимий равишда туб халқлар орасидан чиққан ўн минглаб ватанпарварлар тўлдириб туришган. СССР қиёфасидаги Россия Туркистонши қайта забт этиш учун биринчисига нисбатан кўпроқ вақтни йўқотган, жуда кўп моддий ва маънавий қурбонлар берган. Қизил армия бу жангларда тахминан 400.000 аскар ва офицеридан ажралди. Туркистонлик истиқлолчиларнинг умумий талафоти ўлдирилганлар, асирга олинганлар ва оғир ярадор қилинганлар билан жамланганда 1.200.000 кишини ташкил қилади. 1926 йилдан кейин эса умумий авф (амнистия) қилинган истиқлолчилар қайтадан қамоқхоналарга ташланганда, яна 270.000 туркистонлик қатағон қилинди. 1918—1935 йилларда Туркистондан тахминан 1,5 млн. киши хорижга муҳожир бўлиб жўнаб кетишга мажбур бўлди. Шунингдек, Туркистонда 1917 йил қишида бошланган очарчилик большевикча режимнинг қаттол сиёсати натижасида даҳшатли оқибатларга олиб келди. 1917—1923 йилларда Фарғона водийсида 1 млн. киши, Самарқанд вилоятида 200 минг киши очлиқдан ўлди. Очарчилик Еттисув вилоятида бундан ҳам фожиали бўлди.

⑤ Хайриятки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин вазият тубдан ўзгарди. Мустақиллик Марказнинг сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлигига қатъиян чек қўйди. Бутунги кунда мамлакатимиз халқ хўжалиги бутунлай янги йўналишда ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида сифат жиҳатдан ўзга қиёфа ва мазмун касб этмоқда.

ТАВСИЯ ҚИАИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

Абдуллаев Р. Миллий сиёсий ғоялар тарихидан. Инсон ва сиёсат, 1991, №9, 87–94 – бетлар.

Алимова Д.А. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 10–синф учун дарслик. – Т., Шарқ, 2000. – 416 бет.

Алимова Д.А. Джалидизм в Средней Азии. Пути обновления. реформы, борьба за независимость. – Т., Ўзбекистон, 2000. – 24 с.

Алимова Д. А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустақил совет тузуми даврида: сиёсий ва мафқуравий тазйиқ оқибатлари. – Т., Ўзбекистон, 2000. – 72 бет.

Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. – Т., Фан, 1991. 32 – бет.

✓ **Аъзамхўжаев С.** Туркистон Мухторияти: миллий – демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Т., Маънавият, 2000. – 168 бет.

Баркамол авлод орзуси. – Т., Шарқ, 1999. – 184 бет.

Бердяев А.А. Истоки и смысл русского коммунизма. – М., Наука, 1990. – 224 с.

✓ **Беҳбудий.** Танланган асарлар. – Т., Маънавият, 1999. – 280 бет.

Бухоро: тарих саҳифалари. – Бухоро, 1999. 184 – бет.

✓ **Валидий А.З.** Бўлинггани бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. – Т., Адолат, 1997. – 280 бет.

✓ **Горький М.** Бемаврид мулоҳазалар. Жаҳон адабиёти, 2000, №6, 128 – 140 – бетлар.

✓ **Жадиличлик:** ислоҳот, янгилавиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Туркистон ва Бухоро жадиличлиги тарихига янги чизгилар). Даврий тўплам № 1. – Т., Университет, 1999. – 220 бет.

✓ **Зиёева Д.** Туркистон миллий озодлик ҳаракати. – Т., Гафур Ғулум нашриёти, 2000. – 176 бет.

Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. – Т., Ўзбекистон, 1998. – 480 бет.

✓ **Лаврентьев В.** Капитализм в Туркестане (Буржуазная колонизация Средней Азии). – Л., 1930. – 160 с.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т., Ўзбекистон, 2000. – 80 бет.

Муаммар ал-Каззофий. Яшил китоб. – Т., 1992. – 111 бет.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Хотираларимдан. Нашрга тайёрловчи С.Холбоев. — Т., Шарқ, 2001. — 128 бет.

✓ **Муртазаева Р.Ҳ.** ва б. Ўзбекистон тарихи (Маърузалар матни). — Т., 2000. — 164 бет.

✓ **Мусбуро РКП(б) в Туркестане, 1,2 и 3 Туркестанские Красвые Конференции РКП 1919-1920 гг. введением тов. Рыскулова.-Т., Туркгосиздат, 1922.-92 с.**

Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини та — лаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. — Т., Шарқ, 2000. — 432 бет.

✓ **Мустафа Чокай — оғлы.** Туркестан под властью Советов (К характеристике диктатуры пролетариата).-Париж, Яш Туркестан, 1935. -147 с.

Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари). — Т., Фафур Ғулум нашриёти, 1992. — 80 бет.

Очерки хозяйственной жизни Туркеспублики. — Т., изд ЦСНХ, 1920. — 598 с.

Ражабова Р.Ё. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 — 1993 йиллар). 9 — синф учун дарслик. — Т., Ўқитувчи, 1994. — 400 бет.

Раджапова Р.Я. и др. История Узбекистана (1917 — 1993 гг.). Учебник 9 — класса. — Т., Ўқитувчи, 1995. — 344 с.

Ражабов Қ.К. Мустақил Туркистон фикри учун мужода — лалар. — Т., Ўзбекистон, 2000. — 32 бет.

✓ **Ражабов Қ.К.** Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати тарихининг даврлаштириш муаммолари (1918 — 1935 йиллар). Ўзбекистон тарихи, 2000, №1 — 2, 80 — 89 — бетлар.

Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Часть I. 1917-1919 гг.-Т., Уз ГИЗ, 1925.- 218 с.

Рыскулов Т.Р. Собрание сочинений в трёх томах.-Т.1.-Алматы, Қазақстан, 1997.-336 с.

✓ **Сафаров Г.** Колониальная революция (Опыт Туркестана).-М., Госиздат, 1921.-147 с.

Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. — Т., Академия, 2001. — 334 бет.

Тарих шохидлиги ва сабоқлари. — Т., Шарқ, 2001. — 464 бет.

Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор Р.Я.Раджапова.-Т., Шарқ, 2000. — 672 с.

✓ Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифа — ларидан. — Т., Фан, 1996. — 83 бет.

Ўзбекистон: страници истории. -Т., Фан, 1991. -80 с.

Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Т.1. – Т., Фан, 1976. – 536 бет.

Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Т., Фан, 1997. – 61–174– бетлар.

Фитрат. Танланган асарлар. – Т.1. – Т., Маънавият, 2000. – 256 бет.

Фитрат. Танланган асарлар.Т.2. – Т., Маънавият, 2000. – 208 бет.

✓ **Ходжанов С.** К 10-летию Туркестанской советской автономии Туркестана.-Т., изд. Правда Востока, 1928.-22 с.

✓ **Чўлпон.** Гўзал Туркистон. – Т., Маънавият, 1997. – 128 бет.

Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Т., Шарқ, 2001. – 416 бет.

✓ **Шаҳобиддин Яссавий Исмоилшайх ўғли.** Turkistan Assicq Haqiqatlagi. – Истанбул, 1984. – 173 бет.

Юсупов П. Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар). – Урганч, Хоразм, 2000. – 488 бет.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.1. – Т., ЎзМЭ нашриёти, 2000. – 736 бет.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.2. – Т., ЎзМЭ нашриёти, 2001. – 704 бет.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2–китоб. Ўзбекистон совет мустамакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Т., Шарқ, 2000. – 688 бет.

Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. – Т., Эльдинур, 1998. – 98 бет.

Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. № 2. – Т., Шарқ, 1999. – 208 бет.

Қосимов Ф. Бухоро республикаси тарихшунослиги. – Бухоро, 1996. – 71 бет.

✓ **Ҳайдаров М.** Туркистонда совет ҳокимияти юритган сиёсатнинг маҳаллий аҳолига бўлган таъсири (1917–1924 й.). ТошДУ хабарлари, 1998, № 1, 53–58– бетлар.

Ҳайдаров М. ТАССР даврида совет ҳокимияти олиб борган сиёсат: тарих ва ҳақиқат. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарихидан. – Т., Университет. 1998, 44–52 бетлар.

✓ **Hayit Baymirza.** "Basmatcilar". Turkistan Milli Mycadele Tarihi (1917–1934). – Ankara, 1997. – 367 S.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА3

**I-БОБ. ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ВА МУХТОРИ-
ЯТЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ. ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИ**.....5

1.1. 1917 йил феврал – октябр оралигида Туркистон..... 5

1.2. Туркистон жадидаларининг миллий истиқлол ғояси
ва мафкураси..... 11

1.3. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти..... 18

**II-БОБ. ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЧА БОШҚА-
РУВ ТИЗИМИ**32

2.1. Туркистон ўлкасида ўрнатилган совет тузумининг ўзига
хос хусусиятлари. 32

2.2. Туркистонда марказлашган бошқарув тизими – совет
Россияси сиёсий ҳукмронлигининг ўрнатилиши. 45

2.3. Марказлаштириш сиёсатига қарши миллий раҳбарларнинг
кураши. 60

**III- БОБ. ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁ-
ТИНИНГ МАРКАЗ МАНФААТЛАРИГА БЎЙСУНДИРИЛИШИ**

.....76

3.1. Туркистондаги очарчилик ва унинг оқибатлари. 76

3.2. Туркистон иқтисодиётининг зиддиятли ривожланиши... 83

3.3. Туркистондан хом ашё бойликларининг ташиб кетилиши.
Туркистон қишлоқ хўжалигининг пахта яккаҳокимлигига
асосланиши. 97

**IV-БОБ. ТУРКИСТОНДАГИ ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРА-
КАТИ**108

4.1. Истиқлолчилик ҳаракатининг моҳияти. 108

4.2. Туркистон қўрбошилари. 116

4.3. Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятидаги истиқлол
жанглари. 145

**V-БОБ. ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ
ЧЕГАРАЛАНИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ТАШКИЛ**

ТОПИШИ155

ХУЛОСА.....160

Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати.....163

Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов,
Муродилла Маҳмудалиевич Ҳайдаров

ТУРКИСТОН ТАРИҲИ
(Ўқув қўлланма)

Муҳаррир Аҳмеджанова З.

Босишга рухсат этилди 26.11.2001 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Офсет босма усулида босилди. Нашриёт ҳисоб табағи 9,4.
Шартли босма табағи 11,6. Адади 1100 нусха. Баҳоси шартнома
асосида. Букортма № 293

“Университет” нашриёти. Тошкент — 700174, Талабалар шаҳар —
часи, ЎзМУ, маъмурий бино.

«Гротекс» Ўзбек — Америка қўшма корхонаси босмахонасида
босилди.